



# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов	Абдуваҳоб Нурматов
Эркин Воҳидов	Баҳамдулло Нурабуллаев
Кенесбой Каримов	Абдулла Орипов
Наим Каримов	Тўра Саидов
Тўра Мирзаев	Сирожиддин Саййид
Иқбол Мирзо	Йўлдош Солижонов
Минҳожиддин Мирзо	Хайриддин Султонов
Ғулом Мирзо	Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам  
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод  
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов  
Наср бўлими мудири — Орзикул Эргаш



## УШБУ СОНДА:

### Боқий сатрлар

Абдулҳамид ЧЎЛПОН



*Гўзал*

*Шеър*

*Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-қуйибмен,  
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,  
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?  
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*



Наср

Асад ДИЛМУРОД

### РАНГ ВА МЕЎВАР

**Роман**

*Муҳими, руҳан букилмаслик, фақат санъат олами эмас, ҳатто ҳар бир диёнатли мижоз дилида ҳам пайдо бўлган ўша кемтикни тўлдирадиган ягона ишончли чора мавжуддир, бугундан иккиланмай Чиғаноқни қайта чизиш учун енг шимариши зарур, акс ҳолда, бир умр юзи шувит бўлиб, армон тоғи остида эзилиб яшайди...*



### Шеърят

ҲУМОЮН



*Ўйловим, йўлнинг беришим!*

*Шеърлар*

*Тун. Ёлғизлик. Ажиб чиройга  
Ошиқдир кўзим.  
Қандай оғир ёлғизлик ойга,  
Ойим – ёлғизим.*



### Адабий жараён минтақалари

Елена БЕЛЯКОВА

### ШАРБАТГА ТЎЛА МЕВА ЁКИ БЕМАЗА ЙЎГУРТ

*Бир қарашда, байналмилаллик ва глобализм бир-бирига яқин тушунча кўринади. Аслида эса, улар мазмун-моҳиятига кўра тамоман тескаридир.*





## Драматургия

### ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

Наим КАРИМОВ

#### Комедия

**Ғафур Ғулом.** Фарғонанинг афандиси Адҳам Ҳамдамнинг ўғлимисан ҳали!

**Номаълум йигит.** Ҳа, Адҳам Ҳамдамнинг ўғлиман.

**Ғафур Ғулом.** Отанг менинг олдимга ҳуда-беҳудага келавермасди.

**Номаълум йигит.** Тушунмадим.

**Ғафур Ғулом.** Бемаврид келдинг, деяпман, болам...



## Бир дарахт новдалари

Улмамбет ХЎЖАНАЗАРОВ



### Шилаб олин сузим

#### Шеърлар

Бугун қўшиқ ёзажакман,  
Ажойиб, хушовоз бўлгай.  
Қувват битиб қанотига,  
Осмонларга парвоз қилгай.



## Адабиётшунослик

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ


### "АДАБИЙ ТАНҚИД ФАНИ" ТАМОЙИЛЛАРИ

...адабий танқид атрофидаги мунозаралар, илмий баҳслар, бир-бирини тасдиқловчи ёки инкор этувчи турли хил қарашларнинг юз бериши табиий ҳол бўлиб, улар соғлом адабий муҳит шаклланишида асосий тамойил сифатида хизмат қилади.



## Ёднома

Абдусайд КЎЧИМОВ



### КАМТАРЛИКНИНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИСИ

#### Бадиа

Шеър тугади. Бир жўшқинлик повиллаб шоирнинг юзларига урилди, кўзлари ўткир-ўткир чақнаб кетди. Сарой эса қарсақлар, олқишларга кўмилиб кетган эди. "Ўқинг!", "Яна ўқинг!" деган талаблар эшитиларди ҳамма томондан. Маъруф ака томоқ қириб олиб яна ўқий бошлади...

## МУНДАРИЖА

<b>БАТАН МАНЗАРАЛАРИ</b>	
Кенесбой Каримов. Мустақиллик берган имконлар. ....	5
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Эшқобил Шукур. Манзил йироқ, умид сендан. Шеърлар. ....	8
Хосият Бобомуродова. Юрагимда оппоқ тонг отар. Шеърлар. ....	68
Ҳабиб Абдуназар. Улғайтирдим мурғак онларни. Шеърлар. ....	115
Ҳумоюн. Йўловчи, йўлингни берсин! Шеърлар. ....	128
Жамолиддин Муслим. Сонетлар. ....	131
<b>БОҚИЙ САТРАЛАР</b>	
Абдулҳамид Чўлпон. Гўзал. Шеър. ....	75
Элбек. Қалбим. Шеър. ....	76
Ғафур Ғулом. Йигитларга. Шеър. ....	76
Боту. Умид сўзлари. Шеър. ....	77
Ойбек. Тушимда кўрдим сени. Шеър. ....	85
Мақсуд Шайхзода. Қўллар. Шеър. ....	85
Ҳамид Олимжон. Хаёлимда бўлдинг узун кун. Шеър. ....	87
Миртемир. Бетоблигимда... Шеър. ....	87
Усмон Носир. Юрак. Шеър. ....	88
<b>БИР ДАРАХТ НОВАДАЛАРИ</b>	
Улмаббет Ҳужаназаров. Тилаб олган сўзим. Шеърлар. ....	141
<b>БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ</b>	
Меҳриноз Аббосова. Рухим қуши сайрар сен томон уча. Шеърлар. ....	221
<b>ҒАЗАЛ БЎСТОНИ</b>	
Самандар Воҳидов. Дилга нақш этдим жамолинг. Ғазаллар. ....	147
<b>НАСР</b>	
Асад Дилмурод. Ранг ва меҳвар. Роман. ....	12
Муҳаммад Шариф. Қулдиргич. Ҳикоя. ....	71
<b>ДРАМАТУРГИЯ</b>	
Наим Каримов. Дўрмон ҳангомалари. Комедия. ....	89
<b>МУШОҶАДА</b>	
Улуғбек Ҳамдам. Қодирийнинг хизмати нимада? .....	78
<b>АДАБИЙ ЖАРАЁН МИНТАҚАЛАРИ</b>	
Елена Белякова. Шарбатга тўла мева ёки бемаза йўгурт. ....	118
<b>МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ</b>	
Зебо Қобилова. Ишқ мулкининг Амири. ....	124
<b>ИФТИХОР</b>	
Охунжон Ҳакимов, Сайдали Одилов. Қирдаги паҳлавон. ....	134
<b>МАТНЛАРНИ БАРАҚЛАГАНДА</b>	
Алимардон Ҳайитов. “Арбаъини Жомий”нинг таржимонлари. ....	144
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Бойназар Йўлдошев. “Адабий танқид фани” тамойиллари. ....	150
Абдусамад Тўйчиев. Тарихий бадииятда макон ва замон. ....	154
Мақсуд Асадов. Нома ва соқийнома. ....	157
Отабек Сафаров. Ижод завқи ва машаққатлари. ....	161
<b>ЁДНОМА</b>	
Абдусаид Кўчимов. Камтарликнинг баланд чўққиси. Бадиа. ...	164
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Ҳайдар Муҳаммад. Табассум Шоший ҳангомаларидан. ....	174

## ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2012

5-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
ЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин.  
Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

\* Обунага монетьлик кўрсатилса,  
Тошкент – 100000,  
«Амир Темур» тор кўчаси, 2. Республика  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.  
**Обуна индекси — 911**

**Манзилимиз:**

100127, Тошкент шаҳри,  
«Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
10.10.2012 йил.

Қоғоз бичими 70x108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-қоғозга босилди.  
Босма тобоғи 11.

Шартли босма тобоғи 15,4.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.  
Адади 1940 нусха.  
Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.  
«Ўқитувчи» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Саҳифаловчи ва дизайнер:  
Ақбарали Мамасолиев  
Мусаххих:  
Дилфуза Маҳмудова

Copyright © «Шарқ юлдузи»



## Ватан манзаралари

### МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНЛАР

“Дийдор ғанимат”, дейди халқимиз.

“Туз-насиба тортди”, ҳам дейишади.

Хуллас, биз халқ вакиллари, китобхонлар билан учрашиш ниятида. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Жиянбой Избосканов эса, ўзининг киндик қони томган, улғайиб вояга етган овули, Шўманойнинг “Оқжан” ариқ бўйида жойлашган, ҳозирда кичик элатга айланиб улгурган ўз овулини кўришга ошиқди, муштоқ эди. Шундай қилиб Шўманойга отландик.


– Бу томонлар бундан ярим аср олдин сув кўрмаган бўз ерлар бўлган, – деб суҳбатини бошлади шоир дўстимиз. Мамий далалари қаршисидан ўтаётганимизда, ўтган минг йилликнинг эллигинчи йилларида бу томонларга халқ кўчиб келиб, ариқлар қазиб, сув келиб, инсонлар жойлашиб олган. Бу ерларда пахтачилик ва боғчилик билан шуғулланиш учун имконият катта. Ўтган йилнинг ўзида “Мамий” овул фуқаролар йиғини ҳудудида эллик гектар боғ яратилган. “Қулоқ эшитганни кўз кўради”, дейишади. Балки, ўша боғнинг кўкариб, мева берганини кўриб, мевасидан татиб ҳам кўрармиз ҳали. Яқинда бир афсона ўқигандим, – деб гапини давом этди у, – қадим замонда бир подшо юрт кезиб бораётса, бир қариянинг мева кўчатларини ўтказаётганига кўзи тушибди, қариянинг қадди букилган, Оллоҳга омонатини топшириш учун санокли кунлари қолган бўлса, ажаб эмасди. Бу ҳолатни кўрган подшо отини тўхтатиб, ундан сўрабди:

– Жуда қариб қолган кўринасиз, ўтказаётган манави кўчатларнинг мевасидан татиб кўриш умидингиз борми ҳали?

– Албатта, умидим бор. Бу дунё ғаройиботларга тўла. Мабодо, бизга насиб этмаса невараларимга насиб этар, боғ қилиш савоб иш, уни кўлидан келган ҳар ким қилиши лозим. Ўзим мевасидан татиб кўрмасам, бошқалар татиб кўрар, соясида ўтирганлар мени эслаб, дуо қилиб қўяр, – дебди қария.

– Қариянинг ҳозиржавоблигидан кўнгли тўлган подшо унга бир тилло берибди.

– Мана, кўрдингизми, подшоҳим, мен ўтказган кўчатлар бугундан бошлаб мева бера бошлади ва ундан ўзим татиб кўрдим, деб ҳисоблайверинг, – дебди қария.



**Кенесбой  
КАРИМОВ**

*1948 йил  
туғилган.*

*Қорақалпоғистон  
Ёзувчилар  
уюшмаси раиси.*

*Қорақалпоғистон  
Республикасида  
хизмат кўрсатган  
журналист. “Масо-  
фалар”, “Оролдан  
келдим”, “Унутилган  
ярим ой”, “Кўнглим  
мулки” каби  
шеърый тўпламлар  
муаллифи.*

Ўзининг гапдан ютқазганини англаган подшо хизматкорига:

– Қарияга бир ҳамён тилло беринг, – деб буюрибди ҳамда унинг сўзидан кўнгли кўтарилиб, йўлида давом этибди.

Биз йўл-йўлакай туманнинг “Бекжан” овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 31-сонли мактаб жамоаси ва ўқувчилари билан учрашгандик. Ҳозиргина Жиянбой айтган ривоят билан турфа тусда кийинган шўх-шодон ўғил-қизлар орасида қандайдир боғлиқлик бордек туюлди, хаёлимда.

Ҳа, бор эди. Ўғил-қизларимиз барчаси мустақиллик ғунчалари, улар озода кийинган, катталарнинг оғзидан чиққан ҳар бир ҳикматли сўзни дарҳол қулоғига қуйиб, эслаб қолишга тиришадиган содда ва шўх, очик кўнгли қишлоқ болалари эди. Шоир отасининг ўзи ўқиб берган эртагига маҳлиё бўлиб турганликларидан, шунингдек, ўзлари ўқиган мақолларидан, бир-бирига берган савол-жавобларидан зеҳнли эканликларини англадик.

Кейин маълум бўлишича, болаларимиз синфлараро: “Сиз қонунни биласизми?” деган танлов бўйича куч синашишга пухта ҳозирлик кўришган, биз бўлса, улар учун қутилмаган ҳайъат аъзолари ва тингловчилар бўлган эканмиз. Хайрлашиш чоғида мактаб директори – ёш бўлгани боис, биз уни ҳали олий ўқув юртини яқинда тугатган ўқитувчи деб ўйлабмиз, – Дилафруза Халекова мактабга яна учрашувга келишимизни, истеъдодли болалар билан учрашиб, суҳбатлашимизни илтимос қилди.

Йўл бўйи кўнглига келдики, мустақиллик йилларида халқимиз идрокида, жамоатчилик руҳиятида катта ўзгаришлар юз берди. Демакки, адабиётимизда, шу жумладан, қалам аҳлининг ижодий ишларида бурилишлар ва ўзгаришларни тақозо этди ва бу табиий ҳол сифатида қабул қилиниши лозимдир. Айниқса, бугунги, барча халқимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллик байрамини кенг миқёсда нишонлаётган пайтда, бу жараёни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Қадим тарихи асрлар оша шаклланган, халқимизнинг турмуш тарзини, боқий анъаналарини ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодидан, шунингдек, қорақалпоқ мумтоз адабиётининг дурдона асарларидан баҳра олган қорақалпоқ адабиёти, халқимизнинг бой маданий меросини, орзу-армонларини тараннум этган талантли оқсоқол муаллифларимиз халқимизни кўп элларга танитди. Шундоқ бўлса-да, забардаст оқсоқолларимиз шўролар салтанати йилларида давр замонасозлигидан чиқолмай, дилларидагиларини эмин-эркин айтолмай, баралла куйлолмай кетдилар-ов, деган андиша кўнглимиздан кечаверади... Шукурки, ўша давр елкашларига қарамасдан дадил, ўктамлик билан ижод қилган сўз заргарларининг муборак исм-шарифларини ҳали-ҳануз яхши эслаймиз. Айтайлик, илк маърифатпарвар шоир-ёзувчиларимиз: Сейфулғабит Мажидов, Қосим Авезов, Избосар Фозилов, Нажим Довқораевлар қайси ёки қандай гуноҳлари учун жафо чекди? Улар юртимиз, халқимиз, миллатимиз, адабиётимиз қолақ бўлсин, ўзгалардан кам бўлсин, дедиларми? Аксинча, зиёлиларимиз “янги замон, янги инсон яратамиз”, дея жар солган, руҳан қашшоқ бўлган юзаки инқилобчиларга ўз асарлари орқали бу юртнинг, бу халқнинг бой миллий маданияти, урф-одатлари, ўз турмуш тарзи борлигини, азалдан мавжуд эканлигини уқтирмақчи эдилар, холос.

Мустақиллигимизнинг бизга берган энг улуғ эҳсонларидан бири, бу – эрк, шахс эркинлиги, сўз эркинлиги, десам, ўринли бўлур, деб ўйлайман. Чунки, юқорида номлари зикр қилинган аллома адиблар, айнан, эркталабликлари учун жабру ситам чекқандилар...

Туман ҳокимиятида бизни ҳоким ўринбосари Иброҳим Давлатмуродов кутиб олди. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича масъул бўлган Иброҳим Рустамович бизга шундай ҳикоя қилди:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган дастурга мувофиқ, ўтган 2011 йилда туман марказидан 150 ўқувчига мўлжалланган замонавий мусиқа ва санъат мактаби, шунингдек, 7-сонли мактаб қошидан спорт зал

битказилиб, фойдаланишга топширилди. Тиббиёт бирлашмасида лойиҳа миқдори 3 миллиард сўмдан зиёд бўлган таъмирлаш ишлари бошланди ва битиш арафасида. Бундан ташқари ҳарбий чақирув пункти биноти, бозор қурилиши, замонавий тўйхона, 13-сонли мактаб қуриб, битказилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 14 ижтимоий объектда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, бир неча километр йўлларга асфальт ётқизилди, 3 минг квадрат метрга яқин турар жой биноти қурилди. 4 километрдан охиқ газ тармоғи, 13 километрга яқин сув қувурлари тортилди. 150 километр заҳкашлар қазилди. Буларнинг барчаси туман иқтисодиётини ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган, албатта.

Иш билан таъминлаш, аҳоли бандлиги ҳеч қачон диққат марказимиздан четда қолмайди. Ўтган йили 1600 дан зиёд янги ишчи ўринлари яратилди. Натижада, саноат маҳсулотларини истеъмол товарлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш чакана ва улгуржи савдо ҳажми анча ортди.

Белгиланган вақт яқинлашган эди, Шўманой тумани марказининг чиройини очиб турган янги болалар мусиқа ва санъат мактабига яқин жойлашган педагогика коллежининг муҳташам залида ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари, коллеж ўқувчилари билан учрашувга ошиқдик. Учрашув муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон муслиқилликка эришиш остонасида” номли китоби ҳақидаги мулоқотдан бошланди. Юртимиз мустиқилликка эришиш остонасида турган дастлабки йилларда Юртбошимиз Ислон Каримовнинг машаққатлардан кўрқмасдан мардонавор олиб борган курашлари хусусидаги суҳбатлар тингловчиларда, айниқса, ёшларимиз орасида катта қизиқиш уйғотди. Чиндан ҳам уларнинг кўпчилиги мустиқиллик йилларида туғилган ва ўсиб улғаяётган, шу боис, бугун ўзлари билим олаётган иморат ва қулай шароитлар мустиқиллик шарофати билан бунёд қилинганини эшитганларида, бу сўзларни қарсақлар билан кутиб олди. Бу қарсақларда, бугунги тинч ва осойишта замонга, уни барпо қилишга фидойилик қилган ва қилаётган Президентимизга чин дилдан билдирилган миннатдорчилик туйғулари жо бўлган эди.

Мустиқиллик йилларида ёшлар орасидан талантлиларини излаб топиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг эшиги ёш ижодкорлар учун ҳамиша очик. Улар билан доимий ижодий мулоқотлар олиб бораётган Кенгаш фаолияти самарали бўлмоқда. Бир гуруҳ ёшларимиз “Дўрмон” ижод уйига ташриф буюриб, у ердаги адабий муҳит билан яқиндан танишдилар, атоқли ўзбек ёзувчи-шоирлари билан суҳбатдош бўлдилар. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ёш ижодкорларнинг ҳудудий семинарлари ўтказилди. Болаларга бағишланган “Қарлығаш” (“Қалдирғоч”) рангли-безакли журналнинг дастлабки сонлари чоп қилинди. Ҳар ойда бир марта, тўрт тилда чиқаётган “Қорақалпоқ адабиёти” газетасида доимий ёшлар саҳифаси мавжуд. Хуллас, ёшларимиз диққат-эътиборимиздан ҳеч қачон четда қолмайди.

Айни кунда, туманда яшаётган 52 мингдан зиёд аҳолининг 10.5 мингги деярлик ёшлардир, замонавий жиҳозланган учта касб ҳунар коллежи, янгидан таъмир қидинган йигирмадан ошиқ мактаблар улар хизматида. Ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етишишлари учун Юртбошимиз томонидан яратиб берилган қулайликлар, амалий ишлар изчил давом этмоқда. Ахир, шу ёшлар мамлакатимизнинг, озод ва мустиқил Ватаннинг бир гўшаси бўлган Шўманойнинг порлоқ келажагини яратувчилар эмасми? Шубҳасиз, шундоқ!

## Шеърят

**Эшқобил  
ШУКУР**

1962 йил туғилган.  
Илк шеърий тўплами – “Юракни ўрганиши”. Шундан сўнг унинг “Сочлари сумбул-сумбул”, “Тунги гуллар”, “Яшил қушлар”, “Ҳамал айвони” шеърий китоблари ва “Кўҳна бог ривоятлари” насрий китоби нашр этилган. “Нақшбанд”, “Ибтидо хатоси” каби достонлар, шунингдек, “Оқибат оқиоми”, “Дунёнинг кўчиши” каби қиссалар муаллифи.

*Манзил йироқ, умид сендан***Салом**

*Капалак кулгусин, булут шарбатин  
Таъмини тонгларда тотиб кўрганлар,  
Ўзимдан улугдир сизга ҳурматим,  
Саломимни олиб, салом берганлар.*

*Бири кабутардай, бири бургутдай  
Кифтида осмонни олиб юрганлар,  
Кафтимда порлаган бир сиқим ўтдай,  
Саломимни олиб, салом берганлар.*

*Иккита сўзим бор: “Салом” ва “Видо”,  
Иккита лафзим бор: “Номус” ва “Ҳаёт”.  
Баъзан Ассаломга ўхшар Алвидо,  
Баъзан Алвидога ўхшар Барҳаёт.*

*Қандай алқай сизни, қандай улуглай,  
Қуёшга табассум қилиб турганлар,  
Юрагим тубидан узилган чўгдай,  
Саломимни олиб, салом берганлар.*

**Арзи ҳол**

*Юракда енгил бир шамол айланди,  
Бошимда бошқа бир ҳилол айланди.  
Шоирдан хабар ол, шу дамда менга  
Билмасман заволми, камол айланди?!*

*Аста қўлларингга суянсам, дейман,  
Қайғунинг ичидан қувонсам, дейман.  
Шоирдан хабар ол, кўнглим безовта,  
Кимгадир руҳимни инонсам, дейман.*

*Кечикиб қолдингми, синглим Қалдирғоч,  
Сен-чи, ҳиммат беги бек оғам, оғоч.  
Шамол қанотига узун хат ёздим,  
Худойим кўнглимдан сўрганда хирож.*



*Юракда енгил бир шамол айланди,  
Бошимда бошқа бир ҳилол айланди.  
Шоирдан хабар ол, шу дамда менга  
Билмасман: заволми, камол айланди?!*

### **Зиёрат**

*Дунёга не бериб, нимани олдим,  
Кўнглим саҳросида гуллади зорлар?!  
Дилдан дин топган султондай келдим,  
Туркистон пирлари ётган мозорлар.*

*Бу мангу ибодат – мангу ҳақиқат,  
Руҳлар манзилгоҳи тилангиз омон.  
Бир коса гулобдай чайқалар хилқат,  
Бир оний шамолдай гувиллар замон.*

*Кўнгил рўзгорининг ризқини тердим,  
Ажаб туйғулару ажаб озорлар...  
Сизга қушлар тўла юрак келтирдим,  
Туркистон пирлари ётган мозорлар.*

*Бир оний шамолдай гувиллар замон,  
Қай бошда гултоғу қай бошда дорлар.  
Қай дилни етаклаб юрибди имон,  
Қай дилни комига тортмоқда морлар.*

*Гоҳо ўрмалабман думимни судраб,  
Гоҳ ҳарир қанотлар ёйибман кўркам.  
Гоҳо уйғонибман тонглардай титраб,  
Гоҳ баттар яшабман ўликлардан ҳам.*

*О, мунча залолат – беш кунлик сафар,  
Инсон жилваси-ю, ҳайвон шарпаси?!  
Ҳар бошда айланса то рўзи маҳшар,  
Қуёш қулгуси-ю, зулмат қўлкаси.*

*Эй дил, қайда эдинг, қайларда қолдинг,  
Кифтингда неча куз, неча баҳорлар?  
Ҳол сўраб турибди маҳшардан олдин,  
Туркистон пирлари ётган мозорлар.*

### **Меҳр қизганчиги**

*Ҳиммат кўчасидан ўтганмисан ҳеч,  
Меҳр қизганчиги, сўз қурумсоғи?  
Энди ўзинг учун ўз тўнингни бич,  
Оёгинг ерда-ю, кўкда димогинг...*

*Иҳота қиласан ўзингни кун-кеч,  
Содиқ қулсан кибр зоясига сен.  
Қўрқма, истасанг ҳам яшамасман ҳеч,  
Сенинг шухратингнинг соясида мен.*

*Бормасман, кўнглингда менга нима бор,  
Кирмасман, кўйинг ҳам ўз феълингга тенг.  
Сен қанча тор бўлсанг... қанча бўлсанг тор,  
Дунё шунча кенгдир, дунё шунча кенг.*

### Паришонман

*Сирлашади дала ва шамол,  
Ортимдан жим эргашар дарахт.  
Фариштадай кўрсатар жамол,  
Қўл ушлашиб қайғу билан бахт.*

*Сирлашади дала ва шамол,  
Паришонман, жуда паришон.  
Учрашувга кечикди хаёл  
Ва недандир ичикди виждон.*

*Ўзин оқлаб-қоралаб кўнглим,  
Тун кечага дардини ёрар.  
Қоронгулик оралаб кўнглим,  
Яратганни ўрганиб борар.*

### Сахродаги садо

*Йўлда қолган йўловчининг қўлловчиси,  
Йўлсизларни равон йўлга йўлловчиси,  
Қоқ сахрода соя берган, булоқ берган,  
Қумда қолган қулунларнинг сўровчиси.*

*Суринганда тулпорларга мадад бўлган,  
Аро йўлда қақшаганга қанот бўлган,  
Қора бошининг қоронғуда қаровчиси,  
Йўлда қолган йўловчининг қўлловчиси.*

*Манзил йироқ, умид сендан, нажот сендан,  
Ўлимларнинг қуршовида ҳаёт сендан,  
Жон риштасин Ҳақ нурига уловчиси,  
Йўлда қолган йўловчининг қўлловчиси.*

### Азал куйи

Сен баҳордан олдин гуллайсан,  
 Жилмаясан саҳардан олдин.  
 Ҳар гал ойдан олдин тўлгайсан,  
 Жон ичида жавҳардан олдин...  
 Сен олдин,  
 Сен олдин.

Сен ёмғирдан аввал йиғлайсан,  
 Ёғажаксан қорлардан аввал.  
 Янги йилдан аввал киргайсан,  
 Дил тубида зорлардан аввал...  
 Сен аввал,  
 Сен аввал.

Юрагимнинг боғчаларида  
 Етаклайсан ўн икки ойни.  
 Дил дарахтин шохчаларида  
 Куртаклаган етмиш минг куйни  
 Сен чалдинг,  
 Сен чалдинг.

Сувдан олдин дарё жони, сен,  
 Сен ёрийсан чақмоқдан олдин.  
 Йиғлаётган булут қони, сен,  
 Ҳар қадамнинг сўқмоқдан олдин...  
 Сен олдин,  
 Сен олдин.

### Қамишзорда кечган тун

Қамишзорда кечаётир тун,  
 Тун.  
 Ой нурида ярқирайди кўл,  
 Кўл.  
 Уватларга тўкилган шудринг –  
 Сен.  
 Қамишзорни кесиб ўтган йўл –  
 Мен.  
 Қамишзорни айланар шамол,  
 Қол.  
 Куйлар куйлар кузги қамишзор...  
 Зор.  
 Минглаб найнинг танглайида бол,  
 Ол.  
 Жондай дўстим чолғувчи шамол...  
 Қол...

## Наср



**Асад  
ДИЛМУРОД**

1947 йил туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Илк ҳикоялар тўплами – “Осмоннинг бир парчаси”. “Тош бургут”, “Сирли зина”, “Шердор”, “Мулк”, “Тирих”, “Тоғлар, сукут сақламанг”, “Мезон буржи” қиссалари, “Афросийёб сукунати”, “Кўчки” каби китоблари нашр этилган. “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуш”, “Паҳлавон Муҳаммад” сингари романларнинг муаллифи.

## РАНГ ВА МЕҲВАР

### Роман

1

Зарбанд тоғ тизмалари пойида ястанган кичик шаҳар осуда тун оғушида мудраб ётибди, олисларга чуваланиб кетган уфқ гардишини кулрангга мойил кўланкалар ўраган, яқину йироқда янграётган энгил шовуллаш ўзаро қоришиб бир маромда кучайиб боради, қайси бир ўлчамдан ингичка чизик тортиб учган юлдуз дўппидек торгина ҳовлиси бир ярим газлик ёғоч ходалар билан ўралган, ҳам ётоғу ҳам устахона вазифасини бажарадиган уй узра милтиллаб сўнади-ю, бир париваш исмини тутиб чақиради, кичик оҳанги устувор Комрон Вали деган хитоб зарб ила оғир болға урилган каттакон зангдек варанглаб акс садо беради...

Аллақачон уйқуси қочиб бедор эмасми, бувам замонидан қолган маймоқ диванда гоҳ ёнбошу гоҳ чалқанча чўзилиб безовтаҳол тўлғанарди, қаймоқдай ёқимли товуш кўнгли тубида ҳам янграгач, тасаввурида сутга чайилгандек беғубор хусни жамоли ва ажиб ғамзалари билан ёшу қарини бирдек ошифта этувчи Санам гавдаланди. Жон сўровчи фитнакор қошу кўзлар соҳибаси азалдан, ҳатто илиги тўлиша бошла-

### АНИҚЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛГАН МАВҲУМЛИК

Ўқирманлар орасида: “Икки марта ўқиб бўлмайдиган асарни бир марта ҳам ўқимаган маъқул”, – деганга ўхшаш гап юради. Журналхонлар эътиборига ҳавола этилаётган роман билан танишиши, бу жараёнда ҳар бир ўқирман ўз руҳиятида юз берган кечинмаларни туйиши, тушуниши ва изоҳлаши учун уни қайта-қайта ўқилишига тўғри келади. Негаки, ушбу роман бадиий асар ҳақида бизда шаклланган одадий тушунча ва тасаввурларга унчалик мос келмайди.

Таниқли ёзувчи Асад Дилмуроднинг рўё билан реаллик, хаёлот билан ҳаёт аралаш тасвир этилган ушбу романи ўқирмандан интеллектуал зўриқиши ва руҳоний йиғноқликни талаб этади.

Миллат аҳлининг маънавий-интеллектуал савияси юксалгани унинг бадиий диди турфалашиганида намоён бўлади. Индивидуалнинг шахсга айланиши унинг индивидуал бадиий-

ган ўсмирлик давридан бери ошкора ва пинҳона пайига тушган, гўё жами хужайрасида муқим ўрнашган-у, истаган пайтида бемалол тинчини бузаверади.

Аслида ҳозир Санам бемаврид безовта қилгани учун эмас, дераза ва эшик ортида юпка зулмат пардаси ҳукмрон бўлган ҳолда, ҳавоси сўриб ташланган хужра каби димиққан устахона прожектор нури тушгандай ёришиб кетганига ажабсинди, кўкси енгил қалқиб аста қарасаки, девордаги миҳларга илинган ва ерда сафланган асарлари қандайдир ёнғин ичида қолибди, улардан липиллаб сачраётган чўғларни кузатгани сайин хаёлида турли шубҳа ва фаразлар чарх уриб айланарди. Ақл бовар қилмас, наҳот ҳали кўпам етилмаган, аммо қачондир улғайиб шухрат ато қиладиган ижодиға соҳиби каромат Аполлон<sup>1</sup> зулматга чўмган мозий довлонлари оша назар солмиш?!

Қадимда қўлида камон ёки қолғу асбоби ушлаган навқирон йигит тарзида тасаввур қилинган Аполлонни нечун эслади, бир неча марта уни ўшандай ҳолатда чизишга уриниб кўрган, лекин қониқиш ҳосил қиладиган даражада эпполмаган, бир неча хомакисини сақлаб қўйибди. Заҳираси умуман кўп чакки эмас, студентлик давридан то ҳозирга қадар яратилган, сотилмай ёки музейга топширилмай қолган бир қанча картинаси тўпланган бўлиб, ҳар бири ҳаётидаги бирон воқеани эслатади. Ҳозир Апаллон арвоҳи афсун қилгандай, тўқ пушти гуллаган чўзинчоқ кунда, шохлари ерга санчилиб кирган, илдизлари ҳавода муаллақ дарахт, оғзидан илон тортиб чиқараётган афсунгар, елимқоғоз билан тумшуғи боғланган тўти, қайчисини йилтиратиб мусича қанотини қирқаётган болакай, чақир тикан уюмида чалқанча ётган ва яланғоч баданини девпечак ўраган паҳлавон тасвирлари – бариси яшилу сариғу қирмизи чўғланмиш ва энг четда турган Жилға аталмиш картина камалак тусида...

Жилға бўёқлари тиниқлашиб жимирларди, бежирим чорчўпга тортилган узун ва энли матони қоплаган ҳайбатли сурмаранг чўққилар, фалак бўйлаб сокин юзаётган тўлин ой, замин белида қалашик ғадир-будир тошлар ва патталаган томирларни ювиб оқаётган зилол сув ифодалари лов-лов ёниб ойдин шуъла таратмоқда.

Аста-секин бутун қурилма жонланиб шовуллай бошлади, гўзал осмон маликаси тезгина бўёқлар оламини тарк этиб, қумуш баркаш мисол пириллаб кела-кела кўқиб ётган устахона саҳнига кўнди ва ногоҳ хаёлан ўспиринлик даврига кўчди. Энди безовта кўксида мўйлаби сабзалаган ва овози шира тортиб дўриллай бошлаган чайиргина бўз йигит юраги гупиллаб тепарди, фақат эзгу орзу-умидлар эмас, чексиз қайғу-ҳасрат ва аламу армон билан лиммо-лим юрагига нақадар боғланиб қолган, аммо содиқ ва захматкаш ҳамдами ҳеч бир рисолада йўқ телбавор одатларига яна қанча муддат чидаркин?!

<sup>1</sup> Юнон афсонасига кўра, олимп худоси, фан ва санъат ҳомийси.

*эстетик дидга эғалигида юз кўрсатади. Бугунги ўзбек адабиётида қилинаётган турли-туман ижодий тажрибаларни миллий дид юксалиши ва турфаланишининг натижаси дейиши мумкин. Эндиликда ҳамма ётпасига ўқийдиган асар ёзиб бўлмайди. Бу босқич адабиётимизнинг тарихида қолди. Диди бир хил бўлмаган миллатнинг адабиётида турфалик етакчилик қилади.*

*Асад Дилмуроднинг ушбу асари ўзига хос стилистикаси, ифода услубидаги бетакрорлик билан ажралиб туради. Асар бошдан-оёқ ички бир мусиқага қурилган. Ана шу мусиқани илғаб олмаган ўқирман уни ўқиёлмайди, ўқиса ҳам муаллиф бадиий ниятини англаб етмаслиги мумкин. Чунки асарда тасвирланган тимсолларнинг шахсиятига хос жиҳатлар ана шу мусиқийлик замирига жойланган. Муаллиф персонажларнинг қолипга тушмас руҳият ва хаёлотни оқимидаги ўзига хосликларни сўзлар мусиқаси орқали ифодалашга уринган.*

*Айтиши мумкинки, романда фабула йўқ, яъни асарда персонажлар бошидан ўтган воқеалар тасвирланмаган, балки қачондир бўлиб ўтган воқеаларнинг тимсоллар руҳиятидаги излари ретроспектив йўсинда акс эттирилган. Қаҳрамонлар кеча, бугун, эртага сингари алоҳида уч ўлчамга эга оламда эмас, балки буларнинг бари аралашиб кетган ва кечадан бугунга, реалликдан тушга ўтиб кетаверадиган аралаш ўлчамли дунё огушида акс эттирилади. Бу ҳолнинг формал мантиқ талабига бўйсунуши керак бўлган фабула бағрига сигмаслиги табиий ва шу боис ёзувчи персонажларнинг нима*

Жавоб топилиши маҳол, шундан воқифки, мудом унга дадил суянгани учун не-не мудҳиш синовларга дош бермади, ҳатто олажуз қавми тақдирида чуқур из қолдирган даҳшатли тошқин пайтида ҳам букилмай, аксинча, пўлатдек тоблани, ўшанда неки ғаму андуҳ ва надомат ютган бўлса, барисига ака-ука Тўра Охун ва Носир Охунни изида эмаклатиб майна қилган, ўзи эса аломат томоша кўраётгандек завқланган Санам шохид эмасми?!

Киндик қони томган қишлоқ устига бало-қазодек ёпирилган тошқинни қиёматга қадар унутмаса керак, хотирасига тоабат муҳрланган ҳодиса, андак феъли анақароқ Дамин полвон, қонсираган қилич кўтариб келган гирмонни ўзим манглайдан паққа отаману мижарони тинчитиман дея, элдан бурун сафарга отланган, аммо тезда тиз-засидан яраланган ва қийшиқ таёққа суянган ҳолда қайтган ҳамда Мерган лақабини орттирган вақтда рўй берганди.

Тангри таоло қачондир темир дафтаридаги рўйхатга киритиб қўйган ақл бовар айламас кўргилик, муаззам замин артилган ойнадек тип-тиниқ осмон остида, зилдек сукунат беланчагида, бетга оловдек ёпишадиган жазирама исканжасида мудраётган пайтда, тўсатдан содир бўлгани ҳали-ҳали ичини қиздиради. Ўшанда дафъатан поёнсиз мовий самовот тоқини чақмоқ шиддати ва гулдурак зарби тебратиб, сукунат чокчокидан сўкилган ондаёқ ўтақаси ёрилишига сал қолганди, сўнг кўз очирмай қуяётган дўлу жалалар тажовузкор тошқинга эврилганда, тошқин бутун борлиқ ва қадрдон қишлоғини кўмганда қанчалар бўзлаб титрамади, ҳали пишиб улгурмаган ақлу заковати эса тилсимга ўхшаш ажиб ҳодиса мағзини чақолмай қийналди, буни борича теран англаши учун сал кейинроқ отаси Вали бахши қўллаб юборди.

Жонон дўмбира асри бўлган Вали бахши кўнгил иқлими тасодифу зарурат боис турфа рутубат, лой-ғубор ва хасу хашак билан тўла боришини савоб қадри ва увол захри ҳақидаги эски бир ҳикмат баҳона лўнда-лўнда қилиб тушунтирди, вақти-соати етганда ўша нарсалар кўнгил иқлимга сиғмай гупуллаб туғён уриши, охири кўп оғиру энгилни кўрган кўзлар орқали сиртга интилишини ўшанда билди, падари каромати осмон мусаффо бўлган кунда рўй берган, фақат замин эмас, бовурларни ҳам ўпириб кетган офат ибтидоси ва интиҳосига мувофиқ тушганди.

Вали бахши уқтирган ҳақиқатни тафаккури бойиб, тажрибаси ортгандан кейин чуқурроқ англади, сўнг ороми ҳамда тароватини йўқотган ўша мотамсаро онларда, қонсираган гирмон қиличидан ваҳималироқ тошқин кутуриб ҳамла қилганда, ҳар неки кўргану кечирганини мойбўёқ билан матода зарбланиш ва жувонмарг кетган қавмдошлари арвоҳини шод этишга бел боғлади.

Ёлбориб парвардигордан тилайдики, яқин-орада ёки жони узилгунча бутун вужуди, хуш-хаёли ва ақлу заковатини банд қилиб қўйган алоҳида туркумни мухлислар ҳукмига топшириши лозим, жорий вазифа ижроси тирноқ билан баҳайбат тоғни тешиб ўтишдан ҳам оғирроқ албатта, лекин яхши ҳам эзгу ниятда ижодий режа тузган ва мўйқалам

---

қилганини кўрсатишга қараганда, уларнинг руҳиятида нималар кечганини тасвирлашга кўпроқ диққат қаратади.

Роман ифода интизомини ва қурилиш архитектуроникасига кўра Ф. Кафканинг машҳур “Жараён”ига яқин келса-да, унинг сюжет чизиги издошиникиданда сертугун ва чигалроқ. Негаки, “Жараён”да одатий мантиққа сиғмайдиган воқеалар тартиби, мунтазамлиги бўлиб қаҳрамон ана шулар оғушида тасвирланади. “Ранг ва меҳвар”да эса руҳий ҳолат воқеаларнинг натижаси сифатида эмас, ўзаро қоришиб кетган хаёлот ва реалликнинг сабаби тарзида кўрсатилган. Ёзувчи тафсилотлар тасвирини бермайди, ҳаётнинг реаллик ифодасининг ишонарли чиқишига эътибор қаратмайди, аини вақтда ҳар бир персонаж руҳиятидаги ўзгачалик ва бетақрорликни акс эттиради.

Шу боис ижодда ҳам, яшаида ҳам эзгу маънавий қадриятларга хиёнат қилмасликка ўзида куч топа олган истеъдодли санъаткор Комрон Вали тимсоли ўз атрофидаги нафсига қул бўлган фойдахўр кимсалардан айрича хусусиятларига эга шахс сифатида гавдаланган.

Тўлигича мураккаб рамз ва сирли ишоралар асосига қурилган, ўқирманни ҳар бир ифода устида ўйлашга мажбур этадиган ушбу асар нафс тимсоли бўлмиш Санам,

тутгандан бери недир сурур ва шижоат юрагига қувват ва илҳом бахш этаётир, сонияда минг чиғириқ ичра қону зардоб ютгани, некбинона орзу-ҳавас ва кечинмага тўла навқиронлик фаслини заҳару заққумга белаган пўртана ҳайбатини қайта-қайта теран туйиб бўғилгани сайин дастгоҳ ёнида тинмай тер тўккиси келаберида...

Санам ғойибдан оромини бузган ва боши лўқиллаб оғриётган ушбу қалтис дамда ҳам, шуури қатларидан кечмиш эсдаликлари ўтиб, безовта юраги туркум ғами ва қувончи билан тепарди, бахту тахти саналмиш туркум тортиб кетганди жисму жонини ўз оламига...

Навбатдаги манзаравий асарда яшил майса гиламдек тўшалган адирда муқаррар хавфу хатарни сезиб зору нолон маъраётган кўзичоқ қиёфасини акс эттириши лозим, фақат аввал маймоқ диванда бемалол чўзилиб, чала-ярим қолган уйқусини озгина давом эттирсин, ғубор қоплаган мияси тиниқлашса мўйқалам, иншооллоҳ, равон юришади, фақат киприклари илинган ҳамоно яна Санам билан юзлашди, ҳадемай малак қошларини қилич каби ўйнатганча қайгадир чекинди-ю, қаршисида чап қирраси таги шўрлаган деворга тегиб турган уч оёқли ёғоч дастгоҳ бўйлади.

Бир муддат хаёлга эрк бергач, хиёл сарғайган бўз матога пала-партиш чизиқлар тортди, сўнг уларни жадал бойитиб ва тартибга солиб, маълум бир мақсадга буйсундириш ҳаракатида бўлди, ажабки, кўнглида мудраб ётган недир муддао уйғониб матога кўчаётганди, сўнг бақувват панжалари билан озғингина малла мушукчани эзгилаётган ва мағрурона боқаётган тарғил тусли ит кўзга ташланди. Ногаҳон қизиқиши ортиб, шошилмай сурат қурилмасига айрим муҳим тузатишлар киритди, охирида негадир махлуқ шалпанг қулоқларини яна ҳам осилтириб қайта чизди, манглайида катталиги бошмолдоқ мисол бир жуфт мугуз зарб этаркан, хаёлидан Тарғил деган ном кечиби илжайди.

Мўйқалам раъйини синдирмагани учун шодланиб, Тарғилни чорчўпга тортишни мўлжаллади, ногоҳ шунда бутун устахонада аллатовур безовталиқ кўпиб, эскирган шифт болорлари қисирлаб, чор атрофни таҳликали вовуллаш тутди-ю, ҳалиги ниятидан айниди, вовуллаш кучайгандан кейин юраги безовта потирлаб уйғонди, тушини қандай таъбир қилишни билмай гарангсиб, томоғи қақраб ютинар экан, журнал мизи четида ёпишиб турган сарғимтир телефон чигиртка каби чираниб чириллай бошлади.

Одатда кўпинча каллаи сахарда кўплар латифабоз рассом дейдиган эзмаи гўр Шодмон Чўтирий ёки маҳмадоналиқ бобида уни бир чўқишда қочирадиган журналист Аливой Салим кўнғироқ қиларди, аммо гўшак мудом баланд дорга осилиб куйдирадиган ва яхши тобланган истеъдоди барча белини синдиришига ўлардай ишонадиган Азлар Ниёз овозини етказди. Кўпинча сабоқдош эканини пеш қилиб, кейин албатта хол қўядиган ва охири ўлдирсанг ўлдиру қорнимга тепма деб мўлтирайдиган Азлар Ниёз тун бўйи ухламай молдек тўйиб ичгани аниқ, офтоб тузукроқ ёйилмай сабуҳий қилган шекилли, ҳатто пойма-пой янграётган овозидан бурқираб шароб ҳиди анқирди.

*зўравонлик рамзи Тўра ва Носир, олчоқлик тимсоли Азлар Ниёз, устомон Тарғуз домла, хушомадеғўй Зоқир Ғиёсий сингари қора кучлар, қанчалиқ қудратли ва уюшган бўлмасинлар, истеъдодли рассом Комрон, олижаноб Вали баҳиши, нафс қутқуларига учмайдиган тоймас ижодкор Мерган, соддадил Нафиса, покиса Роҳила отин сингари шахслар сиймосида намоён бўлган эзгуликдан енгилиши асосан бош қаҳрамон Комрон Вали руҳиятида кечган омонсиз олишув асносида тасвирлангани билан диққатга лойиқдир.*

*Таъкидлаш керакки, романда ҳаминша ҳам ўзини тўласинча оқлайвермайдиган такрорлар, мураккаб жумалар ва айрим ифодадар ҳам учрайдики, улар поэтик тасвир аниқлигига бир қадар путур етказилади.*

*Чин бадиий асар ҳаминша сирлидир. Сирларнинг калитини топишга эса назарнинг ўткирлиги, тафаккур теранлиги, хаёлот учқурлиги ёрдам беради. Умид қиламизки, тафаккури теран ва хаёлотли учқур журналхонлар Асад Дилмуроднинг янги асари билан танишиб, унинг мураккаб дунёсига кира оладилар ва ўз муносабатларини билдирадилар. Яна бир сирли адабий ҳодиса билан учрашувингиз хайрли бўлсин!*

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ, профессор**

Азлар Ниёз хотинини туғилган кунда ҳинд усталари қойиллатиб ясаган қимматбаҳо маржон билан сийлагани учун бахтиёр экани хусусида анча узоқ чайналди, ҳар оқшом балиқ оғзидан чиққандай нафис бир расмни қалпоқ қилиб ташлаётганини таърифлагач, чойхонада ўзи билан бир товоқдан ҳалфана ош ейдиган Зокир Фиёсий кафанини бича кетди. Айни шу ношуду нотавон санъат чаманзорига хос кўрку тароватни бузаётган номи йўқ қўланса алафлардан биттаси экан, бировни тепкилаб керилиш бобида бесуяк ўша субутсиз пайини қирқиш, попугини пасайтириб қўйиш ва масъулияти юқори рўйхатлардан исму шарифини ўчириш савоби азим...

Шўринг кургур гўшак палахмон тошидек узлуксиз ёғилаётган таънаю маломатларга чидади, аммо миясида дўстингдан топ деган ибора ғимирлай бошлаган Камрон Вали тоб беролмай бўғилди, ахир, бу қанақаси, куни кеча устахонада меҳмон бўлган Зокир Фиёсий, гоҳ тоғдан, гоҳ боғдан келиб, охири гуваладай-гуваладай салмоқдор пичинглар билан Азлар Ниёз томорқасини ҳаворлаб ташлаганди. Ўшанда оз-моз нўш қилгандан кейин Азлар Ниёзни дурадгорлик кўчасидан тасодифан санъат даргоҳига ўтиб қолган, ҳатто истаса чигитдан шоли ўстирадиган фирибгар ҳаваскорга менгзади, сўнг кемага тушганининг жони бир деб аста гап қочирди, сездики, мағзавадан қолишмас ғийбатни маъқуллаб ўзи ҳам андава тортиши керак, аммо юзи чидамай, бирдан бошқа беозор мавзуни орага тикиштирди.

Жуда тўғри қилди, ахир, эрта йўқ жойдан ғалва орттириб оқ қарғага айланиб қолиши зарилми, ҳар ким ҳам эпполмас унақа юмушни қилни қирқ ёришга қодир Мулла Ширин бошлаб адо этиши мумкин, шоколадга ўчлиги билан танилган устоз, ўзига тўппа кесмаса-да, бировга угра кесишини мудом Шодмон Чўтирий дастак қилиб юради, яқинда биносини қўйиб тўқиган бир латифаси айниқса шаҳарда овоза...

Қайси вақт ер сайёрасининг энг яқин йўлдоши саналмиш ой сатҳига қўнган астронавт мундоғ қараса, нами қочган ўйдим-чуқур полизда беҳисоб ола-була тарвуз думалаб ётибди, иштаҳаси очилиб бирини сўйган экан, ичидан юмшоқ салом бериб Мулла Ширин чиқибди-да, жигаранг чарм сумкасидан сиртида чўққи соқол дохий сурати зарбланган қалин дафтар олиб, уни варақлаганча Одам Ато ва Момо Ҳаво замонида санъат мурда каби қоронғи гўрга дафн этилгани хусусида маъруза ўқий бошлабди, астронавт бундан мактабдаёқ хабардор эканини айтиб тумтайса, унда нимага овора бўлиб мени излаб юрибсан, дея зарда қилиб-да, сумкасини қўлтигига қистириб, бошқа тарвузга уриб кетибди...

Латифа шаҳар бўйлаб тарқалгач, орадан кўп ўтмай Мулла Ширин Тарвуз домла бўлиб танилди, аслида бу лақабни ҳам тез-тез бирон янгилик қилмаса гарангсиз қоладиган Шодмон Чўтирий ўйлаб топганди, ростки, ғаройиб лақаб устоз рафтори, айниқса, кийим остида янада ғундалак кўринадиган қомати ва қанча ёғлию хамирли овқат лўмбиллаб тушса ҳам тўлмас юмалоқ қорнига жуда ярашганди, ҳатто бир гал ўзи ҳам Шодмон Чўтирий ихтиросини мардона тан олиб илжайган, атала-патала ичсанг одам бўларсан дея, елкасига аста туртиб қўйган...

Қулоқ-миясини қоқиб қўлига бергани қасдлангандай гўшақда ҳамон Азлар Ниёз пойма-пой бидирлаётир, ҳозир амаллаб Шодмон Чўтирий бичган бирон аломат латифа билан баччағарни чалғитади, сўнг бўғзигача ташвишга кўмилгани, ҳатто бош қашлашга қўли тегмаслигини баҳоналаб, гап ўлгурни аччиқ ичак каби чўзмай калта қилишни сўрайди...

## 2

Нимагадир Азлар Ниёз ўзи минғирлаб хайрлашди, сендақа чувалчангдан чаён яхши, бир йўла тинчитади маъносида илжайган эдики, саргиш телефон яна ногаҳон ғавғо солди, яна қайси шоввоз эринмай сим қоқаётир, ёпирай, кейинги вақтларда итми-сан ёки битмисан демай қўйган Тарвуз домла экан, озиб-ёзиб бирдан эслгани, оғир-вазмин овозда аҳволини суриштириб, насиҳат қила бошлагани кулгили туюлди, ҳатто худо уриб у ҳам сўфи азон айтмай сабуҳий қилиб олган кўринади.

Мириқиб шоколад шимиётгани аниқ, орада баъзан чилпиллаш эшитилиб қоларди, эрта-индин нуқта чекилажак китоби устида бошлаган баҳсини ногоҳ тўхтатиб, Қора тулпор нисбали афсонавий машинани бой берган ва Нуқра ғорига равона бўлган Тўра



Охун номини тепкилашга киришди, сўнг ўша улов соҳибига айланган Носир Охун шаънини илиқ сўзларга буркаб ташлади.

Тарвуз домла маълум ва машҳур Садаф чорбоғига борганда юқоридан ташриф буюрган таниқли амалдор Носир Охунни олажуз аймоғи пешонасига битилган букилмас тиргак деб атабди, чорбоғда уч кун иззатли меҳмон бўлиб яйрабди-ю, ҳалиги амалдор эътирофи ҳақлигига имон ўгирибди, фақат баҳоси юқори совға-саломга кўни-кўнжи тўлиб қайтар чоғида андак нохушлик рўй берган, безотиғли шийпонча олдида Санам ер тагидан сузилиб бир қараган экан, аъзои бадани карахт тортиб, боши ғув-ғув айланиб йиқилган, аранг ақлу ҳушини йиғсаки, сарву арча ўраган жимжит майсазорда чалқанча чўзилган эмиш, атрофида эса жон тасаддуқ ўша пари парвона...

Бемаврид тинчини бузишдан асосий мақсад олажуз қавмига қайта бошдан кайвони бўлган ва мураккаб шароитда мевқеини жуда тез тиклаб улгурган темир иродали тадбиркор инсон ҳаётини ўрганиб баркамол асар яратишга ундашдан иборат экан, ҳозир ўзига ишонган барча рассом ва ҳайкалтарош зоти шу таклифи асосида дастур тузиб изланишни бошлаб юборибди, демак, кўксида юраги гупиллаб уриб турса, таҳсинга лойиқ ҳаракатдан четда қолмай, мўмай пул ишлаб олиши керак...

Кўпинча ўзини олажуз уруғининг ҳар жиҳатдан мустаҳкам устунларидан бири санайдиган Тарвуз домла телефонни узоқ муддат банд қилган аломат нутқини нима бўлсанг бўлгину фақат кўлмакка чўкиб ўлмагин деб кинояли тугатди, ичида ўнлаб кирпи ағнай бошлаганига қарамай, беихтиёр шарақлатиб кулди-да, ёлғондакам бир балоларни ваъда қилди. Азалдан Тарвуз домла кўҳна дунёни адолат уммонида эмин-эркин сузаётган ва бахту иқбол хазинасини ортган қудратли кемага қиёслашни хушларди, шундай бўлса қанийди, турмуш сандони тоблаган тажриба ва амалиёт тамом бошқача мантиғу йўриқларни назарда тутди.

Ҳеч бир рисолада учрамас тошқин аввало узоқ муддат борлиғу йўқлик заминида етилгани шубҳасиз, ўшанда муаззам замин, шаффоф осмон гумбази тагида, осудалик беланчагида, беозор гўдақдай хотиржам мудраб ётгани кечагидай ёдида, сўнг ногоҳ бариси бирдан ўзгариб, ложувард само гулдирай бошлади, арзи додлару хўрсиниқлар кенг давра олиб ва сочларини ёйиб садр тепаётган озгин ва заъфарон чехрали аёллар нолаю афғони билан жўрлашиб янграрди, охири куйган дилларга сиғмай сочилган ҳадсизу ҳисобсиз дўл аралаш жалалар кўпириб тошди ва кўҳна қишлоқни тутдек тўкди...

Мана энди мўйқалам тутганча кўкси увалиб хўрсинар экан, кўз ўнгида япалоқ қояда ёнма-ён кўнган ва эшилиб кула-кула томоша кўрган Санам ва Тўра Охун гавдаланди (отдан тушган Носир Охун бирон хилватда жонини асраб ётгани шубҳасиз), жилов узган тошқин шулар жабру ситамлари ҳосиласи эканини эзилиб ўйлагани сайин бўғзига лахта-лахта қон тикилади, аста-секин кўксида бири бошқасидан ҳайбатли сонсиз пўртана пишқиради, муттасил жўшаётган ўрамалар ичра ўрамалар, ўпқонлар аро ўпқонлар, лойқалар изидан лойқалар наъраси ўзаро чирмашиб янграйди.

Ҳар гал дастгоҳга яқинлашса кифоя, шиддатли йўсинда кечган талотум зарбларини ва шу жараёнда олажуз қавми йўлиққан даҳшатлар кўламини сезимларида қайта-қайта туяди, ҳозир ҳам шундай ҳолни кечиргани боис жуда тез толиқди, қоринбой эса тинмай карнай чаларди, энди кўп ҳаялламай ярим коса шўрва тановул қилиб қайтади, паналатиб бир-икки пиёла обизамзам отволса янада яхши бўлади, фақат негадир ўзанига сиғмай жимирлаб оқадиган анҳор ва соҳилнинг ўнғай жойида тикланган чойхона кўринмаётир, шаҳарни бир томондан тўсган ва уфққача чўзилган Зарбанд тоғ тизмалари фалакни болиш қилиб сокин мудрарди, тўқайдан қолишмас Долқоя дараси ва эҳром тахлит қорамтир чўққи биқинидаги улкан ангишвона оғзидай бўлиб турган Нуқра ғори хаёлини йироқларга судради...

Қадимда азалу абад меъмори мана шу макон, жумладан, Нуқра ғорини олажузга атаб бунёд этганини илк маротаба Вали бахшидан эшитиб юраги гумирганди, сўнг раҳматли отаси наслдан наслга ўтган ривоятни терма мағзига сингдириб куйлади, терма барчани мафтун қилганини эслагани сайин очликдан силласи қуриб борарди, чойхона-ку анқо уруғи, оддийроқ ошхона ҳам учрамай суяги сил бўлди, энди ноилож лўк-лўк қўнимгоҳига қайтиб, қулинг ўргилсин ўрдак шўрва (сувда ивителиган қоқ нон) билан қоринбойни алдайди...

Манови ҳашаматли ресторан ён-атрофи ер ёрилиб одам чиққандай намунча гавжум, негадир каттаю кичик оёғи куйган товукдек типирчилаб йўл қараётир, таниш-билиш ҳам анчагина экан, ўртада қорни осилган Тарвуз домла шоколад шимиб бафуржа ваъз айтарди, сўнг Зокир Фиёсий билан Азлар Ниёзни четроққа тортиб, Санам малоҳатида пинҳон жодудан масту масрур эканини изоҳлай бошлагач, сал нарида зувзулаб Қора тулпор тўхтади.

Нозик сайқал берилган тим қора улкан марварид каби кўз қамаштириб товланаётган машина дарҳол ўровда қолди, олдиндан пўрим кийинган Носир Охун, орқадан қарийб белига қадар яланғоч Санам ва ниҳоят пахмоқ думли овчарка тушди-ю, бирдан қий-чув кўтарилди, фақат мусаввир эмас, ҳофиз ва муғанний сифатида ҳам танилган Азлар Ниёз тасарруфида бўлган оркестр гумбирлатиб қутлов маршини чалди...

Комрон Вали тилини осилтириб хожасига суйканаётган ҳайбатли овчарка сари орзиқиб қаради, зоти беҳад тоза экани яққол сезилиб турган жониворни илгари кўргани шубҳасиз, фақат қачон ва қайда?!

Ишониш қийин, у тунов кеча тушида ҳайратга солган картинадаги айрим тузатишлари туфайли айрича қиёфа олган Тарғил эмасми, ростдан ҳам айнан ўзгинаси, энди яхшироқ таниди, ахир, танимай ўлибдими, шалпанг кулоқлари қоқ ўртасида пихдай тикрайган кўш мугуз барисини аён этаётир, фақат бўйнидаги мўъжазгина тилла кўнғироқча бир оз чалғитди. Суратда бундай матоҳ тасвири бўлгани ёки бўлмаганини эслолмади, аслида ҳозир бунинг фарқи йўқ, ором кўйнига чўмган пайтда шуури қатларида туғилган рўё ўнгида гавдаланиб тургани муҳим ва қизиқарли, кутилмаган ажиб ҳол қошида тобора кучли ҳаяжон босиб довдираб қолди, ҳатто кўзлари қароқиб кетгани сабабли шотирлар етаклаб келган, ранг-рўйи заъфарон ва пешонаси тиришиқ кимсани дафъатан кўрмади...

Издихомни зимдан кузатаётган Носир Охун билан Санам қаршисида Тўра Охун куйдирилган калладек ишшайиб турарди, кўксига олов қаланиб, ичини тинмай мушук таталаётгани аниқ, аммо буни сездирмай, баъзан ҳатто юмшоқ жилмайишга уриниб, мени пишириб ермидинг маъносида ер остидан бахтиёр укасига нигоҳ ташларди.

Тошқин арафасида Вали бахши бир қориндан талашиб тушган Тўрабой ва Носирбойни охиратда ҳам бир-бири кўзини ўйиб ейиш учун тайёр турадиган кузгунга менгзаганди, охири бу фикрини терма воситасида тарғиб этгани учун отаси боши ғалвадан чиқмай қолди, кейинча дийдамда бижғиган зардоб офат ўзанига алоҳида тармоқ бўлиб кўшилмиш тарзида куйиб-пишиб сўйлангани бежиз эмасди, эй чироғим, барисини дийданга нақш айлагин деб амр қилган дамда овози айниқса маҳзун янграган...

Ҳозир ўша нидолар дилида айрича бир туғён билан қоришган ҳолда яна акс садо берди, сўнг Санам елкасини босқин айлаган, гоҳо олову гоҳо кўмир тусини олаётган бўлиқ сочларни завқу шавқ ила оҳиста силаб қўяётган Носир Охун нигоҳини туйди. Санам билан битим тузган ҳолда акаси Тўра Охунни чалиб йиқитган Носир Охун нияти кундек равшан, охири Комрон Вали барча қатори гаҳ деса қўлига кўниши ва соясига салом бериши лозим, довуччани ҳолва билиб юрган ғўрлик давридаги каби сурларча бетига сапчиламай ва чўчонгламай йўлига поёндоз мисол тўшалиши зарур...

Ҳозир Носир Охун ёруғ дунёдаги энг қаттол ва омонсиз рақиб Тўра Охун олдига ҳам на чўмич, на капгирда турадиган минг хил талабу истак қўйса керак, узоқ муддат Нуқра ғорида мислсиз жаҳаннам азобини торта-торта сарғайгани, охири Санам нигоҳи таратадиган масофа билмас сиёҳи ёлқиндан кучлангани ва дасти юксак юлдузларга етар даражада узайгани боис ўзини бунга ҳақли ҳисоблайди. Чиндан ҳам у боплади, омаду иқбол куши шаънига иҳлос билан қисқагина ҳамду сано айтгач, барча кўз ўнгида Санам пешонаси ва ғунча лабларидан орзиқиб қайноқ бўса олди-да, оғзи танобини қочириб дангал асосий мақсадга кўчди.

Ҳозироқ Тўра Охун қалқони тешилгани ва қиличи синганини эътироф этиши, тоабад хиёнат кўчасига кирмаслик учун ваъда бериши, охири қўли ва хоки пойини ўпиши лозим, шунда барчани бирдек толиқтирган гуноҳлари афв этилади – тўрт томони қибла, йўқса зулматдан иборат Нуқра ғорида уялаган жондорлар ҳамдамига айланур!..

Ҳалидан бери атайлаб хотиржамлик ва ҳатто нописандлик йўриғини тутаётган Тўра Охун авзойи зумда ўзгарди, жиддий ҳукм ва ачитадиған киноя оҳангида узиб-узиб

сўйлаётган эмикдоши бетига олайганча ноумид тикилиб қолди, қачондир шартларини бажармагани боис, ўзи ҳам уни Нуқра ғорига бир боғ бедадек тиқиб ташлаганини эслади чамаси, ҳали шошма тарзида асабий бош чайқади...

Комрон Вали ака-укалар ўртасида кўндаланг тушган тубсиз чоҳни аслида Санам ғойибдан бошқарадиган нигоҳ илғамас лашкар қазигани (Вали бахши башорати) хусусида ўйлаётган чоғда, поёнсиз осмон чайилган гул япроғидек тозарганди, тиниқ шуълалар шарораси қуёш чарақлаб турган ғуборсиз ва осойишта кунда ногаҳон замин қобиғини ёриб чиққан вулқон каби қайнаб кўпирган ёввойи пўртанани тагин ёдига солди, хиёл карахт жисми гўё руҳини чулғаган мавжларда чўкиб-чўкмай оқиб борарди.

Мабодо тошқин сирасида мунозара бошланса, Санам буй-бастига мослаб либос бичади, аниқроғи, барисини тақдири азалга тўнқайди, кўпинча ҳар жойда олажуз қавми ўша офатни не-не гумроҳлик эвазига ўз хоҳиш-иродаси билан сотиб олганини айтиб чарчамайди.

Ана шу ғийбатни эшитган лаҳзада Комронбой кўксига қабоҳат найзаси ботган каби титраб кўқарган, дардини тўккани кимса тополмай куйган ва куйиб кўмирга айланган эмасмиди, сўнг дардини ичига ютаётган отаси қошида тиззалаб, борини сўйланг дебон бўзламаган эдимми?! Ахир, қандай унутсин ўша мудҳиш ҳолатини, ҳали Тўра Охун билан Носир Охун ўртасида кечган даҳанаки жанг пайтида бариси яна дилидан шиддат билан кечиб баттар ўксиди ва поёнсиз ёруғ дунё кўзларига зиндон мисол тору зимзиё кўринди. Кўпчиликка эргшиб муҳташам ресторан сари жилганда кўнглига қил сиғмасди, қоринбой аҳволидан хабар бериб қулдирагач, тўкин дастурхон устига эгилди, эрта барисини қусиб берсам керак деган ўй миясини кемираётган эса-да, иштаҳа билан овқатланиб, заҳри-маҳрига анча ичиб ҳам олди.

Нафис нақшу нигорлар билан зийнатланган шифти баланд зални тез орада мастона олқиш ва қийқириқ, шодон ўйин-кулги ва жазавадор мусиқа комига тортди, косагуллик Санам зиммасига ўтгач, давра шаҳти ва шуқуҳи бутунлай ўзгарди, лўппи ёноқлари қизарган малак атиги биргина дароз шишани кўлидан қўймасди, барчага илиқ табассум ҳада этиб қадахларни тўлдиргани сайин жонивор шиша бўшаш ўрнига баттар қайнаб тошади, сўнг жуни ялтироқ Тарғилни эркалаб ўтирган Носир Охун ва ўзини саҳна шахзодаси каби тутиб кўшиқ куйлаётган Азлар Ниёз атрофида чарх уриб айланади.

Баъзан Санам бўлиқ сочларини тикан устида ўтиргандек безовта Комрон Вали бўйнига занжирдек чирмайди, ногоҳ шунда тасаввурини ўсмирлик даврини ғорат айлаган тошқин, бағрига тоабат ўчмас аламу армон доғини жойлаб кетган Роҳила отин ва Нафиса эгаллайди-ю, жон-жаҳди билан лим-лим қадахга ёпишади, сокин жимирлаётган симобий май эмас, лов-лов ёнаётган бир ҳовуч суюқ олов симиргандек бўлади.

Яна бир неча марта ютоқиб томоқ ҳўллагач, ўлардай очлиги учун бўлса керак, ногаҳон руҳи-жонини ҳовлиқиш ва сурур қамраб, босар-тусарини билмас шерга айланди, тийиқсиз куч нуқул диркиллаган баданидан эҳтирос сирқиётган Санам қошига ундарди. Сархушу сармаст юраги безовта дукурлаб, қайноқ қони томирларини ёриб чиққудек жўшиб узоқ шох ташлаб ўйнади, охири еру осмон ўзаро мингашиб, ғалати ялтоқланган кўйи мўрчамиён бел ва бебаҳо маржон безаган оппоқ бўйинни қучмоқ тилади, фақат қани энди нияти уввало амалга ошса, ҳарчанд талпинса ҳам панжаларига ҳеч нима илинмади ва тиг егандек эсанкираб қолди...

## 3

Қуш сутидан бўлак жамики ноёб нозу неъмат итирқин тўкиб-сочиб ташланган зиёфатда ёрилиб ўлмаганига шуқур қилсин, анча-мунча ошиб қолгани учун ҳеч нарса ёдида қолмаганди, устахонада сал нафас ростлагандан кейингина барчасини бирин-сирин эслади. Дастлаб тасаввурини Носир Охун ҳамон калласи калу кўнгли нозик олифта-мисан тарзида кесатгани, сўнг у билан тошқин сабаблари устида қизишиб тортишгани, Санамни фириб ва риё уйи бекаси, Аливой Салим ва Шодмон Чўтирийни сояси йўқ дарахтга менгзагани ва ниҳоят ҳар иккисини қучоқлаб ҳиқ-ҳиқ йиғлагани билан боғлиқ можаролар тикланди, ҳар бир асари тарихини эринмай шарҳлаган Зокир Ғиёсий, Носир Охун билан Санам иттифоқини қўшиққа жо айлаган Азлар Ниёз, сўздан тойча ясаётган Тарвуз домла кўзларига кўҳна дунёни кемириб битирувчи очофат махлуқ бўлиб

кўрингани боис, уларни кўртепки қилишни чўтлагани хаёлида қоришиб кетгач, пешона-сига қачон битилгани номаълум маймоқ диванга инқиллаб чўзилди.

Жисми каби руҳи ҳам беҳад толиққанини жилди титилган ёстиққа бош қўйган ҳамона пайқади, ҳузур бахш этувчи уйқу баҳона бутун борлиғи кечмишга туташди, ажабо, мўйлаби сабзалаган бўз йигит бўлиб, улуғ Зарбанд тоғ тизмалари этакларида, онаси Роҳила отин ўргатган вафосиз муҳаббат қилич каби юракни пора-пора айлаши ҳақидаги қадимий лапарни дўриллаб айта-айта белига қарға кўнволган говмишни ўтлатиб юрарди. Долқоя дарасига етганда япалоқ гранит харсанг остидаги кавақдан чипор илон ўрмалаб чиқади, номинг ўчгур, тилини қайчи қилиб лип-лип ўйнатаркан, совуқ туркига илгаридан қилча тобу тоқати йўқлиги сабабли тирақайлаб ура қоцади, ўзини эмин-эркин тутта бошлаган газанда эса, сигир эмчагига чиппа тиш ботиради-да, қон аралаш ним қизил сутни оғзи четларидан милтир-милтир оқишиб узоқ эмади, сўнг терак айрисида ўрнашган саватсимон уяга ёндошади, потирлаб чийиллаётган жуфт палапонни зумда авраб тинчитади, мода лайлак қурбақа тишлаб қайтган фурсатда шип-шийдам уяда бемалол кулча уриб ётарди.

Чил-чил синган умид қошида тоғу тош оху фиғон тортди, баҳайбат терак бўзлаб аччиқ ёш тўқди, ҳеч қандай чора даф этолмас мусибатга йўлиққанини пайқаган онаизор зору зор чинқириб ғаним паймонасини тўлдирди, лаънатини бурдалаб жиғилдонига жойлагач, олишув пайтида заҳарланган экан чоғи, беҳол қийиллаб торгина саёз хандаққа кулади...

Кукси сим-сим ўртанаётган Комронбой аллақачон совуб улгурган жасад устига ҳовучлаб тупроқ тортди, тепада ёлғизлик балосига мубтало бўлган нар қийиллаб айланаётган чоғда, ҳар бир гардигача ҳазинликдан иборат митти қабрда олам азалу абад бири кам эканидан огоҳ этганча нозиккина жозиб ниҳол нишлади, сўнг аллатовур куч зўрлаб кулоқларидан чўзаётгандек жадал ўсиб улғайди-да, нопормон лолага эврилди.

Энди чор атрофни бўлакча файз қамрагани, ҳатто куёш ҳам булутлар панасидан ажабсиниб мўралади, ёнадан бир гала ошифта жайрон гусирлатиб чоғиб ўтаверди, туёқлар товуши тинган ҳамона қайдандир етиб келган Носир Охун (ёки Тўра Охун эдими?) нафосат тимсолини шошилиб узди ва асов сой бўйида тим қора сочларини майдалаб ўраётган Нафиса сари узатди. Гўзал қиз лолани ҳидлай-ҳидлай бағрига босаркан, депсинаётган Комронбой тезроқ улоқтир дебон хайқирди, овози фалакка елка тираган чўққиларга урилиб акс садо берди-ю, биров елкасидан ушлаб силкигандек сачраб уйғонди...

Тошқин арафасида икки ўт ўртасида яшаган Нафиса гўрида ҳам осуда эмас шеклли, шўрлик охиратда ҳам ёруғ дунёга тўймай ўтганини ўйлаб афсус ичра қоврилиб ётгандир, ўша мудҳиш кунда, оғир юкли эканини ўйламай, Тўра Охун ёки Носир Охун эмас, ўзидан қасос олиш учун жарга шўнғиганда, шундоқ ҳам хитланиб юрган Комронбой нақадар эсанкираб қолгани, жанозадан кейин хамирдек бўшашиб, ваҳима аримаган зимзиё тун қоқ ўртасида, барча қотиб ухлагач, оғил болорига ўзини осишга аҳд қилди, аммо охирги лаҳзада бирдан айниди-да, кўнгли озганча қочиб чиқди ташқарига...

Қачонки буталар орасида қонига бўялиб ётган Нафисани эсласа оғил томон зипиллаб чопарди, недир куч, ҳаёт иштиёқими, ота-онаси меҳри ёки кўрқувми, сира имкон бермай, бир учи бадномликка уланадиган ўша дардисар юмушни эпложмади ва бунинг учун неча марталаб ўзини ҳатто соясидан хурқадиган гумроҳга менгзади. Ўша аҳди ҳамон, офатни ўйлаб ўпкаси тўлса, турли ғалва баҳона омади юришмай бўғилса ёки тўйиб нўш этса, ногоҳ кўнглида канадай ғимирлаб қолади, кўпинча руҳни букадиган зориқишга айланадиган шароб нашидаси хомхаёлга гирифтор этади-ю, Нафисани охират сари узатган ва ҳануз оғзини қаррақдай очиб ҳувиллаб ётган жар томон улоқиб кетади, имиллаб тик қирғоғига боради-да, жавдираб қанот қоқиб учишга шайланади, сўнг журъат қилолмай ортга қайтади ва йўл-йўлакай ўзини оқлаш билан машғул бўлади, ахир, ҳозирча ўзини бахти қаро Нафиса каби жазолаши учун асоси етарли эмас, қолаверса, олдинда тошқин манзаралари хусусида кенг миқёсли туркум яратилган жуда катта вазифа кутаётир...

Туркум ибтидодан интиҳо сари қай йўсин юксалиб боришини чама қиларкан, ногоҳ мияси бир бурчини баҳор осмонидай тез ўзгарувчан қийиқ кўзлар таратадиган сиёҳи

ёлқин куйдириб ўтди, не ҳол рўй бераётганини тузукли англамай, ўша шуъла омаду иқбол қуши ҳақидаги тушунча билан алмашинди.

Зиёфат қиёмига етганда Носир Охун тақдирини қайта ўзгартирган ва мудом Санам иродасига бўйсунувчи бахту иқбол қуши бўлмиш Кабутар хислатларини таърифлаб қитиқ патиға тегиб қўйганди, шивирлаб айтилган таклифга биноан, ўша қушни Носир Охун қучоғидан юлдузлар томон учаётган ҳолатда матога зарблаши керак, тасвирда улар ягона жисму жон экани англашилиб туриши лозим, агар шунга эришса, соф тилладан ясалган хусусий мукофот – Афродита<sup>2</sup> ҳайкалчаси насиб этади, кейин бир зот ҳатто тушида ҳам кўрмаган улкан шуҳрат ва беҳисоб молу мулк тоабат ихтиёрида...

Бариси шубҳасиз қувонарли, фақат тама илинжида чизган ҳар қандай расми туркум моҳиятига бегона бўлиб қолмасми, демак, бу борада дўпписини ерга ола қўйиб жиддийроқ мулоҳаза юритмоғи зарур, ҳой-ҳавас ўзларига сийлов, иложи бўлса бугундан туркум таркибига кирувчи Калхат картинаси ташвишига шўнғийди, фақат аввал зиёфат оқшомида эркаланиб аразлаган илҳом билан ярашмоғи лозим, ўшанда бўкиб ичгани оқибати бўлмиш хумор борлигини чирмаётир, амаллаб буни даф этиши айниқса зарур, чўнтаги эса ўғри ургандай қуп-қуруқ...

Аслида фақат ўздан гиналасин, негаки, бирон картинаси арзон ёки қимматга сотилса, йўрғақда теккан касали кўзиб, босар-тусарини билмай ҳовлиқади, беҳисоб азоб орқали зўрға топилган бир-икки бойлам пулни охирги мирисига қадар хазондек сочиб тугатмаганча тинмайди. Аллақачон қонига сингиб, ўзи ва ҳатто дўстлари бадиға урган одатдан қутила олмай овораи сарсон, натижада доим сариқ чақага зор, шу боис баъзан ёлғиз қолиб осмондан чалпак ёғилишини кутаркан, камина мирқуруқлар пешвоси саналур маъносида шифтни бошига кўтариб қаҳқаҳа отади, шундай аломат унвон эгаси эканми, демак, Шодмон Чўтирий ёки Аливой Салим каби оғалари иззат-хурматини албатта жойига қўйишлари лозим.

Аслида улар иштонбоғига танга тўла қовоқ осиб юрадиган шоввозлар тоифасига бегона, аммо ўлар жойда ҳам эмаслар, ҳартугур қайси охурдан ем ейишни билишадди; тунов куни Шодмон Чўтирий битта теша тегмаганини айтиш баҳонасида Наполеон номи берилган хуштаъм ва хушбўй шароб билан сийлади, гулгун шаробдан ҳам кўра, ичаги узилгудек қулишга мажбур этган латифа кўпроқ ёдида қолди, тавба, Санам нозу ишваси ва муқомларидан чарчаган Носир Охун, агар лаъл ёхуд гавҳар бўлса канадай қон сўрадиган шу маккорани тилим остида сақлаб юрар эдим деган фикрга борган экан, дафъатан ўзи бир уюм тезакка айланиб қолибди, ол-ҳа-а!..

Биргина шу ҳазили учун Шодмон Чўтирийни бемалол тилидан осиллари мумкин, аммо у парвойи фалак, ҳатто руҳланиб бошқа янада нишлисини юмалоқ-ёстиқ қилиб ташлайверади, даврани оғзига қаратган кезлари, маҳаллий рассомлар қолиб, Леонардо да Винчи ёки Беҳзод каби гигантлар хусусида ёзишни хушлайдиган Аливой Салим бити айниқса кўпроқ тўкилади, ҳаддидан ошгани сайин андишани дулдул қилиб минган минг ўйчидан таваккал йўлбарси почасига осилган бир дангалчи афзал маъносида кетидан кўтаради ва ёнингга ўзим ёнчиқман деган писандани қистиришни унутмайди.

Аслида бунақа керилиши бежиз эмас, ҳозирча Санам дунёсига унча интилмади, Носир Охун шавкатига менсимай қарайди, матбуот ёрдамида ҳар иккисини хазондай чирпирак айлаб юборишига ишонса керак-да, ахир, фақат кичик шаҳар эмас, тепага алоқадор бир неча нуфузли тахририятдан ҳам отнинг калласидек маблағ ундиради.

Ҳозир иримига сим қоқиб ишора берса кифоя, Аливой Салим дарҳол ўпкасини қўлтиқлаб етиб келади, агар қадри юқори вақтини қизганса, гапни ғужала қилмай ҳузурига чорлайди-да, беҳисоб китобу дафтар, газетаю журнал тахламлари тўлдирган шинам ва кўркам хонаи хосида жами сархил таомни ҳозирлайди, бурчақдаги махсус мизда ҳалиги савил қолгурнинг бир неча камёб хилини кўзўйнатар қилиб басаришта тизиб қўяди...

Нима жин чалдики, муҳим ҳодиса рўй берадиган манзилда муддатидан камида йигирма дақиқа муқаддам ҳозир нозир бўлувчи банда негадир сукут сақлаётир. Ишқилиб тирикмикин, Носир Охун зиёфатидан қоқ ярим кечада гилдираб пиёда қайтар экан, мункиб кўча четидаги лойқа босган бетон ариқ ёки чуқур-муқурга қулаб, нафаси

<sup>2</sup> Юнон афсонасига кўра, севги ва гўзаллик маъбудаси.

тиқилиб ўлмаганига ким кафил, давра тўрини эгаллаган очофат каслар қаторида озмунча шимирдимми, иштаҳаси шунақа ҳайда-шовурга кирдики, тўйганини уввало билмай чанқаган туядек қултумлаб ютаверди, шундай экан, эрталабки аҳволи маълум...

## 4

Қирилгур омад баъзан омадни қизғанар экан-да, аниқроғи, олажуз қавми тузини ичиб улғайган валломат газета устаси забун аҳволида корига қандай ярайди, бас, ҳашамдор ётоғида қиш чилласига кирган айиқ янглиғ истаганча тўнтарилиб ётаверсин, мавриди келиб уйғонса, ўзи эслаб типирчилаб қолса керак. Энди ортиқ тайсалламай Шодмон Чўтирий рақамини теради, жилла курса шу тантивой топилсин, суф-е сенга, танглайини сўзамол кампир кўтарган мусаввир, нима бало, сен ҳам донг қотиб ухляпсанми юмшоқ тўшақда, шира босган бит кўзларингни каттароқ очгин-да, тезроқ кўтар гўшакни, йўқса тангри раҳматига етишган Вали бахши номига қасамки, бисотида мавжуд қалампирдан ҳам аччиқ жами иборани қизғанмай қўллаб сўкинади.

Хумор хуружи баҳона ақлу ҳушидан адашди чамаси, миясидан унақа бемаъни фикрни дарҳол чиқариб ташласин, ахир, сўнгги нафасига қадар аллоҳ меҳрига суянган, беозорлик ва хайру саховат йўриғини энг қадрли дастур билган ҳамда термалари орқали тарғиб этган Вали бахши номини ҳар нарсага аралаштириш инсофданми?!

Раҳматли падари шу қадар камсуқум ва хокисор эдики, баъзан ўзини тақдир филдирагига илашган гардга менгзарди, дўмбира ва терма-достон кўмагида барча ёру биродари меҳрини қозониб, митти қалбига ниҳоясиз дунё билан уни бунёд этган ягона мутлақ зот ишқини сиғдириб яшарди ва шу туфайли мангу яшил жаннат боғларига дохил этувчи улўғ қониқиш туйғуси тоабод ҳамроҳи бўлиб қолганди.

Қишлоқ кўчалари ва ҳовли-ҳарамига Санам оралай бошлагандан кейин Вали бахши ранг-рўйи синиқди, болам, деган бир кун, сен бу сулув аёл исми маъносига эътибор бергин, менимча, у ёғоч ёки тошдан ясалган, одам ақли ва кўнглини чалғитадиган бутдан бошқа нарса эмас; сўнг отаси шу фикрини термага солиб жирлади, кўқда қуёш чарақлаётган ўша мусаффо кун тонгида бетобдек инграниб уйғонди-да, аста енгини ажин тилимлаган жиққа ҳўл ёноқлари ва қировлаган ихчам соқолига босди: илоё ўзи асрасин, ҳар зарра ёшимда бир уммон кўраман!..

Аждар сиёқли офат арафасида Вали бахши кўкси тубидан афсус ва таассуф, ҳадик ва нафрат билан қўшилиб отила чиққан ўша залварли хитоб ҳозир қулоқлари остида қайта янграб, сезимлари оша бутун вужудига ғулғула солди, ажиб туғён баҳона ногоҳ ўзини кечмиш ва бугун ўртасида ястанган бўшлиқда кўрди, охири падари ва волидаси билан боғлиқ ҳасратларни хумор хуружи босиб кетди-ю, тагин телефонга ёпишди...

Афтингни кўппаклар ялагур Шодмон Чўтирий ўйнаш ёки мурид излаб бирон ёққа улоқиб кетган чоғи, қайта-қайта хитланиб рақам терса ҳам жавоб қайтмади, жунунваш хумор эса тириклай лаҳадга тикаман дегандай, жонини ўртаб қийнашини қўймасди. Шилимшиқ хумор тоқайгача ўчакишаркин, ҳадеб сувга тушган латтадек бўшашиб лаънатига ён бериши яхши эмас-да, дастгоҳ ёнида мардона тер тўкса у енгилиб чекиниши мумкин, ҳатто бунини кўнгили ҳамдами мўйқаламга ҳам уқтириши лозим...

Тахминий Қалхат лойиҳаси хаёлида пишиб етилди, энди тасаввурини эгаллаган лавҳани аста-секин матога зарблаш учун дадил енг шимариши ва изланишни бошлаб юбориши лозим, охир-оқибат у Носир Охун бутун вужуди билан ишонган ва ардоқли билган омаду иқбол қуши Кабутар тасвири ўрнида туғилади, тавба, эндигина ғайрати келганда биров мушти билан тарсиллатиб эшикни қоқди-я, авлиёси бўлса ҳам кетига тепиб қувади, ана холос, асримиз Рафаэли Зокир Ғиёсий, шайтон қазиган ўрага қулагур, нечун тулкидай ҳид олиб аланг-жалаң юрибсан, қолган-қутгани йўқми дейсанми, унақа минғирлаб куйдирма, агар атиги бир қултум топилса ўзидан ортмасди. Нима, бошқа дардинг ҳам борми, хўш, қайси сарфу харажатни айтаяпсан, ана кўргилик, ҳали кечаги зиёфат юкини чираниб сен зимманга ортанмидинг, ўлайки бир балони тушунмадим, мақсадинг ўзи нимаиди, оббо, буниси энди учига чиққан овсарлик, ахир, Қора тулпор соҳиби оқ фотиҳа бермасе кунинг битармиди, ўша нарсага шунчалар зорминг, галварс?!

Комрон Вали таъна тошларини жойига отибди, ер остидан бўлса ҳам бирон култум захри қотил топ маъносида мўлтираб боқаётган Зокир Фиёсий қичимаган жойини қашигани учун доғда экан, зиёфат чоғида кайвони ҳатто номини эсламагани қонига ташна айлаган, жилла қурса Тарвуз домла нутқида бўёқларни нўхталаш жабҳасида қанчалар соҳиби иқтидор эканини муфассал шарҳлаганда бунча жони чиқиб тутақмасди, нуқул икки гапи бирида истеъдоди эни ва бўйига ўсаётганини рўқач қилибди, шунинг ўрнига бетакрор услубий мактаб пойдеворини қўйган даҳо деса аса-каси кетармиди.

Булар бариси томдан нарига, исму шарифи ёнига атиги кеча тухумини аранг ёриб чуғурлаётган Азлар Ниёз отлиғ нобакор жўжа қўшиб таърифлангани нимаси, ахир, муаззам дарё деб билақдай жилғага калла ташловчи унақа хашакилар ҳатто шамолига йўлаши учун ҳали етти қовун пишиғи борлиги барчага кундек равшан-ку, мағор босган қавагиндан кам чиқсанг-да, жайдари Винсент Ван Гог<sup>3</sup> десам аччиқланма, бундан сен шўртумшук ҳам яхшигина воқифсан, ўламбирлик қилиб тонмасанг керак, мабодо мункир келсанг, тақдир ҳасад оғочида оёғиндан осади ва жанозанга боргани номус қиламан.

Энди жуда муҳим сир хусусида сўйлаш вақти етди, хўш, бутун шаҳарни тўйғазган ўша данғиллама зиёфат, чўнтаги файзу баракасини учиргани камдек, жуда кўп ниятини барбод айлади. Мана шу жиҳати айниқса суягига сира ўтиришмади, лекин бунинг учун руҳини чўктириши нодонлик, айрим сўхтаси совуқ каслар муносабатига аччиқма-аччиқ ҳолда, маҳорати ва иродасини оғишмай ишга солади, иложи бўлса бирон хилватда ёлғиз сархушона хаёл суриб, арзандалар арзандаси саналмиш Тарғил образини яратади, аслида етакчи мақсади, орада пайдо бўлган нохушликни бартараф этиш илинжида, олажуз қавми ва айниқса санъат эртаси учун қайғураётган Носир Охун ва Санам оламига киришдан иборатдир.

Хаёлан аллақачон пишитилган қурилма марказида улар қўрғошин тусли буюк чўққи елкасига кўниб ярқираётган тўлин ойга қараб хураётган Тарғилни эркалаган ҳолда кулиб туришади, муҳими, улар дил қўрғонини ёритадиган бўёқлар жилоси Афродита номида таъсис этилган мукофот билан топишмоғи учун самарали хизмат қилиши лозим.

Бахтинг очилиб балиқдай семиз жононга учрагур, ҳазил чўқморига чидаш ҳам айрича хунар, қовоғиндан қорбўрон ёғдирмай яқинроғига келгин қани тезроқ, кетар жафосига бир бағрига босиб, неча марталаб қашқа бўлган шўртаққина манглайингдан битта чўлп эткизиб ўпсин, ҳа, бал-ле-е, зап ўрнига тушди, одам иси ёқмас жигарим!..

Ёқа чоклаб додласа-да кам, фақат манглайи эмас, бетини ҳам шилимшиқ сўлакай шилта қилиб ташлади, тағин устига ҳамон хумор кучайиб, оёқлари учи билан боши ўртасида муттасил ғавғо бошлаётир. Шифо бўлувчи захри қотил эса топилиши гумон, кўли калталиқ оқибати шу-да, ноилож худодан сабру қаноат тилаб, Калхат лойиҳаси асосида изланишни давом эттиради, фақат аҳволини сезиб гажирлиги тутгандай мўйқалам раъйига юрмади, эшикдан эса биров мўралаб йўталди, яна қайси энаси байтал бўлди...

Чақирилмаган меҳмон олажуз қавмини етти иқлимга танитиш ниятида ҳар куни уч марта қасам ичадиган, руҳига озик бериш ҳамда дилидаги учқунни аланга олдириш ниятида Пабло Пикассо<sup>4</sup> ватани бўйлаб бир ой саёҳатда бўлган Азлар Ниёз экан, одатда у кўпинча бирга томоқ хўллаш ва юрагини тўкиш муддаосида бинойидек қуролланиб келарди, аммо бу гал худо уриб қуруқ кўл билан сўппайиб турарди қаршисида, сен галварсдан аммам боққан бузоқ яхши қабилда ёзғирган эдики, ҳе йўқ-бе йўқ, бирдан сўзни ҳамон овозаси тинмаган зиёфатга тақади.

Ўтар дунёда савоб ва дуодан ортиқ бойлик йўқлигини пухта билгани сабабли, Носир Охун қанотига кириб, ўша маросимни қойил-мақом қилиб якунлаш истагида, жами харажатни чўнтаги ҳисобидан кўтарибди, тантилиги сардор қалбига нақшланиб қолгани аниқ, йўқса казо-казо зотлар гувоҳлигида кучоқлаб ўпмасди. Зўр ҳимматдан бўйи бир неча қарич ўсди, фақат биргина ҳолатдан ўкинганини яширмайди, аниқроғи,

<sup>3</sup> Буюк голланд-француз рассоми (1853-1890).

<sup>4</sup> Буюк испан рассоми (1881-1973).

сўлим давра узра таниқли номи қаторида на ит ва на бит биладиган Зокир Фиёсий исми ҳам янграб, жами қувончию ифтихори бурнидан булоқ бўлиб оқди.

Хўш, инсофни ўртага тикиб айт-чи, пул-мул ва обрў деса ҳатто отасидан тонадиган ўша мурдор пичоққа илинадиган бирон нарса чизганми, менимча, унақасига етишганича йўқ, улуғ сиймолар арвоҳидан мадад тилаб камина яратиб қўйган расмларни эса, Мулла Ширин ғофил дилни чироқдек ёритадиган жавоҳирга қиёсламоқда, ҳе-ҳей, аслида бориям шу эмасми?!..

Болта остида калланг ёнғоқдай чақилгур Азлар Ниёз тахминан ярим соат чакаги ўчмай тинимсиз сафсата сотди (илоё бирон ялмоғиз жағини боғласин тезроқ!), жонидан тўйгани боис, хотинчанг қучоғига туёғингни шиқиллат дегани неча марта лаб жуфтлади, аммо ҳар гал шайтонга ҳай берди ва барча қуюқ-суюқ сўзларини кўр бўлиб тинглади...

Ёлғиз қолган ҳамоно, хумор ҳасратини андак унутиб, кечмиш суронлари оғушида, қайтадан туркум миқёсини чамалашга киришди, сўнг шошилмай Калхат қурилмасини тахминлай бошлади, дилидан шу картина асоси саналувчи йиртқич қуш билан боғлиқ эсдаликлар кечгани сайин ёруғ дунё кўз ўнгида хуфтондек хиралашиб борарди, назму ҳикмат мамлакатида мангу сўнмас офтоб<sup>5</sup> марҳамат қилиб айтгани каби, шундоқ ҳам кўп жароҳат қоплаган жисми мўл-кўл қон билан доғлаб қўйилганга ўхшайди ва бутун бошли бир полазор ичра ҳам бунча қон ила доғ бўлмаса керак...

## 5

Ўша саховатли офтоб, фақат калом ва ҳикмат эмас, ранг ва мусиқа бандаси ҳам саналур, у таратган шуъла остида кўкарган боғда мангуликка дахлдор не-не нозик ниҳол чинорга айланмаган, тангри хайрли назарини солган Монийи соний<sup>6</sup> ҳам ўша муаззам боғда вояга етгани ҳалигача овоза, қайси мусаввир рангни истаса кулдирган ва истаса йиғлатган шу пири комил меҳр дарёсидан қониб сув ичса кам бўлмаган, нечун унда ўзи нуқул Винсент Ван Гог каби сиймолар ижоди ва арвоҳига юкунади. Тўғриси, буни тушунтириши қийин, ҳар ҳолда бариси аввало замона зайлига тегишли бўлса керак, аслида эса кимга эмас, қандай мақсадда не маслак сари интилиш ва қай йўсин курашиш муҳим, аниқроғи, изланиш жараёнида гул ғунчага айланса ва тикан ичра беркинса<sup>7</sup> кенг маънода қаноат ҳосил қилиш мумкин...

Кўп афсус, бундай юксак мақомга эришиш тирноқ билан қоя ўйишдек оғир ва мураккаб, ҳар ким кечаю кундуз тинимсиз жонини жабборга бериб куйиб-пишса-да, худойим солмаган бўлса бекор, ундан кўра чигит эксин ёки сурув кетидан чопсин...

Қурмагур телефон сир остида сир бўлган шу савдодан огоҳ этгандай безовта сайраб юборди, вақт тундан ошгани ва айниқса иши унмай тургани боис ичи тирналиб хитланди, гўшак ёқимсиз қитирлаб Аливой Салим овозини етказгач, беихтиёр чехраси ёришиди, худо инсоф бериб қалам устаси охири эслабди-да...

Қадрдон ошман, қачондан бери жимжит кулбада, Санам нозу ишваси тахлит куйдирадиган хумор чанғалида, мўйқаламу бўёқдан совуб, ўрмак арқоғи мисол ситилиб ётганимдан ғофилсан, қора қон қусиб жон берсам, уволимга қолишинг тайин, хўш, сен ўзинг қайдасан, бирон катта ресторанда, эчки ўйини авжига минган кўрмак залда, камина танимас дилтортар оғаларинг билан мириқиб кайфу сафо сураётган бўлсанг керак-да...

Жун босган бетимга атала, очик мазордаман дейсанми, шундоқ ҳам жизғанақ бо-вуримни баттар куйдирмай дангалроқ сўйлагин, сен ҳам ўша лаънати зиёфатни сақич қилиб чайнамоқчисан шекилли, наҳот бошқа мавзу қуриб қолган бу дунёда, хў-ў-ўш, лаббай?!

Аливой Салим ўпкасини қаҳратон совуққа олдиргандек ёлғондакам пихиллаб йўталди, тилини ҳаққа чўқигандек минғирлаб, ўша зиёфатни жуда секин таъсир қилувчи заҳар аралашган паловга менгзади, аслида эса, буни пеш қилгани эмас, бошқа жиддийроқ масала хусусида баҳс юритиш учун кўнғироқ қилган экан...

<sup>5</sup> Ҳазрат Алишер Навоий.

<sup>6</sup> Камолитдин Беҳзод.

<sup>7</sup> Зайниддин Восифий.



Кейинги вақтларда шўри қисиб, ғанимат вақтини умидсизлик чоҳида мунғайиб ўтказаётир, қисқа муддат май ичмаса бўйнига сиртмоқ тушгандай бўғила бошлайди, қўлига лим-лим қадаҳни олган заҳоти тубида парисиймо Санам юққа лабларини нозли буриб кўриниш беради, таманно ва ғамзага бой тип-тиниқ акси суюқ аланга билан бир-галиқда ичига тушгач, қонига қўшилиб кўпирганча туғён солади, сўнг жимжит ётоқда, хотини Замира ёнида, жизғанаги чиқиб босинқираб ётибдими ёки маҳлиё этувчи сирли эртақ оламига ўтиб қолганми, тузук-қуруқ ажрим қилолмайди.

Носир Охун зиёфатида Санам фавқулодий қилиқлари билан уввало ёнидан бир қадам жилмади, қаламинг ҳамон ўтмас ва тажрибасиз, маним нигоҳим ёлқини билан пайванд бўлсагина руҳланур тарзида қайта-қайта лутфи қарам айлади, кейин пир-пираган туссиз шарпа мисол изидан қолмай уйига қадар эргашиб келди, кўрқув ичра мияси лўқиллаб, ортига бежавотир қайтиб кетишини тахминлади, афсуски, ҳиринглаб кулишини қўймай, беозор бароқ мушукчадек суйканаверди, охири ғира-шира ёритилган йўлакда бирдан қони қизиби, ним қизил ёноқларини эҳтирос-ла силаб, момикдай маммаларини ғижимлай бошлаганда, ногаҳон эшиқдан ҳай-ҳайлаганча лўмбиллаб хотини Замира отилиб чиққан...

Қошлари бири иккинчиси устига сапчилаган Замира велосипед насоси билан қаншарини ёрибди, ярасидан тизиллаб сачраган қонда бўялган малла сочларини юла-юла, кўпчиб қизарган бетини тирнай-тирнай, етти пуштини тўйиб қарғабди, сўнг сендақа тасқара эркакни елкаминг чуқури кўрсин маъносида ер муштлаб, қаппайган тугунчасини қўлтиқлаб, овози борича хўнграб нафақажўр онаси уйига жўнабди...

Ана сизга гаройиб ҳангома, бундан чиқди, гўзал Санам зиёфатдан бир пайтда ҳам Аливой Салим, ҳам ўзи билан етаклашиб кетган экан-да, малак бунақа ҳунардан турли хили ҳадисини олган, лекин биродари синамоқчидай кўп гапни ичидан тўқийётир чамаси, ахир, зиёфат якунлангач, Санам нозланиб кўпроқ ўзи атрофида ўралашди, илгари сира бу қадар сирли йўсинда, мастона ва масрур тарзда кўнгил овлаган эмасди, тунги чироқлар ёритган кўчада тилёғламалик билан авраб, ҳатто пишган олудек қирмизи лабларидан бўсалар ҳадя этмоқ пайида бўларди.

Тўзғиб ётган устахонада илкис Санам нигоҳидаги сиёҳи ёлқинни илғаб бадани увишди, ҳуш-фикрини эса Носир Охун таклифи (бахту иқбол қуши Кабутар бўйбастини матога зарблаш) билан боғлиқ чучмал ва думбул истак банд қилиб турарди, сўнг яхши ҳам Калхат шаклу шамойили ҳақидаги мулоҳазалар дилидан ўша истакни суриб чиқарди...

Айни фурсатда ўткир май дарёдек оққан улкан зиёфатдан кейин Санам Носир Охун номидан бидир-бидир сўйлаб асабини ўйнатгани ва ёруғ дунёда мавжуд жами қувончни пойига садафдай сочиб юборишга ваъда берганини Аливой Салимга оқизмай-томизмай айтиши мумкин, аммо бундан тариқча фойда бўлиши гумон, барибир ишонмай афтини буриштиради-да, гаранг ёки савдойига менгзаб кўтарасига сўқади. Йўқ жойдан Замирахон араз-ўраз қилгани учун айниқса товадаги балиқ каби қоврилаётган Аливой Салим билан кейинроқ юзма-юз бафуржа суҳбат қилар, ҳозир эса хайрлашади, негаки, Калхат лойиҳаси ижроси бир дам ором бермаётир, хаёлан бот-бот олис кечмишга қайтиб, сирланган оппоқ матога узук-юлуқ юққа чизиклар тортаркан, бўғзига қалампирдай аччиқ хўрсиниқ тиқиларди.

Баъзан толиққан кўзлари ўнгида кўпдан бери умуман қора бермай қўйган Мерган жонланади, бирламчи навбатда Санам жодусидан безган Мерган илгари чиндан ҳам бору йўғини аямас оғасига айланиб қолганди, молу ҳолини гирмон ғавғосини тугатишда жон фидо этаётган кимсалар қорнига ярасин деган важда тортиб олишгани сабабли у аранг кун кечирарди, яраси битмаётгани учунми ёки бошқа сабабданми, сиркаси сув кўтармай нукул хитланиб юрарди, охири оёғи узангида бўлган Носир Охунни ёқасидан шартта бўғиб силтагани ва гирмондан олдин бурди ва сояси йўқ сендақа шўровий малайни қуритиш керак деб бақиргани боис, тўхтовсиз Нуқра ғорига тиқиб ташланди.

Ранглар кўнгил иқлими ва ҳатто ёруғ дунёни поклашда иштирок этадиган энг фаол омил эканини илк бор қўлогига қуйган дали-ғули устози дангаллиги эвазига жазолангани туфайли жунуни қўзиди, бир неча кун уриниб, Носир Охун билан Санамни

кўршапалак сиёқли алвастига менгзаб чизди ва ҳар бир ифодаси қаҳру ғазаб аралаш ҳажв ўтидан иборат суратни бутун қишлоқ бўйлаб тарғиб қилди.

На чора, чўпнинг иккита учи бор-да, дастлаб чаппор уриб ажойиб зафар нашида-сини сурган бўлса, кейин бирдан оёқлари остидан чиққан мағлубият аламини тортди, қайси бир тонгда гупдай шишган қовоқларини уқалаб эсу ҳушини йиғсаки, Долқоя дарасини машриқ томондан тўсган ясси чўққи белида бемажол ётибди, ўлардай калтак еганини эслар экан, кулранг булут тўдасига тегай-тегай деб тепасида сайр этаётган баҳайбат Калхат бетоқат қийиллаб юборди, сўнг кўзлари ёки юрагини ўйиб ейиш учун ўқдек куйига шўнғиди, ора масофа беш-олти қулоч қолганда, фикри ўзгарди чамаси, зиён-заҳмат эткизмай шиддат билан кўкка ўрлаб, арғамчи солиб ўчаётган турналар карвонини тўзғитди ва бирини чангаллаб номаълум тарафга йўналди.

Юксақларда аранг қанот қоқаётган ярадор турналар баданидан сизаётган лахта-лахта қон алвон дарё янглиғ йилтираб товланарди, ҳадемай милтиллаб поёнсиз мовий уфқ бўйлаб ёйилди, жадал тарзда кенгайиб, сукутга чўмган қиру адир, чангалзору яйловлар оша олажуз қавми бошпанаси бўлган қишлоқни бутунлай қамраб олди (кейинча Вали бахши ўша дарё тошқинга шохобча мисол қўшилганини жирлаб айта-айта дўмбирасини турналар йиғисига монанд тарзда бўзлатган), ён-атрофда заррадан тортиб то япроққа қадар лов-лов қизариб ёнди ва ҳовуч-ҳовуч кул бўлиб сочилди...

Бутун Долқоя дарасига айрича салобат бағишлаган ясси чўққидан узоқ муддат жилмай барисини паришонхол кузатди, мана энди ўша манзара жами салобати билан шуурида қайта тирилиб, аста-секин матога кўчаётир, анчайин мураккаб қурилмада ҳукмрон ажиб сурур жазирама ва совуқ қақшатган дашту далалар узра ягона ҳукмрондек салобат тўкиб юзаётган Калхат тану жонида мужассам шижоат ва қудрат кўзгусига айланиб борарди, муҳими, қанотли махлуқ кўзларида ҳар қандай мағлубиятдан йироқлашиш ва ғалаба кучиш иштиёқи гавҳардай ярқираб ҳайрат уйғотмоқда.

Одамзодни ўйлаш ва ҳайратланишга мажбур этадиган хислатлари билан танилган Калхат замин ва коинотнинг дахлсиз чегарасини истаган пайтида бемалол бузиб типит қилишга қодир ҳужумкор қароқчига ўхшарди, хиёл кўтирлаган бақувват чангалида қичқираётган тумшуғи узун турна кўзларини бир дунё қайғу ва ҳасрат қоплаганди, катта очилган оғзи ва тўзғиган патлари яширган жароҳатидан томчилаётган қон сокин жирилаётган мовий бўшлиқда улкан денгиз ҳосил қилган...

Картина қуйи тарафида, сўлим майсазор ўртасида тўшалган тўкин-сочин дастурхон ёнида, нафис қадаҳ тутган ширакайф Тўра Охун билан Носир Охун тасвири тушганди, улар мудҳиш лавҳани завқу шавқ билан кузатиб мамнун қулишаётир, бўлиқ сочлари дуркун кўксини қоплаган Санам бир четда пардозу андоз билан овора, шоколад қоғозини қулоғига райҳондек қистириб қўйган Мулла Ширин қулочларини кенг ёзганча ирғишлаб шодон қийқирмоқда, фақат биқинини шамол ўйган думалоқ қоя панасида писиб олган шалпанг қулоқли озғин йигитча кўнглига қил сиғмас даражада хомуш бўлиб, юқорига михланган жавдиरोқ кўзларидан тирқираган ёш ёқасини ҳўл айлаган, ҳўш, дили хуну бағри бийрон экани сезилиб турган шу зумраша ўзи эмасми?!

Картинага маҳлиё бўлиб тикилар экан, келгусида мўйқалам билан янада ахилу иноқ ҳолда тер тўкишига ишониб фахрланиб қўйди, аммо севинчи кўпам узоққа чўзилмади, Калхат ҳайбати ва боқишига фавқуллодда шиддатли тус берган виқор ва қатъият ногоҳ бағрига тиғдек санчилиб, хаёли тип-тиник осмон ойнасида мушфиқ замин акс этган кунга оғди-да, ҳозир бариси қайта рўй берадигандек, ўпкаси тўлиб ингради.

Кечагидай ёдида, гирмон билан шўро фарқига бормаи гарангсиз қолган олажуз қавмини қандай мусибат кутаётганини биров аниқ билмасди. Фақат анча муқаддам Вали бахши гавжум чойхонада дўмбира черта-черта терма жирлаб, бегуноҳ юраклар хуну бийрон бўла-бўла охири лим-лим тўлгани, ҳадемай ўн саккиз минг олам қадар чексиз ҳасрату надомат ҳорғин ва маънос кўзлар орқали дўлу жалага эврилиб сочилишини башорат қилганди.

Вали бахши айтганлари тўсатдан келиб, ҳар бир жилғаю ариқ, булоғу дарё, гарду хазон лойқа бўлиб тошди, ҳатто бир-бирини кучган улкан қоялар эрий-эрий пўртанага қўшилди, норасида жонини асраш учун дўлана айрисига чирмашган Комронбой, худо-

ни кўмакка чорлаб, бемаврид сўлган Нафиса ортидан боришига шубҳа қилмай беҳол бўзларди, покиза муҳаббати гавҳари надомат ва фиरोқнинг тоабат жисму жонга бутувчи қақир тиканига дўнганини эътироф этиб кўзларидан аччиқ ёш оқизганда тошқин шахти юз баробар зўрайгани шубҳасиз, натижада фақат қишлоқ эмас, бутун борлиқни ғарқу ғорат айлаган...

Офат етти пуштига татийдиган армон нақш этди бағрига, энди сал бўлса ҳам овуниш ва марҳумлар арвоҳини шод этиш илинжида, даҳшатли муз тоғларидан иборат ўша аламу армон моҳиятини ҳаракатчан ва маъюс ранглар орқали шарҳлашни тилаётир, тез-тез вужудини сирқиратиб оғрийдиган ярасига ҳартугур Калхат бир қадар малҳам бўлиб босилди, энди эса Нафиса қисматини шоён этувчи Ҳомила лойиҳаси ижросига вақт ажратади, айна шу картина орқали тошқин руҳида жам оғриқ залварини қайта туйиш ва мантиқ тарозисида тортишни мўлжаллаган...

Фақат истехзоли кулаётган Санам қачон ва нима мақсадда пайдо бўла қолди ёнида, садағаси кетайин, намунча тусланмаса кўзлари, энди шаксиз ишидан тамом барака қочади, ҳатто хумор кўзғалса ва аъзои бадани тиришиб қолса ажаб эмас, устига устак, боядан бери шифтни бошига кўтариб телефон чинқирмоқда, бемаврид йўқлаган қайси шоввоз экан...

Уйинг буғдойга тўлгур Аливой Салим, наҳот ўзинг бўлсанг, ҳали том босмаган қулоғим сенда, фақат ғужала қилмай сўйла, ҳей, нодон, нималарни бунча ҳовлиқиб вайсаяпсан, рўпарангда қошу кўзлари жайноқлаб ўтирган оқ баданли жувон дайди-пайди бўлса керак, садақа сўраш ёки бошқа бирон мақсадда кириб қолган-да. Ё раб-бано, офатихон меҳмоним ростдан ҳам Санам дейсанми, ана энди ишондим, лекин айна пайтда у камина кулбасида ҳам кўксини диркиллайтиб ўйнаётир, Афродита жони севишган йигиту қизлар жонига пайванд экани ҳақида Азлар Ниёз битган кўшиқни қайта-қайта қуйлаб чарчамади, ие, сени авраётган Санам ҳам наҳот ҳалидан бери шуни айтаётир?!

Сабру қарори битиб, Аливой Салим жавобини кутмай, илкис шарақлатиб гўшакни жойига босди, ҳозир бутун тани ва тикилишини эҳтирос тўлқини чулғаган Санамни бўлиқ сочларидан бураб ташқарига улоқтиради, фақат маккора шарпадек ғойиб бўлибди, анча енгил тортиб, айрича ғайрат ва завқ билан Ҳомила хомакисига энга-шар экан, илкис ғойибда чинни жарангидек тиниқ кулгиси янграб, сиёҳи ёлқин тигини илғади, сўнг хамирдек бўшашиб дастгоҳ ёнидан жилди ва...

## 6

Ногаҳон руҳи иқлими фазодек кенгайиб, қайси бир бурчида кўмир каби қорайиб тубсиз ўпқон очилди, не ҳол кечаётганини англамай, ўша ўпқон ичра муқаррар аллатовур беҳаловат ўрама сокин гувиллаб карахт жисмини жадал суръатда тортиб кетди. Чангу тўзон ва мезон ипларига ўхшаш хивичлар билан қоришиқ рутубат қаърига яшин тезлигида шўнғиб борарди, ажабо, наҳот Санам таъқиби ва ўзидан яшириниш пайида, бу ёғини худо билади, ҳамон бир парча ёғочдай чирпирак бўлиб учаётир, қачондир теран сокинлик билан қовушган чеку чегараси йўқ сароб кучган водий бир четига кўнди, гирдлари нураб тўкилаётган ола-байдоқ дўнглик биқинида ҳаво ўрнига сароб симирганча қунишиб турарди, ҳадемай йўргакда теккан касали кўзиб, чор атрофда хол-хол сочилиб ётган турфа ранглар билан ҳасратлашиш истагида ошиғич йўрғалай кетди...

Ҳам нафис, ҳам дағал ранглар азалу абад вақт ва қисматга тобе одамзод ғаму қувончи, яхши-ёмонидан ийманиб роз айтарди, улар дарду дунёсидан ситилиб чиқаётган оҳанглар Санам кўнгил нидоси саналмиш сирли кулги билан кўшилиб таралганда ажабсинди, қувноқ қаҳ-қаҳа ва мунгли нидо кучайгани сайин юксакларни бодрокдай қоплаган ёритқичлар бир-бирини тўхтовсиз равишда маҳв этади, масофалар қисқариб узайгани сайин ола бужир кенгликлар ситилиб ёрила-ёрила чўкади...

Аслида ўзи ҳам шу ғаройиб олам ичра бир сурат эмасми, ҳатто сарғая бошлаган ўт-ўлан ва тиканак қоплаган теп-текис сайҳонлик узра, яхши таниш бўлган сервиқор улкан Калхат эмас, ажабтовур қатъият ва назокатга бурканиб турфа бўёқлар муаллақ юзаётир, нечундир йиртқич қуш гоҳо ўқ тегиб оғир яраланган каби жон ҳолатда қичқириб қўяди, қирралари оч пушти хошиядор баҳайбат қанотлари қуёшни елпиғич

каби тўсиб, ҳавони тебратиб силкинади ва тўсинли доира ичкарисиди ими-жимиди қўл қовуштирган кимсалар устига юпқа соя ташлайди.

Ажабо, безовта чайқалаётган издиҳом чеккасида мунғайиб хаёл сураётган манови қиз намунча дуркун ва барно экан, тонги шабнам чайган гул баргидек беғубор чеҳрасига интиқланиб тикилгани сайин юраги темирчи босқонидай гупиллаб тепа кетди, зингил солиб қарай-қарай охири таниди-ю, салгина қолди ақлу хушидан айрилиб қулашига. Тўзим бергин илоё, худойим, ахир, кўзлари тубида чексиз аламу армон чўккан, ғунча лаблари олудек қирмизи дилдор ўсмирлик дунёсини бесаранжом айлаган ва бир умрлик айрилиқ жабру жафосига мубтало қилиб кетган қайлиғи Нафиса эмасми?!

Аъзои бадани лағча чўғга эврилиб, жоним дея шивирлаган онда борлиқ оғир титранди, нидосини эшитиб орзиққан ва нигоҳи чарақлаган Нафиса тўсиндан ўта кўрма маъносида оҳиста қўл силкиди, нимагадир ақли етиб хушламай тезгина тисарилди ва билиб-билмай тамом бошқа чегарага кириб қолди. Илимсиқ ҳовурда чўмилаётган ажиб маконда сирли таассурот уйғотувчи айқаш-уйқаш манзара ҳукмронлик қиларди, ҳар қадамда ранглар мувозанати издан чиққанга ўхшайди, элас-элас янграётган маҳзун куй остида аллакимлар ҳам поёнсиз кўкка, ҳам метиндай қаттиқ замин остига йўл излаётгандек тинмай чирпаниб тер тўкади, фақат боғичли сомон шляпасини елкасига осилтириб қўйган бўйчан киши сийрак ажин қоплаган ялпоқ пешонасини тириштириб сукут сақлаётир, гоҳо думалоқ юзига хиёл салобат берган ихчам соқолидан юлиб олинган қизғимтир толага дунё айвони устунига тикилгандек қизиқсиниб тикилади...

Елка қисиб саросар тўхтади, ахир, қадрдон оғайниси Аливой Салимни шунақа талотумда тасодифан учратиб қолгани ғалати-да, барака топгур қўлида пирпираётган мўйни пуфлаб учуриб юборгач, кимгадир аста бош ирғаб салом берди-да, ғовлаган ғумай-шўра ва янтоғу қичитқонга қиё боқмай, бошоқлаб улгурмаган ям-яшил буғдой ва арпа пояларини ошиғич ўриб-йиғаётган аёлу эркак ёнига борди. Жазирамада афту башаралари чуйкалган мардикорлар орасида Замира қадди букилиб қимирлаётган экан, беихтиёр қайрилиб қарагач, ашаддий ғанимини йўлиқтиргандек қовоқ солиб хўрсинди, сўнг чурқ этмай ўроқ дастасини қисиб ушлайвергани боис қавариб тарс-тарс ёрилган қонталаш қўлини орқасига яширди, ичига чўкиб киртайган кўзлари, қовжираб пўст бойлаган лаблари, сўппайган бурнини ҳам кўрсатишни истамай олайганча дарҳол терс ўгирилди.

Салдан кейин Аливой Салим орада кечган нохушлик ихтиёридан хорижда рўй бергани, тобора ўзини қандайдир гирдоб остига тушиб қолган чўпдек сезаётганини тунунтиришга уринди, арзи ҳолини дастлаб жимгина тинглаган Замира ниҳоят баттар бўғилди, патак бўлиб кетган сочларини бовлиқдай ошиғич эшиб, илоё ёлғон билан бирга қоронғи қабрга кириб дея, уввос солиб ёзғирди-да, шода-шода очилган бир қанча бўтакўзни жон-жаҳди билан чилпиб ташлади.

Бўғзидан чирт узилган чечаклар изиллаб беҳол ингранарди, йўқ, маҳзун нидолар эндигина лаб ёрган тугунлар жозибасини бўрттириб товланаётган ва кўҳна дунё азалу абад ранжу маломатдан иборат эканини эслатаётган бўёқлар дийдасидан таралаётганди. Тобора авжига минаётган арзу ҳолларни Замира хаёли билан андармон Аливой Салим эшитгани даргумон, асаб торлари таранглашган ва ҳамон Нафисани эслаб ўкинаётган Комрон Вали эса бемалол эшитди, сўнг тишини тишига босиб, недир таҳлика оғушида, поёни йўқ далаю дашт бўйлаб бадар кетди, гоҳо камина диллимада ястанган сароб водийсида адашдим қабилда безовта бўлиб илжарди. Хаёлга шўнғиб ҳувиллаган дара тўрида қўнқайган гранит қоя пойига етганини сезмади, кейин илкис тарсаки егандек авзойи ўзгарди, ахир, ғалвирдек илма-тешик қоя шамол тебратётган омонат устундек қисирлаб чайқаларди, ёнида чўнқайган ва бутун борлиққа таъзим қилаётгандек букилган шериги белига бети қовун қоқидек бужмайган кексароқ эркак қўн арқон билан ўраб-чирмаб боғлаб қўйилганди.

Шўрлик бўғзига суяк тикилгандай тез-тез инқиллаб ютинади, гоҳо ерга тиралган тақир бошида ўрмалаётган чумоли ва қуртларни кафти билан сидириб ташламоқчи бўлади, ўқорида айри ёғочдек саланглаётган оёқларига ёпишган каналар қонини сўравериб семириб кетганди. Ғалати маҳжум танишга ўхшайди, наҳот бир вақтлар ола-

жуз қавмини кафтида ўйнатган ва мудом дамига зоғора пишган Тўра Охун ингранаётир рўпарасида, ахир, бир қориндан талашиб тушган жигари Носир Охун Қора тулпор жиловини қўлга олгандан бери у Нуқра ғорида истиқомат қилаётгани овоза эмасмиди?!

Кўп қизиқ, бу ерга қачон ва нима учун келтиришди, шунчалар ҳолдан тойганки, кўзлари чўғи тобора шамдек сўнаётир, чор тарафдан от қўйиб келган бадқовоқ халойиқ дағдаға қилиб тинмай ёғдираётган тошу кесакка парвойи фалак, ҳасратидан чанг чиқаётган Тарвуз домла гупдай шишган бурни тешигига қамиш найча, қовоғи солинган Зокир Ғиёсий билан Азлар Ниёз қулоқлари супрасига жуволдиз санчгандан кейин сергак тортди, сўнг аранг туз дегандек бўлди ва кўзларини юмганча нафаси ўчди. Шивирлаб айтилганига қарамай, туз сўзи бутун замин ва осмонни титратиб янгради, қайта-қайта гумбирлаб Комрон Вали сезимларини чўгланган симдек куйдириб ўтарди, сароб водийси қайгадир чекингач, дафъатан ҳушини ўнглаб, маймоқ диван четида ёстиқ кучиб хомуш ўтиргангани пайқади, сўнг бир неча қадам нарида сокин жило сочаётган Жилға ва Калхатдан нигоҳ узолмай аста кўзғалди.

Афтидан бариси бир зумда кечди, кутилмаган ғаройиб ҳолат туфайли яна англадики, жисму жони борича оламники, айна пайтда, жами борлиқ ҳар бир ҳужайрасида муқим яшайди, кўнгли иқлимида муқаррар сароб водийсида кўрган-кечиргани моддий ва руҳоний дунёга тегишли азалий ва абадий мўъжизалар силсиласига ҳамнафас эканини исботлаётир, ўзаро қовушган ва қовушмаган турли ранглар сеҳрию жозибаси ҳам мудом ўзи билан бирга мавжуд бўлишини чамалади, сўнг тасаввурида беҳисоб одамни сиғдирган тўсинли кенг доира, бир четда мўлтираб қўл дўлғаётган Нафиса гавдаланди.

Ёғоч тўсинли ўша доира ичра гирмон ғавғосидан ярим жон бўлиб қайтган, рўй-рост Носир Охунни дўппослаган ва сен шўровий малай пайини қирқиш зарур деган Мерган ҳам ўралашиб юрганди чамаси, ҳуш-хаёли Нафисада бўлгани боис унга яхшироқ аҳамият беролмади, бунинг учун ўзини кечирмаса керак.

Ҳамон эсида, Мерган сен тунлари ухламай чекаётган оҳу фиғон арши аълога етаётгани шубҳасиз қабилда ачиниб сўйларди, сен умид боғлаган бахту тахт эса ҳимояга муҳтож дея, Нафисани балога йўлиққур Санам тузоғидан кутқариб қолиш учун жуда кўп уринди, бир марта ҳатто маккорани бўғиб қақир тош уюми остига бостирди, сўнг оёқ-қўлларини куллуклаб, шамолдай тезкор Ҳулкар лақабли саман оти тақимига чирмаб, қашқиру бўрилар улийдиган ва ҳар хил суяклар қалашиқ даштга элтиб ташлади.

Санам ҳар гал бало урмай соғу омон колди ва қишлоқ оралаб ўлжа излайверди, қадамда фитна ва фасод уруғини сочиб, оғули найза билан дийдаларни яралайверди, охири Мерган нозик жойини топиб, учқурлик бобида Бойчибору Фирқўқдан қолишмас Ҳулкар бошини еди, бирдан сочлари ялписига қировлаб, сириқдай қомати букилган Мерган кўксини намга берганча қирқ кун мотам тутди, кейин ҳам қадрдон йўлдошини эсласа ҳўл ўтиндек тутаб-тутамай ёнарди...

Зарбанд тоғидек залварли мана шу хотиралар, Ҳомилани қўлдан қўймаган ҳолда, туёғидан ўт чақнаган мафтункор бедов садоқати ва меҳрини тоабат қалбига жойлаган Мерган феълу атворини чуқур шарҳ этувчи Ҳулкар картинаси устида изланиш олиб боришга ундайди, картина қурилмасида алоҳида ўрин тутадиган, бинобарин, пойга ёки улоқда доим қиз сочларидек майин ва бўлиқ ёлини ҳилпиратиб чопган, фақат ғолиб чиққан ва хожасига чексиз ғурур бағишлаган ва охири кўзикиб паймонаси тўлган қилпоча бедов тимсоли мисли йўқ тошқин етаклаб келган қабоҳат даҳшатини борича намоён этиши керак, барини қайта-қайта дилидан ўтказиб, жами кучи ва имконини сафарбар этиб бунга эришади, эзгу ниятини амалга ошириш борасида ҳатто ўсмирлик даврида Мергандан ўрганган дастлабки сабоқлари ҳам бинойидек асқотса ажаб эмас...

Аслида Дамин полвон, яъни Мерган чаласавод бўлиб, муттаҳам гирмон пешонасига кўрғошин жойлаб қўйиш мақсадида, ари инига ўхшаб қолган қишлоқни тўшини яланг қилиб тарк этгунга қадар, рассомлик кўчасидан ўтиш нари турсин, бирон бўёқни тузукроқ ҳидлаган эмасди, эшаклига тулки учрагани рост экан шекилли, гирмон итдан тортиб битга қадар қирон солаётган манзил сари элтувчи хаёлдай узун йўлда, тамаки-спирт ва тер ҳиди анқийётган шалоқ оташарава бўлмасида, тандирда ёпилган қатпатир, бир неча ҳовуч туршагу майиз баҳона, кўзлари тиниқ зангор, қошию сочи сап-сарик ёқимтой йигит билан танишади.

Ўн саволга аранг битта жавоб берадиган маллавой, жанговар қуроли билан бир-га, этюдник аталмиш матоҳини еру қўкка ишонмас экан, тез орада Дамин полвон ўша нарсага ипсиз боғланиб қолади, кейинча маллавой ёнидан жилмай, қиш бўйи давом этган қамал ҳолатида, кўрпа-тўшаги қалин муз ва қордан иборат тор оқоқда ўрнашиб, бир балоларни наридан-бери эрмак қилиб чизади, ақлу ҳушини бўёқлар бутунлай ўғирлаб қўйгач, аста-секин бошқа одамга эврилиб, илгари кўрмагани – чор атрофни ўраган шайтоний лашкар, яъни нажот тилаб инграётган умидни бўғизлаётган ажал қиёфасини яққол кўра бошлайди, қирғин-барот жангу жадал ваҳимаси оғушида кўкси қиймалангани сайин кўли ўнғлана боради...

Мотамсаро қишлоғига қийшиқ таёққа суяниб кирган Мерган аёлу эркак билан бўйин олишганча йиғлаб кўришган, титроғи сал босилгач, милтиғини мўйқаламга алиш қилганини айтган, тезда тўридан гўри яқин чиллашир бошқон билан келишиб, рутубат босган мактаб дунёсига гўзаллик нафасини олиб киришга қарор беради, кутилмаган журъати Нафиса изида зарчадек сарғайган ва юраги пора-пора Комронбой қаршисида ланг очик истиқбол эшигини намоён айлаганди...

Тангри иродасига биноан, кўз ўнгида илк бор ранглар тилсимини очган ва жонини ўша тилсимга тоабат чирмаб қўйган Мерган бугун қайда, тирикми ёки ўлик, асло воқиф эмас, ким билсин, балки ҳамон саҳрода тикилган кигиз ўтовиди сўппайиб ёлғиз яшаётгандир ва ёруғ дунёда тақдир палахмони отган тошдан пешонаси неча марталаб ёрилиб қашқа бўлган мишиқи жигари борлигини аллақачон унутиб юборгандир.

Аммо ўзи оғиру енгилга бирдек чидайдиган Мерган номи ва қиёфасини дилидан ўчирган эмас, аксинча, хаёлан унга интилади, дийдорига соғинч ила тикилиб, йўғон овозини мириқиб эшитишга ҳаргиз интиқ, ёди бағрида муқим ўрнашгани ва офат рўпара қилган азроилга биргалиқда чап беришганини ўйлагани сайин Хулкар лойиҳаси диққатини кучлироқ тортаётир, фақат эрта уни матога кўчириш чоғида чексиз ҳасратдан кўкайи хуну бийрон бўлиб ситилса керак.

Жаллод сиёқли нобакор шотир томонидан бўғзига пичоқ тортилган севикли тулпор қошида аъзои бадани титраб мунг чекаётган Мерган, қонга йўғрилган қисматдан беҳад завқланиб бир-бирини қутлаётган Носир Охун ва Санам кўнгил дунёсига мувофиқ тушадиган ранглар залвари ва сеҳрини туйиб мўйқалам тебратиш лов-лов ёнаётган ўрмонни яланг тўш билан ёриб ўтишга баробар эмасми, яна орада Санам таъқиб қилиб чалғитса, мабодо шаробга ружу қўйиб хуморга тutilса вазият бешбаттар чиғаллашур, баъзан жаврақи телефон ҳам ғайрати белига тепиши муқаррар, мана ҳозир у бетоқат чийиллаб хаёлини пардек тўзғитди, икки хомаки оламида яшаб, аста-секин ўзаро уйғунлик касб этаётган чизиқлар зиммасига долзарб вазифа юклашни чўтлаб куйинаётган ва ғойибона устози Винсент Ван Гог арвоҳидан мадад тилаётган фурсатда ким йўқлади экан...

Хушламай гўшакни кўтарган ондаёқ худо хайр бергур Тарвуз домла овози чалинди кулоғига, мақсади нима эканини қаёқдан билсин, тарки одат амри маҳол, тағин оч биқинига найза санчса керак, балки Садаф чорбоғида Носир Охун билан учрашиб бирон муаммони ҳал қилган бўлса, аканг қарағай билан ўйнашма, қаловини топиб каф-тимда тошни кул қилурман маъносиди бир керилиб қўймоқчидир, хайтовур боқувдаги сигири бузоқлагани учун суюнчи сўраб ўтирмаса керак...

Дастлабки тахмини ўроқдай тўғри чиқди, даромадини кўп чўзмай, ҳали нималиги қоронғи, эндигина илк картиналари туғилган туркумни бор барака савалай кетди, оғзи бир четидан тўхтовсиз бодрётган пойма-пой сўзлар ҳеч бир қуюшқонга сиғмасди. Барисини бирон жазога маҳқум соқовдек миқ этмай, уйку босган одам каби эснай-эснай ижирғаниб тинглади, тавба, ўлиб-тирилиб сир тутаётган ниятини Тарвуз домла қаёқдан осонгина била қолди, зимдан тулкидек искаланиб ҳид олган ёки ўрнида игна тешигидан тола нурдек сизиб ўтадиган Санам орқали хабар топгандир-да...

Олажуз қавми тошқин азобини тортмасдан аввалроқ Тарвуз домла ўзини Санам думкашаги ва жазмини санагани бежиз эмас, малак бир ишора қилган ҳамона, махсидан қавуш яшаши қиришиб, дуч келган кимса пинжида бемалол жавлон ураверади. Анча илгари бўғзига интиқом найзаси тиралган Носир Охунни Нуқра ғорига кузатиб қўйишга ундаб оқ фотиҳа берганди, амал-тақал билан мавқенини тузуқроқ тиклагач, Но-

сир Охун ношудлиги боис сафдан чиққан Қора тулпор ақли расо Тўра Охун остида гижинглаб шамолдан ўзаётгани ҳақида бир қатор мақола ёзди, сўнг пулу фойда деса мағзавадан асал ясайдиган валломат ношир айни шу мавзуга алоқадор ёстиқдай китобини юз минг нусхада тарқатди.

Каттаю кичик Тўра Охун ва унинг назарига тушган тили узун муаллифни шарафлаётган пайтда, Комрон Вали мўйқалам ва бўёқ кўмагида ўзини энгиш муддаосида ўзи билан олишиб ётарди, сўнг кашф этилган ва тобора сайқал топаётган сирли жозиба асирга айлана борди, бошидаги саватдек уяда лайлак тухум очганига севинаётган аёл тасвири янгича шакллар ишқибози томонидан сотиб олинган, одатича, оёғини қўлига олиб чойхона сари чопди, девзира ва зигир ёғида дамланган палов тортилган дастурхон устида, тешик-тирқишдан Санам хуфия пойлашини унутиб, ўндан тўққизни ургани етмай, бирига ҳам умидвор қашамшам улфатлари даврасида оғзидан гуллади, бардор-бардор бўлаётган нарса, эътиборга лойиқ китоб эмас, совун кўпигидай бир нарса эканини дангал исботлаб ташлади, кейинча Шодмон Чўтирий каби худо урган ҳазилкаш ошналари қўлтиғига сув пуркаган, зағизғондай бемаврид сайрагани камдек туюлиб, яна боплаб хол қўйди, қисқаси, кўп ўтмай жафокаш мўйқалами остида туғилган Ишва карикатураси зимдан бурқираб тутаётган ўчоққа ермойи сепди.

Ҳар эрта кўпчиган қовоқларини уқалаб уйғонар экан, Ишва қаршисида хаёлга толарди, сўнг тиззасига муштлаб, уни силай-силаё, қирқ кулоқли ҳажв қозонида, афсун қўшилган бўёқларда, роса қайнаб пишган умри боқий хилқатга ўхшатарди, ушбу хулосаси қурилма шакли ва мазмунига тўла-тўқис мувофиқ эканига зигирча шубҳаланмай, бесўнақай белига чўзиқ башарали Тўра Охунни кўндириб эмаклаётган Тарвуз домла, унинг рапидадай кенг ва бужур бетига ёпишган носқовоқдай бурнидан ўтказилган ипни билагига чамбарак қилиб ўраган Санамга қайта-қайта тикиларди.

Ўсмирлик кезлари, алам жонидан ўтганда, бўлтак-сўлтак кулгили намуналар чиқиб, бир оз таскин топганини айтмаса, роса таъзирини еб қон қусгани сир эмас, неча йил ўтиб яна шундай ҳодиса рўй бериши, қутилмаган илҳом самараси завқу шавқ ордидан қайғу келтириши қаёқдан ҳуш-хаёли кўчасидан ўтсин, тешиб қўйдим деган ўйда масту масрур юрарди, ҳатто эрта бундан ҳам зўрини ўймоқ қилиб ташлашни чамаларди, аллақачон барисини Санам икир-чикирига қадар Тўра Охунга оқизмай-томизмай еткизганини пайқабган дамда ғишт қолипдан кўчганди...

## 7

Қутилмаган воқеалар тизимидаги айрим каму кўстни шов-шув бандаси Аливой Салим ташаббуси тўлдирди, ҳафталик газетада Ишва сомондан донни ажратишга ўргатувчи жавоҳир экани хусусида шунақа бонг урдик, натижада яхши-ёмон устидан лой тортиш жараёни тезлашди. Дастлаб Ишвага маҳлиё халойиқ йўли тўсилди ва эндигина жонланган кўргазма эшиги тақа-тақ ёпилди, кейин айвонли клуб, фаолияти тамомила тўхтатилгани етмай, ғаламислик уяси сифатида кунпая-кун қилинди, жуда кўп картина муаллифлари қўлига аранг етди, шўрлик Ишва эса, назардан атай пана қилингани боис, уяда чопондек титила-ситила ғишт ва бетон синиқлари уюми остига кўмилиб кетди, ҳатто эсанкираб қолган Комрон Вали, сариқ чақага қиммат беҳосият асари (Тарвуз домла лутфан шундай баҳо берган) билан бир қаторда, тириклай ва кафансиз дафн этилишига бир баҳя қолди...

Аламзада зотлар томонидан Ишва жанозаси ўқилгани учун диққати ошиб бўғилса, ҳоли-руҳини ноилож четдан кузатиб тафтиш қиларди-да, бир оз бўлса ҳам овунарди, баъзан тақдир жиддиядан кўра ҳазилни боплаб қотиради маъносида оғзини бир ёнга ғалати қийшайтириб ишшайарди, чинакам қалтис мутойиба эса ҳали пайт пойлаётган экан, ҳайҳот, бунисини таърифлаш учун тил жонивор тузукли буралмаса керак.

Ҳамон эсида, йилдек чўзилган кечада, уйқуси қочиб, туркум олажуз уруғи кўкайдан қону зардоб аралаш ситилиб чиққан дўлу жаладан вужудга келган тошқин ҳайбатини ранглар тили орқали куйловчи марсия бўлажигини ўйлаб ўтирарди, ногоҳ қулоғига шахдам қадамлар дупури ва ёқимли кулги чалинди, қийиқ кўзларидан сиёҳи ёлқин таратаётган париваш остонадан беш қадамча нарида райҳон искаб турарди, ғуж япроқли нозик шохчани елкаси оша аста силкитган эдики, аллақимлар сингудек

қайрилган билакларига шарақ эткизиб кишан солишди. Жимжит кўчада муздек совуқ матоҳ гўё недир таҳдид билан ичида шикирларди, сўнг ёқимсиз овоз руҳига кўчди, лолу ҳайрон ҳолда, худодан мадад ва тўзим тилаб, Нуқра ғоридаги кўзга санчилувчи чўпни кўриш маҳол зимзиё зах ҳужралардан бирида, пўст бойлаб ёрилган лабларини тишлаб, маломат бўлиб ёғилажак саволу жавобга жимгина ҳозирлик кўришдан бошқа чораси қолмади.

Орадан билдирмай минг йил кечди, сабр-тоқат ила ҳар қанча кутса ҳам ҳеч қанақа тафтиш дараги бўлмади, тангри қарғишига учраган ва дўзахдан қолишмас гўша сари тепиб-судраб олиб келишгани, тириги ёки ўлиги шаксиз унутилганди. Тақдир ҳукми шу экан деган ўйда, ноилж бир парча увада латтани ёстиқ қилиб, намиққан бурчақда ғужанак чўзиладиган ва ҳисоб-китобда йўқлигини тахминлаб хитланадиган бўлди, охири чўпдек озиб-тўзиб қавақдан чиқишга йўрқадиган суварак ҳолига тушди-да, ихтиёри-ни бекорчилик балоси билан битим тузган зулмат азмига топширди. Аста-секин торгина ҳужра қабрга эвриладигандек, ғуборли миясида нуқул айрилиқ тушунчаси пирпираб айланарди, охири ўзимдан бошқа ким билан видолашай дея, ичи ўпирилиб шивирлар экан, зулмат пардаси ногаҳон юпқалашди-да, иссиққина юмшоқ кўл териси ёрилиб ка-рахтлашган бетини авайлаб силади.

Ларзон-ларзон кўнғироқ сочлари орқа-олдида тўкилиб турган Санамни илғаб юраги игна ботгандек аччиқ санчди, ҳеч нарса сезмагандек, гўзал меҳмон тусланаётган қийиқ кўзларини суза-суза жилмайиб бетига тикиларди, сўнг бафуржа айтаётган мулоҳазалари кўнглини айнитиб юборди, кўз ўнгида эса Санамни назарга илмай лафзини бузган, охири Тарвуз домла фатвоси билан Қора тулпор тизгинини Носир Охун ихтиёрига топширган ва Нуқра ғори томон лўкиллаб жўнаган Тўра Охун гавдаланарди...

Дилгирона тарзда Санам ортидан эргашган кунда кўҳна дунё навқирон йигитдек ёшаргани англашилди, буни ўзича ҳис қилган Тарвуз домла, турли суратлару ширлар билан безатилган очиқ майдонда, сукутга толган улкан издиҳом пешида, ҳар қачонгидан кўра оташинроқ нутқ сўзлаб юрагини бўшатаётгани устидан чиқди, ўпкаси тўлиб ёноқлари хўл бўлган устоз бутун олажуз қавмини фақат ўз манфаати йўлида доводиратган Тўра Охунни улкан муз тоғи тагида муз, маҳобатли олов ичида олов бўлиб яшашга қодир афсун одами деб атади, сўнг тирикчилик важига кўра ва бўғзига пичоқ тиралгани боис унинг йўқ ердаги фазилатларини таърифлаб китоб битганини эътироф этди, бетига қатрон бўлиб суйкалган ана шу қилмиши учун тириклай қоронғи қабрга киргани ҳамда тўғри дўзахдаги оташдонга тушгани рози экан...

Олажуз қавми жиддий умид боғлаган Зокир Фиёсий ва Азлар Ниёз каби содиқ шогирдлари Тўра Охун тиклаган алдов эҳроми харобалари остида нобуд бўлишига бир баҳа қолди, энди улар зийраклик билан вазиятни туғри баҳолай олишди ва фаол тарзда қалб ислоҳотини амалга оширишди, муҳими, Тўра Охун башараси акс этган асарларини гулханда ёқишди ва келгусида Носир Охун жасоратлари талқин этиладиган полотнолар яратиш бўйича аҳду қарорлар қилишди...

Санам юмшоқ жилмайиб ишора бергандан кейин узун-энли темир ўчоқда бурқсиб ёнаётган, сарғиш ва қорамтир тили ўрала-бурала ҳавога чирмашаётган гулханны кўрди, сўнг беихтиёр қулоғига ранглар нидоси чалинди-ю, узоқ вақт мобайнида Нуқра ғоридаги ҳужрада куллуқланган бузоқдай қатланиб ётишига сабабчи бўлган, ғишт ва бетон тўдалари янчиб йўқотган Ишва асарини эслаб афсусланди. Дарҳол ҳоли-руҳини пайқаган Санам бундан кейин бебошлик яна ҳам қимматга тушажак дея шивирлади, қаддини тиклаб учаворага қўшилишни истаса бугун имкон жуда катта экан, агар хоҳласа Садаф чорбоғини таъмир қилувчи гуруҳга қўшилсин, бир неча қобил йигитга сардор бўлиб марказий қўрғонни безатади, чорбоғ тўри ва бошқа зарур жойга қўйиш учун кайвони портретини чизади, ҳар кун уч маҳал иссиқ овқат тайёр, меҳнат ҳақини эса истаганича олади.

Атанган меъморлар тиклаган марказий қўрғон салобати ва кўркини тасаввур қилиб аста кўл силтади, зиғирча ёлғони йўқ, дали-ғули ҳашарчи биродарлари кўмагида гуваладан қурилган ўз уйини ундан юз қарра афзал санайди, беминнат хизматида бўлгани, тошқин ҳужумидан кейинги қарийб чорак асрлик ҳаёти ва дастгоҳ ёнида чекан қийноқларини баравар кечиргани учун айниқса у мўътабар туюлади.



Арзон шифер билан томи ёпилиб, сувоқдан чиқибдики, устахона ва ётоқ вази-фасини бажарадиган кулбаи вайронаси тез-тез бирон асар баҳона авжиги минадиган ва охири жанжалга уланадиган мунозара шоҳиди бўлади, жиддий ёки маза-матрасиз тортишувлар чоғида қанақа танқайган бурунларни мушти билан уриб манқа қилмади. Бир гал Жилға картинасидан атайлаб кир қидириб жавраган ва Ишва барча мусаввир бошига битган бало деворган Азлар Ниёзни этак томондаги устида пашшаю арилар визиллаб уймалашадиган эски қудуққа калласи билан ташлаб юбораёзди, эндиликда йўқ жойдан ақл ўргатиб, чивинча ютуғини филдан катта қилиб кўрсата бошласа, жини кўзиб, ўшанда тамизи йўқ суллоҳни нариги дунёга жўнатмагани учун афсус чекади...

Нукра ғоридан эсон-омон қайтгач, рутубатга чулганганча тўзиб ётган жимжит уста-хонани нақадар соғинганини яққол ҳис этди, қалин чанг босган дастгоҳлар, мунғайган мўйқаламу бўёқдон, тайёр картиналар сари қарагани ботинмай, қараса бирон айби очилиб изза ейдигандек, бўйнини қисганча егулик сақланадиган қутини очди, қўлига илинган бир бурда қотган нонни совуқ сувда ивитиб кавшанди-да, ҳар дамда минг ниқоб киядиган Санам гўрига ғишт қалай кетди, ахир, каттаю кичик шу мегажин орти-дан туллаган туядек лўкиллаб чопаверса, шундоқ ҳам тоғораси тешилган кўҳна дунё ҳоли не кечади, охири дилларда тўпланган аламу армон яна дўлу жала бўлиб сочил-масми ва тошқинга эврилиб олажуз қавмини тағин тирқиратиб юбормасми?!

Тугун ёнида фақат тугун урчишини чамалар экан, олисдан Санам нигоҳи таратаёт-ган сиёҳи ёлқин жиз этиб юраги боғига санчилди, ҳатто оҳ дегани улгурмай, димоғини фарангий мушку анбар бўйи қитиқлади, ҳадемай аломат либосга ўранган Санам ўзи жилмайиб келса керак, аммо негадир дараги бўлмади, ногоҳ девор бурчагида очил-ган туйнук орқали қиёфасиз шарпа дароз шиша узатди. Кутилмаган манзара қошида анқайиб, хаёлан бир қанча кўчага кириб чиқаркан, ичида жимгина мудраётган махлуқ бирдан уйғонди, лаънати шу махлуқ ҳоврини босмагунча тинчлик йўқлигини ўйлаб, ноилож дароз шиша қопқоғини очди, ютоқиб бир пиёла ичгани ва бўёқ юққан кафтини ҳидлаб газак қилгани ёдида, кейин нималар рўй бергани қоронғи, аранг кўзларини оч-ган паллада аъзои бадани лағча чўғдан фарқ қилмасди, кўйнида Санам қип-яланғоч ҳолда хотиржам пишиллаб ухлаётганди, кўрқув ичра сал қимирлади ва жами бисотини намойиш этиб ётган жозибатор сирли хилқат аслида ному нишонсиз эканини пайқайди.

Вали бахши илгари Санамни ёғоч ёки тошдан ишланган бутга қиёслагани бежиз эмас, тангри ғазабига учрагур ҳамон бут сифатида мақр ва ёлгон хизматини қилиб келади, алал-оқибат айрим гумроҳлар қаторида ўзини тавбасига таянтириб, тириклай қонини ичмагунча қўймаса керак, тошқин арафасида олажуз қавмидан кимларни оқу қора аралашиб кетган зимзиё оламга ўнглаб юбормади, ҳатто ўшанда кимсан Вали бах-ши билан ҳам ошкора ўчакишди, мавридини топган ҳамоно ошига пашша ташларди, орқаворотдан покиза номига ҳар хил ғийбату тухматни тиркаб, юзини ерга қаратарди, охири бир кеча келинчак қиёфасида тўшагига кирди, бошқа хонада эмизикли боласи билан андармон бўлган Роҳила отин, барисидан хабар топгач, ноилож аламини ичига ютади, яширикча бўзлайди ва чўпдек қуруқшаб боради.

Роҳила отин каттаю кичик гардини кўзига тўтиё қилиб суртадиган бўсағасини бир қояни бошқасига ола келиб урадиган рўё қадами булғаганини қаёқдан билсин, ҳатто куйган дили-бағридан ситилиб тирқираган дўлу жалалар аллақачон тўлган сабру бар-дош қосасини тошириб юборгани ва натижада дафъатан пайдо бўлган тошқин жисму жонини қаърига тортиб кетганидан ҳам ғофил қолди...

Мана шу тарафи айниқса аянчли ва мудҳиш туюлади, буни ўйлаганда бутун ву-жуди симиллаб ачиша бошлайди, мабодо ёввойи мавжлар елкасида лопиллаб бора-ётган гавропўшли бешик, таҳликани сезиб чир-чир йиғлаётган ғунчадек нозик укаси, талваса ичра қичқириб олға талпинаётган волидаси тасаввурида гавдаланса тариқдек тирқираб сочилади-ю, ўпкасини босолмай ўкраб юборади...

Саховатли худойим ато айлаган кўзичоқ каби дуркун, пешонаси дўнг ва ширмой юзли укача ҳануз тез-тез жонланур тасаввурида, анча муқаддам хотираси асосида Оғу аталмиш суратга қўл урди, мойбўёқ орқали жажжи кафтидаги думи гажак чаёнга ажаб-синиб тикилаётган жигаргўшаси ҳолатини тасвирлар экан, ўпкасини босолмай қолди, ҳануз унга нигоҳи тушса илкис бир ғалати сесканиб қўяди, эй қодир эгам, дейди ичида,

одамзод аламу армон уммонида ғарқ бўлиши не сиру савдо, нечун бу борада адолат мезони амал қилмайди?!

Уйига яна бир тобуткаш ва чироқёқар файзу барака бағишлагани учун Вали бахши терисига сиғмай қувонарди, тангри шаънига беҳисоб шукрона ёғдириб, кенжатоий пой-қадамини шарафлаб думбаси сандалдан қолишмас чори қўчқор сўйди, ҳар кун меҳру муҳаббати ва истиқболини улуғлаб терма куйларди, кўпинча у ўзидек дўмбира ёки дутор чертиши, доврўғи юлдузларга қадар етишини чеҳраси ёришиб таъкидларди, терисига сиғмай қувонаётган Роҳила отин эса у айтган ҳар бир каломни маъқуллайди-да, гўдаги билагига кўзмунчоқ шодасини боғлаб кўяди.

Илож қанча, тақдир буюрмаса қийин, тақдир ота-онаси чин дилдан истаган ўша омаду шарафни бегона қилди, нурда чайилган каби маъсум чеҳра ва унда намоён беғубор жозоба еру кўкни қоплаган селу довул ваҳимаси билан бир умрга қўшилиб кетди, ҳеч бир рисолада йўқ мусибат етти ухлаб тушларига кирганмиди, ҳайҳот?!

Мана энди чексиз айрилиқ алами ичра абадиян ташлаб кетган норасида дилбанди ёди қайтадан жону жаҳонини ўртаётир, қаники худо амри билан фавқуллода мўъжиза рўй берса-ю, бемаврид сўлган мурғак жон мангу осудалик ҳукмрон охират маконидан соғинчу армон ўртаган, ўртаб чоку чок айлаган бағрига қайтса, қайтиб газаклаб ётган яраларига малҳам сурса!..

Кўп афсус, фақат ўз йўриқларига бўйсунадиган чархи қаттол бунга сира имкон бермас, демак, фақат сеҳрғар бўёқлар орқали тақдири тақдирига туташ бахти қаро ўғлон билан қайта топишмоғи мумкин, муҳими, Ғунча воситасида қутуриб ҳамла қилган ёлдор тўлқинлар ихтиёрида қолган бешиқда умиди ва бахти-тахти беланган Роҳила отин сиймосини ҳам тирилтиради, ўша қайғули лаҳзаларда волидаси қай хил аччиқ кечинмалар оғушида қийналганини талқин этади, ана шунда иншооллоҳ картина ҳар жиҳатдан тўкису тугал бўлади ва эс-ҳушини банд айлаган туркум интиҳоси сари бир қадам яқин боришини таъминлайди, яқин қолди шу кунларга...

## 8

Алданганини англаб тақдирдан араз урган Нафисани қаро тупроққа топширишдан олдин, офат жондай азиз қишлоғи ва олажуз қавмини бору йўғидан айиргунга қадар, нақадар ғўру содда, гапи оғзидан тушиб кетадиган кўнгилчан ўғлон эди, ҳали ёруғ дунё томчи симоб каби ғусса тикани узра омонат қилкиллаб туришини чуқур билмай, нукул турли хомхаёлу эрмаклар билан машғул бўларди. Негадир кўпинча ўзини гоҳ эрта, гоҳ кеч келиб борлиқни эпpli-сепли гўзал келинчақдай ёшартириб юборадиган, яъни ҳар бир қарич ва жами нарсани айри-айри тусда мохирона бўяб-бежаб кўядиган кўркем баҳор фарзандига менгзарди, мангу бўёқлар силсиласини яратадиган кўклам билан ҳамқадам ва ҳамдам бўлиш фикри умуман ором бермасди, фақат ажиб тилагини барча тенгқури, ҳатто Нафисадан ҳам яширарди, мабодо баъзан юрак ютиб кўнглини тўкса, ёноқлари лоладек қизарган қизгина чурқ этмай оху каби ўтлоқ ёки да-рахтзор томон уриб кетарди.

Ноилож Комронбой ортидан юраги дуқирлаб интизор қарай-қарай, энаси уч талоқ гирмон билан олишиб қайтган, охири баттолни, қишлоқдан атиги бир қадам жилмай, мўйқалам ёрдамида тиз чўктиришга қасдланган Мерган қошига зувиллаб чопарди. Қирқни қоралаб қолган бўлса ҳам сўққабош яшаётган Мерган энг улкан қувончга эришгандай дангал қучоқ очиб қаршилаиди, сўнг ҳар бир сўзини темиратки шўшалатган бетидан нигоҳ узмай тинглагач, ўзи ҳам бирдан тилу жағига эрк беради, баъзан жуда тўлиб кетади-ю, гирмон таъзирини бериб қўйгани жўнагач, қаримсиқ чорвадор этагини тутиб кетган хотинидан нолиб хўрсинади...

Олди пешайвон, томи лойсувоқ оддийгина уйи, ёзда турли дарахт соя солиб турадиган ҳовлисидан офтобда ўйнаб ёки пода боқиб чўяндек қорайган жулдирвоқи бола-бақра аримасди, кўпинча айвон пешида уларни аскардек сафлаб, оташаравада учраган кўзлари зангор маллавоё кўнглига ғалати дард юқтирганини таърифлашга тушарди, сўнг бутунлай қиёмат-қойимга эврилган майдонда, кўкрагидан яраланиб беҳол инграб ётган жойида, шўрликни темир ғилдиракли дажжол босиб-янчиб ўтганини айтар экан, ёноқларини милт-милт шўртак ёш ювади ва зумраша шогирдлар бирдан типирчилаб қолишади.

Комронбой оғир тушдек қайғули, аслида эса аввалидан то охирига қадар ҳақиқат руҳи ҳукмрон бўлган ҳикояни берилиб тинглайди, зангор кўзли маллавоё қисмати кўз ўнгида жонлангани сайин, бағри бир хил эзилиб, даҳлизу айвонда тартибсиз қалашик қоғозу қалам, акварелу дастгоҳ ва мўйқалам каби аломат буюмлар сари тобора яқинроқ боради, сувоғи кўчган қийшиқ деворга пала-партиш илинган, қанақа усулу услуб талабига кўра чизилгани номаълум картиналар ёнида хитланиб ўй сураётганини сезмайди ва бирига айниқса кўпроқ лолу ҳайрон мўлтираб боқади.

Ҳали-ҳали яхши эслайди, юпқагина сарғимтир қоғозда думига милтиқ кўндоғи боғланган, узун тумшугини чўзганча шаклан дунё харитасига ўхшаш ботқоқдан қилтириқ тимсоҳ боласини тутаётган, япалоқ пешонасига боғичли сутранг ойнак кўндирилган бақбақадор тўнғиз тасвирланган бўлиб, остки ўнг бурчагига туш билан чумоли оёғидек ингичка ҳарфларда битилган гирмон сўзи хирагина чақнаб турарди.

Чиндан айнан шу расм қаршисида кўпроқ ўйга толарди, сўнг шаклу шамойилига тақлидан бирон лавҳа чизиш одатига айланиб, тез орада завқу шавқ билан йўғрилган киноя учкунлаб турадиган сирли оламга кўчди, хаёлини ажиб сурур ўраб, ўша олам намоён этган нафосат таратаётган тароналар сеҳрини туйиб яйрарди, сўнг улар замирида ниҳон турфа хил рангларни кўриб антикарди; бетакрор мусиқий жўшқинликка мойил ранглар оғушида жавлон уриш – бир пайтда яйраш ва қийналиш нақадар гаштли туюларди.

Ажиб иштиёқ билан мўйқалам тутар экан, кўпинча кўз ўнгида Нафиса ёноқлари латофати, виқорли чўққилар сукути, тўда-тўда қувлашиб учаётган қушлар сайраши, адирларни қоплаган майсалар мудроғи, шохлардан банди узилиб тўкилаётган барглари шитирлаши яшилу фируза, пушти ва сарғиш мавжларга эвриларди, сўнг Нафиса ҳуснини очиб юборадиган чинни жаранги каби тиниқ кулги, Мерган хафа ёки хурсанд пайтларида ғудраниб айтган мулоҳазалар, Вали бахши бўғзидан хиёл зўриқиб чиқадиган овоз ва дўмбира нолишидан ҳам бирон латиф бўёқ қидириб албатта топарди, ҳатто кўпинча эндигина дўриллай бошлаган ўз овози бўёғини ҳам кўрарди, шунда бир хил антикиб, бу дунёда мен ҳам бир жумбоқ ичида мудраётган минг жумбоқман маъносига ғудраниб кўярди.

Падари фақир дўмбираси торларидан Гўрўғли билан Алпомиш ғами ва қувончи тўкилар деб ортиқча кўпирмай сўйларди, қадимий афсоналар руҳида бадиҳа йўли билан битилган нарсалари анчайин дилбар, ёқимли ва исёнкор бўлгани учун барчани баравар маҳлиё этарди, бир термаси айниқса Комронбой дилини кўпроқ мафтун этганди, товланувчан эзгин оҳангларга қўшилиб янграган сара сатрлар қишлоқ бўйлаб мудҳиш шарпа изғиб юргани, муҳаббат бўстони паймол этилаётганидан огоҳ этгани учун диққати ошиб, қурт тушди ногоҳ пайтавасига...

Баъзан Нафиса аросатда қолгани ва нуқул ўзини олиб қочаётганини ҳазм қилолмай, хилват дашту далалар томон бош олиб кетарди, бир навбат сойи шовуллаши узоқларга эшитиладиган Долқоя дарасига ўрлаб ақлу ҳушидан адашди, нечун кўзлари оқиб тушмади ўшанда, ахир, ёппасига қуртаклай бошлаган сон-саноксиз дўлана сидирға ер тишлабди, ҳавосидан тортиб турли гиёҳига қадар шифобахш дара зийнати саналмиш дарахтлар тезроқ қоронғи гўрга кириш учун навбат кутаётган мурдалар янглиғ бежону бенаво чўзилиб қолишган...

Ўпкасини босолмай урина-сурина тентираб юрган Комронбой инграб арз қилаётган кундалардан бирига тўқишиб йиқилди, тепадан эса кумуш елпиғич каби элас-элас товланганча бир шарпа сузиб ўтди, ҳаял кечмай у баҳайбат тутни ғўнғирлаб каллак ураётган касларни илжайганча ими-жим кузатаётган Носир Охун ёнига оҳиста кўнди. Шилиниб қонаган тиззаси оғриғи миясига қадар сим-сим зирқиратиб юбораётгани боис, шарпа бир қултум сув билан ютгудек сарв қоматли гўзал жононга дўнганини дафъатан сезмади, Вали бахши бутдан бошқа нарса эмас деб таърифлаган Санам билан юзлашиб турганини билгач, шапалоқ егандек довдираб қолди, сўнг падари ҳалиги термада Санам макри ўрталарида девор мисол бўй чўзганини фаҳм этмаётган Тўра Охун ва Носир Охун дўзахий эканига нозик ишоралар қилганини эслади ва қудратли бир куч ногоҳ Санам сари чорлади, энди париваш ҳозиргина зангор мавжлар остидан чиққан паридек сулув ва барно кўринарди.

Хиёл калтароқ ҳарир либос ичра Санам бўй-басти тез-тез ингичка тортиб йўғонлашади, қийиқ кўзлари соққалари айрича тусланиб, ғилдиракча мисол сирғаниб айланади; ҳатто тошни тешгудек ўткир нигоҳи ҳар қандай жисму жонга билдирмай юқадиган эҳтиросу назокат ёлқини орқали сирли ва жозиб туюлади. Жуда кўп мақсаду муддаоли ўша ёлқинда жамулжам экани Носир Охун атрофида ажиб таманно ва на-возиш билан ўралашаётган чоғда тагин ҳам яққол англашилди. Айни пайтда зарра-зарра сочилиб, бошқалар дилини ҳам овлаш ва асир этиш пайида бўларди; бир киприк қоққунча вақт кечмай дуч келган банда териси билан суяклари орасига кириб чиқса ажаб эмас, демак, ҳозир ўзи ҳам нигоҳ илғаши маҳол тузоғига оппа-осон илиниши мумкин, Вали бахши эътироф этишича, унақа ҳолат кутилмаганда, ғофил киши ихтиёридан хорижда рўй беради.

Бариси кундек равшан, нотавон тутқунга айланмай ва турли муқомда йўрғаламай Долқоя дарасидан тезроқ жуфтук ростласин, милт-милт аччиқ ёшлари тупроққа сингиётган, нидоси бутун борлиқ ва ҳатто фалакни тутаётган дўланалар оралаб илдам бораркан, бир чеккада қозиқчадек кўнқайган дароз шишани кўрди (келгусида шу савил билан оғиз-бурун ўпишиб қолишини кошқи билса экан), аммо эътибор қилмай сўлий бошлаган навдаларга мунғайиб тикилганча хўрсинди, тавба, наҳот шўрлик дўланалар ўзи каби эртасидан умидвор тинмасак зумрашалар ва кенглик ошифтаси саналмиш қушларни тирамоҳда сарғайиб пишадиган тотли ҳамда нордон мевалари билан бе-миннат тўйғазишгани боис айбдор топилмиш ёки бошқа жиддийроқ баҳона бормикин?!

Аслида масала тамом бошқа ёқда экан, бир кеча, тонг ёришган паллада, ёруғ дунёни унутган кўйи пишиллаб ухлаётган Носир Охун тушида бир-бирини кучоқлаган баҳайбат харсанглар сийнасини мардона ёриб ўсган улкан дўлана қир учига кўтарилади, ғуж-ғуж мевасини узун сириқ билан қоқиб роса исроф қилгач, ногоҳ кучли шамол кўзғалиб, чайир шохлар шовуллаб тебранади ва зимзиё чуқурга лайлак бўлиб йиқилади. Алаҳлаб ҳушига келсаки, юмшоқ тўшақда оёқлари чўрт синган кўйи иситмалаб ётибди, кучли оғриқ азобига чидолмай қоплондек бетоқат айқиради, сўнг ўсмоқчилаб қайноқ пешонасига ҳўл латта босаётган Санам кўнглига қўл солади, бунақа вақтда янада очилиб, тилидан бол томадиган эҳтиёткор малак, рости ёлғонни моҳирона ийлаб, Долқоя дарасида камолга етган дўланалар офат эканини ва улар мана шунақа қайғу келтиришдан бошқасига ярамаслигини қулоғига қуяди...

Вали бахшидан ғаройиб ҳикоятни эшитган Комронбой кўнглига қил сиғмай эзила бошлади, пешонасини қайси тошга уриб ёришни билмасди, ноёб бисотидан айрилган Долқоя дараси дардини туйгани сайин тутақиб, бир алами устига қўша-қўша алам қўшиларди, алал-оқибат хумордан чиқиш чорасини излаб топиши зарур эканини тушунди, йўқса куйиб-ёниб бутунлай тугаши ёки бир умр ўзидан нафратланиб яшаши муқаррар. Ўпкасини қўлтиқлаб Мерган қошига югуриши лозим, кўнглида борини фақат у билан баҳам кўради, пасту баланддан яхшигина хабардор бўлган ошнаси албатта корига ярайдиган жўяли маслаҳат беражак, фақат курмагур қайга ими-жим йўқолди, ерга кирдимиз ёки кўкка учдимиз, бўзчи моксилик неча марта қатнаса-да, ҳовлисидан тополмади, каттаю кичикни ноғорасига ўйнатиш билан машғул Санамни елкам чуқури кўрсин деган маънода бирон ёққа бадар кетгандир.

Аммо янглиш ўйлабди, ҳадемай Санам йўл-йўриғи асосида Тўра Охун кетига лой шуваб нуфузи ортган ва амал отига минган Носир Охун томонидан саҳрога сазойи қилингани овоза бўлди, бўйдоқлик касорати сабабли ёлғиз яшайдиган бева аёлни булғгани, ҳатто игнасимон ускуна ва сурма ёрдами билан кўксиде қанақадир бадбашара махлуқни зарб этиб, айвон устунига қип-яланғоч ҳолда матаб боғлаб қўйгани учун бемаъни жазога лойиқ топилган...

Ҳатто чумолига озор беришни гуноҳи азим санайдиган Мерган шу қадар ҳаддидан ошгани ва шафқат чегарасини бузганига зиғирча ишонмай энсаси қотди, бариси тухмат экани аниқ, фақат энди қўл қовуштириб ортиқ кутишга имкони йўқ, белини етти жойидан маҳкам боғлаб, илгари пишитган режасини амалга оширади, яъни Мерган совға қилган бўёғу мўйқалам воситасида қаҳру ғазаби ва нафратини қоғозга муҳрлаб, қишлоқ устига гирмон каби лашкар тартаётган мунофиқлар додини беради, токи барча ҳар бири ичиде ғараз ва ёлғон уялаганини англасин...

Мақсади аниқ бўлгани сабабли, ҳадеб шубҳа қилмай, недир қатъият билан мўйқалам учига термиларди, қалингина оппоқ қоғозга турли-туман чизигу ҳалқачалар тортгани сайин руҳланаверди, наздида, аста-секин маромига етаётган ва нимасидир пала-партиш ифодалар ортида интиқом тифига маҳкум сиймолар яширинганди. Баъзан телбавор ғудраниб, баъзан товуш чиқармай улар билан хаёлан жиққа-мушт тортишиб тинимсиз тер тўқади, чарчаса озгина мизғийди-да, яна дастгоҳ сари қайтиб, ўзаро қовушаётган бўёқлар сеҳрига боғланади.

Сездирмай бир неча ҳафта ўтиб, алал-оқибат сахархез хўрозлар томоқ йиртиб қичираётган ним қоронғи тонг арафасида узоқ вақт хаёлини банд этган ва недир умид ваъда қилаётган карикатура туғилди, ҳақиқий омад кулиб боққан каби севинчи бир олам...

Анчайин узун ва энлигина қалин қоғозда кенглик бир қадар жонли гавдаланган бўлиб, карч-карч чўққилар ўраган қуёш ёғдусига фарқ сердарахт ўтлоқ яшил ва мовий тусланарди, гирдлари ҳошияси пушти осмон тагида кўнғир дўнгликлар осуда нафас олиб мудрайди, ўнқир-чўнқир шувоқзорда ёйилганча эмин-эркин ўтлаётган кўй-кўзи ва эчки-улоқлар чумолидек майда кўринаётир; қуёш нури тилимлаган гиламсимон кулранг булутга ёндашиб парвоз қилаётган гала-гала қузғун, ўлжа илинжидами ёки бошқа истақдами, оч нигоҳларини қуйига қадаган...

Жиддий тикилган кишигина жангари қушлар, сурув олдида, япалоқ бужир қоя биқинидаги ажриқ кўрпачада хотиржам кўнган Санам ва унинг ачомида ўрнашган, сўйлоқ тишлари сарғиш, бурама думи ғадир-будир касратки сари ётсираб қарашаётганини пайқарди. Юмшоқ ва иссиқ қучоқда хотиржам жон сақлаётган махлуқ бўйнига узунчоқ хумга монанд Носир Охун боши андак кўпол тарзда пайванд қилинганди; кенгина тиришиқ манглайдан бақрайиб боқаётган соққалари бўртиқ кўзларида кўҳна дунё ҳозироқ тиз чўксин пойимда қабилдаги маъно мужассам...

Холисона кузатиб тафтиш қилгани боис илк мустақил асари анчагина хом-хатала экани яққол сезилди, бундан тамомила кўз юмди-да, қувончи ва ғурурини яширолмамай, бурнини шўлқиллатиб торта-торта илжайиб, доноларча уни Оғуш деб атади. Энг қийини адо этилганди, энди иншооллоҳ, бу ёғи хамирдан қил суғургандек осон кўчади, қоқ ярим кечада, барча кесақдай қотиб ухлагач, олғир мушук каби пойлаб ҳовлидан ошиғич узилади-да, ҳар кимни маҳлиё этишга қодир Оғушни қишлоқ ўртасидаги сарҳовуз рўпарасида қад ростлаган, кундузи одам аримас кўҳна чойхона деворига боғлаб ёпиштиради, барини албатта эҳтиёт юзасидан енг ичида битиради, эрталаб оҳаги кўчган деворда ярақлаб турган қулинг ўргилсин лавҳани кўрган заҳоти Носир Охун қуёнчиғи тутгандек шайтонлаб қолса ва битталаб сочларини юлса керак, нақд оёқдан чалиб, белни букувчи зарбани кутмагани боис аввал бўғилиб тўрсаяди, сўнг бўйнига илинган барча айбу уволни ноилож эътироф этади.

Янада муҳими, Носир Охун карикатура баҳона нуфузи ва шуҳратини ошириш учун Санам этагига маҳкам ёпишиб олганини, доим ўша жонон ёрдамида ҳаракат қилиб, хиёнат тегирмонига сув қуяётганини англайди, охири гирмон билан бирга ўзи ва Санамни лаънатлаб чарчаган фуқародан ёлбориб кечирим сўрагач, кўзлари оҳуваш дилбар ҳамроҳи билан етаклашиб, боши оққан томонга тоабад улоқиб кетади, падар қусур эмикдоши Тўра Охун эса даҳшатли Нуқра ғори орқали тўғри охират сафарига жўнаса керак, кутилмаган ажойиб янгиликдан хабар топиб боши кўкка етган Мерган кўкрагини баланд тутиб қадрдон макони ва олажуз қавми бағрига қайтади, сўнг башоратгўй оқин сифатида танилган Вали бахши, қўлтиғида гулпопукли дўмбира, дадил қадам ташлаб халойиқ тўпланган майдонга чиқади, сезимларни титратувчи ва жами эзгу умидлар ушалишидан дарак берувчи термаю куй янграб, катта байрам бошланади, зориқиб қутилган масрурона онлар шуқуҳини ҳатто юраклар ҳам нишонлайди...

Тангри таоло иродаси бошқача экан, ажиб сурур оғушида энтиқиб ўйлагани амалга ошмади, Санам бобиллаб еткизган хабарга кўра, ҳар бир мўйи қаҳрга айланган Носир Охун фатво берган чамаси, чошгоҳ нари-берисида имонини сотган бир шумғия Оғушни девордан юлқилаб олди-да, бурдалаб асов сойда оқизди, алқисса, биров кўриб, биров

кўрмаган карикатура увол бўлиб тезда унутилди. Энди бу омадсизлик қошида ниҳолдек букилиб ва кўксини чоклаб баралла йиғлаб овунсинми, балки Мерганни қидиришни баҳоналаб қишлоқдан бадар кетгани маъқулдир, йўқ, аммамнинг бузовидай шалвираши иснод, олажуз қавмига ҳамдарду ҳамнафас бўлишга интиқ эканми, бошқатдан эгарлаб минади ғайрат отини, ким нима деб итдек хурса-да, яна дарди ва армонини ранглар тили билан шарҳлаб, дил қушини қафасга гирифтор этиб завқу сафо сураётган нокаслар хасу хашагини очиб ташлайди.

Энди ниятни янада йирик қилгани сабабли беҳад узун ва нотекис азият йўлидан анча мардона одим отишига тўғри келди (бу йўл кўнгил орқали ўтишини ўшандаёқ англаган-ов), оддий сув бўёқларини мақсад йўналиши бўйлаб фаол сафарбар этиш, шакл билан мазмун уйғунлигини таъминлаш осон эмасди, аслида ҳали бу нарса нима эканини унча фарқламай, Мергандан ўзлаштирган сабоғини шунчаки қўллашга интилиб, пешонасини тириштириб ишларди. Қисқа вақт орасида ҳар қандай овдир-шовдир девонани бир чўқишда қочирадиган хаёл одамига айланди, дилидан кечаётган ажиб туйғулар билан қоришиқ фикрлар қоғозга узлуксиз зарбланиши моҳиятан диққатга лойиқ ҳодисадек туюларди.

Ҳануз эслаб елка қисади, негаки, навбатдаги карикатура тасаввурини айрича бойитиб юборган мўъжиза заминида туғилганди, юраги боғи билан улангандек таассурот кўзгай бошлаган анчайин ингичка чизиқларга ҳарчанд боқиб тўймасди, ҳайтовур узоқ муддат тинмай чеккан заҳматлари унча зое кетмабди, номи ҳайтовур Ошиқ ва Маъшук бўла қолсин, шундай деб атаса ютқизмас керак...

Чиндан иккинчи карикатура анчайин салобат касб этганди, қурилма марказида бўйлаган қорни қозондек тарвайган кимса, яъни Носир Охун очиқ гўрдан қочган арвоқ каби кўрқинчли туюлади, жун босган сертомир ва йўғон қўллари эгри-бугри бўлиб, торгина елкаларига қуриб-қақшаган ёғоч тахлит улаб қўйилганди; ғозниқидек ингичка ва узун бўйнига тиркалган калласида ғовлаган соч тахлит ғумай ва шўра аралаш чақир тикан кўкариб турарди.

Торгина ботиқ пешонада бўртган жияклари ним қизил сарғиш кўзлари майсазорда соллона-соллана товланиб юрган товус сиёқли Санам томон интиқлик билан бўзариб қараётир. Тўқ сиёҳи ва нопормон тусли майин патларга кўмилган, рафтори гул баргидек нафис малак нигоҳи ажиб назокат билан чўғланиб порларди ва кўксиди пинҳон оғу қудратини ошкор этаётганди.

Жимгина жавдираб тикилгани сайин карикатура жозибаси тобора маҳлиё айлаб жимирларди, ҳали-бери эсдан чиқмас зап қойил иш бўлди, гирмон каби хатарли икки ҳамтовоқни тириклай қаро ерга тикворди, энди улар найранглари ортиқ ярамай қолганини ноилож тан олишади, ўзи эса валломат алп ўғлон каби гердайиб, олқишу қутловлар остида, торгини тошлоқ кўчадан зафар туғини баланд кўтариб ўтади.

Аммо номард тақдир бошқача тўн бичгани сабабли, узил-кесил ғалаба тағин буюрмади, навбатдаги мағлубият деворга бошлаб елимланган Ошиқ ва Маъшук босартусарини билмас бир тўда ҳовлиқма олифтаи сатанг кўлига тушган дамда рўй берди, Санам имоси билан шўрлик картина ғижимланиб гулхан сари улоқтирилди, чор-ночор инграниб ёнаётган ифодалар билан бирга ўзи ҳам гуриллаб ёнди, бағрида нишлаган умиду илинж ҳам...

Ҳали булари ҳолва экан, қишлоқда ҳадемай куракда турмас ғалати турли мишмиш тарқалди, Санам жазмани саналмиш югурдаклар нияти бузуқ, қилиғи совуқ Мерган шогирди бўлгани, ундан турган-битгани мағзавадан иборат расмлар чизишни ўрганиб олганини ошкора сақич қилиб чайнашарди, ҳатто юрагини суғуриб дайди кўппакларга ташлаш ёки кўрада тоблаб пиширишни таклиф қилганлар ҳам бўлди. Нақд оёғидан чалиб, жарга итараётган ғийбатдан қандай қутулиш йўлини билмасди, Вали бахши ёрдам бериши гумон, жуфтак ростлаши айниқса бефойда, негаки, Санам каби етти қат ер остидаги қилни кўра оладиган ўткир нигоҳли суянчиқ кўмагида Носир Охун ҳар қанақа хуфия кавак ёки чуқурдан куёндек оппа-осон тортиб чиқариши тайин ва тирик юрса қолгани худога таваккал!..

Иложи қанча, кўп ўтмай кенг адирда ерга урса кўкка сапчийдиган абжир ва ҳазилкаш жўралари билан мириқиб чиллак ўйнаётган пайтда тумшуғидан илинди. Қуюшқонга

сиғмас пўписа ва сўкинишлар билан кечган дастлабки суҳбат пайтидаёқ ақлдан оза-ёзди, охири зиммасига мангу надоматга маҳкум этувчи ва вужудини ушлаб турган тилакларга аёвсиз тарзда қирон солувчи талаблар юклатилди. Қуриблар кетсин-ей, тавозе сақлаганча Носир Охун ва ҳатто Санам пойида йиқилиб, нобакор қўлимга бошқа мўйқалам тутмайман, атрофимга фақат сўқир бандадек қарайман ва сиз лозим топган чилдирмага ўйнайман қабалида қасам ичиши лозим. Муҳими, етти яшардан етмиш яшаргача барча танишу билиш, жумладан, ўзини олажуз қавми пири калони санайдиган ва ҳар нарсага тумшук тиқиб куйдирадиган Вали бахши тавба-тазаррусини эшитиши керак, агар ушбу шартга кўнмай тирноқча саркашлик қилса, бемаврид йўғон тортган бўйнига бир неча ботмон келадиган ғул солиниб, қишлоқ ўртасидаги сарҳовузга ташланади, натижада бир умр ўзини қуртлар урчиб бижғиган сув остидан қидиражак...

Сарҳовузда какрадек кўкариб жон узишни ўйлашнинг ўзиёқ чегарасиз азоб ва машаққат саналарди, шундай экан, уввало оёқ тирамай, тиз букиб кечирим сўрай қолсин, шу билан осмон узилиб тушмаса керак, фақат орияти ва иззат-нафси нима бўлур, дил ойнаси синиб, эрта қишлоқда қандай бош кўтариб юради, йўқ, бирдан бўй эгиши чакки, шафқатга эса зор эмас, меҳрибон худо сабру қаноат берса кифоя...

Кўп қизиқ ҳол кечди, аҳду қарорини билгандай Носир Охун ғулни йўқот маъносидан аллакимга имо қилди, бир оз танасига ўйлаб, ҳоврини босган чамаси, йўқса отаси тирила келиб буюрса ҳам юшамасди, ҳалига қадар ҳатто бирон етим пешонасини силагани ёки бирон бевага қайишиб сўз айтганини биров эсламайди, ҳозир эса чиройи очилиб қаради кўзларига...

Фақат севиниш бобида андак шошибди, ногоҳ қулоғига истехзоли кулги чалинган, бунга имон ўгирди, сал нарида айёронга чимирилган кўйи бўлиқ сочлари учини ғижимлаётган Санам нигоҳида алихўжа билан хўжаали бир хил эмасми тарзидаги кесатиқ учқунларди. Бариси тушунарли, барибир тепасида чумчуқ ва майналар чирқираб сайраётган улкан сарҳовуз чорлаётир, чор кунжакли коса ичра мудраётган кўкимтир мавжлар чангалидан соғ-омон қутулиб чиқиши даргумон, буни ўйлагани сайин тасаввурини ортида бўзлаб қоладиган Вали бахши ва Роҳила отиннинг мунг тўла кўзлари банд қиларди, сўнг қирқ кокилига жамалак таққан Нафисани эслаб зору зор қақшади, наҳот энди қайлиғи билан ҳам дийдор маҳшарда қолса?!

Эсласа ҳануз сочлари сихдек тикраяди, ахир, ола-була шолча тахлит бақатўнлар, лойқа энган алафлар орасидан ясси-йилтироқ тумшугини тўқмоқчадай чўзиб, мўлтирабгина маъносиз боқадиган, қизғимтир тилчасини эрмак учун лип-лип ўйнатиб кўядиган чипор илонлардан бирини амаллаб тутиши ва бўйнига арқондай ўраб-чирмаган ҳолда ўрта кўчадан чопиб ўтиши қай хил жазо тоифасига киради?!

Мабодо буларни бажармай оёқ тираса манглайига яна ҳам мудҳиш тамға урилиши айтилди, сираси, мудом дўмбираси улкан давраларда сайраганини пеш қилиб кериладиган Вали бахши ҳарчанд ёлбормасин, қитмирлик бобида ном қозонган такасалтанг ва шумтака сифатида бузқўбош Мерган изидан саҳрога бадарға этилади, сўнг бу тарафга қайтиб йўламайди, агар сурлик қилиб йўласа, маза-матрасиз чўпчаклар билан ғиж-ғиж тўла ярамас калласи сапча каби шарт узилади...

Баҳор аввалроғи эмасмиди, осмон туби тешилгандек, ёмғир гоҳо шивалаб ёғарди, гоҳо эринмай челақлаб қуярди, баъзан изгирин асабий алфозда визиллатиб ҳуштак чалади, нам қирғоқдан сакровдики, сонсиз муз заррачалари билан тўқнашгандек титранди, умри бино бўлиб бунақа қаттиқ совуқ еган эмасди, сокин чайқалаётган хилқат ичра дириллаб, томирлари ва суяклари қақшаб аранг молтирди, охири ўпкаси бўғзига тиқилиб, киндик қони томган қишлоғи, барча ёру биродари, эзгу ниятлари, армону ва ҳасратлари билан тоабад видолашиш вақти етганини англади; яхшию ёмони тузукроқ бошланмай абадиян йўқлик қаърига кетадиган бўлди, қайси манзилу маконга элтажаги номаълум ўнқир-чўнқир йўли ногоҳ кесилган арқондек узилди ва энди тақдир ёзуғига тан беради-да...

Ҳадемай ажиб хилқат остини қоплаган бижғиган балчиқда чорасиз қимир этмай узала чўзилиб ётади, сўнг улкан гурзи елкалаган бадбашара азроилни қаршилайди, бемаврид учрашув жуда нохуш кечади, ана, ҳалитдан шуури тутун ёпишган ойнадек хиралашди, энг қалтис дамда, сабру қарори битиб шишган тилини тишлар экан, тасав-

вури бир бурчида маъюс жилмайганча жамалак сочли Нафиса бўйлади, негадир у қўл силкиб тезгина чекинди-да, ўрнини пишқириб кишнаётган Хулкар жиловини тутган ва киров теккан сочу соқоли ғовлаган Мерган эгаллади...

Нобакор ажал билан олишаётган бўлса ҳам элас-элас илғади: ошнаси йиқилар даражада ҳорғин, ёруғ дунёдан совуган, шундай эса-да, чағир кўзларида недир умид ва шижоат чақнарди, шалвираган одам бир дона маккага тўқишиб ўлар деган-дек бўлди, салдан кейин ногоҳ жон қулоғига шафақ юпқа парда тортган уфқ этакларига туташ дашту далаларни тутган бир маҳзун, бир қувноқ ранглар қўшиғи чалинди, оҳори тўкилмаган залварли оҳанглар ботинида қалб дунёсини англаш, кўринувчи ёки кўринмас ҳар неки омилни беғубор ранглар жўрлигида жўшиб куйлашга ундовчи ёқимли титраниш пинҳон...

Булар барисини энтикиб теран ҳис этган дамда, ногоҳон сезимлари бўйлаб олов тахлит бир қувват зув этиб югурди, сўнг ўша фавқулодий қудрат нақд чўяндек оғирлашган, ҳатто сув захрини сезмаётган карахт танасини бир зарб билан шардек лопиллатиб юзага кўтарди, ажабо, қаттиқ тугилган ўнг панжасида қарийб бир қулочлик билақдай чипор илон ақлдан мосуво нобакор банда, инсоф қилиб қўйвор, нечун бунчалар азоб берасан маъносида тўхтовсиз билтангларди.

Сарҳовузда бақаю итбалиқларни ҳам қўшни, ҳам емиш қилиб яйраб яшаган бадани хол-хол ношуд эркатой эплаб чақолмайди, лекин муздан ҳам совуқ турқига чидаш уввало осон эмас. Ҳарчанд истамаса ҳам падар қусурни томирлари бўртган бўйнига айлантириб ўрай-ўрай, сал наридан барисини кузатиб кулаётган Носир Охун ва Санамни кўтарасига ёғлади; ҳамон чўтир думи иягига тегиб-тегмай тўхтовсиз ликиллаётган газандани, агар сал иложи топилса, болта билан бир неча бўлакка бўлган ёки жилла курса нўноқ уста тарошлаб ясаган майда мум туморга ўхшаш шилимшиқ тумшугини шартта эзгилаб ташлаган бўларди.

Ҳар қанча бўғилиб ижирғанса-да, сир бой бермасликка уриниб, ғойибдан Мерган айтган пурмаъно сўзларни ичида муттасил такрорлаб овунарди, дадил олға интилгани сайин чўгланган ўткир нигоҳ қаеригадир муттасил санчилиб турарди, тавба, ҳайратомуз нигоҳ игнаси, юзлаб ёки минглаб эмас, тиканзорда сочилган тикандай беҳисоб...

Айни шу фикр яшин тезлигида дилидан кечди, сўнг келгусида ҳам шу қаттол нигоҳ таъқиб остида бўлишидан беҳабар ҳолда, тезроқ маррага етиш учун охирги кучини тўплаб янада жадал югурди, занглаган тақа қоқилган қўш табақали ёғоч дарвозалари интизор боқаётган экан йўлига, ҳансираб шошгани туфайли бўсағада гандираклаб кетди, оҳ-ҳей, шўрлик бурунчаси кесаклари тўкилган сарғиш ёндари четига қарс этиб урилди-ю, ҳар иккала тешигидан тизиллаб қорақон отилди.

Тинкаи мадори қуригани боис, узоқ муддат қатланиб ётди, кейин қандай ҳодисалар кечгани аниқ эмас, йўғ-а, тушида шахло кўзлари маъюс боқадиған Нафиса билан дўланалари қийратилган Долқоя дарасида, зарангу шумтол ва арчалар оралаб оқиб келадиған асов сой бўйида шоду хуррам етаклашиб юрди, сўнг қайлиғи аҳду вафога тегишли сирпанчиқ кесатиғидан аччиқлаб дуч келган томонга оҳу каби бурилиб жўнади.

Тўхта дея қичқириб, зўрға киприқларини кўтарсаки, борлиғи алангаи оташ ичида куяётир, дўмбираси қорнига кафтини босганча Вали бахши оғир сукутга ботган, хиёл бароқ қошлари ўртасига тушган тугун кўнглида кечаётган ғалаённи ифода этмоқда, дарду ҳасратини тўхтовсиз айтиб-айтиб йиғлаётган Роҳила отин эса терчилаган пешонасига ҳўл латта босиш билан машғул...

Муболаға эмас, бариси қўрқинчли тушга ўхшайди, аслида эса мудҳиш тошқин арафасида хуну бийрон бўлган дили тубида кўрғошиндек чўккан хотиралари бир бўлаги холос, мана энди абадий фиरोқ ўтида ташлаб кетган қадрдон хешу ақраболари соғинчи баҳона дафъатан кўзғалиб, жисму жонини олисда қолган кунларга кўчирди. Кўз ўнгидан сира жилмайди, айниган суви муздек совуқ сарҳовузда аранг инқиллаб молтиётганда ҳам, бақатўну алафлар чанғалидан бир амаллаб қутулганда ҳам эсушидан адашганди, дилида Нафиса меҳри ва Мерган ғойибона қилган ўгит туфайли



уйғонган умид ва қатъиятга суяниб телбаваш ҳаракат қилганди, вақти-соатида айна ўша ҳолатини ранглар воситасида тирилтириш нияти йўқ эмас...

Ҳозирги вақтда эса кечани кундузга улаб, уйку баҳридан ўтиб, фақат Ғунча ва Ҳомила қурилмасига сайқал бераётир, мураккаб ранглар дунёсига киргани сайин шу-ури айрича ёришиб, рўпарасида гоҳ чеҳраси сўлғин Роҳила отин, гоҳ қорни дўмпайган Нафиса қад ростлайди ва улар юрак уришини ҳам эшитади.

Қайси кеча тушида қовоғи солинган, қўлида синиқ мўйқалам тутган кўйи ғудранаётган Мерган аён бўлди, тушни ўзича таъбирлагач, мийиғида истеҳзоли кулди-да, Ҳулкар лойиҳаси ижросига киришди, аста-секин у ақлу хушини олди ва ажиб оламига судради. Сирланган бўз матоли дастгоҳ қошида Мерганни ёд этиб паришон ўтирганда ранглар жимирлаб пичирларди, кўпинча улар қаъридан бўғзига пичоқ тортилган, чорасиз қолган хожасига охири марта мўлтираб қараётган бедов нидоси келарди, ёруғ дунё билан видолашаётган кўзларида қотган мунг ва оғриқ шакли топилган кунда кўнгли иқлимга Мерган қайта ташриф буюргандек руҳланди ва қолган-қутган нуқсонларни тамомила бартараф этиш учун шошилди...

Авалдан ҳар бир янги асарини қўлидан ўқ-ёйи ёки созини бир дам қўймайдиган Аполлон амри билан елкаларидан елпиғич тахлит бежирим қанотчалар ўсиб чиққан кўзлари мовий фаришталар йўргаклаб олишларига ишонади, ўша холис ниятли маъбуда Ҳулкарга ҳам шундай илтифот ва меҳру мурувват кўрсатганини тахминлаб кўкси юксаларди.

Айна шу тушунча ва умидворлик Ғунча сари муттасил чорлай бошлади. Ғунча тархини қайта назардан ўтказиб ўйга толди, масъулият туйғуси бир неча хомакидан энг маъқулини танлашни тақозо этаётганди, самарали изланиш ва нишонга адашмай аниқ уриш учун аввало руҳан тайёрланиши, яъни тошқин арафаси ва у ҳамлага ўтган пайтда рўй берган барча ҳодиса кўламани доимий равишда қайта-қайта теран идрок этиши зарур, йўқса иш бузилади, қурилма мағзига гавропўшли бешикка беланган маъсум гўдак ортидан қутурган пўртана қаърига ному нишонсиз кетган Роҳила отин қайғуси ва оғир фироққа чидолмай қадрдон дўмбирасини кечаю кундуз бўзлатган ва ўзи ҳам бағрини тиглаган Вали бахши ингроқларини борича сингдириши амри маҳол...

Мудраётган кичик шаҳарни қуршаган осуда тун шовқин-сурон етаклаб келган тонга қачон ўрин бўшатди экан, дастгоҳ ёнида бедору безовта бўлса ҳам буни сезмабди, сўнгсиз дилгирлик ва оғриқларни жамлаб майин қовуша бошлаган нозик ифодалар қошида гўё сеҳрланиб қолганди, ҳар сония дилини мунтазам ўртаб, олис ўлчамда, йўқ, ранглар ботини ва зуҳрида, тўполон кўтариб ёввойи тўлқинлар пишқиради, дўмбира нолиши ва тоғу тош наъраси билан қўшилиб маҳзун илтижо янграйди.

Роҳила отин овозини танийди, онажоним арвоҳи безовта маъносида оғир хўрсинар экан, шифтни бошига кўтариб телефон чинқиради, сўфи азон айтмай қайси номерд сим қоқмоқда, янги латифа тўқиган Шодмон Чўтирий ёки ҳафталик газетада бирон рассом пўстагини қоққан Аливой Салим бўлса керак, ишқилиб мудом қўйнида бир неча ботмонлик калтак асраб юрадиган Тарвуз домла эмасмикин, тавба, устоз ғудранишини эшитса ёки башарасини кўрса афти буришади; яқинда ҳалиги маълуму машхур китобини, Санам даъвати асосида, мағзавадан ҳолва яшашга устаси фаранг ношир қайта чоп қилаётганини эшитди, фаҳмича, эски номини ўзгартириб, айрим исмларни алмиш-тирган бўлса, бариси бемалол жойига тушгани аниқ, эрта-индин бинойидек дастхат билан Носир Охунга совға қилса ажаб эмас...

На қулиши, на куйишини билади, ширин уйқусидан кечиб, Ғунча ёнида ҳовуч-ҳовуч дардга айланиб ранг танлаётган пайтда безовта қилган кимса ҳали танилмаган ҳаваскор рассом экан, негадир у нуқул хўрсинарди, анча салмоқ билан қуюқ саломалик қилиб, Носир Охун номини шарафлагач, қулай вақтини топган ва кайвонини Афродита ҳайкалчасини ясатиш учун маблағ ажратишга кўндирган Тарвуз домла хислатларини санай кетди, қайсидир журналда ўша тимсол суратини кўриб дилида эзгу ҳавас куртаклабди, келгусида тақдир тақозоси билан унга албатта эришажак, фақат ҳозир бошқа ғалати ташвиш сабабли ранг-рўйи сомон, анчадан буён отамерос ҳовлиси ён-атрофида бир париваш изғийди, баъзан бехосдан йўлини тўсади-да, жисму жонини эритгудек лутфу карамлар қилади, баъзан кечқурун ишқий жазава онларини кўкларга

кўтарувчи лапар айтиб тўшакка тортади, кучоқлаган чоғида туйқус шовдираган шохшабба ёки қичитқонга эврилади.

Кўп таажжуб, бир оқшом ўлгур тушида савлатидан ҳатто от ҳуркадиган Носир Охун билан бирга момоқаймоқ бўлиб кўриниш берди, озода ва сўлим хиёбонда улар манглайда мугуз бўртган Тарғил лақабли овчаркани етаклаб юришарди, энди уввало истамаса-да, каллаи саҳардан то қаро кечгача турли шаклда ўша жонивор расмини чизиш ва кўча-куйда учраган одамга совға қилиш билан оворай сарсон, ол-ҳа, бор ба-рака!..

Ўргина жигарим, шўринг қурибди-ку маъносида ғудранди, сўнг асаби симдек таранглашиб, гўшакни тарақлатиб улоқтирди-ю, чизиқлари анча нафислашган Ғунча сари орзиқиб қаради, недир куч жонини ҳар бир ифода жозибаси билан бирлаштириб турарди, сўнг олисдан шиддатли йўсинда чақнаб келган сиёҳи тола нур фикрларини чалғитиб, миясида сен ҳам ўша ҳаваскор каби думбулсан деган фикрга эврилди.

Эрта-индин Тарғил баҳона Носир Охун ва Санам сиймосини оҳорли матога зарблаши лозим (Кабутарни чизмагани учун осмон гумбази узилиб тушмади-ку!), шундай қилса пичоғи ғарча мойга ботади, фақат бу қандай кўргилик саналур, бору йўқ бисотини бозорга соладими, ундан кўра, умр бўйи мискинлик ва ғуссаю армонга юкуниб кун кечирган, эвазига фақат ур калтагу сур калтак остида эзилган ва охири жонидан тўйиб шартта қулоғини кесган Винсент Ван Гог йўлини тутуди, йўқ, яхшиси ўзини ҳовлиси этагидаги терак ёки симёғочга осадди; фақат ҳозир турган-битгани гуноҳ ва уволдан иборат бўлган, охиратини вайрон этадиган бу тадбир фурсати эмас, бугунча жонини тинч қўйиб, Тарғил ҳақидаги хомхаёлни унутсин-да, туркум тақдирини тезроқ ҳал этиш чорасини ўйлаб топсин.

Ғунча йўналишида интилишлари умуман чакки эмас, анча шаклланиб қолган қурилма яна бир муҳим ғалабадан дарак бераётир, хомаки ботиний ва зуҳурий уйғунлиги кишини беихтиёр ром этади, фақат шу уйғунликка, бешик билан бирга, гулдай гўдаги, жами қувончи ва бахту тахтини йўқотган, сукунат мамлақати сари бир дунё аламу армон орқалаб кетган Роҳила отин қалбини ёндирган оташ ифодасини теран сингдиrolмай хуноб, ахир, аввало шу омилни рўёбга чиқармоғи лозим эмасми, фаҳмича, бунга тўласинча эришмоғи учун ўша пайтда бир неча бор ўзида ўлиб тирилган ва буни боқий ҳаёт сари чорлов деб билган Роҳила отин ҳолига тушмоғи керак, демак, изланиш онларида ўзи ҳам очофат тошқин, ҳам мискин жабрдийдага эврилиши лозим, фақат бунчалар руҳий зўриқиш ҳар доим ҳам буюрмаса керак...

Нима ҳам қиларди, аксига олиб ногоҳ телефон чинқириб хаёлини хазон каби тўздирди ва ажиб жараён бой берилди, жағи оғримас ёш рассом қайта сим қоқаётган бўлмасин, оғзи катта ва дасти узун валломат хожаси меҳрига қониб кун сайин тўлишаётган Тарғил хусусида яна мағзава тахлит маъруза эшитиш тиш суғуртиришдек азоб-да, хайрият, энди бемаврид сўроқлаган, ўша эзмаи гуппон эмас, соқолгинанг битлаб тўкилгур Шодмон Чўтирий экан, латифабоз дўсти, салом-аликни насия қилди-да, шоша-пиша тўтидек чулдираб Тарғил таърифига киришди, ҳар нимани кутган бўлса ҳам буни кутмагани сабабли нафаси ичига тушди.

Шодмон Чўтирий кечаси тушида бўйнига чиройли тилла ҳалқача осилган ҳайбатли овчаркани ҳамда унинг даҳанига ёноқларини босиб кулаётган Носир Охун билан Санамни мойбўёқда оҳорли матога келиштириб зарблаган, пешинга яқин тўшакни тарк этиб, уйқутираб мундоғ қарасаки, устахонаси бурчагида ўша картина тикрайиб турибди, ўша заҳоти ақлу ҳуши бошидан учиб афтини ўгирган, агар бирон ифодасини кўрса юраги зирқираб оғрир эмиш, энди ҳар оқшом тушида мўйқалам тебратар экан ва ҳамма ёқни шаклу шамойили бир хил картина босиб кетибди, алҳосил, тез орада барча рассом чекига шундай аломат қисмат тушса ажаб эмас...

Совуқ нафасини ел учирсин, аммо тупканинг тубидаги овдир-шовдир фуқароси билан от қашқасидек танилган кичик шаҳарда ҳар нарса рўй бериши мумкин, туш деган ҳодисада одам ихтиёри ихтиёридан ташқарида бўлиши эса кўп тахминлар ҳақиқатга яқин эканини яққол тасдиқлайди, эрта устахонаси Тарғил ва уни эркалаётган Носир Охун билан Санам суратларига тўлиб кетса ҳоли не кечади.

Калавадек чуваланаётган можаролар бир тарафу бот-бот кўзғалиб куйган бағрини баттар ўртаётган хумор бир тараф – мислсиз зориқиш ва чўллашга муштало этадиган хуружларидан роса тўйди, савил ҳозир айниқса муттасил тарзда сўнгсиз бир оғриқли ҳасратга эврилиб борарди, тавба, атиги бир пиёла захри қотилга яна қанча вақт интиқ бўлиши мумкин.

Энаси ўлсин-ей, ҳамонки бирон чимдим тайинли нажот йўқ экан, охири ит ҳам, бит ҳам пашшахўрда бўладиган бродвейда бўйнини қисиб кўр тўқади чоғи, аслида бу чораи тадбир ҳар нарсага қодир кўҳна дунё айвонини бузгудек ваҳимали гуноҳ эмас, вақтида ҳатто Нико Пиросмани<sup>8</sup> ва бошқа кўплаб улуғ сиймолар кўча буюртмасидан тушган даромад ҳисобига амалу тақал қилиб яшашгани, айрим олғирлар баҳонада ўзларини ўнглаб шуҳрат топишгани ва бойиб кетишганидан яхшигина хабардор...

Оддийлик сўқмоғидан буюклик чўққисига кўтарилган Нико Пиросмани қисмати мудом дилида яшайди, савдои феълли ўша зотни, атиги бурда нон эвазига картина чизишга журъат этгани боис жиддий айбситса, жигаридан уриб қўйган гўзал ва сатанг хонандага, ўзаро шартлашиб, атиги бир кечалик висол учун бир миллион дона қизил атиргул совға қилиш тилагида ҳовлисини сотиб кўчада қолгани ва умрини кўп қаватли иморатнинг чироғи йўқ зах ертўласида якунлагани боис<sup>9</sup> чин дилдан шарафларди (жами мулкидан айрилган куни ўша офатижон бошқа шаҳар сари ижодий сафарга жўнаб кетган), ёшгина камбағал шогирд кексайиб касалга чалинган ва чизишни йиғиштирган Нико оғзига сув томизаётган сонияларда Париж кимошди савдоси баъзи асарларини неча миллионлаб доллар миқдоридан баҳолашга киришганини эслаганда айниқса кенг дунёга сиғмай бўзларди...

Агар қўли очиклик бобида ҳаддидан ошмай, топган-тутганини иложи борича тежаб-тергаб сарфласа, яъни Тарвуз домла каби бир мирини қирқ жойидан тугса, зорлик нималигини билмай, ҳар кун қозонида битта бутун қўй биқирлаб қайнарди, ҳатто аллақачон тузукроқ шарт-шароити бор ҳовлига кўчиб ўтарди-да, ортидан девона деб товуғини патлашни хушлайдиган сур касларни пичоқсиз сўярди.

Ҳозирча унақа тўқчилик ва ҳашам етти ухлаб тушига ҳам кирмаса керак, йўргакда текканми нима бало, бирон картинаси сотилиши шарофати билан чўнтагига тушган беш-ўн сўмни кўчадан супуриб олинган хазондек сочалоқ қилишга ишқибоз, баҳонада қайта-қайта фириб еган ва ноўнғай аҳволда қолган, шунга қарамай, ғалати одатини йўқотишни хаёлига келтирмайди. Картина йиғувчи мижоз ақчани санаб бергач, ўзини фабрикачи бойга менгзайди-да, учраган одамни қаҳвахонага судраб, бугун битимизни бир тўкайлик дея, ҳар нимани буюраверади, ҳамёнида бори урвоқ бўлмай, кўп марта қулоғигача қарзга ботгани, тўлашга қурби етмай қочиб юрганлари, баджаҳл хўжайин таёғидан оғзи-бурни қонаганлари ва ҳоказо ҳангомаларини тонгга қадар айтса ҳам тугамайди. Ошиб-тошиб давра тузгани ва дастурхон беаганига яраша баҳоси осмон сархил нозу неъматлардан мундоғ тотинса экан, қайда, кўпинча қорни пиёз пўсти бўлса ҳам бирон лўқма емай, бир ҳафта чўлда сув ичмаган туя каби тамшаниб, улкан пиёлани бир кўтаришда бўшатади ва тўхтовсиз ола-ола охири ўзини танимай қолади.

Кайфи ошгани сайин камина Винсент Ван Гог муридидан, пешонамга қулоғимни кесиш ёзилган дея, кўкрагига тарс-тарс уради, сўнг лабу лунжини йиғиштира олмай истеҳзоли илжаяди, негаки, пиёладаги уммон тубида Санам товусдек париллаб чарх ураётган бўлади, кўпираётган ўткир майни, ҳар бир томчисига у симоб каби араллашиб кетганини сезмай, яна жон-жаҳди билан ҳовлиқиб симиради, тонгда ёки сал барвақтроқ аъзои бадани увишиб, боши ғовлаб уйғонгач, навбат пушаймон оғушида бўғилишга етади, лекин энди ҳеч бир афсус ва надомат корига ярамайди...

Барваста гавдаси қат-қат ёғдан иборат экани, тунлари пулга чўмилиб чиқиши биллиниб турган олтмиш ёшлардаги тепакал киши йўқлаб келганда муттасил хуруж қилиб авж палласига етган сирли азобу қийноқ чангалида чорасиз тўлғаниб ўтирарди. Қойил

<sup>8</sup> Прimitивизм (ибтидоийлик) йўналишида ижод қилган буюк грузин рассоми (1862-1918).

<sup>9</sup> Андрей Вознесенский шу воқеадан илҳомланиб ёзган

“Бир миллион дона атиргул” шеърини Алла Пугачёва кўшиқ қилган.

қолсин, рўпарасида икки қўлини белига тираб ғўдайган ва нукул пишқириб ҳаво ютаётган Семизвой, ҳар қанақа даъвои дostonга ҳақи ва ҳуқуқи бордек ўқрайиб боқаётганди бетига, салом-алик ўрнига бехосдан бидирлаб Вали бахши номини ёд этди, сўнг темирни иссиғида босиб, падари эзиб жирлаганда олажуз қавми калом ва мусиқа малҳами билан дардман дилларни беминнат даволаган ва жаҳон аҳлини мафтун айлаган оташ қалбли булбули шифо<sup>10</sup> нафасидан бахраманд бўлган каби сархушланган дамларни шарҳлашга ўтди, лутфи эҳсони нишонга текканини сезгач, ўзини лаънати тошқин пайтида энг улкан жабру жафо ва қайғу кўрган ситамкаш қилиб кўрсатди (икки ўғилчаси билан ёшгина хотини ва акасидан жудо бўлган экан), бўғзига жовиллаб тиқилган йиғини аранг тийгач, ногоҳ Калхат харидори эканини айтиб юборди, ҳали атиги бир марта ҳам назари тушмаган эса-да, ўша асарига ошиғи беқарор экан...

Мезбон пешонаси тиришганини сезган меҳмон ниятим барибир ушалар деган илинжда гоҳ боғдану гоҳ тоғдан келарди, бисотида мавжуд жами олқишни иложи борича асал қўшиб сарфлади, уринишлари зиғирча наф бермагач, ялтироқ бетигади табассум сўниб, манови каталакка боғлаб қўйса маймун тугур товуқ турмайди-ю, димоғфиноқ қилиб чиранишга бало борми маъносида ияк қоқди ва чертиб-чертиб сўзлай кетди.

Худо буюрган аъмоли ва ризқу насибасидан нолимайди, аммо жонидан ортиқ севадиган иккинчи хотини тегманозик чиқиб қолди, келиб-келиб ҳайбати одамни чўчитадиган йиртқич қуш расмига бошқоронғи бўлибди, тажрибали кекса врач ўша хил жонзот бадий тасвирига узоқ-узоқ тикилиб завқланмаса, бола ташлашини ошкора айтибди, оёқ тирамай холисона ёрдам берсин, ҳали туғилмаган гўдак уволига қолгандан кўра, мўмай пулни қўлга киритгани афзал, озгина қўшиб-чатса сал чеккароқ мавзедан мундайроқ ҳовли-жой харид қилиши мумкин, истаса камида бир-икки йил рўзғор тебратишига ярайди, хуллас, қулоқ қимирлатмай кўна қолгани кони фойда...

Нафаси тикилиб ҳансираётган Семизвой битмас-туганмас дарду ҳасрати орасига Аливой Салим исмини оғзидан бол томиб қистиригандан кейин муштини тугиб олайди, адашмаса, Калхат хусусида оғзида гап турмас ўша галварс ахборот берган, бечора гадодек қийналиб, урина-сурина тиши кирини сўриб юради, сал-пал пулга ёлчиб, қорни нон-понга тўйсин, эгни тузукроқ оҳорли кийим-пийим кўрсин деган бўлса керак-да, аммо Калхатдан кечиш юрагини суғуриб бериш билан тенглигини ўйламаган...

Агар Калхат ёнида ярақлаб турмаса, оёқ-қўли кесилган ва руҳидаги чироқ ўчган кимсага айланиб қолади, уйқуси ҳаромга чиқиб, қониқиш туйғусини йўқотади, муҳими, туркумда бадий изчиллик мувозанати бузилиб, тузатиш маҳол парокандалик вужудга келади-да, диду фаросати пўстак жонқовул номини орттиради, қисқаси, ягона тизимга бирлашган асарлари айрим-айрим сотилишидан увоқча манфаатдор эмас, ҳар қандай ҳавоси баланд валломат мижоз билан келгусида, режаси тўла-тўқис амалга ошгандан кейин дангал гаплашади, иложи борича олди-сотди эътиборли хорижий шаҳарда кимши савдоси орқали холисона кечиши лозим...

## 11

Қайсидир жиҳатдан ўзини фидойи шинаванда каби тутаётган Семизвой обрўйи битди, бот-бот Аливой Салим номини ихлос билан тилга олаётганига қарамай тошини терсин, қолаверса, дилбар хотинчаси йиртқич қуш расмига бошқоронғи бўлгани ақлга сиғмайди, азалий ва абадий таомилга тўғри келадиган нарса қуриб кетган экан-да. Аслида у ёлғонни қойил-мақом қилиб бовлиқдай эшаётгани эҳтимолдан холи эмас, балки мияси таркига куя-пуя тушган-у, нимани ўйлаётгани ва сўйлаётганини ўзи тузукли билмай шунчаки алжиётир.

Охири Семизвой сазаси ўлганига бутунлай имон ўгириб какрадек кўкарди, илкис сопқондек сапчиди-да, ҳали сен гўдак камина совунига кир ювмагансан, атиги бир ишорам Носир Охун жаҳаннамга эмаклатиб жўнатиши учун кифоя маъносида оғзи кўпирди, шопир йигитни қийнаб бекор келибди бу сичқон уясига, данғиллама бинода иш бошлаган кўргазмани кўргани борса бўларкан, ўша гўшадан истаганини осон топарди, ҳай, ғовлаган хомкалла-я!..

<sup>10</sup> Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Семизвой талпанглаб қайси бир дастгоҳни тепиб қулатди, охири ўша матоҳингни пишириб егин маъносида мушт ўқталиб жўнағач, елкасидан тоғ қулагандек енгил тортди, сўнг ичида қуларкан, эшикдан қорни дўмпайган икки хушрўй жувон чуғурлашиб мўралаб, ҳайратига ҳайрат қўшганча, сокин жило сочаётган Калхатга ютоққандай термилиб қолишди, салдан кейин бири кўйиб, бири нарх бича бошлади, энди яна ҳам ранжиб, амал-тақал билан улар ройини синдирди, эндигина хайр-маъзур қилган эдики, остонада фируза тусли енгисиз кўйлак кийган чиройли келинчак кўринди, ёнидаги хуш мўйловли норғул йигит пинжига суқулиб, нозик бармоқларини безаган тилла тақинчоқларни кўз-кўзлаб жилмайди, сўнг атирга бўқтирилган оппоқ рўмолчасини тугмадек бурунчаси четига авайлаб босди-да, энтикиб киприк намлади.

Келинчак худо ёрлақаб ҳомила орттиргандан бери нордон олмаю анор ғажиб ейишга жуда ўч экан, кўчада тасодифан учраган парирўй аёл сузилиб қарай-қарай қорнини силағач, ҳар қандай мева-чевани кўрар-кўрмас боши айланиб қусадиган бўлибди, энди ғажир ва қузғун каби йиртқич қуш расмига термилиб хаёл суриш ва қувонишга орзуманд эмиш, шунақа мол фақат шу уйдан топилишини ғойибдан келган хабар орқали билибди, агар ноумид қилиб қайтармаса, қиёматлик ака-сингил тутинади, пул-мулдан тортинмай оғзига сиққанини сўрасин, ҳатто зару зевар ҳам қаҳат эмас...

Келинчак гоҳо нозик бўйнидаги маржонни силаб, гоҳо атаганингни қизғанмай чўзавер маъносида эрини туртиб бидирларди, баъзан орада тез-тез йўлиқиб турган афсунгар мегажинни ер ютсин деб қарғанади, овозидаги ишонч билан йўғрилган маҳзунлик сезимларини қитиқлаб ўтаркан, чурқ этолмай елка қисди, иложи қанча, ёрдам беришга ожиз, ҳозирча Калхат ақча ёки бошқа бирон омилга чақилмайди, ҳар қандай жабрдийда нажот ўлгурни бошқа жойдан қидирсин...

Шунча ғалва камдек, пешонасига тайинсиз учрашув ва тортишувлар ҳам битилган экан-да, булар бариси қачон тугаркин, ахир, аллақачон пичоқ суягига қадалиб, ишидан барака қочди-ку, бу аҳволда туркумни қачон битиради, бир томонда Ғунча сарғайиб кутаётганидан айниқса доғда, кети узилмай келаётган меҳмонларга чап бериш, бир оз ҳордиқ ёзиш ва яхшилаб ўй-фикрини тинитиш мақсадида устахонани вақтинча тарк этади, баҳонада санъат музейи залида очилган оммавий кўргазмани томоша қилади, келгусида ўзи ҳам туркумни шу гўшада намойишга қўйишни мўлжаллаган, тез орада бошқон билан келишиб қўйиш нияти йўқ эмас...

Шарқона меъморий безаклари шаҳар хуснига ҳусн қўшган улкан бино бўсағасида негадир хиёл эсанкиради, замонавий мебеллар билан жиҳозланган шоҳона саройдан қолишмас муаззам зални, шарсимон биллурий қандиллар қаторида, Санамнинг айрича чақнаётган кўзлари ҳам ёритаётганди, ҳатто жон қулоғига юраги дукурлаши ҳам чалинди, недир жодуга мойил сас бошқа касларни ҳам асир этаётгани шубҳасиз. Тобора чароғон тортаётган залга беҳисоб аёлу эркак ниманидир қизғанган каби ошиқиб кираёттир, ҳар жойда турфа хил гуллар ва совғалар хирмондек уйилиб ётарди, гирдлари заррин попукли оппоқ дастурхонлар ёзилган столлар сархил нозу неъматлар билан тузалган бўлиб, ора-чорада қизғин табрик сўзлари янграб қолади.

Чексиз шодиёна ва қувонч гўё залга сиғмай тошади, ясан-тусан қилган димоғи баланд меҳмонлар, гулобий ва симобий шароб эмас, аллатовур тубсиз тўлқинга ғарқ бўлиб кайфу сафо суришаёттир, қонлари қайнаётган ашаддий мижозлар эса, бир-бирларига навбат бермай, кўргазма олажуз қавми доврўгини янада оширишга хизмат қилиши хусусида мушоҳада юритишиб, лим-лим қадаҳларни тинмай бўшатишади, ёрлиғига сакраётган қўтос зарбланган дароз шиша ичида борини қизғанмай сарф этаётгани сабабли мунозара даҳанаки жангга уланиб шовқин кучаймоқда...

Барча ўзини кўрсатиш истагида ҳовлиқади, фақат яқин-орада қайчи тегмаган қировли сочу соқоли ғовлаган яғриндор банда гардиши зарҳал юмалоқ панно биқинида ёғоч каби қотиб сукут сақларди, баъзан қалин жун босган панжалари билан иягини тутамлаб, паннодаги тумшукларида зумрад бинафша тутиб парвоз этаётган оқ кабутарлар, кулча юзи қирмизи дуркун қизалоқни қучоқлаган ҳолда уларни олқишлаб мамнун кўл силкиётган Носир Охун ва Санам тасвирига ажабсиниб тикилади.

Рафтори ва боқшидан сабру тоқатли жаҳонгашта экани, кўпгина ақл бовар қилмас бало-қазони кечириб тоблангани ва тинмай олис йўл босгани сезилаётган банда

бўёқлар оламида мавжуд ҳар ким ҳам англамас ҳикматлар мағзини чақишда анча устамон кўринади, йўқса паннони бунча узоқ кузатмаган ва мулоҳаза юритмаган бўларди.

Яна ҳам муҳими, истараси иссиққина экан, илгари у билан учрашгани шубҳасиз, боқишида жам туйғунлик ва ҳароратни ҳис этгани сайин ғалати орзиқмоқда, потирлаб тепа бошлаган юраги эса, тузукроқ қарагин, кўзлари чағир бу банда сен учун нон ва имон қадарли азиз деб нидо қилди-ю, бирдан ҳаяжони оғзига тикилди. Афту башарасини сочу соқол кўмган ва беҳад ҳорғин кўринаётган кимса худо ҳақи Мерган экан, рўпарасида ўсмир қалбини бўёғу мўйқалам сеҳрига ошна этган ва қалтис вазиятларда пешонасини силаган илк устози бўй ростлаб турганига бир қатра ҳам шубҳаси қолмади, фақат йўқ айби учун Носир Охун бадарға қилгандан буён қочиб-писиб юрган Мерган бу гўшага қачон ва не муддаода келгани қоронғи, ҳозир барисини ипидан игнасиғача билади, аввал бағрига босиб соғинчи ва меҳрини изҳор этади-да, сўнг беҳисоб саволга кўмиб ташлайди.

Кўп таажжуб, ҳозиргина сал нарида жавдираб хаёл сураётган Мерган бирдан қайга йўқолди, маҳобатли зал жисмини ютдими ёки кўзига арвоҳи кўринган эдими, бу жумбоқни ечишга ожиз, энди чегарасиз шов-шувга сабаб бўлиб, тобора ҳаловатини бузаётган жамоавий кўргазма билан яқинроқдан пухта танишсин, ҳартугур ибратли жиҳатларини ўрганса ва тажрибасини бойитса зарар қилмайди.

Аммо бу не ҳол, зални шошилмай айланар экан, ҳар неки умиди ғашлик билан алмашина борди, ганчкорий деворларни безаган картиналарда бўртиб турган қиёфалар, масалан, ҳар хил вазиятда хом-хатала тасвирланган Тарғил сохту сумбатидан, халоскор гўзаллик ифори эмас, фақат ўз кўмачига кул тортадиган дабдаба ҳиди анқирди, аниқроғи, ўзаро уйғун тушмаган турфа ифодалар, руҳга чироқ ёқадиган безовта қалб ва ўтли кечинмалар қолиб, тама ҳамда хушомад тамойиллари асосида туғилганди, тезкор йўсинда ишлатилган иссиқ ва совуқ ранглар мақсадни ҳаққоний ошкор этиш ўрнига пуфақдай шишириб юборганди, натижада юзага келган соқовлигу сўқирлик уларни аччиғу чучук ҳақида бийрон тилда сўйлаш орқали завқу шавқ уйғотиш ҳислатидан Мосуво айлаган...

Агар сал пичоққа илинадиган тўрт-беш картинадан бошқа ҳаммаси баҳридан ўтилса ҳам кўргазма ҳеч нарса ютқизмасди, фақат буни фаҳм этадиган азамат бор эканми, ҳамон мижозлар лим-лим қадаҳларни паққос бўшатишу ҳамду сано ёғдириш билан машғул, Носир Охун билан Саман ўз қиёфаларига маҳлиё бўлиб боқишаётир, тахта шоколад сўраётган Тарвуз домла улар севинчига шерик эканини яширмай илжаяди, сўнг устоз барча шоғирди номини бемалол юлдузлар ёнига тиркади, бисотида мавжуд жами эзгу тилакни бўкиб ичган Азлар Ниёз пойига садафдек сочиб ташлади ва уни Афродита номидаги хусусий мукофотга лойиқ топди.

Дилида ёрқин ниятларни тугиб олға интилаётган Зокир Фиёсий озгина сабр қилсин, ҳадемай навбат албатта унга тегади, афсуски, ҳаёт қувончига бегона айрим рассомлар, жумладан, Комрон Вали икки дунёда ҳам юксак шарафга муяссар бўлиши маҳол, саркашлик отини жиловлаб минган укамиз ҳар жиҳатдан талабчан ва холис жамоа ҳукмига ҳавола этган асарлар Носир Охун олажуз қавми манфаати йўлида чекаётган азият руҳига бутунлай бегона, ҳозир ўзингиз бунга яққол ишонч ҳосил қиласиз...

Мияси қатиғи ачиган чамаси, тамшаниб шоколад шимийётган Тарвуз домла ўтлаб кетди, азалдан одати шунақа, мабодо бировни савалашни истаб қолса бирдан қутуриб, тилига ўлардай эрк беради, қовун туширгани аниқ бўлгандан кейин эса аттанглаб юради, ҳатто бир марта жонли эфирда қайсидир корчалонни ҳажикиз дегани учун давралардан қувғин қилинишига атиги бир баҳя қолган, қайси бир газит орқали ҳақорат қилинган ўша муҳтарам зотдан расмий кечирим сўрагану қаддини тиклаган, аммо тарки одат амри маҳол-да...

Ростдан ҳам шунақа экан, ҳозир яна ҳаддидан ошиб, захрию зардасини истаганча тўкиб солди, одатини яхши билган ва аллақачон қарийб эти ўлган Комрон Вали эса шунчаки лабини буриб кўйди, вақти етганда уни қарғиш уриши ёки бирон жаззаки чуқур-пуқурга тиқиб кетишини ўйлаб истеҳзоли кулаётган пайтда кимдир шоша-пиша зал қуйи томонида тугилган пардани шигиллатиб суриб юборди ва девор ўртасида ёпиштирилган Жилға, Калхат ва Ҳулқар кўзга ташланди.

Ҳеч нарсага ақли етмай жавдираётган паллада, аста-секин қаршисида номаълум сирли ўлчамлар билан туташ олам гавдаланди, сўнг йироқ бир сарҳадда дўмбира эшилиб нола чекди, туйқус жонон создек ранглар оҳиста ингранди-ю, нигоҳ илғамас туби йўқ тубсизлик қаъридан ваҳимали потирлаб Калхат узилди. Жияксиз митти кўзлари яшимтир ёнаётган йиртқич куш ўлжа илинжида ҳозиргина ошенини тарк этганга ўхшарди, чинқиришдан бир дам тўхтамай шифт ва саҳн ўртасида қисқа муддат қанот қоқди-ю, илкис Тарвуз домла кўксига чангал урди, ҳаял кечмай Носир Охун ва Санам устига отилиб яна қийқирди, фақат негадир уларга зиён еткизмай янада шиддат билан ортига бурилди...

Энди бутун зал сув қуйгандек тинчиди, фақат сокин жимирлаётган уч картина қурилмалари қаъридан ҳаргиз дўмбира нолиши ва ҳар хил товушлар бир маромда эшитиларди, ўзаро уйғун бўёқлар гоҳо недир хавфу хатардан огоҳ этгандай баралла наъра тортиб қўярди. Ногоҳ шунда қандиллар оҳиста силкинади, ҳатто Комрон Вали бир ғалати титроқ туяди, баъзан ҳар бир чизиғи тилсимдан иборат бу асарлар наҳот фақир мўйқаламига мансуб маъносида синиқ кулади. Охири бугун кутилмаган ҳодиса сабабли тўла-тўкис ишонди, улар ботини ва зуҳурида дарё ёки денгиз тошса қирғоқ, ўксиган ва куйган кўнгил тошса бутун олам чўқади шиори мазмуни пинҳон, эзгу ниятда ўйлаб топилган ва эртанги изланишлари йўналишини белгилловчи ушбу шиор кейинги барча картинаси, яъни бутун туркум маъзига чуқур сингиши лозим.

Туркумни айна шу шиор остида яратишга бел боғлагани хусусида ҳалигача бирон давра ёки кишига чурқ этмаган, аммо сал муқаддам гавжум чойхонада кайфи ошиб Аливой Салимга ёрилди, таг-замини чуқур ҳикмат эҳтиросга берилувчан журналист бағрига чўғ ташлади, балойи гўрсан деб кетидан кўтаргач, айна шу эзгу муддао асосида ҳар кимни бош кўтармай ўқишга мажбур этадиган, илм билан амални бирдек жамловчи йирик рисола битмоқчи бўлди, нари борса олти ойда ош пишади деб кериларди, ҳей, ўшанда насибни қўшмаган экан...

Одатда Аливой Салим ҳўпиқиб мақтанса ёки бирон масалада кимгадир ваъда берса кифоя, худо тос тепасидан уради-да, бошқа юмушга уннаб кетиб барини унутади, ҳатто бу гал ҳам шундай бўлди, тунов куни ётиғи билан суриштирса, сал кам уч ой мобайнида чалакам-чатти қилиб атиғи уч варақча нарса қоралабди холос, муштини пешонасига тираб, бир дунё арзон-гаров важни кўндаланг қилди олдиға, тавба, сўз оламида ҳар кимга ҳам буюрмас шуҳрат буюриб кўзларини сўқирю оёқ-қўлини шол айлаганмиш, бундан кейин нимани ёзиш ва ким билан дўст бўлишни пишиқ-пухта ўйлаб кўриши албатта шарт эмиш, ол-ла-а, шоввоз!..

Аридай тинимсиз ғурунглаши ва жайноқлашидан аравани қуруқ олиб қочаётгани англашилди, қолаверса, муҳим дарди борга ўхшайди, ростдан ҳам шунақа бўлиб чиқди, Санам сездирмай қўйган тузоққа илинганини тушунмай аразлаган Замира жабру жафосига аччиқма-аччиқ, кўп режаси ва ташвишини бир ёнга йиғиштириб, қайта уйланиш истагида тайёргарлик мавсумини бошлаб юборибди, эрта-индин никоҳ ўқитилар экан...

Аливой Салим қайга бу қадар шошаётир, ортидан тириктириб қаттол ёв қуваётирми нима бало, бу ёғи қоронғи, аммо Замирани куйдириш учун қасамёд қилгани ҳамда вақт ёқасидан олаётгани аниқ, қолаверса, аввалги ойимчасидан кўрмаган ҳузури ва иззатини бунисидан кўришга умидвор, тез орада буниси қўчқордай ўғил ёки ойдек қиз туғиб беришига гумонсирамай дўпписини осмонга отаётган бўлса ажаб эмас...

Довруғи баланд вадаванг тўй яқин, кўпчилик бу хабарни жиддий тарзда ёки эрмак учун дўмбира қилаётир, ҳақиқий дилороми билан топишаётган ва уни мудом кафтида авайлаб кўтариб юриши ҳақида ҳатто радио орқали катта ишонч билан ваъда берган кўёвтўра марказдан данғиллама ҳовли харид қилишни мўлжаллабди, онаси ўпмаган навниҳол келин сепига олмос кўзли бир неча жозибатор маржон, тилла узугу сирға қўшибди, мабодо кам деса, яна бажони дил олиб берармиш...

Кучи етарканми қандини урсин, дунёда мавжуд жамики жавоҳиротни пойига сочмайди, фақат ўзидан ҳол сўрасин-чи, катта таъриф берилаётган бахту тахтлари сари пешвоз чиқаётган омадли келин-куёвни қанақа совға билан қутламоқчи ёки икки қўлини бурнига тикиб қурумсоқ лўли каби шумшайиб кирадими тўйхонага, йўғ-е, бу қилмиши шаънига муносиб эмас, жилла курси билан натюрморт, манзара ёки график

сурат тортиқ қилиши лозим, фақат ярим ойча муқаддам, туғилган кунида ҳам ноилож шунақа чора қўлловди, энди яна шу йўлни тутса ярашмас, қайта шарманда бўлгани қолади...

## 12

Қалбида ажабтовур ғашлик ҳукмрон, аммо парво қилмай, Фунча хомакиси атрофида парвона бўлаётир, гоҳо санъат музейи залида рўй берган хангомани эслаб илжайди-да, яна енг шимариб ишга киришади, мўйқалам равон юришгани сайин тобора етилатган ифодалар безовтаҳол шивирлайди, сўнг қаҳру ғазабли нидолар, чақалоқ йиғиси ва онаизор оху фарёди қўрқинчли шовуллаш билан кўшилиб янграйди. Мўйқалам ва бўёқ билан сирлашар экан, тўлқин кифтида лопиллаб сузаётган бешикни ва титраб-қақшаб унга талпинаётган Роҳила отин қадду бастини бемалол кўради, сўнг нимадир дея худога илтижо қилиб, тиним билмай тунни тонгга улайди, яна қош қораяди ҳамки, дастгоҳ ёнидан жилмай дард чекади, охири тоғдай дард остида қолиб, оз-моз ором тилайди, маймоқ диван жисмини бағрига тортган ҳамано бору йўқни унутади, ногоҳ бир ўлчамдан бошқасига кўчади, шошилмай шарқираб оқаётган сойдан кечиб ўтган заҳоти бўзлоқ ва қир ўртасида каллак урилган улкан чинорга монанд тик қоя кўзга ташланади.

Азалу абад меъмори шамолу бўрон кўмагида салобатли қоя баданини балиқ сиртидек силлиқ тарошлаб қўйганди, мовий бўшлиқда вазмин ўйга толганча виқор тўкиб товланади, чўнг яғринига жипслашиб турган лою кесак ва шоху шаббадан моҳирона ясалган саватсимон уя яқину йироқдан бемалол эътиборни тартади. Фалак тоқига яқин жойда ўрнашгандек туюладиган мўъжаз бошпанада ўзига яраша қувонч ва ташвиш ҳукм суради, бир-бирига суяниб қолган нар турна билан мода турна оҳақдай оппоқ жуфт тухумни қанотлари остида иссиғу совуқ ва ёғину сочиндан авайлаб асрайди. Вақти-соати етиб бири палағда экани маълум бўлади, буниси ёриғидан қатрон тусли жимжилоқ тахлит илонча ўрмалаб чиқади, тақдирга тан берган жуфтлик баданини хол-хол тангачалар қоплаган махлуқни ардоқлаб боқади, тез орада у гуриллаб вояга етиб, уя остидаги қавақда яшай бошлайди...

Келаси йил баҳорда мода куйикиб нари билан қовушди-да, не-не умиду ҳавасга чулғаниб яна жуфт тухум қўйди, ҳадемай бири биридан дуркун ва кўркам икки палапон ёруғ дунёга келди, кунба-кун улар шажара учун бардавом ҳаёт хос эканини эслатиб ўсишарди. Зурриётлари хавфу хатардан холи, тўкин-сочин яшашини жонкуяр ва фидойи нар айниқса жуда истарди, во дариғ, бир кун шом арафасида, шахту шижоатини намойиш этиб, тумшугида емиш олиб келсаки, уя қоқ ўртасида кўпдан бери қўшилари бўлган чипор илон қорни қаппайган кўйи бемалол кулча бўлиб ухлаётир, бўғзида ўткир тиш излари қолган жуфти сал нарида қилт этмай ётибди, одатда шодлигини яширолмай чувиллаб қаршилайдиган ва луқма талашадиган палапонлар эса бедарак...

Барини тушунган нар қуа-қуалаб узоқ нола чекди-ю, ҳар бир ҳужайраси интиқомга эврилиб, мурасасиз жангни ғалаба билан яқунлади, мудҳиш рақибни чўқилаб жиғилдонидан ўтказгач, кўксидеги ярасидан қон сирқиб, ошиғич кўкка ўрлади, ҳавода бир неча марта умбалоқ ошгандан кейин қуйига шўнғиди ва ҳўл тупроққа ўқдек кириб кетди.

Олам беҳосдан сув қўйгандек тинчиб қолгани боис замин остидан анча вақтгача маҳзун нола эшитилиб турди, тонг отгани ва кун ботгани сайин ўша нола қайта-қайта такрор бўларди ва бир парча жой кўпчий-кўпчий дўмпайиб борарди, аста-секин мўъжаз қабр тикланди ва бағрида бир дунё дарду ҳасрат пинҳон эканини ошкор этгандек дунёга мунғайиб боқди, сўнг шивалаб ёға бошлаган баҳор ёмғирига тўйиб яшил либосга бурканди, қоқ ўртасида бўйлаган бир дона атиргул тезда япроқ ёзди ва ғунчалари сапсарик тусда ловуллаб очилди.

Қуёш ботар паллада хотиржам сайру томошага чиққан Носир Охун (ёки Тўра Охун эдими?) кўрку таровати тенгсиз сариқ атиргул қошида маҳлиё бўлиб хаёлга толди, сўнг аллатовур орзиқиш ила уни шартта узиб, панадан ишвали сузилиб қараётган, гажаклари елкаси оша кўксини босқин қилган Санам кўлига тутқазди, терисига сиғмай қувонган малак чаппор уриб ўйнаган кўйи хандон ташлаб кулган чоғда чўчинқираб ҳушини ўнглади.



Аъзои баданидан қуйилган қайноқ тер маймоқ диван тўшагини шилта қилиб юборганди, тавба айтиб ўрнидан қўзғалган ҳамоно хаёли тухумдан чиққан жондор сари оғди, супадан сал нарида эса бир қанча сариқ атиргул яшнаб турарди, илгари дўппидек тор ҳовлисида бунақаси бўлмаган, қаёқдан кела қолди, бас, у ёғи билан қизиқмай, эрта тўй куни бир дастасини келин билан куёвга совға қилсин. Сўнг тушни эслаб бўшашди, ҳатто кўнгли чучмал тортиб, ёруғ дунёга сиғмай кетди, аммо тутақиб бўғилиши ёки босинқираган тунги лаҳзаларни лаънатлаши бефойда, афсунли рўё баҳона сариқ атиргул бехосият туюлаётган экан, бошқа хилини олиб боради, пес мири сарфласа мушуқли дарров осонлашур, фақат арши аълодан фатво келгандек, бутун шаҳар сариқ атиргул оғшини паноҳ билиб мудраётганди, ҳар қанча интиқ бўлиб ва толиқиб ит каби изгимасин, бир дона ҳам бошқа чечак учрамади.

Кутилмаган ажойибот ҳақида юрак ютиб кимга сўйласин ва арзи ҳолини қайси нодон қизиқиб эшитарди, бутун аҳоли ва базми жамшидга ташриф буюрган меҳмонлар барисидан хабардор бўлишса керак, аммо тўйхонада бу хусусда биров чурқ этмади, шаҳарда гўё ҳеч нарса ўзгармаган ва ҳаммаси аввалгидек бир маромда давом этарди...

Даврани драматик ва ҳазил-ҳузил кўшиқлари билан Азлар Ниёз кўпроқ қиздирди, барака топгур рубоб жўрлигида қадим замонда ташна дилларни муҳаббат майи билан қондирган Афродита жасоратини куйлар экан, Санам кузатиб келган Носир Охун кўзлари жами аломат тушинг бизга аён дегандай ғайирона порларди, ясан-тусанни ўрнига қўйган кайвони қўлида ногоҳ пайдо бўлган сариқ атиргулни, Аливой Салимга эътибор бермай, бахти-тахтидан мамнун келинчақка жилмайиб узатган заҳоти, яна хаёлидан осуда уйқусини ҳаром қилган туш кечиб қўрқиб кетди, сал ҳоврини босиш учун Санам айрича илтифот билан қўлига тутқазган қадахни қайтармади, кейин ич-ичида тўлмас қудуқ пайдо бўлгандек, устма-уст ютоқиб симираверди, хурмачаси ёрилай деган пайтда кимдир юмшоқ товушда инсофга чақирди.

Гап қўшган одамга бирров қарагач, ақл ўргатмаган биргина сен шумкалла қолувдинг маъносида лабларини бурди, истараси иссиқ суҳбатдош эса ўзини босиб сокин кулиб қўйди, сўнг суянчиғи баланд стулга чўқди-да, кўҳна дунё аслида гўдақдай маъсум деб беғараз ғудранди; барваста қадду басти, сочу соқоли ва нимдош яктагидан тупроғу замбуруғ, пидинау себарганинг омихта бўлган нимтатир ҳиди анқиётганди; йирик-йирик чағир кўзлари синчков тарзда хушёрона чақнаб боқарди, тубида чексиз осмон ҳайбати ва пурвиқор тоғлар виқори чайқалиб турарди.

Ногоҳ булар бариси хаёлини ўғирлаб, қиёматлик оғам Мерган дея, овози борица наъра тортди-да, санъат музейида доғда қолганини эслади ва ўпкасини босолмай олға интилди, агар ҳозирок ёшлик куч-қуввати ва шижоати ёғилиб турган жуссани қучмаса, мисли йўқ азиятлар тиғидан тилка-пора юрак садосини эшитмаса узала тушиб жон таслим қилади, узоқ вақт дийдори насиб этмаган илк устози иззату ҳурматини жойига қўйиш баҳона кечмиш ва бугун билан яхшироқ топишмоғи керак. Фақат илқис рўпарасида силкинган мафтун этувчи момик қўл ниятини барбод айлади, оппоқ кафтда жимир-жимир товланаётган қадах кўпроқ халақит бераётир, тип-тиник мавжлар қўйнида нозу ишва соҳибаси чарх уриб сузарди, жон сўровчи қийиқ кўзларида бир олам жоду ин қўйган...

Базми шамшид қизигани сайин Санам руҳланади, зарра-зарра ҳолда меҳмонлар жисми билан бирлашади, сўнг ортга қайтиб, яна ҳарир қўйлак ичра йиғилгач, кўнглига эгалик қилолмас ҳар уч гумроҳдан бири маним шеригим саналур маъносида ёқимли жилмаяди. Сутга чайилгандек беғубор чехрага термилиб тургани боис Комрон Вали баттар орзиқади, ахир, наҳот шу мегажин билан кўпчилик қатори ўзи ҳам ошу қатиқ бўлса, бир вақтлар падари курмагурни бутга қиёслагани, бунга қаноат қилмай кейинроқ шуллук дегани ёдида, қадимда турфа маъданлардан яралган чиғаноқда етилиб, фурсати келганда уни бемалол ёриб чиққан экан, неча марта шу манзарани чизишни кўзлаган, доим нимадир халақит бериб, аниқроғи, туркум ташвиши бошидан ошиб ётгани сабабли улгурмаган...

Яна ичмоқчи бўлиб шайланар экан, Мерган билагидан ушлаб силкилаб юборди, биллур қадах ялтироқ полга тушиб чил-чил синди, ўзи ҳам майда синиқлар каби

тирқираб сочилди, ақлу хушини ўнглагунча орадан қанча вақт ўтгани қоронғи, ҳайтовур нафас олаётган экан, қум тиқилгандек ачишаётган кўзлари деворга қоқилган мих, қия очиқ эшик дастаси, бир неча қатор тизилган картиналарни илғади-ю, беҳисоб ари инлаган каби ғувиллаётган калласини аста чангаллади.

Намунча ҳоли забун, ҳадемай охири нафаси тиқилиб, томирларидан қон тузукли оқмай, таррақдай қотса керак, тўй тўйдек бўлсин деб, шу қадар бўкиб ичиши шартмиди, айтганча, аввал анчайин хотиржам ўтирувди-ку, кейин нега бунча жиловни бўшатди, мана энди жазосини тортаётир, кеча бўйни узун шишага қамалган обизамзамда мириқиб чўмилди, бугун эса ўша савил қолгур анқо уруғидай гап, атиги бир қултумига интиқ, иложи қанча, тишини тишига босиб чидайди, меҳрибон худо бирон жойдан ризку насиба эткизар, ҳозир яхшиси Ғунча хомакиси устида азият чексин...

Нима учундир, ҳарчанд диққати ошиб уринса-да, қачондан бери Роҳила отин руҳий оламини ишғол этолмаётир, ҳозирга қадар топилган ифодаларда сурурий кайфият уйғотувчи драматик таранглик етишмайди, агар бу жумбоқ даф этилмаса, бари увол-савоби бекор, демак, қайтадан куч йиғиши ҳамда тегишли моҳиятни дилида қайта пишיתיши лозим, вақтинча Ғунчани бир четга суриб қўяди-да, Ҳомила ёнига қайтади.

Аслида бу асар дардини чекиш ҳам игна билан қудуқ қазигандек азобли бўлади, хомаки сари борган дамдаёқ кўз ўнгида ногоҳ жардан учган Нафиса жонланди-ю, муз остидан чиққандек дағ-дағ қалтирай бошлади, сўнг миясида сиёҳи ёлқин чақнади, яна у барисидан воз кечишга ундаётганди, ҳозироқ жами хотираси ва туркумни унутиб, оҳорли матога Тарғил баҳона Носир Охун ва Санам қиёфасини зарб этиши лозим.

Санам ғойибдан истаган пайтда шу фикрни уқтиришини ўйлаб аввал энсаси қотди, сўнг чаккасини тимдалаб бир оз мулоҳаза юритгач, мийиғида истеҳзоли кулди-да, дастгоҳ қошида аста чўк тушди, қўлида хиёл титраётган мўйқалам қандайдир омад ваъда қилиб роз айтарди, равон ҳам жадал юришгани сайин қалбида мавж ураётган ажиб кечинмалар, турфа рангларга эврилиб, мато бўйлаб ёйила борди, сирли саслар таратаётган ранглар ажабтовур рамзий ўзанда туташди ва уқпар булутлар кучган вазмин чўққилар ва поёнсиз уфқ этаклари жамол очди.

Қиёмда порлаётган қуёш нурларини эмаётган дўнгликлар, қовжироқ хасу хашаклар ва карч-карч барханлар орасида ёнбошлаган улкан сарғимтир Чиғаноқ сокин товланади, бир неча қулоч етмас белига қадар қумлоқ ерга ботган ғаройиб хилқат гўё хушёр қоровулдай бутун теваракни назорат қилиб турарди, вақт довуллари чандиқ солиб буриштирган қобиғи ўткир тиг билан кесилгандек қоқ иккига айрилган, ораликдан илжайганча аранг сирғалиб чиқаётган Носир Охун билан Санам баданида қони бор-йўқлиги номаълум чувалчангдан андоза олгандек туюлади, елкаларида семизгина даканг хўрозни тишлаган, бўлиқ жунли бақувват бўйнига қўшалоқ нафис тилла кўнғироқча осилган Тарғил талтайиб ўтиради, Тарғил ҳолати асосан Носир Охун рафторида жам кибру ҳаво нишонасини кучайтириш учун восита бўлганди.

Носир Охун афту ангорига анчайин мувофиқ тушган чўзинчоқ ияқда сийрақлаб ўсган ярим айлана мош-гуруч соқол гирдида бир неча жозибали мунчоқ тахлит садаф тизилганди, жун босган чап қўлида бежирим ёғоч ҳасса хиёл совуқ ялтираётир, ажабки, учига тангасимон темир ўрнатилган ҳасса думалоқ қорнини ушлаганча титраб-қақшаб мўлтираётган, шафтоли қоқидек буришиқ лаб-лунжи бир четига сигара тахлит шоколад кистирган Тарвуз домла сари ўқталган...

Ақлу хушини ўғирлаган Чиғаноқ ўсмирлик даври маҳсули саналмиш Оғуш, Ошиқ ва Маъшукни эслатаётганди, тушдаги каби тез суръатда ва тўқис туғилгани айниқса эътиборга лойиқ, таваккал қилгани кутилмаган ажойиб натижа берди, энди ҳадеб Санамни ўртада даллол қилган Носир Охун бурнини тишласин...

Карамни кенг тангидан Ғунча ҳам шундай жадал ва бекаму кўст ёруғ дунё юзини кўришини тилайди, аммо Ғунча онаизори ва укачаси хаёли билан боғлиқ чеку чегараси йўқ ғусса ва изтиробга тўла беҳад узоқ азобли меҳнат самараси бўлади, ҳар қанча қону зардоб ютса ҳам аҳди қароридан қайтмай, мусибатли онларда Роҳила отин ҳар бир хужайраси орқали кечирган туйғулар шаклини кашф этади ва уни Аполлон замонидан мерос қолган ишончли тамойиллар асосида зарблайди, ана шунда қаноат ҳосил қилиб севиниши ва хотиржам тортиши мумкин...

Ҳозир Чиганоқ тимсолида тангри таоло юборган ғалабани нишонлаш учун орзуманд, Чиганоқ ато қилган қувонч ва ифтихор унча-мунча эмаслигини тасаввур қилгани сари хумор зориқиш ва чўллашга эврилиб томоғидан ғиппа бўғаётир, ўткир шароб тамини соғинибди, тўйиб ичгиси келиб пешонасини гоҳ журнал мизи, гоҳ совуқ деворга босади, энанг ўлгур мулла жирингдан қисилиб тургани нақадар аламли, ўша зормонда бўлмаса жонини қийнаётган жумбоқни қандай ечади. Кўнгли чўкиб, асаби тобора таранг тортилаётган пайтда ажиб шовур жимлик чокини сўкиб юборди, сўнг ҳар ёқдан тўй-тўйчиқда янграйдиган хиёл шўхчан ва қичиқ куй сизиб келди-ю, юпқа қурум босган бурчақда ўра тахлит туйнук очилди, қандайдир куч емираётган каби туйнук аста-секин кенгайиб ёришди, сал кечмай қаъридан узалган момик қўллар бетини оҳиста сийпалаб қўйди, қўша-қўша тилла узуклар беаган нозик бармоқларни лолу ҳайрон кузатаркан, журнал мизида зарҳал ёрлиғида йирик шохли қўтос акс этган бўйни узун шиша бўйлади.

Кутилмаган воқеа қошида унча ажабсинмай, ҳатто шундай кору ҳол рўй бериши мақаррар эканига бемалол ишониб, гирдлари кемтилган сопол пиёлани қулқуллашиб тўлғазди, пиёлада сокин кўпираётган атиги бир-икки қултум май дарҳол шаксиз лаънати хумор додини беради, фақат кимдир, олисми ёки яқиндан, кўп шошма дея жеркигандек бўлди, андак зардали ва хайрихоҳ таниш овоз дил торларига илкис тегиниб ўтди. Охири безовта нигоҳи бурчақда нотинч ўй сураётган, бадани ва кирчимол кийимидан дала-дашт ва ўт-ўланнинг нимтатир бўйи аниқётган Мерган нигоҳи билан тўқнашди, биродари ранг-рўйини қоплаган таъна соясини илғаб уялган бўлди-ю, барибир пиёлада борини гуп эткизиб бурни остига ташлади, азиз ва мўътабар меҳмон ғашланиб тўнғиллагани ва йўқолиб қолганига унча аҳамият бермай, яна бир неча қўл симирди, бир зарбдаёқ пиёла бўшаса-да, ҳарчанд куйгани билан дароз шиша бўшамай, булоқ мисол тинмай қайнарди...

Тонг ниҳоят кечани тахтидан қувибди, бутун шаҳар янги кун ташвиши ва қувончига шўнғиган, анча ёришган устахонани қамраган қушлар чуғури ва автоуловлар шовқини бот-бот юмуши тиқилиб ётгани, тезроқ оёққа қалқиши зарур эканини эсига солаётир, фақат ҳеч нарса гардча ёқмай, карахт тани ва жонига бегонадай бўғилади, шўрлик боши эса болға остида пўла бўлгандай узлуксиз зирқирайди.

Тўра Охунни Нуқра ғорига маҳқум этиб, Қора тулпорни гижинглашиб мина бошлагани шарафига Носир Охун берган данғиллама зиёфат эртаси куни субҳидамда ўлардай тутақани, яъни минг азобда қийналиб туғадиган ғунажин аҳволига тушгани ҳамон ёдида, фақат жаҳаннам азобидан қолишмас ўша азиятдан хулоса қилган эмас, жилла қурса кеча кўп ҳовлиқмай, Мерган даъватига қулоқ солиб нафсини жиловласа, ҳозир бунақа жизғанаги чиқиб ёнмасди (миз четида қўнқайган дароз шиша ҳамон лиммо-лим экани нақадар ғалати), энди барисини кўр бўлиб ўзидан кўрсин, нўхатча пушаймон тоғдан ҳам каттасини етаклаб келади...

Ростдан ҳам ҳаддидан ошди, ярашмаган қилиғи учун Мерган тутақиб араз-ўраз қилгани аниқ, фақат огоҳ этмай қаёққа жўнаворди экан, бир вақтлар Носир Охун бадарға қилган сахрога бўлса керак, ёзда жазирама иссиғу қишда изиллаган қаҳратон совуқ қамраб ётадиган ўша маконда томир отган, гирмон ғавғосида қон кечиби ва яраланиб қайтгандан бери сўққабош, косаси таги тузукроқ оқармагани устига, бола-чақадан қисилди, илгари этюдник ва халта қўлтиқлаб, неча марта излай бориб учратолмади, дардини ямоқи кигиз ўтови атрофида калта думини ликиллатиб изғиб юрадиган қари кўппакка айта-айта дилдираб қайтди, энди ўзи сўроқлаб келганда ҳовлиқиб катта кетди ва қадрига етмай хорлади.

Падарига қусур, кеча нечун нафсига ўт тушмади, энди кенгу ёруғ дунё кўзига тору зимзиё кўринаётир, ҳадемай ёрилиб ўлади ёки Винсент Ван Гог каби шартта қулоғини кесади, лаънати пичоқ қайда қолди, бирон кавакка кириб кетмагандир, керак бўлган пайтда савил топила қолса экан, аслида ўзи ношуду нотавон, бутун Оврўпо ва ҳатто Осиёни титратган Винсент Ван Гог тирноғига ҳам арзимайди, виждони бутун бўлса, ғойибона устози ҳаётини пухтароқ ўрганиши лозим, у гўзаллик хусусий хоҳишга бўйсунмай ўзича яшаши ва амал қилиши ихтиёрларидан ташқарида бўлгани сабабли алами келиб бўғиладиган мунофиқларни бадарға қилишни ёқлаган экан...

Кимдир юмшоқ пиқир-пиқир кулиб хаёли бўлинди, во ажаб, басирдек нечун сал аввалроқ илғамабди, ахир, зерикарли узун тунни Мерган шу ерда қунишиб ўтказган экан-ку, ана, дераза яқинидаги маймоқ дивандан ҳам эскироқ креслода паришон ястаниб ўтирибди, баъзан қирови қуюқлашган ва патаклаган сочу соқолини силай-силаё ўгирилиб қарайди, ногоҳ шунда бир оз ичига ботган чағир кўзлари сени соғиниб келганман маъносида айрича чакнайди, сарғимтир қошлари ўртасидаги тугунда недир хасрат пинҳон...

Аллақачон хизматини ўтаб бўлган эшикни Мерган қаттиқ ёпиб кетмай яхши қилибди, азалдан етти ўлчаб бир кесади-да, ҳозироқ қучоқлаб бетини бетига босади ва бағри мумдек юмшаб хасрат китобини очади, токи муттасил оромини бузаётган ва эртанги аъмолини белгилаб берадиган туркум миқёсидан атрофлича хабар топсин, қишлоқни тағ-томири билан супуриб ташлаб, кули кўпинча бир жойга тўқилмаган олажуз қавми дийдасидаги қолган-қутган орзу ва умид, ихлос ва имонни поймол айлаган тошқин оғриқларини шарҳ этувчи ўша ижодий мажмуани рўёбга чиқариш иштиёқида ранглар оламида изғиб юрганини билсин-да, холисона дуойи фотиҳа берсин...

Фақат Мерган арзи ҳолини тузукли эшитмай тўрсайди, салдан кейин дароз шиша сари им қоқди-да, хайру барака билан бирга, кўнгил ҳурлигини тиласанг Санам қуроли билан видолаш деб ғудранди, анчайин кескин айтилган гап маъқул келди, лекин ғойибда чакнаётган қийиқ кўзлар таъқиби остида чалғиди-ю, оёқда аранг чайқалиб турган бўлса-да, бир неча лим-лим пиёлани изма-кетин оқлади, сўнг бағрини кучлироқ ёндира бошлаган олов бирдан шуурига кўчди. Ўткир май томоғини бир ёқимли ёглаб ўтарди, алал-оқибат навбат кутаётган Ғунча ёки Ҳомилани эсламай қўйгани устига, Мерган сўхбатини ҳам ортиқ қўмсамай, минғирлаб устахонани тарк этди, кулбаи вайронаси ёнидан ўтган кенгина кўча ёқасида қайси бир занғар тумшугига бир даста тилла тусли атиргул тегизгач, шундоқ ҳам чироқ ёқса ёришмай турган ичига баттар чигил тушди, тавба, наҳот ҳар бир қарич ер, ҳар бир тирик жон аллақачон ихтиёрини тушида ажаб тарзда намоён бўлган чечак ҳукмига топширмиш, қандай сиру савдодан дарак бераётир бу ҳол?!

Сариқ атиргуллар маълуму машҳур Садаф чорбоғи чегарасидан ҳам барча қавмдошини қаёққадир суриб ташлабди, эндиликда улар чор атрофни кўқдан ёғилган беҳисоб шода-шода занжир мисол қоплаганди, энгил шабада бахмалдек майин япроқларини оҳиста силайди ва муаттар исларини олис дашту далалар томон учириб кетади. Бўсағада қантарувли Қора тулпор пешига тутилган ва нозик дид билан моҳирона тузилган юмалоқ гулчамбар айниқса кишини ром этарди, шу ноёб сийлов баҳона салобатига янада салобат қўшилган ва осмонга учишга шай қанотли бедов ёлғиз эмасди, атрофида яп-янги коржома кийган хушсухан кишилар куйиб-пишиб парвона бўлишмоқда.

Кичик давра сардори Тарвуз домла бўлса керак, шу амалга муносиб эканини исботлашга қарор берган устоз, зўр ҳафсала ва иштиёқ билан ғилдирак арта-арта, мириқиб шоколад шимий-шимий, ҳаётда Носир Охун каби зотлар сийрак туғилиши ва унга содиқ хизмат қилган кишигина жаннатга кириши хусусида оғзи кўпириб тинмай жавраётир, яхши отга бир қамчи мақолини пухта билган Зокир Ғиёсий, бир йигитга қирқ ҳунар кам деган ҳикматни дастур айлаган Азлар Ниёз тиллари кесилган каби сукутга толганди ёки Садаф чорбоғи чегарасида гапириш уларга ман этилганми?!

Қиронга учрагур Азлар Ниёз чидолмади шекилли, манови шўртумшуқ гап тераётирми нима бало маъносида пиқирлаб кулди, мавриди бўлса шайтони лаъинни ҳам ўқитадиган сен баттарин тулки терисини шилиб савоб олмоқ истагидаман деб тузларди, аммо ҳозир у ёки бошқа гумроҳ билан тирашиб барака топмайди, ундан кўра, йўлидан қолмай, оёғи чигилини ёзиш баҳона кайфини тарқатиши керак, ҳавоси чанг тўзону тутунга қоришиқ шаҳардан узилса ва Зарбанд тоғ тизмалари, аниқроғи, Долқоя дараси тарафларда сайр қилса янада маъқул...

Кўл силтаб олға босган ҳамона нимадир гувиллаб кетди, рўпарасини пойдевори чўккан ва беланчак каби бир маромда оҳиста тебраниб турган баланд паҳса девор тўсди, беихтиёр эсанкираб тўхтади-да, шубҳали чегара томон бора кўрмагин қоидасига биноан жадал тисарилди, ҳадик ичра буришиб чекингани сайин девор бир

маромда оҳиста силжиб яқин келарди, биқинида кўтарилган кенгина узун супада сочу соқол ўстирган озғину семиз кимсалар бемалол давра қуришганди, баъзан олдиларида дўмпайган похол ғарами ва сомон уюмини тамшаниб титкилашгач, сурон солганча аллақайси ҳомий шарафига ҳамду сано айтишарди.

Тобора зичлашаётган даврани қизиқсиниб кузатаркан, ногоҳ алоҳида ажралиб янраган таниш овоз эътиборини жалб қилди, сўнг беихтиёр бутун вужуди қулоққа айланди-ю, юраги орқасига тортиб кетди, ахир, энг тўрда олача пахталик чопонга ўралиб кўр тўккан банда ўзи эмасми, ана, ҳатто ортида бир неча картина тахланган, во ажаб, жисми бошқа дунёда-ю, руҳи бошқа оламда кезаётирми, бунга ақли етмай қунишди, энди битталаб патларини юлишмай тезроқ қочиб қолсин, фақат ечими йўқ сирли жумбоқлари билан кўпроқ танилган макондан қутулиши қийин чоғи, анқовсираб қаёққа юришни билмай, тушовланган тойдек бир жойда депсинарди, қўш табақали темир дарвозадан ёпирилиб кираётган дарвеш сиёқли бандалар мақсади нимакин, семиз-семиз ўрдагу ғоз, макиён ва хўроз қўлтиқлаган ёшу қари чурқ этмай тўрсайиб йўрғаларди, афту ангорлари негадир андуҳли ва мотамсаро...

Жимжит хиёбондан пилдираб чиққан Санам, хожамиз марҳамат қилиб кулдилар дея чулдираб, нозу ишва билан изига қайтган ҳамоно, бутун чорбоғ булут ёриғидан қуёш мўралагандек айрича ёришди, совға-салом кўтарган меҳмонлар эса энгил тортишди, чўғдек қизарган чеҳраларида энди зиғирча ҳам қайғу ва ҳасрат аломати сезилмасди, бир-бирларини ихлос билан табриклаб қучишарди, ҳатто еру кўкни ларзага солиб баралла хо-холошади ва томоқ йиртиб қийқиришади...

Кўз олдида тангачалар жимирлаётганига қарамай, барқ уриб очилган сариқ атиргуллар қуршовидаги арча ва каштанлар панасидан Санам бир неча марта маъноли қош учирганини пайқади, шуурини сиёҳи ёлқин тилимлаб ўтгандан кейин ихтиёри тамом қўлдан кетди, устахонада бутун бошли туркум ташвиши кутаётганини ўйлаб қисилса-да, ноилож елка қисганча марказий кўрғон сари шошилди.

Ҳалигина музлагандай қарахт бўлиб бўйсунмай қўйган оёқлари энди гавдасини илдам кўтариб борарди, ҳаргиз паришон ҳаёлидан бот-бот супада чулдираб ўтирган ола чопонли гумроҳ наҳот ўзим эдим деган шубҳали фикр кечиб орзиқади, дилида гумон ва ҳақиқат тез-тез ўрин алмашади, сўнг ораста ва кўркам хонаи хосда, гирдлари ҳошиядор алвон бахмал ёпилган диванда ястаниб қаҳва хўплаётган, ўқтин-ўқтин истасам заминни оёқларим остида янчиб талқон қилвораман қабилдида совуқ илжайиб қўяётган Носир Охун билан юзлашиб хўрсинади.

Беихтиёр юраги гупиллаб тагига ёмон тортди, ахир, бундан қарийб чорак аср муқаддам, дўлу жалалар ҳали диллар тубида мудраб ётганда, соғу носоғни гирмон маломати сари жўнатган, ўз жонини эса фақат Санам панасида авайлаб асраган кимса қаршисида турарди. Хўлу қуруқ баравар ёнган ўша мудҳиш дамларда у, акаси Тўра Охунни бир четга суриб ташлаб, бутун олажуз қавмини эмаклатиш, жумладан, Вали бахшини дўмбирасига қўшиб йўқотиш ва Нафиса висолига етиш учун қанақа найранглар ўйлаб топмади, ҳар бир юмушни энг ичида битириш бобида мудом Санамга суянарди, энди қорлар ёғиб излар босилди деб ўйлайди, аммо унақа бўлган эмас, бариси абадиян дилига нақш этилган ва борлигини ҳар қадамда муттасил эслатади...

Тангрига қасамки, Чиғаноқ қурилмасини бойитган чол, яъни ихчам соқоли гирдларига бир неча кўркам садаф тизилган, Тарвуз домлага ҳасса ўқталаётган таъвия билан қовоғи солиқ мезбон бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшайди, чўғдек қизил патгилам бўйлаб қарчиғайдек энгил чарх ураётган оқ юзли Санам, қолаверса, кўрпача тўшалган махсус ўриндиқда чўзилган ва йўғон бўйнидаги чарм тасмага қўшалоқ зар қўнғироқча осилган Тарғил қиёфалари шундоқ узиб олингану ўша картинага бошлаб ёпиштирилган...

Улкан биллур қандил ва безаклардан таралаётган шуъла Тарғил бадани ва кўзларида майин-майин синмоқда, фақат бу ҳолни ёқтирмай жонивор муттасил тантиқланиб ҳуради, сўнг калта думини ликиллатган кўйи асабий йўсинда ғингшилаб қайта-қайта шифтга сакрайди, ҳар бир хужайрасига сархушлик сингиб бораётган хожаси оёқларини искалайди, баъзан эса мени ўпгил деган маънода тумшугини Санам кўксига тутайди, Санам буни тушунади ва чиндан ҳам уни силаб-сийпалаб бўсага кўмиб ташлайди.

Носир Охун кафтини кафтига урган маҳалда заҳира эшикдан ҳарир дуррача танғиган, яхлит қизартириб пиширилган бир жуфт товук қўйилган юмалоқ зарҳал баркаш кўтарган нозик жувон пилдираб кирди, ҳамон безовта ғингшиётган Тарғил жория атрофида гириллаб айланарди, сўнг мамнун улиб қўйди-да, иштаҳа кўзғаб ёқимли ҳид таратаётган мазали этни апил-тапил ғажий бошлади...

14

Ойнадек ялтироқ бўртиқ кўзларда чексиз қониқиш ва ҳузур балқиган заҳоти яқин-орада тайинли туз тотинмай, фақат қамаб ўткир май ичганини хотирлади, ичида кирпи ағнаётгандек ичак-чавоғи тирналиб, оғздан қора сўлакайи келди, охири боши айла-ниб сал қолди йиқилишига, бир амаллаб аранг ўзини тутиб турарди, олдинда нималар кутаётгани эса маълум эмас, ҳар ҳолда қовоғидан қор ёғилаётган Носир Охун бирон жиддий сийлов тайёрлаб қўйган бўлса ажаб эмас, санъат музейида барчани лолу ҳайрон айлаган ғаройиб ҳодиса учун икки дунёда ҳам кечирмайди, қолаверса, думини тутқизмай чап бериб юргани ёқар эканми, ёқса эшикдан бош суққандан бери бирон марта кулиб боқарди-да, ҳозир буюртмани бажармагани учун дакки беради, ҳатто сийлов учун бир дунё ақча ҳозирлаб қўйганини ҳам писанда қилса керак.

Носир Охун манфаатлари қўриқбони Санам, ипақдай майин бўлиқ сочларидан сиртмоқ ясаб, қийиқ кўзлари сирли тусланиб, бир йўла юрагини суғуриб олмоқчидек, ёқимли жилмайиб пинжиги суқулаётгани айниқса яхшилик аломати эмасди, ҳатто гоҳо Санам шаклу шамойили йўқ шарпага эврилиб борлиғи ва ҳатто руҳини ўрайди, бир қарасаки, шундоқ рўпарасида таманно билан мамнун сузилмоқда, момик кафтидаги биллур қадахда жамики сурур ва шодлик жамланганига ишора бериб киприк қоқади, қанийди раъйини қайтаришга қурби етса, йўқ дегани ботинмагани устига, хумор бирдан хуруж қилди-ю, ноилож устма-уст томоқ хўллади.

Ҳарир қўйлақ ичра диркиллаган нозик бадан ўқтин-ўқтин симобий май тубида кўриниб қолади, ҳайратга молик хилқат жодусини лов-лов ёнаётган суюқ оловга кўшиб ичаётганини сезмайди, қорни қаппайган Тарғил билан ўйнашиб завқланаётган Носир Охун ҳам бўш келмаётир, аллақачон мезон шамолини еган қовундай етилган бўлса-да, орқа-олдига қарамай култ-култ ютоқиб симиради, охири тили тугуни ечилиб, барча холис ниятли инсон кушандаси Тўра Охун гўрига гишт қалай бошлади...

Бугунги кунда ўша хусумат ва ҳасад бандаси, Нуқра ғорида тинчу хотиржам ётмай, риёқору ғаламислар тўдаси билан алоқа ўрнатиб, Садаф чорбоғи кулини кўкка совуриш режасини тузаётган экан, яқинда беш-олти нафар жангари шотири хусусий коллекциясида тўпланган ва фақат эзгулик тантанаси учун хизмат қиладиган ноёб суратларни тинчителишига бир баҳя қолибди, агар ўпкасини босмаса, юқоридан ижозат сўрайди-да, калласини сапчадек узади ёхуд тириклай терисини шилади, токи яхшилик қозонига оғу ташлаш оқибати мудҳиш эканини билиб қўйсин...

Ана шу мулоҳазаларни айтар пайтида Носир Охун жозиба оламида чуқур томир отган, узокни кўрадиган бағри кенг ҳомийга ўхшаб кетди, барча нозик учуриғи хаёлан туркум ва айниқса Ғунча билан боғланган Комрон Вали қитик патига тегиб ўтарди, охири кайвони, зимдан май сузиш билан машғул Санамга бирров қаради-да, қайтадан тўнини тесқари кийиб, суҳбат жиловини тасвирий санъат жаҳҳасига бурди...

Адолат юзасидан айтса, ижодий жараёнлар тезлашгани ва коллекцияси шакллангани туфайли боши осмонда, фақат музей залида рўй берган нохуш ҳодисани унутмай азоб чекаётир, баъзан кечалари тепасида Калхат қийқириб юборади-да, ўтақаси ёрилиб уйғонади, бўйнинг узилгур кўзларини чўқилаб ёмоқчидек қайта-қайта потир-потир учиби келади, натижада ухлалмай юрак ҳовучлаб тонг оттиради.

Қодир эгам шохид, анча муқаддам, тошқин арафасида, худди шунақа бемаъни балойи азимга йўлиқувди, восвосга ўхшаб қолгани, ҳатто соясидан ҳам хуркиб юрганлари ҳануз ёдида, тахминича, нияти бузуқ иблис, ажина ёки жодугар нафаси теккан қанақадир картиналари гирифтор этганди дастлабки бемаъни қийноқларга. Ҳалиги уч картина, айниқса, Калхат сабабли айни шу ҳолат яна такрор кечаётгани нақадар қайғули, миясини куя емираётгандай, кун сайин ақлу хушини йўқотмоқда,

писилламай дангал айтсин, хаёлни алғов-далғов қилиб юбораётган асарлар чизаётгани сабаби нимада, ҳамма гап жувонмарг кетган Нафиса тақдири устидами ёки бошқа янада жиддийроқ даъвои достони ҳам борми, мабодо бўлса тортинмай айтаверсин, барисини бутунлай кўнглидан чиқариб ташлаш чорасини топади, нуқул ўпка-гина қилиш билан шу замонда бирон камни тўлдириш иложи бўлар эканми, қолаверса, минг йил аввал кесилган бармоққа бугун йиғлаш – гўдаклик, имкон ва шароит борида тезроқ ҳақиқий йўлини танлаб тинчисин, худо берган истеъдоди ва мўйқаламини тузукроқ асраб, хаёлий эмас, амалий эзгулик хизматига сафарбар этса савоби азим эмасми, агар коллекциясини бойитиш ва тартибга солишда фаол иштирок этсайди, барча ишкали ортда қоларди, ҳали ҳам асло кеч эмас, яхшироқ ўйлаб кўрсин танасига...

Қисқа муддат мулғиб олган Носир Охун бир неча марта кўзимга Калхат кўринаётир деб минғирлади, ҳатто милтиқ ўқидек отилишга шай бир неча шотирини чорлаб, муҳофазани кучайтириш бўйича топшириқлар берди ва яна қадаҳга ёпишди. Кулгисни қистаган Комрон Вали эса хаёлий ва амалий эзгулик фарқини солиштира кетди, оралиқда шаксиз ҳатто ақлу идрок ишғол этиши маҳол чегарасиз масофа ётарди, ўша тушунча баҳона кайвони юрагини қиймалаб ташлашдан тап тортмаслиги ва ўзи билан беллашишда хомлик қилишини яна бир карра эслатиб қўйишни чўтлагани аниқ...

Бунақа вақтда Носир Охун ўзини тафтиш қилиш истагидан тамомила олислаб кетиши куйдиради, агар ўқтин-ўқтин кўнглига четдан назар солиш қарз ва фарз эканини билсайди, нуқул ҳовлиқишни йиғиштириб, Санам билан тузган битимидан аллақачон воз кечарди, аммо нуфузини муттасил ошириш ва безбет рақибларини жиловлаш боғида кўмакка муҳтожлиги туфайли ўша битимни янада мустаҳкамлаш пайида...

Ҳозир бутунлай Комрон Вали попугини пасайтириб қўйиш мақсадида ўрнини топиб бир неча марта шунга шама қилди, жон ва қалб ришталари Санам вужудига пайванд эканини алоҳида таъкидлар экан, кўнғирга мойил кўзлари бирдан чарақлаб ёнди.

Зиғирча ёлғон эмас, мабодо Санам юраги дукурлашини атиги бир лаҳза эшитмаса ҳаво етишмай бўғилади, қайноқ нафаси баданини иситиб турмаса яшаш иштиёқи сўнади, биллур қадаҳни тўлғазган май билан омихта мехрига қонмаса чўллаб зор қақшайди. Муҳими, санъат ҳомийси номи остида танилиши авваламбор Санам дилида барқарор майллар қувватидан узлуксиз баҳраманд бўлгани самарасидир, агар Санам ҳаётий ранглари хушёрона кузатадиган қобилиятли мусаввирлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаса, улар кўнглига эзгу ниятлар уруғини қадамаса, яратган жозибатор асарларини саралаш ва сотиб олишда елиб-югурмаса, шахсий коллекцияси бу қадар бойимасди ва ҳақиқий гўзаллик хазиначиси сифатида оғизга тушмасди, қулай пайтдан фойдаланиб уни зиёрат қилиши лозим, эрта мақтаниб юриши учун яхши-да...

Кутилмаган таклифни хушламай оғринса-да, охири барибир илжайиб розилик берди, турли шубҳага боргани, қулоғини ушлаб кетаётган вақтини қизганиб хитлангани учун ҳатто ўзини койиди, ахир, катта сарфу харажат ҳисобига тикланган бутун бошли коллекцияни кўриш, яъни ёру биродарлари қўллаган ранглар орқали ёруғ дунё дарду қувончини идрок этиш, изланиш жараёнида улар туйган ҳар хил кечинмалар оламида яшаш ва дилни ғубордан тозалаш мароқли машғулот саналмасми?!

Марказий кўрғон ёнида қад ростлаган ва яқинда таъмирдан чиқарилган махсус бино бағрида баҳоси йўқ ғаройиб ҳазина яширгандай айрича товланиб қаршилади, ҳалиги фикрлари анча қатъийлашиб, сал енгил тортди, залварли пештоқда мозаика йўсинида зарбланган кайвони сиймосини кўргач, бирдан авзойи ўзгарди, бутун пештоқни эгаллаган тасвир сохталиги меъморий шакллар намоён этаётган салобатга муносиб эмасди.

Кўнглини қамраган надомат улкан ойнаванд фойе бўсағасида ҳасрат аралаш киноя билан алмашинди, бир-биридан шинам ва кўркам хоналарда ҳам дили ёришмади, қаторлашган суратларни боғбон қайчиси тегмай тарвақайлаб ўсган дарахтнинг қуриб файзу тароватини йўқотган шохларига менгзагандан кейин айниқса ҳафсаласи пир бўлди, салдан кейин қошларини чимириб, сариқ атиргуллар гиламдек қоплаган чаманзор боғлар тасвирига хаёлан тузатишлар киритишга уринди, бу иши тентаклик эканини

билса-да, аҳдидан қайтишни истамасди, сўнг қиёмига етмаган қурилмалар заминидан бир зарра каби адашиб қолди.

Бутун жисми ва руҳини бошқа қавмдошлари билан уйғунлаша олмаган тилла тусли дағал бўёқлар ўраб-чирмаб борарди, охири фаол ҳаракат ва тилу забондан жудо ифодалар ичра ўнлаб ва юзлаб баҳайбат Тарғил, йўқ, гавдаси укувсиз уста ясаган ёғоч сандиқ каби қўпол ва бесўнақай сон-саноқсиз жондор билан юзлашди, ажабки, бўртиқ кўзларида Носир Охун билан Санам ардоғида яшаётган арзандалар эканликлари муҳрлаб қўйилганди ва айна шу ҳолатдан хушомад нафаси уфуриб турарди...

Ҳайтовур хаёлий уриниши зое кетмай шуни англади ва хору зор бўлган рангларга ачиниблилар кетди, ўзи бутунлай камситилган ва жамики имконидан айрилган каби бўғиларди, ахир, бутун бошли мажмуада тўла қиёмига етган ва дилни ларзага солади-ган бир дона ҳам картина учрамас экан-у, Носир Охун нимасига бунча керилади.

Фақат эшикдан кираётиб нечун кўрмади экан, мижозлар ўралашиб юрган фойе бир четидаги доскага илингани манови картина анчайин мукаммал ва жозибали туюлди, қайси биродари муйқаламига мансуб эканки, бутун қурилма намоён этаётган ва нимасидир сирли туюлаётган мазмун бунчалар кўнглига яқин, син солиб тикилгани сайин руҳи иқлимга чироқ ёқаётир, сўнг тўк ургандек бирдан шошиб қолди, ахир, ҳали ҳатто бўёғи тузукли селгимаган Чиғаноқ қошида турган экан-ку, туғилган кунидан бери бегона кўзлардан сир сақланган, Аливой Салим ва Шодмон Чўтирийдан бошқа бирон шина-ванда назари тегмаган асари бу ерга қайси гумроҳ томонидан олиб келинди.

Ҳозир ўсмоқчилаб барисини сўраб билади, боядан бери атайлаб чурқ этмаган, ғазаби ва дарди ичида мадда бойлаб ёғинаётган мезбон энди ёрилса керак, ортиқ чидаш ва ўпкасини босиши гумон, фақат у ҳамон парвойи фалакка ўхшарди, сўнг саволига ўқрайиб жавоб қилди-да, қўлида совуқ ярақлай бошлаган чопқини Чиғаноқ қоқ ўртасига ботириб буради, ботини ва зуҳурида теран мантиқ яширган картинани, оху ноласини эшитмай, арзимас латтадек қиймалаб ташлади.

Энди нуқул Носир Охун жағи бир томонга қийшайиб кетган Комрон Вали сурлигидан нолирди, ҳатто афтини буриштириб, ҳалигача сендан бошқа худо қарғаган бўёқ жиннисини бошқа учратмадим маъносида ғудранди ва қайтадан насиҳатга киришиб кетди.

Ўтар дунёда ҳадеб эски ғалваларни кўзғаш, бетга сапчилаш ва жонга жавр қилиш инсофдан эмас-да, таъзирини еган Чиғаноқ ўрнига, илгари берилган буюртма асосида, дидига манзур ва коллекцияси кўригига муносиб асар чизса яхши эмасмиди, бир ўқ билан икки қуённи йиқитарди.

Хонаи хосда кечган суҳбат чоғида кечаю кундуз Калхат ором бермай қўйганини айтгани бежиз эмас, устахонасига қайтган ҳамона уни нобакор қўллари билан Чиғаноқдай қилиб бурдалаши лозим, агар олов ёки дарёга улоқтирса, нур устига аъло нур бўлур, зиғирча ҳазили-пазили йўқ, кечиктирмай шунақа қилишини истайди, токи таскину тасалли топиб кечалари эмин-эркин ва осуда ухласин, сўзини ерда қолдирмай мардлик қилгани эвазига қизганмай чўнтагини ақча билан семиртиради...

Гиламга пайрахадек сочилган қийқимлар дилини муздек рутубат ва чексиз ҳасрат билан тўлғазди, айна шу дамда олисда соҳиби каромат Аполлон ҳам, унинг сулув фаришталари ҳам мотам тутишаётгани ва чексиз надоматга ботишгани муқаррар, ҳайҳот, эрта Калхат бошига ҳам шу кун тушса ҳоли нима кечади, шамол қайирган ниҳол мисол тамом эгилса керак, шундай экан, жилла қурса навбатдаги бедодлик йўли зудлик билан тўсилиши керак, мушқулини шаксиз Мерган осон қилиши мумкин, масалани қулоғига шипшиша хавфу хатардан холи ишончли жойга яширади Калхатни...

Садаф чорбоғини тарк этгандан буён ақлу ҳуши пароканда, Чиғаноқ картинаси эмас, ўз кўкси пора-пора бўлган каби ингранаётир, энди узоқ вақт ғам ютса керак, ахир, у нақадар мафтункор эди, ҳар қандай мукаммал асар билан ҳар жиҳатдан бемалол беллашарди, қолаверса, қиёфасида жам ҳажвиёт руҳи эзгуликка ундовчи ҳикматлар билан ҳамоҳанг бўлгани айниқса қимматли туюларди, фазлу камоли унча-мунча оғир изланиш самарасидан қониқмай инжиқлик қиладиган мухлисларни ҳам ҳайратга солганди, уни қайта-қайта орзиқиб ва маҳлиё бўлиб қузатган Аливой Салим, ёруғ дунёни



надомат чоҳига маҳкум этиб янада руҳланаётган гумроҳу каззобларни бошлаб тузлабсан маъносида кўз қисган ва бағрига босганди; энди кутилмаган нохушлик боис қайғуриши муқаррар, ҳай-ҳай демаса, бирон газетада гумбирлатиб бонг уришдан ҳам тоймайди, ҳозирча сездирмай турсин, кейин худо подшодир...

Касални яширсанг иситмаси ошкор этаркан: мияси айрондек ачиган қайси бир ҳовлиқмаи гўр, ҳангома ортидан қувадиган Тарвуз домла, Зокир Фиёсий ёки Азлар Ниёз бўлса керак, элдан бурун ноғора қоқиб, барисини битталаб етказибди, тўзғиган жимжит устахонага босар-тусарини билмай бостириб кирган Аливой Салим, даромад қилиб ўтирмай, куйиб-пишиб бирдан ҳужумга ўтди-да, санъат олами катта нарса йўқотганини таъкидлади, бундай мусибатни кўтариши осон эмаслигини билдириб қўйгач, жайдари Винсент Ван Гог сифатида, том босган қулоғи баҳридан ўтишини таклиф айлади.

Устахонага қадам қўйишдан олдин Аливой Салим шилқим улфатлари даврасида айш сурган экан, гўлдирашидан кайфи анча тарақ экани, бемалол еттинчи осмонда сайр этаётгани сезиларди, яна томоғи қичиди чоғи, биронта шиша топ деб таранг қилди, сўнг қайдалигини эслаб узр сўради-ю, кўрсаткич бармоғини лабларига босганча Ҳулкарга тикилиб қолди, ана шу асар ғарбда бир хуржун маблағ келтириши мумкин деган фаразни айтгач, негадир авзойи ўзгарди ва узоқ сукутга толди, хаёлидан нималар кечгани қоронғи, ҳартугур энди қовоғи осилганди, алал-оқибат аста пешонасига шاپиллатиб, тақдири носозу нобоплигидан нолий кетди, аттанги, не-не умидлар билан курган янги оиласидан ҳам ёлчимаётган экан...

Аслида навбатдаги кўргилик муҳташам ресторанда бўлган базми жамшид тугартугамас бошланибди, чексиз қувонч ва сурурдан масту масрур келинчак Носир Охун ҳадя этган сариқ атиргулни ҳидлаб ўтирганда, Аливой Салим ошиғич туриб кетибди, мусиқавий жазавага ғарқ ресторан биноси ёнида, зумраддек яшил арчалар биқинида, қийшанглаб Санам қаршилабди, қувгина келинчак панадан пойлаб турганини сезган ҳолда, бадани ва кўнғироқ сочларидан мушқу анбар бўйи анқийган парирўй дилдорни момик сийнасига бош қўйиб роса эркалабди, гоҳо олу дудоқларини оҳиста тишлаб, қалбим эгаси тоабат ёлғиз ўзингсан дея шивирлабди.

Охири бутунлай сабр косаси тўлган нозик табиатли келинчак доду фарёд солганча ёқасини чоклайди, амал-тақал билан уйига келтириб, бариси шунчаки рўё ва найранг эканини ҳарчанд ўқирмасин, сира қулоқ осмай, бақрайиб шифтга тикилганча бетўхтов етти пуштини қарғайди, тирнаб бетини қонатгани етмай, катта маблағ эвазига сўнги русумда турмакланган сочларини тўзгитиб юла кетади. Мана энди кеча-кундуз чирок ўчмайдиган ётоқдаги тўшакда ранг-рўйи зарчадек захил торта-торта ўсал ётибди, ҳоли-руҳи забунлиги, ичидаги тугун тобора қаттиқ тугилаётгани, ҳаргиз васлига зору интизор эканини ўйлагани сайин анордек эзилади ва асосий машғулоти саналган қоғоз қоралаш ва турли таҳририят билан ҳамкорлик қилиш юрагига сиғмай қолди, ҳартугур охири бахайр бўлсин.

Икки оёғи бир этикка тикилиб қолганига қарамай, киндикдош дўсти алоҳида туркум яратиш йўлида олиб бораётган изланишлар, айниқса, чексиз азоб ва машаққатлар самараси бўлган, ҳар қандай мижозни фикрлашга мажбур этадиган Чиғаноқ тақдирига бефарқ эмас, ашаддий рақиби Тўра Охун аламини кўзғаш ва ундан қўли узунроқ эканини исботлаш мақсадида Носир Охун тузган коллекцияда рўй берган нафратга лойиқ ҳодисани эшитган ҳамона тиззасига муштлаб чинқириб юборди, ҳатто ўша асарни бир фарзанд сифатида ёруғ дунёга тақдим этган Комрон Вали ўзи ҳам шу қадар бўғилиб афсус чекмаган бўлса керак.

Муҳими, руҳан букилмаслик, фақат санъат олами эмас, ҳатто ҳар бир диёнатли мижоз дилида ҳам пайдо бўлган ўша кемтикни тўлдирадиган ягона ишончли чора мавжуддир, бугундан иккиланмай Чиғаноқни қайта чизиш учун енг шимариши зарур, акс ҳолда, бир умр юзи шувит бўлиб, армон тоғи остида эзилиб яшайди, тўғри, иш шаксиз осон кўчмайди, бир дардни қайта-қайта туйиш дўзахий қийноққа тенг, аммо барибир журъату имкон топиб, маломатни тўла бартараф этиши лозим...

Қойил қолмай иложи қанча, Аливой Салим манфаати учун зиғирча нафи ва алоқаси йўқ Чиғаноқ ташвишини шунча ғам-қайғуси ва ҳасратлари ёнига қандай жой-

лади экан, мўйқалам ва бўёқ сеҳри қалбини шунга даъват этгани шубҳасиз, ҳалиги холисона мулоҳазаси айниқса маъқул, шу боис, Ғунча ва Ҳомилани вақтинча четга суриб, худодан мадад тилай-тилай, Чиғаноқ билан қайта шуғулланади, фақат энди у шаклан ва мазмунан анча жиддий ўзгариши мақсадга мувофиқ, аниқроғи, иложи бори-ча қурилма марказини Санам қадду баста эгаллаши лозим...

## 15

Қатъий тўхтамга келиш, ўй-фикрини тузукроқ пишитиш ва мўлжалда адаш-маслик учун сония ичра сония бўлиб яшади, ҳар бир ифодани, хаёлан чиғириқдан ўтказгач, оғриқларини қўшиб бир маромда зарбларди, натижада мураккаб қурилма сарҳадларини жадал бўйсундира борди, нафис чизиклар сокин нурланиб ингранарди, қалб кўрини сингдирган эмасми, мунтазам ҳаракат қилиб, Санам ва Носир Охун тақдири билан чатишган олис кечмиши хусусида тўлиқиб роз айтарди, баъзан майин қовушган ифодалар хотира бўлиб қуйилади бағрига, сўнг кўз ўнгида виқорли сурмаранг чўққилар ва Долқоя дараси этагида ястанган қишлоқ гавдаланади, наздида, томири минг йиллар нарёғига туташ ўша макон қувончи, ифтихори ва ғамини бағрига босиб ҳануз яшаётир, аслида эса умрини аллақачон тугатган ва ному нишонсиз кетган йўқлик қаърига...

Қурилмадан ўрин топаётган ҳар бир бўёқ Санам қалбида уялаган макр ва риё миқёсини рўёбга чиқаришда самарали хизмат қилаётганини ҳис этгани сайин янада рағбати ошади, сўнг шакл ва мазмунга Санам мушфиқ замин қасдига жаҳаннам оташ-хонаси эшигини бузиб қочган фаришта тарзидаги тушунчани сингдиришга интилади ва кўксида ерга урса кўкка сапчидиган ўспирин юраги тепа бошлайди.

Алал-оқибат исёнкор бўёқлар пароканда хаёлини диллардан ёғилган дўлу жалалар мудҳиш тошқинга эврилган кун сари ола кетади, энди чексиз ҳайрату надомат оғушида савдойидек жавдираб, пишқириб ҳамла қилаётган лойқа тўлқинлар кифтида пўкак каби тебранаётган жиҳозу ёғочлар, талваса ичра чўкаётган ёшу кекса қавмдошлари, оромини йўқотган йилқилар ва молларни кўриб туради, бир ёни ўпирилган тепалиқда гулпопукли дўмбирасини қучиб тиззалаган Вали бахши, эмизикли боласи беланган бешикка талпинаётган Роҳила отин, нафаси тикилиб кўқарган озғин чолни ачомлаб хавфсиз жойга сузаётган Мерган нидоларини баралла эшитади, сўнг шўрлик оғаларим ўз дарду ҳасратлари уммонига чўқишган деган ўйга боради, ногоҳ шунда сароб ва ҳовур пардаси ортида элас-элас ўзи кўринади, афту боши кўпчиган боқиши тик ўспирин, жардан учган Нафиса ҳажрида куйиб тугаёзган бўз йигит, Санам маслаҳати асосида Носир Охун гиж-гижлаган масту аласт шотирлар аррасию болтасидан тасодифан омон қолган бақувват ва навқирон дўлана айрисига елимдек ёпишиб дағ-дағ титрарди.

Ҳатто улкан қоялар, чинору тераклар кўпорилиб йўқолаётган қалтис паллада, меҳрибон тангри амрига кўра, ўша дўлана кўксини мардона керганча жонига ора кирганди, йўқса шаксиз шўрига шўрва тўкиларди, ҳамон дилида ўша азамат дарахтга нисбатан чексиз эҳтиром ва ҳавас яшайди, вақти-соати келган ҳамон, туркум кўлами тақозосига кўра, у намоиш этган қатъиятни албатта матога зарблайди, фақат унга-ча анча муддат бор, кутилмаган зарурат боис ҳатто беҳад муҳим Ғунча ва Ҳомилани чеккага суриб, Чиғаноқ янги нусхасини яратишга киришди, Чиғаноқ битмагунча бошқа лойиҳа юрагига сиғмайди, ҳозирча бу борада кечаётган изланишлари чакки эмас, илҳом меҳрини қизганмай муттасил кўллаб тургани боис, мўйқалам илдам ва равон юришаётир, тез орада ғалаба нашидасини сурса ажаб эмас.

Аммо эрталаб мияси таркини оғу суртилган игна учига ўхшаш сиёҳи ёлқин тилимлаб юборди-ю, кўними ва ҳаловати йўқолиб, дастгоҳ ёнида заҳмат чекишни хоҳламай қолди, нуқул томоғи қақраб зориқарди, наҳот анчадан бери босилиб қолган хумор ғалва кўтараётир, топган вақтини қаранг, ғаму ташвиши бошидан ошиб ётгани ва мулла жирингдан ҳамон қисилганини билиб атайин ўчакишаётир, энди савилни қандай тинчитади, бу аҳволда охири тавбасига таяниши ёки ташналаб ўлиши муқаррар, ажабо, биров хайрихоҳ шивирлаб ҳол сўради шекилли, халоскорлик мажбуриятини зиммасига олаётган валломат ким бўлиши мумкин?!

Шуурида аниқ жавоб уйғонмай, қуйи девордаги юмалоқ ойна ўрнида очилган торгина туйнук бирдан кенгайди, сўнг зарҳал ёрлиғига йирик шохли қўтос зарбланган дароз шиша узатилди, ҳангу манг қотгани сабабли ғойибда янграган сирли кулгини эшитмади, наҳот омади чопди, энди қисқа фурсат орасида юрагини босган зангни ювиб ташлайди. Фақат қисир сигир каби арқонни узиб шаталоқ отишига Мерган имкон берар эканми, қачондан бери яна бирон хурмача қилиқ қилсанг ваъдабоз тилиннга қиздирилган темир босаман маъносида қовоқ солиб юрган одам қаҳру ғазаби ўзиям дунёча бордир, ана, кўз узмай мунтазам кузатаётганини сезиш қийин эмас, лим-лим пиёлани чатнаган лабларига тегизмай таҳдидли томоқ қирди, нафсинга ўт тушсин демоқчи-да...

Мерган бунчалар тутаётгани сабаби тушунарли, ихтиёрини хурмача измига топширса, туркум ташвишидан чалғиб, турган-битгани хомхаёл ва сафсатадан иборат оламга кўчишини яхши билади, бундан аслида ўзи ҳам бинойидек хабардор, аммо кўпинча борлиғини сим-сим куйдирадиган балойи азимга кучи етмай, ноилож ўзини ғофилликка солади ва беихтиёр жиловни бўшатиб юборади. Ҳозир эса, Мерган юз-хотирини қилиб, кўп ҳаддидан ошмай, торини тортиб ичсин, ростдан ҳам озгина нўш этса кифоя, атиги бир-икки қултуми билан осмон гумбази тушмаса керак, мақсад – инжиқлик йўлига ўтган хуморни даф этиш, савил беҳад тахир эканми, йўғ-а, азроил билан қиёматлик ёру биродар тутинган, ўрнида шайтонни ҳам ўқитадиган Санам афсунларига йўғрилган тап-тайёр захар-ку, қоқ бўлиб кетган бўғзидан то ичак-чавоғига қадар шилиб юборди. Кейинги ютумлар эса юмшади, ҳатто узум шарбатидек ёқимли ва хушхўр бўла борди, натижада бояги аҳдини унутди, иштаҳаси ҳакалак отгани, кўнгли ва туркумдан олислаганини сезгандай, дароз шиша бемалол сахийлик қилаётир, ичига шунчаки булоқ эмас, туби йўқ улкан денгиз қамалиб олгандек, тобора қулдураб тошарди.

Санам косагуллик қилувчи ола-ғовур давраларда ушбу мўъжизани кўп кўрганга қарамай, ҳайрат бармоғини тишлаб, дилтортар ошналарига мақтаниш истаги туғилди, ҳозироқ барисини устахона сари чорлайди, токи биргаликда қувониб айш суришсин, ахир, нуқул ўзи билан улфат бўлиши учига чиққан нодонлик, яъни бир қобиққа ўралиб олиш эмасми, кўпчилик тумшуғига тумшуқ тираб ҳасратлашиш гашти тамом бўлакчада, ана шунда бити шаксиз яхшироқ тўкилади...

Телефон орқали етказилган хабарни Шодмон Чўтирий ҳатто эшитишни ҳам истамай алоқани узди, ажабсиниб Аливой Салим рақамини тергач, баттар ноўнғай аҳволда қолди, негаки, аввал сўз устаси лўм ютгандек миқ этмай жаҳлини чиқарди, сўнг лаби лабига тегмай тўнғиллай бошлади, дағал овозидан беҳад тажанг ва ғашлиги, ёруғ дунё кўзларига зимзиё кўринаётгани, ўлимига рози эканлиги яққол сезиларди...

Дардини тинглаб давоси ва дармонини топиб берадиган оқилу оқибатли инсон бу шаҳардан топилармикин, худо илоё тўзим берсин, ахир, қачондан бери на соғ, на носоғ экани маълум, ҳайтовур восвосга чалинди-ёв, йўқса доим миясига рутубат тахлит сиёҳи ёлқин санчилиб турармиди, кўпинча тонг саҳарда калласи ғувиллаб ва томоғи танқиллаб уйғонади, нажот истаб нари-берига алангласа, назари дастали хивчин саватчага, сўнг унда ётқизиб кўйилган ва ёрлиғига йирик шохли қўтос зарбланган дароз шишага тушади, чўллаган нортуюдек ундан тўйиб ўткир май симиргач, шундоқ гиламда қовоқдек думалаб қолади. Худо ғазабига олгандирки, эртадан қаро кечгача бетўхтов ичса ҳам дароз шиша бўшамайди, нажоткор ҳабиб тоабад ўзим деб мулойим шивирлаб кўяди қулоғига, қуриб кетгур ҳамон ҳоври босилмай чакагига зўр бераётган инжиқ келинчақдан ҳам ёмонроқ тегди жонига, энди ҳатто қурғурни эсласа биқинига бизиз ургандек сапчилаб кетади...

Тили аранг буралаётган Аливой Салим хайрлашмай алоқани узгандан кейин хамирдек бўшашди, демак, қайнар булоқдан қолишмас дароз шиша бошқа нотавон дилларни ҳам ишғол этибди-да, ҳатто бутун шаҳар пойида тиз чўккани эҳтимолдан холи эмас, буни шунчаки ўйлаш ҳам катта азоб, бироқ кўлидан нима келади, агар эпласа ўзига ҳакамлик қилсин.

Томоқ ўлгур тагин авжига олиб қичиётир, аъзои бадани эса муз остида қолгандек карахт, демак, Мерган назаридан панада озроқ нўш айламай иложи йўқ, фақат лим-

лим бир пиёла бир ичагига ҳам юк бўлмай, ёруғ дунёда газак деган нарса борлигини унутиб, қайта-қайта кўтарди, ана энди саҳрода адашиб ўрмонини соғинган арслонга ўхшарди, сўнг чиндан ҳам Зарбанд тоғ тизмалари салобати ва бир-бирини аҳилона суяган азамат чўққилар пойида тўшалган яйлов ва дилдан ҳар қандай ғубору рутубатни аритадиган мусаффо дашту далалар ҳавосини қўмсади, иложи бўлса ҳозироқ ўша афсонавий макон сари қанот боғлаб учарди, афсуски, ҳозирча бунинг имкони йўқ, аммо нечундир дили сайри боғ тилаётир, ҳар ҳолда бир айланиб келса зарар қилмасди, балки Долқоя дарасидан ўйноқлаб тушиб, шаҳар жанубидан ёнлаб ўтадиган сойда чўмилиб қайтади...

Жимжит устахонани жадал тарк этди-ю, шовқин-суронга тўла шаҳар чегарасидан узилиши қийин кечди, толиқиб юра-юра ҳаётининг кўп ажойиб дамларига гувоҳ сойга етолмай, қайси бир маҳалла чойхонаси яқинидаги кенг майдон билан юзлашди. Майдон вақт ва ҳаракат ихтиёридан ташқарида қолган мўъжаз оролчага ўхшарди, те-варакда кўкрак чўнтақларига сариқ атиргул қадалган кимсалар тик оёқда мудрашаётир, четроқда ивирсиб тўхтаган ҳамоно вужуди қоядек оғирлашди, ҳаво етишмагандек ўпкаси оғзига тикилиб, ўзини каппа-каппа очиб эснади ва киприклари илинди, орадан қанча вақт кечгани номаълум, бир маҳал ола-ғавур, шивирлаш ва сирена шовқинидан чўчинқираб қалқиб тушди.

Дастлаб қовоқларини мудроқ босган ва ҳалқа солиб чайқала бошлаган безовта оломонни, сўнг майдон бўйлаб бўйнидаги қўшалок тилла қўнғироқчани шилдиратиб ва думини хода қилиб чопаётган Тарғилни кўрди, баъзан Тарғил илкис тўхтаб йўлак четида хотиржам жулдиратгач, олдию ортидан ҳужумга ўтган лайча ва тозиларни бирин-сирин тишлаб дуч келган томонга бемалол улоқтиради, сўнг бақувват панжалари билан шағал тўкилган саҳни чангитиб тирнайди-да, ғолибона вовуллаб юборади.

Тарғил овозида жам ғурур ва шижоат оҳанги барчани масту масрур айлаганди, Қора тулпорнинг усти очиб қўйилган кабинасида қад ростлаган Носир Охун айниқса шишиниб қувонарди, Тарғил яна бир неча рақибини жойидан қайтиб турмас қилиб тинчитгач, айрича қониқиш ҳосил қилган кайвони таҳсин айтиб юмшоқ жилмайди ва жадал пешвоз юрди, катта-катта қадам ташлаб илгариларди, сўнг яна ҳам завқи келди чоғи, кўксини баланд кўтариб, қулочини ёзиб юборди, ўша дамда қўллари орасидаги бўшлиқда липиллаб товланган мўъжаз камалак ногоҳ тиниқлашиб, ярим айлана беқасам сўзанадек чўзила-чўзила юксак сарҳадларга ёйилди, бир ёни эса оҳиста шовуллаётган дарахтлар шохларига тегиб-тегмай чақнай бошлагач, ийиб кетган Тарвуз домла зипиллаб олдинга ўтди, чўнтагидан қоғозли шоколад суғурди-ю, ўзидан анча олдинда бораётган юмалоқ қорнини силай-силаи издиҳом аҳлидан гулдирос қарсак сўради.

Ҳамон тип-тикка ҳолида ҳомуза тортиб чала-чулпа мудраётган кимсалар ногоҳ гувиллаб жўшди, фақат тепани кучган фусункор камалак аслида Санам кўзларидан таралган шуъла экани ҳеч бир дилдан кечмади, буни Комрон Вали ҳам сезмай, аксинча, ҳақиқий мўъжиза билан учрашиш насиб этганига ўзини ишонтира бошлади ва устахонага қайтар чоғида ҳайрати билан сархушлиги қўшилиб кетди.

Нимагадир ҳайрати жонсиз ва қанотсиз қушга ўхшарди, балки шу боис дилида ҳукмрон эзгу ниятлардан хорижда, руҳий оламига бегона жараёнлар замирида пайдо бўлди ва Камалак тарҳига эврилди, тасодифий тарҳ Санам нафаси билан йўғрилганига эътибор бермай, яна томоқ ҳўллаб, кўп нарсани ажрим қилмай кўйди, ўша тарҳни амалга кўчириш ва шу иш завқу шавқини суришдан бошқа муҳимроқ қайғуси қолмаганди, бурни остига гуп эткизиб бир пиёла ташларди-да, тобора хуш-хаёлини ўғирлаётган машаққатли юмушга зўр бериб ҳозирлик кўрарди, тегишли бўёқларни тайёр қилгунча жуда кўп қимматли вақтни исроф айлади, сўнг бир қўлида пиёла, матога беихтиёр илк чизикларни тортар экан, бақувват панжа чангаллади патаклаган соқолини: аввал кўксингдан қабрингни қазигин, эй бандаи гумроҳ!..

Мерган қонига ташна савдойидек тажанг ва хуноб эди, ҳалиги кесатиқ билан қаноат қилмай, лабларини буриб оғир ёзғирди, ҳамон дум бермаган сапчасан деди чоғи, мана шу чимчима суягига қадар қақшатди-ю, зумда кайфи тумандек тарқаб, ташвиши бир олам туркум ва мўйқаламига интизор турган Фунча ёдига тушди. Қаршисида

дароз шиша ҳамон лим-лим товланарди, ҳамон ялтоқланиб ўзини бозорга солаётганди, Мерган сари қарагани ботинмай, савил қолгурни ҳовли этагидаги қуриган қудуққа улоқтирди, энди тамом нафсини тияди ва туркум муаммоси билан жиддийроқ шуғулланади, фақат аввал маймоқ диванда озгина нафас ростлаши лозим.

Нима учундир аҳволи забун, киприкларини ҳарчанд юмса ҳам, худога астойдил ёлборса ҳам фароғат буюрмади, шошилмай тепасига келган Мерган аста билагини ушлаб ўйга толди, ичида нимадир туғён ураётганини дарҳол сизди чамаси, одамзод кўпинча машаққатли масофаларни ўзи билан ўзи муросасиз олиша-олиша босиб ўтишини қайд этди, охири руҳ денгизу тан унда сузгучи кемадир<sup>11</sup> деб жилмаяр экан, яна ҳам мулойим тортган овози малҳам каби босилди чўғланган сезимларига. Қачондир оҳорли мато тортилган дастгоҳ сари юзланиб, паришон хаёл сурганча жозиб ва ўйчан ранглар қатидан оҳорли ранг қидира бошлади ва шу асно орадан балки юз, балки минг йил кечди: турфа юк ортилган кўҳна дунё араваси еру осмон чегарасини туташтирган ва кўнгил иқлими орқали ўтадиган ўнқир-чўнқир поёнсиз йўл бўйлаб бетўхтов илгари босади, не-не шодлигу хуррамлик, адоват ҳамда жабру жафолар шохиди саналмиш кўёш соғинч водийсида курраи арз билан қайта-қайта учрашади, тўлин ой содиқ канизаклари саналмиш юлдузлар анжуманида неча марталаб кўрки камолини тўлиб-тошиб намойиш этади. Сиру синоатга тўла мураккаб жараён ортда қолганини пайқаган фалак маликаси сўлим оқшомда жимжит устахона деразаси орқали жилмайиб боқади, қоронғилик пардаси қиймаланган ҳамоно руҳи тиниқлашиб, қароқлари қиёфасида баҳорий кўркамлик жамланган нотаниш картина билан тўқнашади...

## 16

Ботини ва зуҳурида инқилобий кайфият яширинган ғаройиб картинага маҳлиё бўлиб тикилади ва фироқ ўтига маҳқум этган туғишган иниси дийдори насиб этгандай орзиқади, тошқин ҳамла қилган пайтда бошидан кечирган чексиз машаққат, кўрқув ва ночорликни, хусусан, Долқоя дарасида тасодифан омон қолган навқирон дарахт мудҳиш онларда айрича садоқат билан кўрсатган тантиликни ёдига солаётгани айниқса қадрли туюлди, шу боис шаънига Дўлана атамаси зап ярашиб тушади деган хаёлни қилди ва тошқин билан алоқадор нималар кечмади дилида...

Картина намоён айлаган пасту баланд чегарасиз кенгликлар таърифга сиғмас сурур ва ҳикмат салтанатини қучиб ётганга ўхшарди, бир-бирини ачомлаган ола-бу-жир метин қоялар бағрини мардона ёриб ўсган, тошқиндан аввал ҳам бир қанча довулу тўфон суронларига кўксини тутган баҳодир дарахт шиддати ва нафосати айни шу пинҳоний салтанатга боқийлик ато қилгани англашилади. Картина жозибасини қучайтирган дарахт табиати учун хос чайирлик нишонлари безовта қалбига азалдан туташ, айни шу эътирофи ёқимли тафтва эврилиб, бутун аъзои бадани бўйлаб югураёттир, сўнг тинмасак хаёли дахлсиз кўрғонга монанд Долқоя дараси томон парвоз қилди, ахир, ўшанда макр болтасию ҳийла арраси қишлоқ учун қалқон бўлган дара бағрини тилка-пора айлаганини қандай унутсин, ҳеч бир рисолада йўқ кўргилик йиллар оша тўпланган аламу армонлар дилларни дўл ва жала бўлиб ёриб чиқишини тезлаштириб юборган эмасмиди?!

Дўлана шарофати билан тилига кўчган мулоҳазаларни Мерган ҳеч бир гумонга бормаи маъқуллади, сўнг аслида Дўлана, Носир Охун билан Санам майли ва истагини қалбан инкор этиб, жунуний илҳомга суяниб тер тўккан сониялари самараси эканини алоҳида қайд этди, сираси, холис ниятга суянгани туфайли тани ва руҳи янада яхшироқ бирлашибди, раҳматли Вали бахши орқаси тутиб дўмбира чертгани ва жирлагани каби, жазава оғушида беҳушу беҳуд мўйқалам тебратгани, кўнгли сари интилгани баробарида, турфа ранглар оламида рангга айлангани, ақлу идрок ўзанида туйғу бўлиб оққани сабабли Дўлана қачон ва қай йўсин жамол очганидан ғофил қолибди, энди бир умрга татиғулик бунақа ҳолат қайтиб буюрмаса керак, ким билсин, тангри ёрлақаса балки буюрар, ҳайтовур умид қилишдан чарчамасин...

<sup>11</sup> Мавлоно Жалолиддин Румий.

Офат ва ирода ўртасида кечган тўқнашувга ишора берувчи Дўлана туркум якуни сари фавкулудда дадил қадам саналур, мўйқалам ва бўёқлар билан ҳамкорлик эса муттасил давом этарди, изланиш завқу шавқи руҳий мувозанатни бир меъёрда сақлаш, муҳими, ҳар бир ифодага заргарона сайқал беришда самарали омил бўлди ва натижада Дўлана изидан ниҳоят Чиғаноқ туғилиб, кўҳна дунё ва соғинчга тўла дили бошқача ёришди. Чиғаноқ янги нусхасида ҳажвий руҳни сақлаб, ҳатто унга яна ҳам залварли юк орта олгани таҳсинга лойиқ, кинояга мойил бўёқлар азроил билан дўстона битим тузган ва доим уни мустаҳкамлаш чорасини қидирган Санам қалбида пинҳон туғёнларни шарҳлаб товланади, Санам пинжига суқилган кўйи баданини қалин қорамтир жун босган қилтириқ азроилга ниманидир илжайиб ўқтираётган Носир Охун феълу атвори учун хос беқарорлик ва сурликни фош этиб наъра тортади, кифтида думи гажак чаёнлар жуфтлашиб ўйнашаётгани сабабли ўзидан кетиб қувонаётган ажал фариштаси қирилма мазмунига мазмун қўшганди.

Заҳираси Чиғаноқ сингари ёруғ дунё пасту баланди хусусида чуқур ўйга толдирувчи анча тўқис картина билан бойиган экан, дўпписини осмонга отиши керак, имони комилки, янги картина Носир Охун билан Санам ошига тагин оғу қўшади, аввалги нусхани зеру забар айлаган кайвони айниқса оёғи куйган товукдек типирчилаб қолса керак, фақат ўзи бундай ютуқдан хотиржам бўлиши яхши эмас.

Қудратли Аполлон амрига интизор гўзал фаришталар Чиғаноқни меҳру муҳаббат чойшабига йўраклаб олишган кун таассуротлари хотирга бир умр ўрнашиб қолди, сўнг ғанимат вақтни бой бермай туркумда алоҳида салмоқ касб этувчи Ғунча лойиҳаси ташвишига шўнғиди. Мана энди ҳатто узун тунларда бир дам ухламай, ҳамон кўнгли иқлимида мавжланиб пишқираётган тошқин билан олишади, қачон тугаши номаълум муросасиз жанг пайтида гоҳ чўкиб, гоҳ юзага қалқиб минг ўлади ва минг тирилади, ахир, мақсаду муддаоси ушалиши учун офат чанғалида онаизор туйган туйғулар оғушида яшамоғи, яъни бешик билан бирга ўзи ҳам чўкаётган дамларда борлигини ёққан ғусса, қаҳру ғазаб ва нафрат шаклини албатта топиши керак...

Аммо бунга эришиш осон эмаслиги тобора аён бўлаётир, тагин устига Санам ғойибдан таъқиб қилиб қайта-қайта чалғитади, охири жони қақшаб оғрийди-да, мўйқаламдан ётсираб, Ғунчага қайрилиб қарамай, дуч келган жойда қунишиб мудрайди, кўпинча дафъатан ҳужум бошлаган хумор билан беҳуда олишади, падар қусур нақадар қаттол экан, тор қилиб юборади кўпинча дунёни кўзига, сўнг ўзидан адашади, йўқ, руҳи жисмини қафасни бузган қуш каби кўтариб учади-да, номаълум ўлчамга элтиб ташлайди.

Хумор баҳона шундай ҳол такрор кечди, энди йўл қидираётган йўловчи мисол, ақлу идрок ва кўнғил бирлиги тақдир чорраҳасида таназулга юз тутиши эҳтимолдан холи эмаслигини ўйлаб, нигоҳ илғамас нуқтада пинҳон ниҳоясиз доирада тентираб юрибди, негадир қодир зот назарига ҳам яқин, ҳам узоқ туюлаётган бу гўшани бағрида ибтидо ва интиҳо сиру савдоларини яшириб мудраётган кутбга менгзади. Чиндан ҳам бу тарафда ҳар бир заррадан тортиб то улкан қоягача афсун кучоғида нафас олади, масофа гўё вақтни занжирлаб қўйибди, тўнтариб қўйилган улкан қозонга ўхшаш паркү булутли осмонда пирпираб сузаётган куёш кафтдаги йирик гавҳартошни эслатади, ним қизил юзасидан иссиқ ёғду ўрнига милтиллаб тўкилаётган тарам-тарам юпқа соялар тўзон бўлиб қайтади ортига...

Номаълум кутбда тирик жонни овораи сарсон айлаб букиш ва мавриди топилган ҳамано зулмат комига улоқтириш ҳадисини олган заволотдан бошқа яна нима урчисин, заволот йўлини тўсадиган халоскор куч бор-йўқлиги эса алоҳида муҳим масала ва булар барисидан ғофил жами махлук ўзича куйманиб кун кечирарди...

Ҳаёт оқими тезкорлигини ўзича тушунган ва думига ғалвир боғлаган қўнғир сичқонвой бир кун туш қизиги пайтида ини томон йўрғалаб борарди, узоқ йўл юргандан кейин очқади чоғи, сояравда мудраётган қанотлари кўкиш букри чигирткани тириқтириб қува кетди, эртасидан умидини узмаган чигиртка кўкимтир жажжи қанотларини ёзиб хандаққа сакраганда, ботирлиги тутиб у ҳам сакради.

Сичқонвой ўлжани зумда жиғилдонига жойлади, аммо қани энди ним қоронғи

чуқурдан чиқиб олиш чорасини билса, чор-ночор думига бойланган ғалвирни кемириб чий-чийлаб ётаверди, осмонни кулранг булутлар қоплаган қайси бир кунда жунлари ҳурпайган ҳамда кўзлари яшил олов сочадиган ёввойи мушук чангалига тушди, оғзидан қора сўлакай оқаётган бароқ дарҳол суяк-пуяги билан қўшиб ямламай ютди, қорни тўйгани шаксиз соз бўлди, фақат ортга йўл қани?!

Бароқ чуқур билан талашавериб толиқди, бирон натижага эришолмай, охири талваса ва афсус оғушида зах тупроғу замбуруғ кучиб ётишдан бошқа чораси қолмади, баъзан нажот истаб бемажол миёвлаб қўярди, охири мунгли овозини айланиб юрган тулкивой эшитди, иштаҳаси карнай бўлиб, омади чопганига ишонди-да, апил-тапил нафсини қондирди, фақат чуқур кўндаланг қиладиган мусибатдан қай йўсин қутулишни йўламаган экан, буни тушунган дамда ғишт аллақачон қолипдан кўчганди.

Тулкивой чақчайган кўзларида ичакларини аёвсиз тимдалаётган оғриқ даҳшати акс этган бўри емига айланди, ҳузур-ҳаловат ва қувонч бахш этган ғалабани кулранг йиртқиш қисқагина уйқу билан нишонлади, шу сабаб очлик азобини вақтинча даф этган арзимас луқма эвазига қадру қиммати беҳад юқори бойлигидан айрилганини кечроқ англади ва охири деворни тирнай-тирнай зору нолон увиллаб юборди.

Бақувват ва чайир бўри ҳавоси мусаффо кенг дашту далалар қўйнига қайтишни жону дили билан истаб, кўланса чуқурда инлаган ажал билан узоқ олишди, барча урниши зое кетиб, тинкаи мадори қуриб чўзилди-ю, тепадан ёнига сакраган қоплонни аранг илғади.

Сўйлоқ тишларини ишга солиб қорнини тўйғазган қоплон ўзини ёруғ дунёда ягона хўжайиндек тутарди, ҳузур қилиб керишганча супрадек кичик осмонга тикилар экан, бирдан ҳоври пасайди, сўнг ғайратга миниб, чуқурни бўйин эгдириш қасдида, ўқдек юқорига сапчиди, иложи қанча, дов чангали ҳеч нарсага илинмай, чалпак бўлиб йиқилди, қандай қисмат қутаётганини сезгани сайин қони қайнаб ва наъра тортиб зўр бериб сакрарди, охири қанотлари йўқлигига ачинишдан бошқасига ярамай тинчиб қолди.

Вақтида бутун тоғу тошга зарбини ўтказган йиртқиш, ўздан ўтганини ўзи билиб, аъзои бадани совуй-совуй, хасу хашак ва чиринди орасида беҳол ҳиқиллаб ётарди, ўра оғзида хаёлчан кулиб қўяётган ғунча даҳан паривашни эса кўрмади, қийиқ кўзлари сирли тусланаётган жонон бўлиқ сочларини тишлари синиқ суяк тароқ билан берилиб тараётганди, салдан кейин зулук қошларини ўйнатиб, кир-чирга ботган тароқни нилий тусда сокин товланаётган фалак сари улоқтирди. Поёнсиз бўшлиққа сингиб йўқолган тароқ ҳадемай шамол қанотида хасу хашак, қуму тупроқ ва тошу кесак бўлиб қайтди, кўмилиб ному нишони қолмаган чуқур ўрнида эса тепача кўтарилди, мўъжаз қабрга ўхшаш тепалик мунғайиб сукутга толганди, ўқтин-ўқтин остидан ғазабли ўкирик ва ингроқ эшитилиб, недир сиру савдодан хабар берарди.

Турли нидолар еру кўкни қоплаб янграётган пайтда, кўклам ёмғири шиббалаган қабр ўртасида имирға<sup>12</sup> ниҳол уч берди, ёруғ дунё сурури ва саодатига ташна эканини майин табассум орқали изҳор этаётган ниҳол япроқлари билан қуёш шуъласи, илди-зи орқали тупроқ ширасини эмиб жадал улғайди ва қулоч етмас танаси олмос тасма янглиғ жуфт чизиқ билан ўралган муаззам дарахтга эврилди.

Нигоҳ илғамас аллатовур қудратли куч дарахтни иссиғу совуқ, шамолу бўрон каби бало-қазодан кечаю кундуз муҳофаза этарди, сўнг ана-мана бениҳоя тарвақайлаб, ўт-ўлан гиламдек тўшалган катта майдонга қуюқ соя ташлади, маржондек тизилган тўқ яшил барглари қиз ёноғидек лўппи-лўппи нақшин олмаларни яшириб шитирлайди, бақувват шохлари эса юзлаб ботмон юкни писанд қилмай мардона туради.

Дафъатан биров атай тебратгандек қайси бир ингичка навдадан қизили тарам-тарам йирик олма чирт узилди, ўйноқлаб кела-кела шовдираган барра майсада анқайиб тиззалаган Комрон Вали пешонаси аралаш қаншарига кескин тарсиллаб урилди. Уйғониб киприкларини кўтарган дамда юраги қафасда тутқун қушдек потирлаб тепарди, тушда кўринган мўъжаз қабрни нозик ниҳол билан бирга ёриб чиққандай дағ-дағ титраб ва ҳовлиқиб, кафти билан аста-секин пайпаслаб сездики, иситма тепчиган ва қайноқ тер қоплаган афту ангори пуфакча отиб қаварибди. Ҳайрат ичра яна кўрқа-писа

<sup>12</sup> Имирға – нозик маъносида (шева).

аста ёстикқа бош қўйди, бот-бот қалбини жунбишга солаётган ажабтовур рўё тезроқ унутилиб, хотиржам бўлишни истарди, аммо у эртаю кеч баттар безовта қилаётир, жами тафсилоти билан тасаввурида жонланиб, недир ҳикматдан огоҳ этмоқда, маймоқ диван ёнида ёқутдек ёнганча бир неча дона йирик олма думалаб ётгани айниқса хайратга молик...

Мерган ҳам уларни аллақачон кўрган чоғи, киприк қоқмай паришон ўйга толганди, ошнаси тушини таъбирлаб бериши мумкин, лекин айтгани журъати етмай юраги пўкиллаётир, қолаверса, каллаи саҳарда булбулигўё бўлиб бошини қотириши инсофдан эмас, қулай вақтини кутишдан бошқа чораси йўқ, ҳозир яхсиси худодан илҳом тилаб Ғунча ёнига қайтсин, Ғунча билан овунса албатта энгил тортади, баҳонада волидаси, қолаверса, падари ва укачаси арвоҳини ёд этиш имкони туғилади...

Мўйқалам амрига мунтазир экан, биргина ишораси билан иссиғу совуқ рангларни сафарбар этишга киришди, ўзаро топишиб майинлашган ранглар тошқин шиддати ва Роҳила отин қалб оғриқларига белангани сайин ишига барака эниб кўнгли ўсарди, охири қулоғига ифодадалар бағрини нурдек тарк этган онаизор хўрсиниғи чалинди, бечора шундоқ рўпарасида элас-элас бўйлаб хўрсинарди, сўнг аслида гирмон ва тошқин Санам изидан юрадиган балойи азим эканини айта-айта бўзлади, ажин тилимлаган озгин ёноқларини милт-милт шўр ёш юварди...

## 17

Аста-секин Роҳила отин овози тиниб, устахонада теран саҳро сукунати чўккандан кейин, хамирдек бўшашиб турган бўлса-да, ажиб иштиёқ ва шижоат билан қайта энг шимарди, тобора чуқур англаётирки, ўша кезларда меҳрибони оламини чулғаган туғёнларни сезимлари орқали ўтказиб бўёқларга сингдириш осон кечмайди. Бугунги арзимас кичик мағлубият келгусида насиб этадиган эътиборга лойиқ катта зафар нишониси эрур, ана шу ақидага астойдил ишонгани туфайли ҳар неки умиди қатъиятга эврилаётир, вақт гилдираги қай йўсин айланишига аҳамият бермай, ҳар бир рангда пинҳон тилсим қулфини очишга интилади ва ҳеч қачон ҳой-ҳавас демай фақат имонга сиғинган Вали бахши ва Роҳила отин билан юзлашиш шарафига эришади.

Фақат бу эрта чап ёни билан турган экан чоғи, бошига қиялатиб бахмал дўппи кўндирган Тарвуз домла ажиб саодатдан мосуво айлади, кажава қорнинг ёрилгур пишириб қўйгандай каллаи саҳарда ҳозир нозир бўлган пайтда, қошу қовоқларини уқалаб, эндигина дастгоҳ сари йўлаганди, мириқиб тахта шоколад шимишдан бўшамай, узокдан майдалаб гап бошлади-ю, юраги шув этиб гўё товонига кўчди...

Тарвуз домла илгари Носир Охун гоҳ туши, гоҳ ўнгида важоҳати бузуқ Калхат таъқиб қилиб ўтакасини ёраётганини айтганда ишонмай мийиғида масҳараомуз қулган экан, мана энди қиронга учрагур фалак қароқчиси ўзини ҳам жаҳаннам азобига маҳқум этаётган эмиш, ўтган оқшом саҳарда қайси гўрдан бало-қазодай учиб келибди-да, кафанингни бичавер маъносида хунук чинқириб, очик деразадан ётоғига шўнғибди, ўшандан бери ҳушу хаёлидан жудо бўлгандек гаранг, турқинг қургурни эсласа бас, юраги бўғзига тикилиб дағ-дағ титрана бошлади.

Яхши ҳам худо урган нодону нотавон эмас, фаҳмича, бариси Носир Охун томонидан айтилган таклиф ҳанузга қадар адо этилмай беодоблик қилингани оқибати эрур, бу борада кайвони билан жиддий музокара олиб борди ва жуда муҳим аҳамиятга молик ваколат юзасидан ташриф буюрди, ҳозир зиғирча ҳам эътирозга ўрин қолдирмай Калхатни ўзи йўқотади, хўш, покиза дилларни бемор айлағувчи ўша тимсол қайда?..

Тарвуз домла осмонни ушлаб тургандай намунча хўпиқиб<sup>13</sup> кекирдагига зўр берди, худо уриб жағи жағига тегмай сайрапти-я, аммо чучварани хом санабди, аллақачон Калхат билан Чиғаноқ ҳатто иблис малайлари ҳам топиши маҳол ишончли жойда, Носир Охун тўнини тесқари кийганини таъкидлаган заҳоти Мерган уларни олис тоғ қишлоғида яшовчи нафақахўр муаллим дўсти қўлига топшириб келган, ёшлигида таниқли рассом бўлишни орзу қилган ўша савдойи феълли инсон, эрмак учун ҳамон ул-бул чизиш билан бирга, асл ёки кўчирма нусха расмларни тўплаб юргани учун ром

<sup>13</sup> Хўпиқиш – ҳовлиқиш (шева).



этувчи ғаройиб омонатни кўриб боши кўкка етган ва қиёматгача кўзи қорачиғидай авайлаб асраш бўйича катта ваъда берган...

Орага ёлғон оралади деган ўйда шубҳаланган Тарвуз домла, бутунлай авзойи бузилди-да, наҳот калланг сапчадек узилишидан кўрқмасанг тарзида беўхшов вишиллади, тайинли жавоб ололмагач, босар-тусарини билмай барча тешигу тирқиш ва ертўлани искалаб чиқди.

Қачон қораси ўчаркин, ҳамон бўсағада сийпаланиб мушт дўлғаётганига қараганда, яна бирон иддаоси борга ўхшайди, ёпирай, бақа каби бақрайиб қолди шекилли, сўнг нимадир деб аранг ғудранди, ана холос, тепасида икки кўзи чўғланган найза учидек чақнаб қичқира-қичқира Калхат қанот қоқаётган эмиш, ваҳима уясига ўт кўйиш шунча бўлар-да, аммо чиндан ўтакаси ёрилар даражада кўрққан экан, оғзидан қора кўпиги келиб супада думалаб қолди.

Омонатини топширмай тезроқ духтир чақирини керак, ишқилиб қотил деган ном орттириб, бошига маломат ёғилмасайди, хайриятки, парвардигор бир асради, шошиб рақам тераётганда, Тарвуз домла эловлаб ва пишқириб ҳушини ўнглади, салдан кейин сен гумроҳ, Вали бахши папалаб ўстирган арзанда, ҳадеб камина билан ўйнашсанг охири илдиз-пилдизинг билан қурийсан маъносида олайди-да, биров тўқмоқ ўқталгандай зипиллаб жуфттак ростлади, ортидан хушламай тикиларкан, бўғзини ачитаётган зарда аралаш хўрсиниқ истеҳзоли кулгига айланди, гавдасини олдгау ортга ташлаб узок қаққаха отгани боис, нақд ичаклари узилаёзди, яхши ҳам орада телефон асабий тарзда шовқин кўтариб чалғиди, барибир хаёли бир бурчини кўксига туфлаб ва тутатиб Калхатни қарғаётган Тарвуз домла рафтори эгаллаб олганди...

Ўшак қитирлаб етказиётган ёқимли овозни таниган ҳамона миясида бир камим сен мегажин эдинг деган фикр ғивирлади, сал ўтмай жодуга мойил саслар кўнглида акс садо берди, лутфи карамлар асосан Калхат билан боғлиқ экани англашилди, охири Калхат бошига етишади чоғи, қайси оқшом картина заминидан узилган йиртқич қуш эндигина киприклари илинган Носир Охун тушида чангалидан милтиллаб қон томаётган ҳолда кўринган, натижада баттар эсанкираб, бир қатра ҳам ухламас бўлибди, агар сал мизғиса албатта босриқади ва Калхат ваҳимаси босиб уйғонади, тунов кеча ётоғида бедорлик туфайли титраб-қақшаб ўтирган пайтда, хаёлида ногоҳ семурғ гавдаланиб, нажот рамзи топилди деб мамнун ҳайқиради-да, маслаҳат қилгани ҳузурига дарров Санамни чорлайди.

Қисқа вақт орасида Семурғ аталмиш ҳар жиҳатдан мукамал лойиҳа тайёрланган эмиш, ана шу ҳужжатга асосан, афсонавий қудратли қуш Носир Охун билан Санамни елкалаб олиш юлдузлар ошёни сари мардона парвоз этаётган ҳолатда тасвир этилиши лозим, мазкур картина коллекция таркибини тўлдирган куниеқ Калхат ваҳимаси туғаб, чексиз ҳузур-ҳаловат ва осудалик буюришига кайвони қаттиқ ишонаётган экан, алқисса, ҳар неки нохушлик барҳам тописи муқаррар!..

Кутилмаган хоҳиш-иродани жон-дили билан бажаришга ишқибоз рассом беҳисоб, аммо Носир Охун ҳозирча фақат Комрон Вали лаёқатига кўпроқ умид боғлаётир, орзуси тезроқ ушалиши учун барча муҳим шарт-шароит ва имкон назарда тутилган, демак, шартномага дангал имзо чекиб, хамир учидан патир сифатида, беш-ўн танга ҳақ ундиргани кечикмай Садаф чорбоғига бориши лозим, баҳонада сўлим маскандаги ўзгаришлар шоҳиди бўлади ва уни танимай ҳайрат бармоғини тишласа ажаб эмас...

Санам алоқани узар чоғида илгари бир неча долзарб буюртмани ижро этмай оёқ тирагани, оқибатда Афродита номидаги мукофот ва бошқа жуда кўп диққатга сазовор имтиёздан қуруқ қолганини атайлаб ёдига солди, шундоқ ҳам энсаси қотиб тутаетган эмасмиди, бирдан кифоя дея бўкирди ва ҳатто ўпкасини босолмай эркакча сўкинди. Яхши ҳам дарҳол Санам овози ўчди, миясида эса тиним билмай сиёҳи ёлқин чарх урарди, аста-секин у Семурғ лойиҳаси тақдири билан боғлиқ кўнгил оздирувчи тушунчага эврилди, аммо Семурғ устида иш бошлаш тугур, ҳатто Ғунча хомакисига қарагани ботинмай, тезгина кулбасини тарк этди, бир оздан кейин аввали-охири йўқ можарога йўлиққандай хитланиб, боши оққан томонга лўкиллаб борарди.

Нимагадир интиқланиб шошаётир, гўё сездирмай айланаётган ва недир умид уйғотаётган вақт ғилдираги ортидан қолмай одимлайди, шунақа жадал юришда ҳадемай

гирдларига шафақ ним пушти ва қирмизи ҳошия тортган поёнсиз уфқ этакларига етса керак, наздида, аллақачон шовқин-сурон ва чангу тўзонга тўла шаҳардан узоқлашди, лекин мундоғ диққат қилсаки, ҳали жанубий тарафини оқ баданли бўйчан тераклар, шимолини эса чолдевордан қолишмас қаровсиз уй-жойлар тўсган, шағал ва кум тўкилган кўчалари камқатнов мавзеда тентираб юрибди. Тошқиндан кейин аввал шу мавзе тикланган эмасмиди, лекин энди эътибордан қолиб бунчалар тўкилибди, юксакларда осуда юзаётган ним сариқ ва пушти қуюнлар дардчил аёл оҳига ўхшаб кетди, сўнг нафаси қайтиб қайноқ терга пишди, бозор-ўчор қилиш ёки бошқа ташвиш билан уйдан чиққан халойиқ эса жазирама иссиқни назарга илмай урина-сурина чор тарафга чопарди.

Лайлак қилиб қўйилган аравалар ёнида чўнқайиб олган пучуқ бурунли кампир чўпдек ингичка кўлини чўзиб садақа сўради, хижолат ичра тезгина ундан йироқлашиб, ур-йиқитдан қолишмас даҳанаки жанг кечаётган шийпон ёнига бориб қолди, ихчам кузалган соқоли қировлаган, қўлтиғига бир неча қалин муқовали китоб қистириб, бошига оқимтир ҳожи дўппи кўндирган барваста чол хотиржам четга судради, сўнг туйғун кўзлари порлаб, ҳой, барно йигит, фаҳм этдимки замона олимисан, қилни қирқ ёришга қодирсан, ҳаётинг ва аъмолинга алоқаси йўқ жамики нарсани пухта биласан, аммо ўзингни билмайсан<sup>14</sup> ёки нотўғрими дея, аста елкасига қоқди; ичи сидирилган кўйи шолғомдек дувва қизарди, ҳей, тавба, палаги тоза экани шундоқ сезилиб турган хушсухан зот ким бўлур ва аслини суриштириб аниқламай нечун бехосдан бундай кароматни рўкач айламоқда...

Имиллаб беш-ўн қадам босиб ўгирилган дамда Қария ўрта ёшли савдогар билан савол-жавоб қилишга киришганди, танглайингни умр бўйи буқа ва кўчқор семиртириб сотган кампир кўтаргани аён бўлмиш тарзидаги тагдор гапи эшитилди, сўнг қо-қоғлаб ва бир-бирини қонга ботириб чўқишаётган даканг хурозлар сари шошилди, бошқа даврада кўкнор уруғига тўйволган ўнлаб пурча ва жўжа беданалар сўқишиб томоша кўрсатаётган экан...

Чолдевор ичкарисидан жилмайиб Санам чиққанини ҳис этиб беихтиёр юраги санчиб қўйди, малак бировга сездирмай ер ёрилиб одам чиққандек тигиз ва тўполон каппонга оралаган ҳамоно, сув текин кетди-я, энанг қимматчи қилиб тувганми ёки шоху бутоғингни эгам қайириб қўйсин тарзидаги шангиллашлар чалинди қулоғига; қатор-қатор каноралар ва тарозилар ўртасида Санам қош қоқиб рақс туша бошлади, ток билан жуфтлашиб ўсган балхи тут остидаги яйдоқ супада гардишига хом тери сирилган элакларда бошоғу хас-хашак аралаш буғдой ва арпа, этакроқда қатор қурилган уйлар айвонида гирдини қасмоқ босган ғалвирларда майин ун эланади.

Салдан кейин Санам оҳиста чайқалаётган жўхоризорга ёндош, тупроғи тиззага урадиган ўнқир-чўнқир майдонда пайдо бўлди, ёмғир ювган пахса девор биқинида кавуш-макси кийган қилтириқ кўса занг босган темиртак пичоқ тиғини кулликланган ва бўғилиб маъраётган манглайи ола така бўғзига зўр бериб ишқаларди, сал наридаги алмисоқдан қолган чархда бўз яқтак кийган уккиқўз бақалоқ хуш-хандон кўшиқ хиргойи қила-қила дудам пўлат ханжар чархламоқда, ажабо, дандон сопли бежирим ханжарнинг капалак қанотидек юпқа дамидан қизғиш учкун ўрнига барра ўтдек кўм-кўк муз пориллаб учади ҳамда нўхатдек юмалоқ доналар изғирин уфура-уфура савдо-сотик билан овора халойиқ пойига сочилади...

Кунботарда йўниб силлиқланган ёғочу тахтадан ясалган панжарали пастқам чайлалар тизилиб кетганди, ичкарида қанотлари қайроқча тахлит мису нуқра ўйинчоқлар билан безатилган қийғиру қузғунлар бир-бирини патламоқчи бўлгандек безовта потирлаб сакрашади; рўпарада ўрнатилган алоҳида юмшоқ ўриндикда ҳаволаниб кўнган, текис тўшига тўғнағич билан маржон қадалган кекса туяқуш ердан чиққандек ҳозир бўлган Санам қошида тиззаларини букиб таъзим қилади, Санам эрий-эрий этию патлари орасида жойлашгач, найдек узун бежирим тумшуғи билан ҳавони нуқилаб чуғурлай кетади...

Туяқуш жамики тирик жон учун ҳикмат китобидай қизиқарли бўлган парвоз фани бўйича сабоқ бераётгани шубҳасиз, аммо соҳили тик анҳорда шаффоф баргли нилу-

<sup>14</sup> Мавлоно Жалолоддин Румий.

фардан нигоҳ узолмай қолган ола-бужир бақа қандай истақда кучаниб қуриллаётир, сал нарида қорайиб турган қавақда жимжилоқ тахлит кичик ёнарқурт билан аъзои бадани қора-қура кўршапалак жимгина мўлтираб бир-бирига суйқанарди, тавба, наҳот улар боқишида жам жонсизгина ёлқин Санам нигоҳи таратадиган, масофаю вақтга бўйсунмас сиёҳи ёлқин билан уйқаш бўлса, ол-ла-а!..

Охири қуриган сарҳовуз бўйида чўк тушган ташна ва ҳорғин туялару бияларни учратди, сўнг ўзи ҳам чанқаб, анҳор сари бурилди, негадир энди ҳалигина осуда жимирлаб оқаётган анҳор кўринмасди, нима бало, ўзани билан қўшиб замин тубида гувиллаб ётган ўпқонлар ютдими ёки самовий оҳанрабо бўҳронлари тортиб олдим бағрига?! Ҳар ҳолда буниси қоронғи, аммо ҳали эсанкираб қолгани сабабли адашиб, шаҳар марказига бурилган экан, охири ораста хиёбон оркестр янграётган мусиқа мактаби, каптархонани эслатувчи қайсидир маъмурий бино ва Садаф чорбоғига рўпара қилди.

Янада ёшариб чиройи очилган, қуёш ҳар бир қаричига қизғанмай нур сочаётган чорбоғ бағрини очиб мамнун қаршилади, айвонсимон пештоқи ва икки ёнига сиркорий кошинлар воситасида сариқ атиргул зарбланган кўш табақали темир дарвоза гўё жаннат сари чорларди, дарҳақиқат остона ҳатлаган дамдаёқ аллатовур сурур ва таскин ато этувчи, замирида недир қудрат пинҳон жозиба нашидасини туйди, нигоҳи ҳамма ёқни қоплаган сариқ атиргулларга тушгандан кейин тўк ургандек довдираб аста кўксини ушлади, тавба, яқинда бехосдан илоҳий мўъжиза рўй берган-у, бодрай-бодрай улар фақдаги қайси бир бурждан ёғилганди.

Махсус лойиҳа асосида экилган арчаю каштанлар вужудга келтирган манзара ҳам беҳад улўғвор туюлади, бундан ташқари улкан терак ва чинорлар қўриқчи аскарлардек бир неча сафга тизилмиш, фақат негадир улар ёнидан ўтган ариқчалар кўмиб ташланганди, берироқдаги бир неча таноблик айлана майсазор ўртасида эса улкан якка дарахт қад ростлаганди, азалу абад меъмори бунёд этган улкан эҳромдай қир учини осмон сийнасига тираган якка дарахт иссиқ босилди кўзларига, шитирлаётган ям-яшил барглари орасидан нозланиб мўралаётган нақшин олмалар, залварли юкни мардона кўтариб турган бақувват шохлар, қулоч аранг етадиган ғадир-будир танани безаган олмос тусли қўшалок тасма бутунлай хаёлини ўғирлади, агар ҳозир тунов кеча кўрган туши ҳушида қайта кечаётганини айтса, қайси нодон ишонади, аксинча, масхаралаб барча кулса керак.

Чорбоғга алоҳида файзу шукуҳ бағишлаган, салобатида бир олам тароват ва ўқтамлик мужассам бўлган якка дарахт мангу яшиллик ва ҳиммат тимсоли эканини тасдиқ этиб мулойим шовулларди, бағрида пишиб етилган ғуж-ғуж ҳосил битмас-туганмас хазина ва шифобахш неъмат эканини билгандай, виқор билан боқарди атрофга. Ланг очик темир дарвозадан мўру малахдек ёпирилиб кираётган шинаванда кимсалар йўғон танасидан тортиб то ҳар бир япроғига қадар лолу ҳайрон боқишиб, тангри қудратига ҳамду сано айтишади, сўнг шовқин-сурон билан урина-сурина юқорига ўрлаб, шигил шохларни силкиб қоқишади, шира бойлаб тирсиллаган йирик-йирик нақшин олмалар узлуксиз потирлаб ёғилади, ҳей, садағанг кетай, улар шунчалар мўлки, ким ҳам етарди сонун саноғига...

### *Давоми бор*

## Шеърят



**Хосият  
БОБОМУРОДОВА**

1950 йил туғилган.  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият  
ходими. Тошкент  
Давлат педагогика  
университетининг  
математика факультетини  
тамомлаган.  
Кўп йиллар Ёзувчилар  
уюшмасининг Самарқанд  
вилояти бўлимида масъул  
координатор қилган.  
Шоиранинг “Самарқандга  
мактублар”, “Қалб титроғи”,  
“Ватан ягонадир”, “Жоним  
нинг эгаси”, “Бормисан,  
Ўзбек” ва яна бир қатор  
шеърлий тўпламлари нашр  
этилган.

## Юрагимда отпоқ понг отар

**О, дилим!**

Дилим, сендан ўтар барча ёзмишлар,  
Келар, кетарларга очиқ дарчасан.  
Сенга аксин чизар баҳорлар, қишлар,  
Гоҳ бутунсан, гоҳи парча-парчасан.

Гоҳ хазон бўласан кузнинг пойида,  
Гоҳ гунча очасан шохнинг учида.  
Гоҳо эгиласан сўзнинг пойида,  
Чўкасан гуссаю оҳнинг ичида.

Мен ношуд гамкашинг, ношуд ҳамроҳинг,  
Сени асрай олмай гамларга бердим.  
Сўз бўлиб тўқилса, чеккан ҳар оҳинг,  
Илҳом деган ўтли дамларга бердим.

Сени эзавериб сўз топдим фақат,  
Ўзинг йиғлаб, номим буркадинг шонга.  
Минг йиллик армонинг бўлса-да қат-қат,  
Мен яна бағрингни тўлдирдим қонга.

Билатуриб бошинг кундага қўйдим,  
Мўҳаббатга бердим, мен сени дилим.  
О, уни ўзимдан ортиқроқ суйдим,  
Айрилиқдан сени айладим тилим.

Ишқ дарди кунба-кун айларкан асир,  
Сендан айриламан заррама-зарра.  
Тақиқлар, таъналар қилмайди таъсир,  
Йиғлатаман сени миллион карра.

Севгининг жабрини сен тортасан дил,  
Ёш бўлиб томасан киприklarимдан.  
Мен ташийверамаман ишқ қўлига гул,  
Айрилсам-да, нажот кўприklarимдан.

*Биламан, қиличин қайрайди қисмат,  
Биламан, айтганин қилдиради куз.  
Ғийбат бозорида яйрайди, қисмат,  
Бахтга тик боқмоққа қолмайди ҳам юз.*

### Тушдан сўнг

*Мен энди биламан, бу умр шитоб,  
Кўкдаги қуёшдай кетиб бормоқда.  
Булутлар пойлайди ҳасратда тутаб,  
Кунлар орзуларни ютиб бормоқда.*

*Эндиги қўшиқлар яна дардлироқ,  
Муҳаббат (бор бўлса) қадрлироқдир.  
Эндиги тунларни безайди фиरोқ,  
Жўшқин хитоблар ҳам фақат сўроқдир.*

*Эй дўст, гиналашиб юрмайлик, куйиб,  
Аразлаб кетмоққа етмайди фурсат.  
Бизни Ғарбу Шарқда куттириб қўйиб,  
О, ўзи кутмайди, кутмайди фурсат.*

*Энди тарқаб кетди ўжарликларим,  
Йилларга енгилдим, босилиб қолдим.  
Бу кўнгил меҳрга муҳтож ва ярим,  
Дарахтга япроқдай осилиб қолдим.*

### Гул бўлгим келди

*Қорга берган эдим илдизларимни,  
Нега сени кўргач, гул бўлгим келди?  
Булут яширганди юлдузларимни,  
Сени кўргач, ёруғ кун бўлгим келди.*

*Бағишлагим келди қирқта жсонимни,  
Билмам, имконимда қанчаси қолди?  
Қизгалдоқлар кириб олиб қонимга,  
Таширфингни кутиб бунча чайқалди.*

*Тушунармиканлар йиллар тилимга,  
Менга тизгинини тутқазармикан?  
Ёмғирлар ёзмаган саҳро дилимга,  
Бир тупгина ниҳол ўтқазармикан!?*

### Яна тошга

Селлар билар экан сенинг тилингни,  
Келсалар лойланиб, тошиб, эшилиб,  
Ўшаларга дарров бердинг қўлингни,  
Номаълум тарафга кетдинг қўшилиб.

Еллар билар экан сенинг тилингни,  
Елсалар, минг йиллик ўрнинг унутдинг.  
Минг йил ичга ютиб юриб тилингни,  
Бирдан ҳайқирганча юмалаб кетдинг.

Тилсизлар биларкан сенинг тилингни,  
Яшарлар ёнингда улар тош бўлиб.  
Тўрт ёнингдан тўсиб олиб йўлингни,  
Минг йил ухлайдилар, сенга бош бўлиб.

Дилсизлар биларкан сенинг дилингни,  
На унга, на сенга керак эмас, ишиқ.  
Оддий тош биларкан сенинг феълингни,  
О, сенга шарт эмас экан куй, қўшиқ.

Айт, нетсам, мен сенинг тилинг биламан,  
Яна қанча тошга уриб чиқай бош?  
Воҳ, нечун саждага такрор келаман,  
Қачон тошлигингдан кечасан, эй тош?

### Тилак

Сизга етган ҳар битта озор  
Вужудимга тикандек ботар.  
Шодлигингиз кўрганам дамлар  
Юрагимда оппоқ тонг отар.

Йўлингизга интиқ кўзларим,  
Соғинаман: ҳар лаҳза, ҳар он.  
Сизга меҳрим, сизга ҳурматим  
Мен соғ бўлсам, яшайди омон.

Дилингизнинг занжирларига  
Бутун умр боғлигингизман.  
Сола олмас ҳеч ким хавф-хатар  
Мен соғ бўлсам соғлигингизга.



## Наср

## КУЛДИРГИЧ

## Ҳикоя

– Қанча бўлди касал бўлганинга, Кулдиргич?  
 – Уч йил.  
 – Биринчи касал бўлган кунинг зўр-а!? Ҳамма сени кўргани келади!

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам, зўр бўлади... роса кўпчилик келади биринчи кунлари. Сендаям шунақа бўлганми, Бойбўта?

– Ҳа, шунақа бўлган, ҳамма қариндошларимиз келган. Бир кунда етти-саккиз киши келарди. Опкелган нарсалардан маза қилардим.

– Менга кичкина аммам қарарди, ўзи ҳам касал эди, лекин рўзгорни эплай оларди. Турмуши бўлмагани учун бизникида яшарди, сиқилавериб, менга ўхшаб касал бўлганди... Харақтери зўр эди-да, аммо-лекин... Кейинроқ касал кўргани келган одамлар камаяди. Агар касалинг бирдан ёмонлаб қолса, қариндошларинг яна янгитдан келишни бошлайди.

– Мендаям худди шунақа бўлган! Бориб-бориб ҳеч ким келмай қўяди. Айтдинг-ку, қачон оғирлашиб қолсанг, одамлар яна ҳар куни келишни бошлайди. Охири зерикади шекилли, кам келади, келганлари ҳам фақат қуруқ нон кўтариб келади. Бир куни анча оғир ётганимда бирданига кўп қариндошларимиз келган. Ярим тунгача ўтиришган. Уларнинг гапларини эшитиб ётардим, кўнглим айниб, қайт қилаверганимдан ҳеч нарса емаганман кун бўйи. Улар дастурхон атрофида ўтиришиб пўрр-пўрр овоз чиқариб кўк чой ичар, алланарсаларни ғўнғиллаб гапирарди: уйга худди қовоқари қамалиб қолганга ўхшарди. Баъзан ҳамма жимиб қоларди: қовоқари ойнага урилиб, дераза токчасида турган гултувак ичига қулади деб ўйлардим ўзимча. Онам шунда жимликни бузиб, тўхтовсиз: "Дастурхонга қараб ўтиринглар, меҳмонлар, олинглар, олинглар!" дерди. Кейин отам ҳам қўшилиб "Олинглар, олинглар," деб қўярди. Энамнинг кўзи кечқурун яхши кўрмасди, лекин у ҳам меҳмонларга "Қани, олмайсизларми? Қаранглар дастурхонга!" дерди. Шунда меҳмонларнинг ҳам "Қани? Қани? Олиб ўтиринглар-чи!" деган овози келарди. Мен ярим тунда улар нима ейишяпти экан деб бош ўгириб қараганимда, дастурхонда қўшимиз Сойиб тегирмончи куйдириб чиқарган ачимсиқ-тахир ундан ёпилган қора ноннинг қотган бўлтамларидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Нонга ҳеч ким қўл узатмас, лекин ҳамма "Ҳа, оляпмиз!" деб



**Муҳаммад  
ШАРИФ**

1968 йил  
туғилган.

Тошкент Давлат  
университетининг  
журналистика  
факультетини тахсил  
олган. Ҳикоялари  
1990 йиллардан  
бошлаб Республика  
вақтли матбуотида  
чоп этила бошлаган.

Жумладан,  
"Эртакнинг ярми",  
"Муқаддима",  
"Яшил аланга",  
"Отамакон",  
"Қушлар байрами"  
номли ҳикоялари нашр  
қилинган.

бош ирғаб кўярди, холос. Фақат шаҳарлик тоғам уялганидан кўлига нон олиб, тиши ўтмаганидан чойга ивителиб еб ўтирарди. Шунда тоғам ноннинг гардишини тишлаб ўтирганини кўрдим. "Ҳа, тоғам энди шаҳардан эмас, қишлоқдан уйланар экан", деб ўйладим. Биласанми, Кулдиргич, ноннинг четини тишласанг, қишлоқнинг четидан уйланасан, ўртасидан тишласанг, ўртасидан. Шуни тоғамга айтмоқчи бўлдим, лекин ўшанда тилим айланмаган. Ичим ёмон ачиб, яна қайт қилиб юборганман.

– Комага тушишингдан аввал шунақа бўлар экан, дўхтир айтишича, қонда ацетон кўтарилиб кетиб, бутун баданни заҳарлар экан. Бойбўта, ўзи сен қачон биринчи марта комага тушгансан?

– Икки йил бўлди. Бир кун комага ётганман. Сен комага ётганингда нималар бўлишини биласанми? Мен ҳеч нарса эслай олмайман. Кейин бошқалар сенга нима бўлганини гапириб беради-а?

– Ҳа, шунақа. Комага тушсанг ҳеч нарсани эслолмайсан. Мен эрталаб соат ўнда комага тушганман. Етти соат комага бўлиб, кечга бориб ўзимга келганман. Менга ҳам бошқалар гапириб беришган нима бўлганини. Ўшанда мен жуда кўп югуриб юборганман-да ўзи. Қанақа касалга чалинганимни дўхтирдан эшитган отам билан онам туни билан йиғлаб чиққан. Мен бўлса эрталаб туриб чопаверганман. Адирга чиқиб олиб югурганман. Шувоқларни шатиратиб, чиртиллатиб узиб чопганман, қомғоқларнинг устидан сакраб-сакраб ўтганман, оёқларимни янтоққа юмталатиб югурганман. Шимимнинг почасидан тиззамгача қўйтканга тўлиб кетган. Мен бетўхтов чопаверганман. Шамолдан, қуюндан ҳам тез чопаетгандек эдим ўшанда. Чопаверсам тузалиб кетаман, деб ўйлаган бўлсам керак-да! Оёқларим қонталаш бўлиб уйга етиб келганман-да, комага тушганман. Аммо-лекин касалхонада ғира-шира бир гавда кўзимга кўринганда, худо бўлса керак, деб ўйлаганим эсимда бор. Кўп югурганим учун менинг олдимга келди, деб ўйлаганман. Кейин билсам, у дўхтир экан. Комадан чиққан пайтим ёнимга келиб: "Мени кўриб кулганинг эсингда қолдимми?" деб сўраган.

– Сенга Кулдиргич деб эмас, "Югуронғич" деган лақаб қўйиш керак экан. Лекин укол олганингда ҳам куласан-а, нега?

– Оғримасин деб куламан. Кулаверганимдан кўкрагимга катетер қўймоқчи бўлган ҳамширалар ёмон қийналади, бир гал биттаси жаҳли чиқиб катетерни оёғимдаги томиримга қўйган.

– Ҳозир катетерни қўлдаги томирга ҳам қўяди. Охири марта реанимацияда ётганимда пластик игнали катетер қўйган, эгиладиган, юмшоқ бўлгани учун кимирлаб кетсанг ҳам оғримайди, темир игна ўша пластик игна ичига тиқилади. Бу ерни реанимацияси яхши экан, дўхтирлари ҳам яхши. Мен ўзимизнинг тумандаги касалхонада ётганимда онам туни билан деразадан қараб ўтирган экан. Эрталаб нега уйга кетмаганини сўрасам, онам "Болам, комага ётганларнинг қонини ўғирлаб сотишади, деб эшитганим бор эди, қонингни, жонингни ойнадан қараб қўриқлаб турдим," деган. Одамнинг жонини ўғирласа бўладими-а, Кулдиргич?

– Керак бўлса жонингни ҳам ўғирлайди-да! Мен ўтган йили ўзимизда реанимацияга тушганимда саксон ёшли бир момо ёнимда ётганди. Ўша момо нуқул: "Индамай турсанг, жонингни ҳам ўғирлайди булар", деб бақирарди. Менга кўзи тушиб қолса: "Сен тиранча, нима қилиб ётибсан бейда? Тур ўрнингдан, бориб энангни ўчоғига ўт қала, муштдек бошинг билан пишириб қўйибдими сенга бу ерда ётишни?" дерди. Ўша пайт мени яна югургим, шартта кўчага чиқиб кенг далага қараб чопгим келарди. Дим эди-да ҳаво, агар физиллаб чопаверсам, қўйлагимнинг этакларидан кўтарилган шамол ҳавони қўзғатиб юборади, деб ўйлаганман. Лекин ўрнимдан туролмаганман. Момо эртасига ўлган. Ҳеч ким билмай қолган ўлганини. Битта янги ишга келган ҳамшира бор эди, ўша келиб момонинг билагига укол қилмоқчи бўлган, аммо лекин терисига игна кирмаган сира. Охири у катта ҳамширани чақириб келган. "Жонинг чиққур, кампир ўлиб бўпти-ку, энди терисига игна кирармиди", деган бўтқа ҳамшира кичкинасига бақириб. Ўшанда момонинг жонини тунда кимдир ўғирлаган бўлиши мумкинмикин, деб ўйлайман баъзан. Чун-



ки реанимациядан кимдир ўлиб чиқади, кимдир тирик чиқади. Худойим ўзи билиб кимнидир жонини бошқа бир зориққанроқ кимсага бериб юборармикин... Киноларда борку, кимнингдир жони қайтиб келади ёки бировнинг жони бошқасига ўтиб қолади. Тўғрими, Бойбўта?

– Ҳа, баъзан ҳайвон ёки қушларга ҳам ўтади, деб эшитганман. Мен қачон қўрқиб кетсам, одамни жони ўлганидан кейин шер ёки йўлбарсга ўтса зўр бўлади-да, деб ўйлардим. Чунки кейин у ҳеч нарсадан қўрқмайди-да.

– Қўрқади барибир. Овчидан қўрқади. Мен тез югураман-ку, шунга жоним шамолга ўтса зўр бўларди, лекин шамолнинг жони бўлармикин, деб ўйлаб қоламан. Қушга ўтсаям ёмон бўлмасди, пирр этиб учасан-да кетасан, ҳеч ким тутолмайди. Хоҳлаган томонингга қараб учасан.

– Жонинг қушга ўтса шўринг қурийди, Кулдиргич! Анови палопонга ўхшаб, ана, қара! Анови мушукни қара, чумчуқ боласини тутиб олибди. Уйдан олиб тушдиминкин?

– Чумчуқ эмас, олақанотнинг боласи шекилли. Мушук дарахтнинг учигача чиқолмас керак. Кечаси роса шамол бўлди-ку, шунда уясидан тушиб кетган. Мушукка текин овқат бўпти-да энди.

– Қара, биздан қизғаняпти. Дарров еб қўя қолса бўлмасмикин, ҳаммага томоша қилдирмай.

– Кўзини қара, қўрқинчли-а, Бойбўта? Нима бўлсаям жонинг шу мушукка ўтмаса бўлди. Этим жимирлаб кетяпти... Хайрият кетди, ҳўв ошхона ортидаги катта темир ўчоқнинг тагига борса керак энди. Қушнинг жони чиқиб бўлгандир ҳозиргача, қаерга кетдийкин, кимга ўтдийкин?..

– Сен бунақа гапларга ишонаверма, фақат киноларда бўлади бунақаси... Лекин жонингни биров ўғирлаб олса, сени ҳам ўғирлайди-да!? Жонинг билан биттасан-ку ахир... Ҳали кечкурун Насиба опаш ғирчиллатиб думбанга игна санчганда ғилтиллаб кўзингдан ёш чиқарсанг, демак, жонинг ўзингники бўлади, ҳи-ҳи-ҳи...

– Ҳа, ўл-а, кул-а! Мен ҳар гал ўзимга инсулин урганимда жоним ўзимда эканимни билиб тураман.

– Сен яхши экансан, Кулдиргич, инсулинни ўзинг оласан. Уйда менга ҳали ҳам ойим укол қилади.

– Авваллари инсулин уколни менга кичкина аммам қиларди. Ўтган йили келганимда шу ердаги ҳамширалар ўргатди. Ўшандан бери ўзимга ўзим укол қила оламан.

– Менга ҳам ўргатишмоқчи, лекин мен сал қўрқяпман.

– Қўрқма, Бойбўта, бу ернинг дўхтирлари яхши, бирпасда ўрганиб оласан. Бу ерда овқатлари ҳам яхши. Менга айниқса котлети ёқади. Нега бизда ҳеч ким шунақа котлет пишира олмас экан-а? Агар кичкина аммам ҳам шу ерда даволана олганда эди, балки котлет пиширишни ҳам ўрганиб олган бўлармиди?

– Нима, амманг бу ерда даволанса бўлмайдимми?

– Катталар учун даволаниш пулли, қиммат-ку. Менга бир йилда битта текин брон беради. Отам қишда обкемоқчи эди, кўнмадим. Баҳорда ё ёзда бораман дедим. Қишда совуқни ёмон кўраман, ёзда иссиққа чидолмайман, шамол бўлмайди-да умуман. Мана ҳозир шабадани қара, маза. Агар шунақа шабадага қарши югурсанг янаям маза қиласан. Қани энди ҳозир далага чиқиб чополсам, ортимдан кичкина аммам кичқириб қолардиёв: "Кулдиргичим кулдиргичмас куйдиргич бўлди", деб.

– Нега сенга Кулдиргич деган лақаб қўйишган? Мен ёшлигиндан ҳаммани кулдиравеганингдан сени ҳамма Кулдиргич деса керак деб юрардим. Бетингда кулгичинг ҳам йўқ-ку.

– Йўқ, мени эмас, кичкина аммамнинг юзида кулгичи бор. Менга кўп айтарди: "Шу кулгичим бошимга битган бало бўлди", деб. Поччам аммамни кўп урган-да, нимага бегоналарга кулиб қарайсан деб. Лекин аммамнинг юзида худо берган кулгичи бўлса, унда нима айб, тўғрими, Бойбўта? Аслида бизда кулдиргич деб бошқа нарсени айтади. Сен ўзи кулдиргич нималигини биласанми?

– Йўқ, нима эди ўзи у?

– Кулдиргич адирда бўлади, тўпиғингача ботиб кетадиган бўрсилдоқ майин тупроқда. Писта сотадиган кампирлар дафтарнинг варағини воронка қилиб ўраганини кўрганмисан? Ҳа, худди шунақа шаклда бўлади кулдиргичнинг ини. Чумоли келиб инга сирғалиб тушиб қолганда у тупроқ тагидан чиқиб чумолини пастга, тупроқ ичига тортиб кетади. Ўша ерда еб битиради чумолини.

– Зўр экан-у. Чумоли индамай келиб тушиб қолаверадими тузоққа?

– Ҳамма чумоли ҳам тушавермайди. Ажали етгани тушади-да. Чумоли келиб пастда бир нима бор эканми, деб пайпаслаб кўради. Шунда ин лабидаги тупроқ тўкилиб, ичига чумоли қулаб тушади. Чиқмоқчи бўлади, лекин майин зарра тупроқ ўпирилиб тушаверади. Қизғиш чумолиларнинг баъзиси роса эпчил, кучли бўлади. Оёғи ва бели узунлиги учун тузоқдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Бу пайт кулдиргич тирс-тирс қилиб боши билан чумолига тупроқ отади. Тузоқдан энди чиқаман деган чумоли яна пастга сирғалиб-қулайди. Биз чумоли териб келиб кулдиргичнинг уясига ташлаб пойлаб ўтирардик. Кулдиргич ер тагидан чиқиб келиб чумолини оёғидан пастга торта бошлаганда уя атрофидаги тупроқни шартта ҳовучлаб, қорасақичи иссиқдан билқиллаб турган асфальт йўлга олиб чиқиб тўқардик. Кейин кичкина аммам эскирган уннинг митасини терганга ўхшаб тупроқни кафтимиз билан ёйиб, кулдиргични қидирардик. Топиш қийин эди, канага ўхшаш, лекин кесакранг, калта оёқлари ипдек ингичка, роса хунук нарса бўлади. Ким биринчи топиб олса, ўша дарров кулдиргични товонига эзгилаб суртиб оларди. Тез чопадиган қилади-да у одамни. Кейин катта йўлда кимўзарга чопардик.

– Ростдан ҳам ўша нарса одамни тез югурадиган қиладимми?

– ...Рост бўлса керак. Товонимга жуда кўп кулдиргич сурганман, чопағонлигим шундан-да. Э, шунақа чопардимки, шамолдан ҳам тез югурганга ўхшардим. Шунга мени аввал ўртоқларим, кейин ҳамма Кулдиргич деб чақирадиган бўлди. Чопағон бўлсанг яхши эди-да, қўйларни қайтариб келишга ҳам улгурардинг. Бировнинг пайкалига қўйинг кириб кетиб, кейин сўкиш эшитмасдинг-да. Биринчи марта касал бўлган куним ҳам роса кўп кулдиргич тутганмиз, кейин роса югурганмиз. Кечкурун ўзимни билмай тўшакка ётиб қолганимда қулоғимга фақат елкамдан ғизиллаб ўтаётган шамолнинг овози ғиз-ғиз этиб эшитиларди, холос. Шунда кичкина аммам айтиб йиғлаганди "Кулдиргичим куйдиргич бўлди" деб...

– Ҳа, зўр нарса экан бу кулдиргичинг. Яхшиям майда нарса, одамларни тортиб кетмайди.

– Энди эсимга тушди, қара, Бойбўта! Комага тушганимда нима бўлганини биринчи марта эслаяпман, шекилли... Ҳа, ўшанда мен кулдиргич эмас, боши айланиб тузоққа тушиб қолган чумолидек эдим назаримда. Тепага эмаклаб чиқмоқчи бўламан, бироқ пастга сирғалиб тушавераман. Бармоқларим орасидан шувиллаб тупроқ тўкилаверади, ҳеч нарсани ушлаб бўлмайди. Пастга қарашга кўрқаман. Калта, ипдек ингичка қўллар оёғимдан тортаётгандек бўлади. Мен чумоли эмас, Кулдиргичман деб бақирмоқчи бўламан, лекин тилим айланмайди. Қўлларимда тупроқни ғижимлаб ушламоқчи бўламан, лекин ушлайдиган ҳеч нарса йўқ. Тепада ғира-шира шарпалар кўринади, лекин тортиб олиш учун ҳеч ким қўлини узатмайди, чақирасан, эшитмайди. Росаям чўзилиб кетади бу, кейин, қани энди ҳаммаси тезроқ тугаса эди дейсан. Ҳа, шунақа, худди шунга ўхшаш бўлганди.

– Э, қойил! Сен ниманидир эслаяпсан-ку, мени эсимда ҳеч нарса қолмаган... Кулдиргич, қара! Анови найнов келяпти, ҳозир бир шумликни бошламас бўлди...

– Ҳей, пандавақилар! Ҳалиям шўтта валақлашиб ўтирибсанларми? Кетту, қизларни ойнасидан мўралаймиз.

– Кетдик, кетдик! Чоп, Кулдиргич! Ўзиб кет-чи ундан!

– Чопдик, Бойбўта! Қани, ким менга етиб оларкин!?



## Боқий сатрлар

Абдулҳамид ЧЎЛПОН  
(1897-1938)

### Гўзал

Қоронгу кечада кўкка кўз тикиб,  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.  
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,  
Айтадир: Мен уни тушда кўрамен.  
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!

Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,  
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.  
Ул-да айтадир: Бир қизил яноққа  
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.  
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,  
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,  
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.  
Айтадир: Бир кўриб, йўлимдан озиб,  
Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!  
Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,  
Ундан-да сўраймен сенинг тўзрингда.  
Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб  
Айтадир: Бир кўрдим, тушдамас, ўнгда.  
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен,  
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,  
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?  
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

**ЭЛБЕК  
(1898-1939)**

**Қалбим**

*Хаёлим қўлимдан капалак каби  
Учқиниб йўқолди, билмадим, қайга?  
Уни ахтараркан, қалбим назари  
Ташиланди ялтираб турувчи ойга.*

*Ҳой, сўйла ой! Менинг хаёлим қайда,  
Ё сен ўғирлаб олиб қўйдингми?  
Ҳой, қалбим, айтгил, сен, у қайси жойда,  
Ёки сен ҳам ахтаришдан тўйдингми?*

*Англадим, тушундим, хаёлим менинг  
Шу чиройли ойнинг қўйнига қочган.  
Балки қалбим сенга, кўзларинг сенинг  
Уни кўра олган, ой сириг очган.*

**Ғафур ҒУЛОМ  
(1903-1966)**

**Йигитларга**

*Йигитлар халқларнинг мақтовви-кўрки,  
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,  
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,  
Элнинг гуркираши, файзи қувончи...*

*Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,  
Қалқон бор: қалъа бут, қўрғон саломат,  
Қизлар қулгусида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.*

*Йигитлик умрининг бир кўкламига  
Бир бутун замонни алишсанг арзир.  
Арзир, ўз йигитнинг қадами учун  
Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.*

*Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг  
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...  
Расо қоматингиз бизга асодир,  
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.*

*Сиз, ахир, ўлимни юртдан қочириб,  
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.  
Сиз, ахир, улуғ юрт иқболи учун  
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.*

*Лаънати галалар ердан суприлди,  
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.  
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз,  
Ўлимни билмаган жонингиз билан.*

*Атомлар қуввати пок қалбингизда  
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон:  
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат  
Сизга таянади, сиздир посбон.*

### **БОТУ (1904-1938)**

#### **Умид сўзлари**

*Юракда умидлар, амаллар...  
Тўзимсиз қирғоқни босаркан,  
Нега мен чақмоқдай югурмай?!  
Эскиган, чириган тамаллар,  
Йўқликка эгри йўл ясаркан,  
Нега мен ундан юз ўгурмай?!*

*Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
Ёш йўллар, ёш гуллар излайман.  
Орқага тортганга ҳадям – тош,  
Ҳар чоқ мен илгари ундайман...*

## Мушоҳада



**Улугбек  
ҲАМДАМ**

1968 йил туғилган.  
1997 йил “30-йиллар ўзбек шеърлятида “соф лирика” муаммоси” (“Ойбек шеърлари мисолида”) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. “Бадий тафаккур тадрижи”, “Янгиланиш эҳтиёжи” номли адабий-танқидий тўпламлари, “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” каби романлари, “Тангрига элтувчи исён”, “Атиргул” ва “Сени кутдим” номли шеърлий тўпламлари нашр этилган.

## ҚОДИРИЙНИНГ ХИЗМАТИ НИМАДА?

Қодирий ўзбек халқининг энг севимли адибларидан бири. Ёзувчи ва унинг асарлари борасида қарийб бир асрдан буён жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилади, қизғин баҳс-мунозаралар олиб борилади. Чунки унинг халқимиз маданияти ва адабиёти тарихида тутган ўрни бағоят салмоқлидир. Адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг “Қодирий мўъжизаси” номли китоби билан танишиш, мени улкан ёзувчининг ана шу хизмати борасида яна бир бор фикр юритишга ундади. Тадқиқотчининг эътироф этишича, улуғ ўзбек ёзувчиси ва унинг асарлари борасида ҳали айтилмаган гап, ёзилмаган китоб, топилмаган информация тўлиб-тошиб ётибди экан: “Қодирий меросининг кўпгина соҳалари каби ёзувчи эстетик бисоти ҳам чуқур ўрганилган, чинакам баҳосини олган эмас”, деб ёзади олим.

Ушбу тадқиқот билан батафсил танишган ўқувчи Қодирийнинг ўзбек халқи маданияти тарихида тутган мислсиз ролини янада равшан тасаввур қилади: “Ёзувчи “Ўткан кунлар”да холис-объектив туриб, XIX аср ўрталаридаги Туркистон тарихининг, ўзбек халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини беради, муҳим тарихий жараёнларни чуқур бадий таҳлил этади, даврнинг етакчи ижтимоий кучлари моҳиятини очади, ўша замон кишиларининг аҳвол-руҳияти, орзу-интилишлари, қувонч ва ташвишларини фавқуллодда бир маҳорат билан ёрқин образлар орқали кўрсатади. Адиб асар ёзилган давр ҳукмрон мафкураси таъсирига, ўзининг ўша кезлардаги синфий майлларига берилмай, реализмнинг бош принциплари асосида реал ҳаёт қандай бўлса, ўшандайича кўрсатади. Назаримда, илк бор худди шу роман орқали ўзбек халқи ўзининг бўй-бастини, асл қиёфасини, ички дунёсини, кучли ва ожиз томонларини бор бўйича худди тиниқ ойнадагидек аниқ кўрди. Бу роман ўзбек адабиётида реализмнинг ҳақиқий тантанаси, катта ютуғи бўлди”.

Устоз адабиётшунос мулоҳазаларида Қодирийнинг халқимиз олдидаги хизмати нимадан иборат эканлиги рўйирост айтилган десам, муболаға бўлмайди. Аммо бетакрор ёзувчининг маданиятимиз тарихидаги ўрни шулардангина иборат эмас, албатта. Қолаверса, юқоридаги таъриф ғоят умумий бир баҳодир. Биз куйида ана шу умумийликни бирозгина “майдалаб” кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқотнинг бир нечта ўринларида реализм масаласи Қодирий романлари билан мувозир тарзда ёдга олинади. Адиб бадиий ижоднинг кўплаб масалалари юзасидан фикр юритган бўлса ҳам ундаги “бош гап – реализм”, дейди олим. Мана шу нуктаи назардан қаралганда, олимнинг уқтиришича, Қодирий “ўзбек адабиётшунослигида реализм принципларини ишлаб чиқишда ғоят катта иш қилди”.

Хўш, ёзувчининг реализмга доир қарашларининг моҳияти нималардан иборат? “Ҳақиқат, ҳаёт ҳақиқатига садоқат – ёзувчининг ижоддаги бош шиори”, деб ёзади олим. Албатта, ҳаёт ҳақиқати деганимиз санъатнинг яшовчан талаб ва тақозоларига доир бўлади. Йўқса, ҳар қандай реализм, ҳар қандай рўйирост юз берган воқеа бадиий адабиётнинг ҳадафи бўлиб кетавермайди. Чинакам бадиий ҳодисага айланган аксарият асарларда ижодкор “мени”нинг иштироки яшайди. Яъни, ёзувчи ўзи бевоқифа иштирок этган ёхуд ҳаётда кўрган, кечирган воқеаларнинг тасвири ҳам, таъсир кучи ҳам бир газ баландда бўлғуси. Бошқача айтганда, асар материалларига сабаб бўлган воқеа-ҳодиса ижодкорнинг ўз шахсий кечинмасига айланмоғи даркор. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкинки, ҳақиқий ижод намунаси бу – ёзувчининг бошидан кечирганлари, юрагидан ўтказганларидир. (Бугун дунёда урф бўлган постмодерн оқими мана шу айтилганларнинг тамомила тескарисини ўз принципи даражасига кўтаради.) Баъзан адиб воқеа – ҳодисаларнинг кузатувчиси бўлиши мумкин. Лекин, шундайм ўша жараёнлар – уларнинг қувончу қадари тўппа-тўғри ижодкорнинг юрагидан ўтмоғи, уни ларзага солмоғи шарт (персонификация ҳодисаси). Акс ҳолда, ўзи ёнмаган ижодкор ўзгани ёндиролмайди. “...Мен турмушда кўрмаган, билмаган нарса ҳақида ҳеч нарса ёзмайман”, дейди Қодирий. Мана, сизга Қодирий романларининг ўқувчига кўрсатган, кўрсатаётган ва бундан кейин ҳам кўрсатгуси эстетик таъсири сабабларидан бири. Олим ёзади: “У ўтмишдан, ўтган аср воқеаларидан олиб ёзган асарларида ҳам ўзининг ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзи турмушда кузатган, кўрган, яқиндан билган одамларни, халқ ичидаги типларни кўз олдида келтириб туриб қалам тебратгани, асарларига асос қилиб олинган давр, шароитни, тарихий воқеалар ва шахсларни, воқеалар юз берган маконни, ўша кезлардаги халқнинг турмуш тарзи, амал қилган удум-тамойилларни ҳар қандай тадқиқотчи олимдан ҳам ортиқроқ ва чуқурроқ билиши шундоққина сезилиб туради, бу масалада у ҳар қандай билимдон одам, мутахассис-тадқиқотчи билан бемалол беллаша олади”. Шу тарзда олим Қодирийнинг ўзбек насрида реализмнинг қарор топишида кўрсатган қиёссиз хизматларини илмий далиллар асосида исбот қилади.

Бадиий асарнинг бир қарашда, манаман деб, кўзга ташланиб турмайдиган ички хусусиятлари бўлади. Шулардан бири меъёр масаласидир. Меъёрнинг қандайлиги ижодкорнинг оламга математик ёндашувидан улгу олади. Кўпинча биз – ижтимоий соҳа вакиллари буни, яъни, математикани суймаймиз, унга ўғайроқ кўз билан қараймиз. Аслида-чи? Аслида, тирикликнинг ҳар бир одими математиканинг қатъий қонун-қоидаларига асосланади. Ҳисоб-китобли дунё дегани – “нимани эксанг, шуни ўрасан”, деганигина эмас. У олаётган нафасимиздан тортиб, ураётган юрагимизга-ча шу ҳисобу китобнинг ичида эканлигига ҳам ишора. Худди шундай, бадиий асарни тутиб турган ҳар битта компоненти – композиция, сюжет, қаҳрамонлар, уларнинг характер унсурлари, турли хил бадиий санъатлар, приёмлар, конфликтлар, бадиий вақт, қўйинги, ҳамма-ҳаммасида қатъий ўлчовлар – математик мезонлар иштирок этади. Агар ана шу мезонларнинг максимал аниқлиги бўлмаганида, Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и ҳам, “Меҳробдан чаён”и ҳам эллар аро, замонлар оша бунчалар суюкли бўлмас эди. “Албатта, мен, – деб кўчирма келтиради муаллиф (Қодирий назарда тутилади – У.Х), – бу сўнги, марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар олишга тиришдим. Чунки шундан ортиғи сохта бўлиши, устига китобнинг қадрини ҳам туширар эди”.

Умарали Норматов адибнинг бу тутумини “реализмга доир жуда муҳим фикр”, деб айтади. Ва бу ғоят тўғри гап. Айни чоғда, “ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар олиш”, “шундан ортиғи(нинг) сохта бўлиши”ни ўйлаш бу энди фақат реализмгагина

хос ёндашув эмас. Мазкур мулоҳазалардаги яширин нарса бу – ўлчов. Ўлчов эса ҳамма замонларнинг измларига тааллуқли тушунча.

Тадқиқотнинг “Истиқлол қайғуси” фаслида олим ёзади: “Ўткан кунлар”нинг баҳоси, талқини масаласи бу фақат шунчаки бир асар, биргина ёзувчи устидаги гап эмас. Бу борада йўл қўйилган хатолар, чалкашликлар айрим адабиётшунос, ёзувчиларнинг хатосидангина иборат деб бўлмайди”. Олимнинг уқтиришича, мазкур асарга бўлган муносабат ўзбек танқидчилигининг кейинги ярим асрлик ҳолини англатади. “Надоматлар бўлсинки, Ойбек, Ғафур Ғулом, Асқар Мухтордек улкан адиблар ҳам ўша машъум муҳит таъсири ва тазйиқи остида бу шоҳ асар ва унинг муаллифига нисбатан адолатсизлик қилдилар”.

Ўрни билан олим Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Иззат Султон, Ҳафиз Абдусаматов, Жамол Камол каби адабиётшуносу ижодкорлар билан мунозарага киришади. Лекин буларни бугунги кун адабиёт илми юксаклигидан туриб атайин танқид остига олмайди. Қолаверса, олим ўзи ҳам давр талабларига мос тарзда фикр юритганини тан олиб: “Ўткан кунлар” социалистик реализм асари эканини, унда тарихни синфий тушуниш ва ифода этиш мавжудлигини исботлашга уринганман”, деб хатоларига иқроор бўлади.

Кўриниб турганидек, олим биргина “Ўткан кунлар” асарига муносабатни текшириш орқали бутун бошли XX аср ўзбек танқидчилиги йўлини босқичма-босқич, демакки, кайфиятма-кайфият тадқиқ этибди экан.

Қизиқ, адабий танқид бу илм бўлса, илмнинг ўз принциплари, ўзгармас – умрбоқий эстетик мезонлари бўлсаю даврга қараб чумак урса! Турланаётган даврнинг кайфияти ва қаричларига қараб буқаламундек ўзгариб-турланиб бораверса, унинг илмлиги қаерда қолди, деган изтиробли-ташвишли саволлар қийнайди кишини. Лекин Умарали Норматовнинг куйидаги жавобидан кейин кўнгилга бир пайса тасалли инади: “Бу ҳол, бир томондан, адабий танқидчилик, умуман, танқидий тафаккуримиз ривожини, тақдири йўлидаги ожизликлар, зиддиятлар, қолаверса, ижобийлик томон ўзгаришлар аломати, оқибати бўлса, иккинчи томондан, чинакам санъат асари, хусусан, баркамол реалистик асарда акс этган ҳаёт ҳақиқатининг сержиллиги, маъно доирасининг кенглигидир”.

Яъни, танқиднинг бир жойда қотиб қолмагани ва романнинг сержило эканлиги чиндан ҳам кишига бир қадар таскин беради. Аммо, барибир, XX аср танқидчилигининг ўз эстетик принципларида жуда катта нуқсонлар биқиниб яшаб келганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Агар мазкур эстетик принциплардан чекинилмаганда эди (яъни, илм табиатига содиқ қолинганда эди), даврларнинг кайфият чирмандасига бу қадар ошқора ва намойишкорона мойиллик бўлмасди.

Қодирий романлари ёзилганига қарийб тўқсон йиллар бўлди. Шу вақт мобайнида, уларнинг бошидан яхши-ёмон кунлар ўтди. Лекин ҳамма вақт мазкур романлар оддий ўқувчилар томонидан кўзларга суртиб ўқилди, ўғил- қизларга: Отабек, Қумуш, Анвар, Раъно деган исмлар берилди. Хўш, бундай меҳру муҳаббатнинг сиру синоати нимада?

Албатта, ҳар бир адабиётшунос олимнинг ҳам, оддий ўқувчининг ҳам бу борада ўз фикру мулоҳазаси бор. Кимдир ҳар иккала асарда гўзал бир тарзда акс эттирилган муҳаббат дostonларини рўқач қилар, кимдир унда кўрсатилган ўзбек халқининг чор Россияси босқинидан олдинги турмуш тарзининг санъаткорона ифодасини илгари сурар ва ҳоказо. Аслида, буларнинг ҳаммаси тўғри. Ушбу тадқиқотда эса, синчков олим бошқа кутилмаган бир жиҳатга ҳам эътиборингизни қаратадики, у билан танишгач: “Чиндан, Қодирий романларининг сеҳру жодуси у яратган қаҳрамонларнинг табиий, самимий хатти-ҳаракатларида ҳам кўринади”, деб ўйлай бошлайсиз. “Ёзувчи инсонни тушунишда, аввало, унинг Оллоҳ инъом этган табиий, туғма хусусиятларига эътибор беради. Шу билан баробар, кўпгина буюк реалистлар каби жамият, муҳит, шароитнинг инсон шахсига таъсири жуда кучли эканини ҳаммиша назарда тутати. Унингча, жамият бир касал билан оғридимми,



унинг ҳар бир табақа, яъни, синфига, яна тўғриси, фардига шу касал сироат қилмай қолмайди”.

Албатта, “Меҳробдан чаён” романи билан боғлиқ ушбу кўчирмадан кўриниб турибдики, олим асарнинг икки жиҳатини урғуламоқда. Бири – инсоннинг туғма хусусиятлари бўлса, бошқаси – руҳиятнинг унга таъсири масаласи. Гарчи, адабиётшунос олим масалани бу тарзда ўрганмаган бўлса-да, унинг мулоҳазаларидан шундай хулосалар чиқадики, натижада, улуғ реалист ёзувчи Қодирий романларининг жозибаси кўз олдимизда янада тиниқлашади. Бошқача айтганда, ёзувчининг қаҳрамон яратиш маҳорати унинг эстетик принциплари билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланади. Яъни, Қодирий ўз қаҳрамонларини яратар экан, сохтагарчиликка, юзакичиликка, зўрма-зўракичиликка йўл қўймайди. Қаҳрамонлар туғма, табиий хусусиятларга кўра эмин-эркин ҳаракат қилдирилади. Бир қарашда жуда оддий туюладиган бу гапларнинг моҳияти аслида жуда теран. Чунки улар ижодкорнинг асар яратишдаги бош принципларидан сув ичади.

Адабиётшунос олим, ниҳоят, Қодирий романларининг назарий масалаларига келади. Унинг назарида романнинг роман бўлиши учун “тил, услуб, ифода воситалари, адабий приёмлар, санъатлар, сюжет, композиция, конфликт, асар таркиби, характерлар психологизми, миллийлик каби компонентлар”дан-да муҳимроқ омиллар бор. Албатта, олимнинг бу қарашларида етмишинчи-саксонинчи йиллар рус адабиётшунослигининг таъсири сезилади. Шунга қарамай, қуйидаги фикрлар ўзбек романи назарияси бобидаги анча дадил қарашлар ҳисобланади: “Ҳозирги замон назарий тадқиқотлардаги хулосаларга таянган ҳолда романнинг, аниқроғи, реалистик романнинг бош жанр хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Асарда романга хос тафаккурнинг мавжудлиги, фикрий-фалсафий кўламдорлик;
2. Шахс ва ҳаётнинг янгича концепцияси;

3. Шахс ва ҳаётнинг худди кўзгудагидек холис-объектив ифодаси, ҳаёт ҳақиқатига садоқат, ҳақиқатнинг ёзувчи шахсий майллари, қарашларидан устунлиги – устуворлиги”.

Анча йиллар муқаддам (2008 ва 2009) “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида бадиий асарнинг тили борасида баҳс уюштирилган эди. Ўртага ҳар хил фикр ташланганига қарамай, аксарият қатнашчилар билдирган мулоҳазалар тағзаминида “асарнинг тили унинг “ҳаёт – мамоти”ни, тақдирини ҳал қилади” деганга ўхшаш ҳукмнамо қарашни уқиш мумкин эди. “Ўткан кунлар”нинг тили ҳақида ҳам мақтов гаплар айтилганди. Гўё романнинг бутун кучи унинг тилида мужассамдек. Тўғри, бадиий асарнинг асосий қуроли, материали бу – тил. Бироқ, “қуроли”, “материали” дейиляпти, асло, “унинг ўзи” дейилмаяпти. Бадиий асар шу қурол воситасида кўзланган мақсадга у ёки бу даражада эришади. Лекин эътибор беринг, тил, барибир, восита бўлаяпти. Мақсад-манзил эмас. Ҳеч бир ёзувчи ёки шоир у ёки бу тилни қанчалар мукамал билишини намойиш қилиш учун кўлига қалам олмайди, балки аксарият ҳолларда кўнглидаги дардини, қайғу ва шодлигини ўқувчи билан бўлишгиси келиб бу ишга қўл уради. Тил асарнинг шакли билан боғлиқ материал. Гап айланиб келиб, мазмун ва шакл муаммосига тақалар экан, айтиш жоизки, ҳақиқий ижодкорнинг шаклга маҳлиё бўлишдан муҳимроқ иши бор, бу – мазмун! Аввало, мазмун, у бор экан, унинг турли хил шакллари борасида ўйлаш мумкин. Албатта, ҳар қандай мазмуннинг унга энг ярашиб тушадиган шакли бўлиши мумкин. (Эҳтимол, у бир нечтадир...) Кучли мазмун одатда, худди шундай шаклга ҳам эга бўлади. Ижодкор ўша шаклни топиши керак, аслида. Унинг тилдаги ва, умуман, шаклдаги маҳорати шу ерда буй кўрсатади. Кейинги вақтларда адабиётимизда шаклга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу – яхши тенденция. Аммо бу ерда ҳам меъёрни унутмаслик лозимга ўхшайди. Тақдор айтамыз, шакл ғоят муҳим, фақат у мазмундан табиий равишда оқиб чиққан, мазмунга бошдан-оёқ чамбарчас боғланган бўлиши жуда-жуда зарур. Уловнинг қиммати йўловчини кўзланган манзилга олиб боришга яроқлилик даражаси билан ўлчанади. Муҳими – шу. Асло, уловнинг қай усул ва даражада безатилгани билан баҳоланмайди. Назаримда, ўша баҳсда кўпчиликнинг нигоҳи уловда ва уловнинг

ташқи кўриниши – безагида қолиб кетганди. Йўловчи ҳам, унинг манзил-муддаоси ҳам қайсидир маънода унутилган эди. Румийнинг подшоҳ, унинг ўғли ва олимлар билан боғлиқ машҳур ҳикоятдаги каби иш тутилиб, нарса ва ҳодисаларнинг аломатларига маҳлиё бўлинган, уларнинг ички мазмун-моҳиятидан бир қадар узоқ тушилган эди ўшанда. Ҳар ҳолда, менда шундай таассурот қолдирганди. Зеро, гапни минг айлантирмайлик, ижодқорнинг қандай мазмунни қандай шаклда айтганига кўра қандай шаклда нима мазмунни акс эттирди, деган саволнинг жавоби бирламчи бўлиб қолаверади.

Бадиий асарга баҳо берилаётганда вақт категориясини ҳам эътиборда тутиш керак, деб ўйлайман. Чунки маълум даврга оид бадиий асар лексикаси худди шу давр кишилари учун энг жозиб туюлиши, табиий. Лекин яхши биламизки, тил ҳаракатдаги ҳодиса. У худди тирик организмга ўхшайди – мудом ўзгариб, ижтимоий-сиёсий вазиятга қараб гоҳ дағаллашиб, гоҳ сайқал топиб боради. Унинг лексикасидан тортиб, грамматик қурилишию товуш товланишларигача ўзгаришларга учраши муқаррар. Бунинг натижасида бадиий асар тилига бўлган муносабат ҳам турланиши, тилнинг кеча ўзига оҳанрабодек тортган сифатлари бугун ё эртага ўз жозибасини йўқотиши мумкин. Хўш, кейин нима бўлади? Кейин бадиий асарнинг асос кучи, ўзак қадрияти – унинг мазмун-моҳияти билан юзма-юз қолинади. Шундай мазмун бор бўлса, асар (таржима ва табдил натижасида) замонлар чегарасидан ошиб ўтиб, янгидан-янги авлодларга хизмат қилаверади. Йўқса, йўқ, иккита давр ўртасидаги кўринмас деворнинг нариги томонида қолиб, унутилишга маҳкум этилади. Яъни, биз идеаллаштиришга уринаётганимиз бадиий асарнинг тили унинг бир сифати, холос. Сифатни асос дея талқин қилиш тўғри эмас. Бадиий асар тили бўйича менинг қаноатим шундан иборатки, у бир томондан асар мазмунига, бошқа томондан эса ёзувчи яшаётган замоннинг тил меъёрларига уйғун бўлмоғи керак. Яъни, асар тили ёзувчи бадиий ниятини ўқувчига бекаму кўст етказиш даражасида бўлса, шунинг ўзи кифоя. Назаримда, бадиий асар тили зиммасига юклашимиз мумкин бўлган вазифа асосан шундан иборат. Асло, асар тилига ортиқча юк юклашнинг, унинг имконларини идеаллаштиришнинг ҳожати йўқ, асар тили ҳеч қачон бадиий асарнинг ўзига тенг бўлмайди, бўлолмайди. Қанчадан-қанча шоир-ёзувчиларимиз бор, тилни “сайратиб юборишади”, таҳрирлари жуда силлиқ, лекин, минг афсуски, уларнинг ўз асарларида акс этган мазмун тўпиққа ҳам чиқмайди, ўта саёз. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари миллий адабиётимиз ҳудудидагина бир мунча гап-сўзларга сабаб бўладию сўнг саҳнадан тушиб кетади, кетаяпти. Агар асар тили бадиий асарнинг ўзига тенг моҳият бўлса, марҳамат, асарни қутқариб қолсин эди. Уларнинг асарлари ҳар томонлама сайқал топган гўзал тилига қарамай, Асқад Мухторнинг иборасига суяниб айтганда, ўз мазмунининг саёз жойида шиддат билан чўкишда давом этмоқда. Биргина шу мисолнинг ўзиёқ, тилнинг асар тақдирида тутган ўрни ва аҳамиятини оширмай ҳам, яширмай ҳам ғоят очиқ бир тарзда ифодалаб турибди. Бовужуд, фикримни янада ойдинроқ ифода этишга уриниб кўрай: беркитишнинг ҳожати йўқ, гоҳо улуғ Навоий асарлари тилининг мураккаблигидан бир-биримизга шикоят қилиб қоламиз, бироқ унинг асарларида акс этган теран мазмун-моҳиятдан нолиган жойимиз борми? Навоий асарлари тилининг бутун жозибаси, асосан, унинг ўз замонасида ҳис қилинган деса, ўйлайманки, кўпчилик мени қўллаб-қувватлайди. Бугун эса биз, асосан, Навоий асарлари мазмунига ошно бўлиш учун табдил ва насрий баёнлар ёзиш йўлига ўтганмиз. Мана, мисол учун яқинда профессор Нажмиддин Комиловнинг “Маънолар оламига сафар” деган китобини мутолаа қилдим. Шахсан мен ўша шарҳлар ва насрий баёнлар билан танишиб чиққанымдан сўнг ҳазратнинг маънолар оламига ошно бўлишим анча-мунча осонлашганини ҳис қилдим. Навоий оригинал асарларининг тили нақадар баланд савияда бўлса ҳам, асрлар давомида тилда юз берган лексик ва грамматик ўзгаришлар туфайли бугуннинг ўқувчисига тез етиб бормаслиги бор гап. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Навоий асарлари тилининг гўзаллигини

ҳис қилиш учун ўша давр тилининг бутун нозикликларини маъно товланишлари билан билиш, билишгина эмас, уни юрак-юракдан ҳис қилиш шарт бўлади. Бунинг учун эса бу тил фаол истеъмолда бўлган ўша даврга замондошлик талаб этилади. Модомики, бугун наинки оддий ўқувчи, балки мутахассис олимлар ўртасида ҳам бундай кишининг мавжудлигига ишониш қийинлигини инобатга олсак, “хўш, нима қилиш керак?” деган савол рўпарамизда пайдо бўлади. Албатта, бошқа йўл йўқ – Навоий асарлари мазмунига ошно бўлиш, уни шарҳу баёнлар орқали тушунишда давом этиш лозим. Шу маънода, устоз адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг китоби, айна муддао. Тушунаман, ушбу мулоҳазаларни ҳам Навоийдан осон тушуниладиган бир-икки байтни келтириб туриб, инкор қилишга уриниш мумкин. Гап шундаки, мен бир-икки байт ҳақида эмас, Навоий деб аталган бутун бошли маънолар системаси тўғрисида фикр юритаяпман. Мазкур система моҳиятини Навоий асарлари тилини бугунги замон тилига табдил этмагунча тўлиқ тушуниб бўлмайди. Бу системага алоқадор бўлиб, уни англаш учун эса бугун “Маънолар оламига сафар”га ўхшаган тадқиқотлар керак. Тил бу – белги. Белги эса ҳар кимнинг ўз ва ўзга замонлар билан алоқа қилиш воситаси. Бироқ, инсон ўз даврида фаол қатнашаётган белгилар ёрдамида ўзга даврларни тўлиқроқ таниб боради. Шу маънода, Навоийга ўхшаш ҳамма замонлар даҳосини таниш учун ҳамма замонлар кишисига ўз даврида тушунарли бўлган белгиларга эҳтиёж мавжуд. Қолган белгилар уни асл маънодан, мақсад-муддаодан узоқлаштириши ёки чалғитиши мумкин. Бошқача айтганда, бугунги адабий тил нормалари бугуннинг белгиларидир. Таъбир жоиз бўлса, белги бу ўзига хос туйнук ҳисобланади. Биз бу туйнук ёрдамида ҳамма даврларнинг маъноларига бўйлашимиз, керак бўлганда, уларга шу туйнукдан ўтиб сафар қилишимиз мумкин бўлади. Қолаверса, биз, масалан, Навоий асарларидаги маънони ўз белгиларимиз бағрига олар эканмиз, асосан, унинг мазмун бутунлигини сақлашга ҳаракат қиламиз. Тил ва, ҳатто, шакл билан боғлиқ тароватнинг катта бир қисми таассуфки, оригинал матнда қолиб кетади. Чунки мукамал таржима ёки табдилнинг имкони йўқлигидан ташқари, биз, аввало, асарнинг мазмун-моҳиятига талабгормиз.

Демак, юқорида профессор Умарали Норматов “Ўткан кунлар” романи муваффақиятини асосан учта – романий тафаккур, янгича концепция ва ҳаёт ҳақиқатига мувофиқликдек омилларда кўрсатиб, яна бир бор бизнинг нигоҳимизни бадиий асарнинг мазмун-моҳиятига қаратаётган экан, бу уринишларда жиддий ва катта адабиётга қаратилган улкан ҳақиқатлар яшириндир.

Тадқиқотда диққатга молик яна бир жиддий хулоса бор. “Ўткан кунлар” сўзбошисида ёзувчи: “Тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари”дан ҳикоя қилишидан сўз очади. Шу нарса асар учун бир ниқоб бўлиб, Қодирийнинг романда тасвирланган ўтмишни “энг кир” деб атаганининг сабаби собиқ шўро даврида ўзини ва асарни ҳимоя қилиш йўли деб қаралган. Нуктадон олим эса бунга бошқа жиҳатдан қараш мумкинлигини айтади: “Адиб “Ўткан кунлар” орқали “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари” – юртни мустамлака балосига гирифтор этган “хон замонлари” ҳақида сўз очиб, тарихнинг бу аччиқ ҳақиқатидан сабоқ бермоқчи бўлади”.

Дарҳақиқат, ўша тарих парчасининг “энг кир, қора” деб аталишига сабаб, озод мамлакатни босқинчилар томонидан босиб олинишига йўл қўйганида ҳам экан! Хонлик замонининг “кир” ва “қора”лиги ўз мустақил салтанатини ҳимоя қилолмагани билан ҳам белгиланар экан!

Тадқиқот майдонида олимнинг кўпдан-кўп нозик кузатишларига дуч келамиз. Хусусан, унинг қуйидаги фикрига қўшилиш-қўшилмаслик бошқа масала, лекин нуқтаи назарнинг ўзи эътиборга молик. Олим ёзади: “Фармон биби образи (Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғалони” комедиясинининг бош қаҳрамони – У. Ҳ.) асл моҳиятини Ҳожи она типигадаги тимсоллар эмас, айна, Ўзбек ойим, Холнисо, Ҳамро буви, Бўстон библилар силсиласи орқали англаш, очиш мумкин.”

Яъни, олим ўзбек адабиётида муваффақиятли чиққан “супер қайнона” – Фармон

биби образининг этимологияси – илдизини бевосита Ўзбек ойимлардан топгандек бўлади. Бу ҳам мушоҳада қилишга арзигулик бир муҳим мавзу...

Китобдан жой олган “Ҳақиқат туйғуси – муқаддас” дейилган қайдда Умарали Норматов атоқли адабиётшунос олим Иззат Султон билан ораларида бўлиб ўтган ибратли мулоқотни келтиради. Унда Умарали Норматов ўзининг “Қодирий боғи” номли китобида Иззат Султонни танқид қилгани, лекин бағри кенг адабиётшунос олимнинг жавоби мардона бўлгани айтилади: “Қодирий ҳақидаги ҳақиқат сизу бизнинг нафсониятимиздан юқорида туриши лозим. Қодирий ва ҳақиқат ҳимояси йўлида мени ҳар қанча танқид қилсалар, бундан заррача хафа бўлмайман...”

Бутун китоб давомида олимнинг улуғ ёзувчи Қодирийга бўлган чексиз муҳаббати яққол акс этиб туради. Олим адиб яратган икки ўлмас романи ҳайрат билан тўлқинланиб-берилиб талқин қилади. Бовужуд, олим ёзувчини идеаллаштириш йўлидан бормайди. Ўрни келганда, Ойбеку Ғафур Ғулумдек, Ҳомил Ёқубову Иззат Султондек забардаст олимларнинг қодирийшуносликда йўл қўйган камчиликларини рўйирост айтгани каби, Қодирийдек буюк адибнинг замонасозликка бориб, давр кайфиятига боғлиқ ишлар қилганини ҳам яшириб ўтирмайди: “Қодирий катта ақл-заковат, юксак истеъдод эгаси бўлса ҳам, барибир, ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг фидойи инқилобчиларига хос муайян инқилобий бетоқатлик унга ҳам ёт эмас эди”.

Аммо, олимнинг назарида: “Қодирийнинг бахти шундаки, у муайян муддат давр таъсирига берилган, қизиллашган, замона суронлари гирдобида гоҳо бир ёқлама сўзлар айтган, давр тўзони ичра қолиб, бошига оғир савдолар тушган бўлмасин, барибир, 20-йиллар алғов-далғовларидан омон чиқди, оқибат натижада, давр тазйиқларини енгиб ўтиб, ундан юқори кўтарила олди, хусусан, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари билан замонасидан бир неча ўн йиллар олға кетди”.

Хулоса қилиб таъкидламоқчиманки, адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматовнинг ушбу асари улуғ ўзбек романнависи Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида шу чоққача ёзилган асарлар, амалга оширилган кўплаб хайрли ишлар орасида энг теран қомусий мазмун ва мундарижага эга тадқиқотлардан биттаси бўлиб, маънавий оламимизни бебаб туришига шубҳа йўқ.





## Боқий сатрлар

**ОЙБЕК**  
(1905-1968)

**Тушимда кўрдим сени**

*Орқангдан йиглаб қолдим,  
Кўксимни тиглаб қолдим.  
Қиз, дарёдан ошарсан,  
Билмам, қайда яшарсан.  
Орқангдан йиглаб қолдим.*

*Сир аралаш ҳаётинг...  
Гавҳарлардан маржонинг.  
Ҳазин куйлар чаласан,  
Сўйла, қайн борасан?  
Сир аралаш ҳаётинг...*

*Тушимда кўрдим сени,  
Бирга олиб кет мени.  
Денгиз, тоғлар ошайлик,  
Чўпон каби яшайлик.  
Бирга олиб кет мени.*

**Мақсуд ШАЙХЗОДА**  
(1908-1967)

**Қўллар**

*Кўзларни дебдилар: “Рухнинг кўзгуси”,  
Уларда намоён қалблар сезгиси:  
Ҳам қайғу, ҳам қувонч, ҳам ваъда, ҳам дўқ,  
Шояд шу туфайли эркакларнинг йўқ  
Хушрўйлар кўзидан кўзин узгиси.*

Кўзларни қалбларнинг тилмочи, дедик,  
 Қалбларнинг сирига шу билан етдик.  
 Негадир одамнинг қўллари, бироқ –  
 Шоирлар лутфидан қолибди йироқ.  
 Холбуки, қўлларнинг ҳар сиқувида  
 Не-не маънолар бор, аломатлар бор.  
 Бунга ким разм қўйса, ўз уқувида  
 Кўзнинг эгаси ҳам унга ошкор.  
 Қўллар бор – мулойим, зоят шафқатли,  
 Қўллар бор – аёвсиз, ёвуз, шиддатли.  
 Қўллар бор – ишёқмас, лапашанг, танбал,  
 Қўллар бор – тезлиги билинар дангал.  
 Қўллар бор – қўйилар ундан яхшилик,  
 Қўллар бор – тирнайди, ёвлик, ваҳшийлик.  
 Қўллар бор – оширар сенга тўғрилиқ,  
 Қўллар бор – яширар қувлик, ўғрилиқ.  
 Қўллар бор – мағзида мардлик, қўрқмаслик,  
 Қўллар бор – рамзидир қўрқоқлик, пастлик.  
 Қўлдаги хусумат ёки дўстликнинг,  
 Уятсиз ёлгоннинг ёки ростликнинг,  
 Қўлдаги сахийлик ё бахилликнинг,  
 Боиси нима шу хилма-хилликнинг?  
 Шеъримнинг аввалин ёдинга келтир:  
 Нима деган эдим кўзларга доир?  
 Кўзлар юракларнинг кўзгуси, дедим,  
 Бу сўзда ҳеч хато қилмаган эдим.  
 Хўш, қўл-чи? Қўллар-чи?  
 Бу қўллар, қўллар,  
 Қўлларни қайси бир таъриф маъқуллар?  
 Дарахт белгилайди кўланкасини,  
 Қўллар ҳам қўллайди ўз эгасини,  
 Буйруқни бажармоқ қўл хунаридир,  
 Ҳа, қўллар – юракнинг навқарларидир.

**Ҳамид ОЛИМЖОН**  
(1909-1944)



**Хаёлимда бўлдинг узун кун**

*Хаёлимда бўлдинг узун кун,  
Сени излаб қиргоққа бордим.  
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,  
Топиб бер, деб, ойга ёлвордим.*

*Ишон, бунда сени доимо  
Эсга солар чиройли тунлар,  
Шўх юлдузлар, салқин саҳарлар,  
Эсга солар бахтиёр кунлар.*

*Толеимнинг ошиноси сен,  
Сен севгимнинг кўкарган боғи.  
Сенинг билан бирга иқболим,  
Ишончимнинг сен вафо тоғи.*

*Мени қуршар салқин бир ҳаво,  
Сув устидан тун қуюлади.  
Шунда қанча-қанча гапларни  
Эсга солиб, ой ҳам тўлади.*

*Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар  
Пишқиради билмай тинимни.  
Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,  
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?*

**МИРТЕМИР**  
(1910-1978)



**Бетоблигимда...**

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қоврилмай то гашилик алангасида.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Нафасимни ростлай қўлангасида.*

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қушлар овозига қулоқ солайин.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Хаёл оғушида ором олайин.*

*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йигласин, мен йиглаб бўлдим.*

**Усмон НОСИР  
(1912 – 1944)**

**Юрак**

*Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг.  
Қўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан ишқибозим.*

*Сенга тор келди бу кўкрак,  
Севинчинг тошди қиргоқдан.  
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи  
Сени таржима қилмоқдан.*

*Сен эй, сен – ўйноқи дилбар,  
Зафардан изла ёрингни.  
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,  
Тирикман, куйла борингни!*

*Итоат эт!  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан, сен,  
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..*





## Драматургия

# ДҶРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

## Комедия

### Иштирок этувчилар

**Ғафур Ғулом** – 59-60 ёшларда.

**Собир Абдулла** – 57-58 ёшларда.

**Ҳабибий** – 72-73 ёшларда.

**Юнус Ражабий** – 65-66 ёшларда.

**Ғайратий** – 59-60 ёшларда.

**Маҳмудхон** – Ғафур Ғуломнинг болалик дўсти, аптекачи, 59-60 ёшларда.

**Номаълум йигит** – 20-22 ёшларда.

**Саодатхон** – Собир Абдулланинг рафиқаси, қирчиллама ёшда.

**Мустафо** – Ғафур Ғуломнинг шофёри, 44-45 ёшларда.

**Ёзувчилар, созандалар ва бошқалар.**

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Собир Абдулланинг боғи. Куз кунларининг бири. Эрта тонг. Гулзор орасида атлас кўрпача ва болишлар кўйилган сўри. Ўнг томонда данғиллама уй эшиги. Эшик яқинида четан стол ва уч-тўрт та стул. Этақдаги турли-туман мевали дарахтлар ва анвойи гулларнинг заъфарон чехраси ҳовлига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Уй ичидан радионинг тонгги овози эшитилади. Бир овоздан сўнг кимдир дераза табақасини очиши билан овоз кучайиб эшитилади: “Ассалому алайкум, ҳурматли ватандошлар! Куз қуёшининг илк нурлари билан бошланган янги айёмингиз муборак бўлсин, азизлар!” Нафис чолғу куйи янграй бошлайди.

Ташқаридан “Победа” машинасининг келиб тўхтаган овози келади. Уй эшигидан устига тўн ташлаган Собир Абдулла чиқиб, кўча томон йўналади. Кўп ўтмай, шовқин-сурон билан билан Собир Абдулла ва Ғафур Ғулом кириб келадилар.

**Ғафур Ғулом** (эшикдан кираётиб). Душанбеда дўстлар дийдорига тўйиб, ўтган азизлар руҳини обод айлаб келдим.



**Наим  
КАРИМОВ**

1932 йил туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги миллий университет) ни битиргандан бери Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида хизмат қилиб келмоқда. Олим ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар муаллифи. Беруний мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш йўлидаги хизмати учун “Эл-юрт хурмати” орденига сазовор бўлган.

Сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр, деганларидек сайру саёҳат фароғатини тотдим. Аммо ўзимизнинг кўҳна Шошимиздан қўймасин, Собиржон! Ҳиротга борсам ҳам, икки кунда Тошкани соғинаман, Тошкани...

**Собир Абдулла.** Мени айтмайсизми, Ғафур ака! Бир кун-ярим кун ойдек қизларимни кўрмай қолсам жиннидай бўп қоламан.

**Ғафур Ғулом.** Жиннидай эмас, жиннининг ўзи бўласиз, мулла Собир. (Кулади.)

Собир Абдулла (ўзига оғир олиб). Фарзанд ширин бўлади, Ғафур ака. Ўзингизни ҳам кўрганмиз, қизингиз...

**Ғафур Ғулом** (унинг сўзини бўлиб). Ҳазилни кўтармайдиган бўлиб қолибсизми, Ҳўқонди Латифнинг эркатои?! Нима, “қизингиз”?

**Собир Абдулла.** Олмосхонни қанақа соғинганингизни кўрганман. Шуни айтмоқчийдим, холос. (Сукут.) Қани (стол ва стулларни кўрсатиб), тоғу дарёларни ошиб келган оёқларингизга дам беринг.

(Ўтиришади.)

**Ғафур Ғулом.** Соғинган бўлсам соғинибман-да, Собиржон! “Соғиниш – меҳр-оқибатнинг дояси”, деган машойхлардан бири. Бу дунё – одамнинг бир-бирини соғиниши билан дунё. Икки кунга бўлса ҳам сафарга чиққан одам, агар онасини соғинмаса, хотини-ю бола-чақасини соғинмаса, дўст-ёрларини соғинмаса, ҳайвондан фарқи қолмайди, окоси.

**Собир Абдулла.** Ҳаттоки ҳайвонлар ҳам соғиниш туйғусидан маҳрум эмас...

**Ғафур Ғулом** (унинг сўзини бўлиб). Олимлар буни инстинкт, дейишади, мулла Собир! Ҳайвонларда туйғу бўлмайди. Академик Павловни эшитганмисиз?..

**Собир Абдулла.** Академик Палов, дедингизми? Шунақаям академик бор эканми? (Кулади.)

**Ғафур Ғулом.** Бўлганда қандоқ! Фақат Палов эмас, Павлов.

**Собир Абдулла.** Шундай демайсизми? Паловни ҳам биламан, Павловни ҳам. (Ҳазиллашиб.) Бир оз сабр қилсангиз, аввал сизга серғўшт, серёғ академик Паловни чинни лаганга солиб олиб чиқаман.

**Ғафур Ғулом** (ҳазилни илиб олиб). Сиз айтаётган академик Палов ота-бобола-римдан қолган жигарим бўлади. Муҳаррама опангиз бу қариндошимизни азбаройи ҳурмат қилганидан ҳар куни лаганга солиб дастурхонга қўйиб кетар эди, “олишиб-суҳбатлашиб ўтиринглар”, деб. Ёдингиздан чиқдими, дўстингизнинг Арпапоядаги уйида сизни ёғлиқ қўллари билан кутиб олишлари?

**Собир Абдулла** (бўш келмасликка уриниб). Қайси академик Паловни айтаяпсиз, Ғафур ака?

**Ғафур Ғулом.** Қайси Палов бўларди, Собиржон. (Керилиб.) Менким, академик Ғафур Ғулом бунақа академикларни кун ора уч-тўрттасини тайёрлаб турган бўлсам...

**Собир Абдулла.** (пичингнамо) Ҳов 44-йилда, Ҳамид Олимжоннинг уйида, Жиззахдан келган бочкани яримлатиб тайёрлаган академикнингизни ҳам биламиз. Ушанда академик Палов эмас, академик Куйганбоев бўлиб қолганини кўриб, шаталоқ отиб қочганингиз ёдингиздан чиқдими? Бечора Ҳамид Олимжон...

(Ғафур Ғулом, аччиғи келибми, ўрндан туриб кетади.)

**Ғафур Ғулом** (унинг сўзини бўлиб). Нима, Ҳамид Олимжон ош кўрмаганмиди? У юзимга солмаган нарсани сиз гапириб ўтирибсиз-а, бақрайиб! (Бир оз туриб.) Ўтган ишга саловот, деган гап бор. Хотира яхши воқеаларни сақлаб юриш учун берилган одамзодга. Агар инсон бутун умр кўрган ёмонликларини эслаб юраверса, одамгарчиликдан чиқиб кетади. Гитлер билан Сталинларнинг миллионлаб кишиларни қириб ташлагани сабабини биласизми? (Собир Абдулла унга “билмайман”, деган маънода қарайди.) Чунки, уларнинг мия ҳужайраларида ота-боболарининг, олис аждодларининг ёмон воқеалар, хунрезликлар билан тўла хотираси жойлашиб

қолган эди. Ёмон хотира билан заҳарланган мия ҳужайраси ота-онага ҳурмат, бевабечорага шафқат, қариндош-уруғларга меҳр-оқибат сингари инсоний фазилатларни ситиб чиқаради. Шунинг учун улар ХХ асрнинг Заҳҳоки Моронлари эди. (Яна сукут қилиб) Мана шунақа, Мирсобир Мирабдуллаев! Хотира сандиғини тез-тез очиб, шамоллатиб туриш лозим. Акс ҳолда моғоллаб кетади.

**Собир Абдулла.** Келинг, ўтириб суҳбатлашайлик. Тик турганингизда, хаёлингизга нуқул жиддий фикрлар келиб Афлотун бўлиб кетасиз. (Ўтиришади. Собир Абдулла уйга кириб, бир чойнақда чой дамлаб чиқади.) Бугун шанба. Сиз айтганингиздек, озгина миямизни шамоллатиб, шанбалик қилсак...

**Ғафур Ғулом.** Қанақа шанбалик? Томсувоқ бормиди?

**Собир Абдулла.** Томсувоқ қилмай қўйганимизга анча бўлди, Ғафур ака...

**Ғафур Ғулом** (унинг сўзини бўлиб). Афсус. Мен болалигимда қип-қизил лола-қизғалдоқ, кўм-кўк ўт-ўлан билан қопланган томларда варрак учиршни ҳуш кўрардим. Қани энди ўша дамларимга, ўша лозазор томларга бир кун бўлса ҳам қайтсам. Ҳозирги бечора болакайлар бунинг гаштини қаёқдан билишсин. Э!..

**Собир Абдулла.** Мен ўтмишни эсласам, кексалик кўнғироғи чалингандек, ғойибдан: “Марҳамат, поезддан тушинг, сўнги бекатга етиб келдингиз!” деган овоз эшитилгандек бўлаверади.

**Ғафур Ғулом.** Ёшликнинг ям-яшил ниҳолига яна қуриган шохни пайванд қилмоқчисиз-а, Собирвой!

**Собир Абдулла** (қўл кўтаради). Бўпти, мен қўл кўтардим. Бошқа кексалиқдан гапириш йўқ... Ҳа, айтгандек, сафар яхши ўтдими? Тожик биродарлар соғ-саломат юришибдими? Кимларни кўрдингиз?

**Ғафур Ғулом** (ўйчан). Сафар кўнгилдагидек ўтди. Дўстларингиз сизни кўп йўқлашди. Турсунзода, Миршакар, Боқи Раҳимзода... Ҳаммаси... “Собир Абдулла чакки қилди, бизга кўчиб келиши керак эди. Ҳовли-боғ берардик, машина берардик. Ҳукумат дўконидан сархил молларни арзон-гаров оларди”, дейишди. Мен: “Ўзбекистон ҳукумати Собир Абдуллага ёш, ҳурилиқо хотин олиб берган, бунинг устига биридан гўзал канизакларини айтмайсизми яна”, дедим. “Шаҳарда данғиллама уйи-ю кавсар сувлари шарқираб турган боғ ҳовлиси бор”, дедим. (Иккаласи хоҳолаб қулишади.) Рост айтибманми? Саодатхонни сизга ким олиб берган? Тўйингизда ҳукумат бошлиқлари қатнашганмиди? Қатнашган. Ўшалар олиб беришганмиди, олиб беришган!.. Ҳозир яшаётган уйингиз катта холангиздан қолмаганини ҳам ҳамма билади. Ё нотўғрими?

**Собир Абдулла** (ўйланиб). Тўғри, тўғри айтасиз..

**Ғафур Ғулом.** Онасининг атрофида парвона бўлиб юрган қизларингиз канизак бўлмай, ким бўлсин!.. Хуллас, тожик дўстларингиз сизнинг жаннатда яшаётганингизга ишонишди, хурсанд бўлишди. Боқи Раҳимзоданинг сизга ҳаваси келиб, “Ўзбекистонга кўчиб борсам, менга ҳам шундай шароит яратасизларми?” деб сўради. “Сизга йўл бўлсин, дедим, аввал “Тоҳир – Зуҳра”га ўхшаган бир асарни ёзиб, ўн тўртта мамлакат саҳнасида қўйдилинг, кино қилиб бутун дунёни айлантириб чиқинг. Кейин Ўзбекистонни ҳавас қилсангиз ярашади”, дедим. Тўғри айтибманми?

**Собир Абдулла.** Тўғри, тўғри айтибсиз.

**Ғафур Ғулом.** Хуллас, сизнинг жаннатда яшаётганингизни таъриф-тавсиф қиламан, деб эсим кетди.

**Собир Абдулла** (сирли жилмайиб). Сиз ҳам икки-уч кун жаннатда яшаган кўри-насиз.

**Ғафур Ғулом.** Жаннат қайда? Мажлис бошланган кундан тугагунича эшитганим “зиндабод, зиндабод” бўлди.

**Собир Абдулла.** Нима, “зиндабод” ёмон сўзми? Яшасин, дегани. “Зиндабод Ғафур Ғулом!” дегани – “Яшасин Ғафур Ғулом!” дегани. Буни сиз мендан яхши биласиз.

**Ғафур Ғулом.** Ҳа, сиздан яхши биламан. Аммо мен ҳар бир сўзидан “Правда” газетасининг ҳиди анқийдиган кишилардан чарчадим. Жуда чарчадим. Бир Собирвойнинг уйига бориб, Маҳмудхонга ўхшаган содда, беғубор, ҳазилни кўтарадиган ёр-

дўстлар билан отамлашиб ўтирсам, дедим ўзимга. Ҳозирги замонда дўхтир берган дори-дармонларни ичишдан кўра, Маҳмудхонга ўхшаган кўнглида кири йўқ улфатлар билан дийдорлашишга нима етсин, Собиржон!

**Собир Абдулла.** Маҳмудхон аптекачи билан ўтган бозор куни кўришиб, роса битингиз тўкилган эди-ку.

**Ғафур Ғулом.** Теварак-атрофга қарасанг, девдай-девдай пихини ёрган одамларни кўрасан, киши. Маҳмудхон – содаларнинг соддаси. Ғўлларнинг ғўли. Содда одамнинг дили пок бўлади. Мен покликни, мусаффоликни соғиндим, Собиржон.

**Собир Абдулла.** Хўш, нима демоқчисиз? Уни бориб олиб келайми? Ёки ўзимиз борамизми?

**Ғафур Ғулом.** Йўқ, уни олиб келиш учун яхши баҳона топиш керак.

**Собир Абдулла.** Баҳонанинг кони ўзингиз-да, Ғафур ака. Кўрсаткич бармоғингизни чакангизга михлашингиз билан шеър ҳам оқиб келади, баҳона ҳам!

**Ғафур Ғулом** (кулади, сўнгра кўрсаткич бармоғини чаккасига қўйиб, бир зум хаёл суриб). Ёзинг!

**Собир Абдулла.** Мана, баҳонани ҳам топдингиз. Агар сизга ҳайкал қўядиган бўлишса, сизга эмас, шу кўрсаткич бармоғингизга ҳайкал қўйиш керак!

**Ғафур Ғулом.** Гапни чўзманг. Довот, қалам, қоғоз олиб чиқинг.

(Собир Абдулла уйига кириб, қоғоз-қалам олиб чиқиб, ёзишга ўтиради.)

**Ғафур Ғулом** (айтиб туради). “Ҳурматли Маҳмудхон ака! Ҳамма заруру нозарур ишларингизни бир чеккага қўйиб, бизникига марҳамат қилишингизни табиатнинг нозик жойларидан ёлвориб сўрайман. Мен ва дўстингиз Ғафур Ғулом учун табаррук бўлган, яъниким жаннатмакон шоир Муқимийнинг устозлари бўлмиш Муташарриф домла бугун тонг бирлан Латифи Хўқонддан келиб, аввал сиз азизу мукаррамни, кейин Ғафур Ғуломни йўқламоқдалар. Шунинг учун аввал машинани сиз жанобларига юбораялман. Сиздан сўнг машина шоири давронни олиб келажак. Устоз Муташарриф домлани узоқ кутдирмагайсиз. Камоли эҳтиром билан Собир Абдулло Хўқандий”.

**Собир Абдулла** (ёзишни тугатиб). Баҳонани ҳам, хатни ҳам боппладингиз. Маҳмудхон ака бу хатни олиши билан қанот қоқиб учи-иб келади.

**Ғафур Ғулом.** Қани энди бу хат ҳам учи-иб борса! (Чақиради.) Мустафо! Ҳо, Мустафо!!

**Собир Абдулла.** Мен ўзим чиқиб, бериб келаман. (Чиқади.)

Ғафур Ғулом маккажўхорилар бўй чўзиб турган жойга бориб, улар попугини юлиб, соқол-мўйлов ясади. Қошига ҳам попук ёпиштиради.

**Собир Абдулла** (ҳовлига қайтиб кириб, дастлаб Ғафур Ғуломни топа олмай, у ёқ-бу ёққа аланглайди, сўнг кўриб). И-е, Ғафур ака! Тинчликми?

**Ғафур Ғулом.** Тинчлик. Сандиғингизда Худоёрхондан сизга мерос бўлиб қолган банорас тўн бор, дейишарди. Шу гап ростми? Муқимийнинг устозига ярашадиган бошқа сарполар ҳам бордир? Бор бўлса, тезроқ олиб чиқинг.

**Собир Абдулла.** Тушундим. Аммо эҳтиёт бўлинг. Тағин Маҳмудхон ака Муқимийнинг устозини кўрдим, деб хушидан кетиб юрмасин. Бу, учинчи маротабами... хушидан кетиши бўлади. Худо сақласин, бир кунмас бир кун...

**Ғафур Ғулом.** Боғингизга булбул ҳам керак эмас, чоғи. Жуда яхши сайраясиз, Собиржон! Фақат ниятингизни яхши қилинг!

Собир Абдулла уйга кириб, бир мунча вақтдан сўнг бир қучоқ кийим-кечак, китоб-дафтар олиб чиқади. Ғафур Ғулом уларни танлаб, кийинади ва 100 ёшдан ошган чолнинг қиёфасига кириб, сўрига кўтарилади. Собир Абдулла савлат тўкиб ўтирган “Муташарриф”нинг орқа тарафига икки-учта ёстиқ қўяди. “Муташарриф” Даққи Юнусдан қолган кўзойнакни тақиб, бир қўлида тасбеҳ ўгириб, олдидаги катта арабий китобни ўқиётган киши бўлиб ўтиради.

Шу пайт машина товуши эшитилади. Собир Абдулла чиқиб, Маҳмудхонни бошлаб киради.

**Маҳмудхон** (ҳовлига кираётиб). Мавлоно Муқимийнинг домласи мени қаердан билар экан? На Қўқонга борган, на Муқимийни кўрган бўлсам. Сирасини айтсам, Муқимийнинг устози у ёқда турсин, шогирдига ҳам ишим тушмаган. У ҳам мени тушида кўрмаган, албатта.

**Собир Абдулла.** Ундай деманг, Ғафур Ғулом ҳар сафар Қўқонга борганида сизнинг таърифингизни қиларди. Қўқонда шоир зоти борки, сизни жуда яхши билади. Муташарриф бобо ҳам сизнинг таърифингизни кўп эшитганлар. Сизни кўрсалар, балки шогирдлари Муҳаммад Аминхўжани кўргандек бўлиб бошлари осмонга етар.

**Маҳмудхон** (ўзича). Зарур ишларим бисёр эди. Ҳаммасини ташлаб келаяпман-а. Ҳай, майли. Муқимийнинг домласини ҳар куни кўрмасак... (Сукут. Собир Абдуллага.) Мулла Собир, Ғафур келгани йўқми?

**Собир Абдулла.** Ғафур акага машина энди боради. Марҳамат, сўрига чиқинг, сизнинг келишингизни кутиб меҳмонга дастурхон ёзолмай ўтирибман.

**Маҳмудхон.** Э, қизиқ-ку, Хўқонди Латифдай олис жойдан меҳмон келади-ю, мендек шоир зотининг соясига салом берадиган кишини кутиб ўтирасизми, мулла Собир?

**Собир Абдулла.** Меҳмон: “Маҳмудхон келмасларидан бурун дастурхон ёзмайсиз, чойнак-пиёла қўймайсиз”, деб оёқ тираб олдилар. Ана, сўрида ўтирибдилар. Қани, қани (сўрини кўрсатиб), кўтарилдинг.

**Маҳмудхон** сўрига чиқиб, икки қўлини кўксига қўйган ҳолда меҳмонга салом беради.

**Маҳмудхон.** Ассалому алайкум, тақсир. Хуш келибсиз Тошканди азимга. Яхши келдингизми? Сиҳат-саломатлигингиз жойидами? Поездда уриниб-чарчаб қолмадингизми? Шу муборак ёшда бир Тошканга борай, деб йўлга чиқибсиз-да. Боракалло, боракалло, қадамингизга ҳасанот.

“Муташарриф” қулоғи оғир бўлгани учун Маҳмудхоннинг сўзларини эшитмай, Собир Абдуллага қарайди.

**Собир Абдулла** (“Муташарриф”га баланд овоз билан). Маҳмудхон сизга салом беряптилар. “Хуш келибсиз”, деяптилар, “Тошканди азимга яхши келдингизми? Сиҳат-саломатингиз яхшими?” деяптилар.

“Муташарриф” маъқул, дегандек бошини қимирлатиб қўяди.

**Маҳмудхон** (Собир Абдуллага қараб, секин овоз билан, ўзича). Муқимий ҳазратларининг домласи тушмагур каловланиб қолганга ўхшайди. (“Муташарриф”га мурожаат қилиб.) Тақсир, мучалингиз нима? Юздан ошгандирсиз-а? Муқимий ҳазратларига устозлик қилганман, денг. Барака топинг, кўп яшанг. (Муташаррифдан садо чикмаётганини кўриб.) Қулоқ масалалари чатоққа ўхшайдими, тақсир?! Мен ҳам мулла Собиржонга ўхшаб бақирсам, қулоғингизнинг қолган пардаси ҳам йиртилиб кетиши мумкин. Худо келиб-келиб сиздек улуғ домланинг қулоғига пахта тиқиб кетадими-а? (Муташарриф тушунарсиз ҳаракат қилади.)

**Собир Абдулла.** Худога тил теккизманг. Домла хафа бўлдилар.

**Маҳмудхон.** Худога тил теккизиб жинни-пинни бўлдимми? Шундоқ табаррук ёшдаги домланинг қулоғига Худо пахса урмаганида ота-бола бўлиб гурунглашиб ўтирган бўлармидик, мулла Сообиржон. (Яна Муташаррифда ўзгариш.)

**Собир Абдулла.** Яна худога тил теккизяпсиз, Маҳмудхон ака. Домла ранжияптилар. Домлага айтадиган бамаъни гапларингиз йўқми, Маҳмудхон ака!

**Маҳмудхон** (ўзича). Бу ерга келмай мен ўлай. Тушимда кимнингдир арвоҳини кўргандим-а! Отамнинг арвоҳи, деб эрталаб уч карра “Ёсин” ўқиган эдим. Мутакаббир, йўғе. Муташаккир, йўқ, Муташарриф домланинг арвоҳи экан! (Муташаррифга баланд овоз билан). Бугун сизни туш кўрган эдим. Қаранг, учрашар эканмиз. Тушда ҳам кўп хосият бор-да, тақсир. Мен, мана, олтмишга кирмасдан, қулоқдан қолганман. Сизга ҳавасим келиб турипти. Кўз тегмасин, ҳали ҳам қулоғингиз Мулла Тўйчи аканинг қулоғидек яхши эшитар экан, кўзингиз қалай, кўзингиз ҳам яхшими?

“Муташарриф” Собир Абдуллага тушунмаган киши бўлиб қарайди.

**Собир Абдулла** (Муташаррифга баланд овоз билан). Маҳмудхон ака аптекачи эмасмилар, оз-моз тиббиётдан ҳам хабардорлар (Қизишиб.) Баъзан Ғафур Ғуломни ҳам (томоғини кўрсатиб) даволаб турадилар...

(“Муташарриф” жаҳлланади.)

**Собир Абдулла**. Маҳмудхон: “Тақсир, мен, мана, олтмишга кирмасдан, қулоқдан қолганман”, деяптилар. “Сизга ҳавасим келиб турипти”, деяптилар.

(“Муташарриф” нимадир дейди.)

**Собир Абдулла** (Маҳмудхонга). Муташарриф домла: “Кўзим ҳам, қулоғим ҳам балонинг ўқидек сопла-соғ”, деяптилар.

“Муташарриф” (кутилмаганда сўзлаб юборади). Йўқ, мен Маҳмудхондан: “Пешонангдаги кўзми ё супранинг тешигимиз?” деб сўрадим.

(“Муташарриф” соқол-мўйловини олади, салла-чопонини ечади.)

**Маҳмудхон** (ҳайратда). И-е, Ғафурвой, ўзингизми? (қотиб-қотиб кулишади.) Мен ҳам Муқимийнинг домласи аллақачон кўкариб чиққандир, деган хаёлда эдим... Ҳали сизлар Топчинский-Попчинский бўлиб мени лақиллатгани чақирган экансизлар-да? Сизларни деб шунча зарур ишларни ташлаб келибман-а! (Ўзини аразлаганга солади.)

**Ғафур Ғулом**. “Мени ҳеч ким лақиллатолмайди”, деб кериладиган сенмисан, Маҳмудхон! Лақиллатиш мана мунақа бўлади, окоси. Чолни кўрсанг бувам дейдиган бўлиб қолибсан-у, яна биздан хафа бўласан! Кел, энди бир кучоқлашиб кўришайлик. (Тура бошлайди.)

**Маҳмудхон**. Йўқ, керакмас, мени мазах қиладиган арвоҳ билан кўришмайман.

**Ғафур Ғулом** (сўридан тушиб, Маҳмудхонга яқинлашиб келади). Сен мени соғинмаган бўлсанг, мен сени соғиндим, дўстим. Тожикистонда уч кун уч йилдек туюлди. Кеча оқшом келиб, бугун эрталаб сени кўргим, бағримга босгим келди. Наҳотки, Ғафур Ғулом деган минг йиллик дўстингни кечирмасанг!

Маҳмудхонда ўзгариш. У ҳам сўридан тушиб, секин-аста Ғафур Ғуломга яқинлашади. Сўнг иккаласи қаттиқ кучоқлашиб кетади.

### Иккинчи кўриниш

Ўша жой. Ўша кишилар.

Парда очилиши билан машина овози келади. Шовқин-сурон билан шоиру хонанда-ю созандалар кириб келишади.

Собир Абдулла меҳмонлар келаётганини кўриб, уйдан янги болиш ва кўрпачалар олиб чиқиб, сўрига тўшайди. Дастурхон ёзади.

**Ҳабибий** (кириб). Ассалому алайкум, азизлар!

**Ғафур Ғулом** (у билан кўришиб). Ҳабибий домла, яхши келдингизми? Сизни кўрсам, раҳматлик отамни кўргандек бўламан. Доим беш юзинчи лампадек нур сочиб, нуруний отахон бўлиб юринг-э. (Юнус Ражабий билан кўришиб). Юнус тоға, сизни ҳам кўрар кун бор экан-а. Соғ-саломатмисиз? Бир арава бола-чақа, қозон-товоқлардан ортиб, сўзимни ерда қолдирмасдан келганингиз учун ташаккур ...

**Юнус Ражабий** (унинг сўзини бўлиб). Ғафурвой, сизни кечадан бери ахтараман, Собир Абдулланинг уйида ўтирибман чилла қилиб, демайсиз ҳам.

**Ғафур Ғулом**. Вой, тоғам тушмагур-ей, чиллани сизга чиқарган. Янгамнинг этакларидан ҳафталаб чиқмайсиз. Катта танбурнинг қорнини чертиб ётганингиз ётган. (Кулишади.)

**Юнус Ражабий**. Кўзингиз тегди, мулла Ғафур, кўзингиз тегди. Қариб, ҳеч нарсага ярамай қолганмиз.

**Ғафур Ғулом**. Сизни яхши биламан, Юнус тоға. Кўз тегмасин, деб белингизга тумор боғлаб юрасиз. Не-не созандалар танбур чертмай қўйишган. Сиз ҳали ҳам танбур навосини тарк этмай келасиз. (Кулишади.)

**Юнус Ражабий**. Об-бо, Ғафурвой-ей, аскияни сизга чиқарган. Лофни олиб қочганингизда раҳматли Юсуфжон Қизиқ ҳам сизга етолмасди. Асли бу гапларингизни Ҳабибий домлага айтганингизда, ўринли бўларди.

**Ғафур Ғулом**. Нечук?

**Юнус Ражабий**. Ёзган ғазалларини ўқимаяпсизми? Ҳали ҳам ўлдим-куйдимдан нарига ўтмайдилар. Янгамизга ҳали ҳамон тинчлик бермайдилар чоғи.

**Ғафур Ғулом**. Шоирлар шунақа бўлади ўзи, Юнус ака. Тўқсон ёшга тўлиб, оёқларидан дармон кетиб, чўзилиб ётишса ҳам, тилларидан ишқ-муҳаббат навоси тушмайди.

**Юнус Ражабий**. Кеча ўғилларидан янги ғазалларини юборибдилар, Юнус тоғанга айт, пайсалга солмасдан куй басталасин, деб. Бу ғазалда нима ёзибдилар, денг:

*Ҳар замон кўрсам, ёшим улғайса ҳам, эй сарвиноз,  
Қоматим ҳам бўлмагай, қўлга асо даркор эмас.*

(Кулишади.)

**Юнус Ражабий**. Ҳабибий домла нимага шама қилаётганларини сезаяпсизми, мулла Ғафур. “Қоматим ҳам бўлмагай”, деганларини қаранг! Шундай дейишга уялмайдилар ҳам. Яна мен бу ғазалга куй басталар эмишман-да, у кишим ғазални сарвинозга ашула қилиб айтиб юрар эмишлар!

(Кулги.)

**Ғафур Ғулом**. Ҳабибий домланинг сарвинози ким эканини наҳотки билмасангиз, Юнус ака! Мана, эшитинг:

*Ҳар кишининг таъбига лойиқ севикли ёри бор,  
Толемдан ўргилай, ёримга ҳеч ёр ўхшамас.*

Мана шунақа. Ҳабибий домла бегонага кўз қирини ташлайверадианлардан эмаслар. Ўзлари бу гуноҳли дунёда яшаётган бўлсалар ҳам, кўнгиллари арши аълодан пастга тушмайди. Бундай покиза кўнгил базми жамшидни хуш кўрмайди, Юнус ака!

**Ҳабибий**. Мулла Ғафур, бизни жуда узлатга чекинганлар қаторига киритиб юбордингиз-ку. Базми жамшидга тушиб қолсак, сизни уялтирмаймиз, азизим. Пиёла узатасизми ё...

**Ғафур Ғулом** (унинг сўзини бўлиб). Гул-лола кўрсатасизми...

**Ҳабибий** (эшитмаганга олиб). Ё оёқ ўйинга тушасизми, сиз нима қилсангиз, шуни эплашга уриниб кўрамиз.

**Юнус Ражабий** (чеккага). Домласи тушмагур ҳали ҳам қариб қуйилмаганга ўхшайди.

**Ҳабибий** (сезиб). Бир нарса дегандек бўлдингизми, Ушшоқвой ака?

**Юнус Ражабий**. Мулла Ғафурнинг ўзига ўхшаган қирчиллама йигитларни йиғдириб келганини айтаман, домла.

**Ғафур Ғулом**. Ҳали ҳам унча-мунча қирчиллама йигитлардан кам жойингиз йўқ. Камтарлик қилманг, уста. Бир битингиз тўкилсин, деб сизларни олиб келгани Мустафони юборган эдим-да.

**Юнус Ражабий**. Барака топинг, мулла Ғафур. (Маҳмудхонга яқинлашиб.) Лутф-алтофга берилиб, Дори-Дармонийни унутиб қўйдик чоғи. (Маҳмудхон билан кўришади.) Соғ-саломат юрибсизми, Маҳмудхон? Аптекангизга биз, мўйсафидлар боп дори-дармонлар келиб туриптими?..

**Ғафур Ғулом** (унинг сўзини бўлиб), Кампирнинг дарди ғўзада, деганлари шу-да. Аптекачини кўришса, дармон дорини суриштириб кетишади. Салом-алик ҳам ўлда-жўлда бўлади.

**Ҳабибий** (ҳали ҳам уй билан сўри ўртасида елиб юрган Собир Абдуллага қараб). Мулла Собир, тепага чиқиб олиб, тушгингиз келмай қолдими?

**Ғафур Ғулом**. Тепага чиқиб олганидан кейин қайси аҳмоқнинг пастга тушгиси келади?! (Собир Абдуллага.) Тушманг, Собиржон, зинҳор туша кўрманг. Керак бўлса, сиз билан сўрашгани сўрига ўзлари чиқишсин!

**Юнус Ражабий** (ҳамроҳларига қараб). Собиржон сизу биз ўлтирадиган жойни нозу неъматлар билан ясатаётган кўринадилар.

**Ғафур Ғулом**

(Собир Абдуллага қараб)

*Зоҳирни ясашдан дили виждонни ясантир,  
Виждонни солиб ишга, бу давронни ясантир.*

**Ҳабибий**

*Ижод ила эк чўлу биёбонга қизил гул,  
Кўп мева экиб, чўлу биёбонни ясантир.*

**Ғафур Ғулом**

*Меҳнат ила зеб боғла лаёқат-хунарингга,  
Юлдуз яратиб чақна-ю осмонни ясантир.*

**Ҳабибий**

*Минбарга чиқиб, бошла қўшиқларни баралла,  
Қарсақлар ила халқ тўла майдонни ясантир.*

**Ғафур Ғулом**

*Нур чашмасидур халқинг учун қалби хазинанг,  
Соч нур, бу ёруғ қалб ила инсонни ясантир!*

**Собир Абдулла**

(сўридан тушаётиб)

*Сен элдан агар шираю шарбат умид этсанг,  
Боғбони бўлу, боғ ила бўстонни ясантир.*

Пастга тушиб, меҳмонлар билан қучоқлашиб кўришади.

**Юнус Ражабий** (Собир Абдулла билан кўришар экан). Боракалло, шоир дўстлар. Сизлар ҳаммаёқни боғу бўстонга айлантираётганингизда биз бир чеккада қўл қовуштириб турсак ярашмас экан. (Созандаларга.) Қани, йигитлар, тезроқ жойлашиб, асбобларни филофидан чиқариб олинглар.



**Ғафур Ғулом.** Ҳой-ҳой, Юнусвой ака, уят борми сизда? Нималар деяпсиз? Хотин-халаж кириб қолса, нима бўлади?

**Юнус Ражабий.** Бузуқ хаёлга борманг, Ғафурвой. Созандаларнинг асбобини хотин-халаж кўп кўрган. Қани энди ҳамма асбоблар ҳам тилга кирганда, ҳазрат Навоий сўзларига басталанган кую қўшиқ садолари ҳаммаёқни жаранглатиб юборса!

**Ҳабибий.** Дилимдагини айтдингиз, оға. Дилимсиз, дилим. Аммо шўхроғидан бўлса, Мулла Ғафур билан мулла Собиржоннинг бир хиром айлаганини кўриб, жаннатга тушгандек ором олармидик.

**Ғафур Ғулом.** Маҳмудхон дўстимнинг-чи? У кишим бир куни тўйда ўртага тушиб хиром айлаганида, Мукаррамахоним бу тўйда менга ҳожат йўқ экан, деб тўрва-халтасини кўтариб чиқиб кетган.

**Собир Абдулла.** Қани, меҳмонлар, марҳамат! Ким сўрини ихтиёр қилса – сўрига, ким Пушкин билан Глинкага ўхшаб оёғини чалиштириб ўтиришни истаса – курсига.

Ҳамма ўзи истаган ердан макон топиб ўтиради. Созандалар асбобларини созлаб, мумтоз куйлардан бирини чала бошлайдилар.

Кўчадан машина овози эшитилади. Собир Абдулланинг: “Мустафо, сиз кетаверинг. Ғафур ака бугун ҳам бизникида дам оладилар”, – деган ва шу захоти Мустафонинг: “Собиржон ака, мени Муҳаррама ая юбордилар. Эртага Ҳиндистондан меҳмон келаётган экан. Ғафур акани олиб кетаман”, – деган овози келади.

**Собир Абдулла** (кириб, Ғафур Ғуломга). Мустафо келди. Эртага ҳиндистонлик меҳмонларингиз келаётган экан. Ғафур акани олиб кетаман, деб эшиқда оёқ тираб турипти.

**Ҳабибий** (Ғафур Ғуломга). Ким келаётган экан, мулла Ғафур? Неру жаноблари эмасми?

**Ғафур Ғулом.** Йўқ, Ҳабибий домла. Икки кекса ҳинд ёзувчиси келиб, мен билан, менинг сизларга ўхшаган пурҳикмат ёр-дўстларим билан танишишмоқчи. Эртага кечқурун ҳаммангизни кутаман. Маҳмудхон, тагин бирор баҳона топиб, мени меҳмонлар олдида уялтириб қўйма. Улар ҳам сенга ўхшаган содда ва самимий кишилар...

Саҳна қоронғилашади. Машинанинг кетаётган овози. Шу пайт радиодан Ғафур Ғуломнинг товуши эшитилади:

*Олам билар, Фурқат деган йўли бор,  
Беруний майдони, Ёшлар кўли бор,  
Муқимий биносин худди сўли бор,  
Кўрсатувчи милиционер кўли бор.  
Бизнингг уйга кўниб ўтинг, дўстларим!*

П а р д а

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Саҳна олди

Ичкаридан Юнус Ражабий ижросида мумтоз ўзбек халқ ашулаларидан бири эшитилмоқда. Ора-чора “Дўст”, “Барака топинг, Юнус ака!”, “Саломат бўлинг!”, “Ўзингизга ҳам, овозингизга ҳам кўз тегмасин, уста!” деган овозлар келади.

Шу пайт Номаълум йигит пайдо бўлади. У ёқ-бу ёққа мўралаб, ашула овози келаётган уйга кирмоқчи бўлади.

**Номаълум йигит.** Фурқат йўли-ю, Ёшлар кўлини ҳам, “Муқимий” театрининг сўли-ю милиционернинг Арпапояга қараган кўлини ҳам топдим! Топдим-у, лекин ки-

рай десам, олтмиш-етмишни урган кишилар ашула эшитиб, бошларини сарак-сарак қилиб ўтиришипти. Улар орасига суқулиб кириб, бошимни сарак-сарак қилиб ўтиришга тоқатим йўқ. Кирмай десам, “Бизнинг уйга кириб ўтинг, дўстларим”, деб кечқурун ҳам, эрталаб ҳам шеър ўқиди шоир... Ғафур Ғулом. Кирай десам, “Сенга кўзим учиб турувдим, бола?!” деб ҳайдаб юборса, обрўйим бир пул бўлади. Кирмай десам, Ғафур Ғуломсиз ишим битмайдиганга ўхшайди. Кирай десам...

Шу пайт олисдан ҳуштак товуши эшитилади. Номаялум йигит ўзини панага уради.

### Учинчи кўриниш

Ғафур Ғуломнинг уйи. Шинамгина болохона. Саҳна ортида боғ.

Ғафур Ғулом, Ҳабибий, Маҳмудхон, созандалар ва бошқалар дастурхон атрофида суҳбат қуриб ўтиришипти.

Саҳна очилиши билан Юнус Ражабий кириб келади. “Ҳорманг, уста!”, “Яшанг, саломат бўлинг!”, “Фаришталаримизнинг кўнглини обод қилиб чиқдингизми?” деган овозлар.

**Юнус Ражабий** (меҳмонларга қуллуқ қилиб, Ғафур Ғуломга). Хўп ажойиб иш қилибсиз-да, мулла Ғафур! Бизга ўхшаш калтафаҳм кишиларнинг ақлига келмайди бу қилган улуғ ишингиз! Барака топинг, умрингиз узоқ бўлсин илоҳи.

**Ғафур Ғулом.** Яқинда раҳматли Ҳамид Олимжонни туш кўрган эдим. Нима учундир кейинги кунларда уни бот-бот кўрадиган бўлдим. “Раҳмат, дўстим, бола-чақамдан хабар олиб турибсан. Айниқса, аямнинг кўнглини сўраб турганиндан бошим осмонга етаяпти”, деди. Ҳамид билан бир отамлашиб гаплашмоқчи эдим, шу пайт момагулдирак овозидан уйғониб кетдим. Ўша кунинёқ Зулфиянинг уйига тандирдан янги узилган бир сават жиззали нон кўтариб бордим-да: “Зулфия, айланай, хушрўй келиним, мен анчадан бери бир ниятни дилимга тугиб юрган эдим. Шуни айтгани келдим”, дедим. “Ғафур ака, қандай ният?” – деди Зулфия тортиниб. “Ниятим шуки, – дедим, – сен яхши шоира бўлиб етишдинг. Фақат Ўзбекистон эмас, бутун дунё билади сени. Сен бизнинг ифтихоримизсан! Шунинг учун мен сенинг шарафингга зиёфат бермоқчиман. Бу фикримни Муҳаррама аянг ҳам маъқуллади. Келаётган шанба оқшомида сени кутаман”, – дедим. “Фақат кимлар билан, неча аёл бўлиб келишингни айт. Ҳар бирингга бир кийимлик Марғилон саккиз тепки атласидан тайёрлаб қўймоқчиман”, – дедим. Зулфия бир оз ўйлаб, дугоналарини санай бошлади: (бармоқларини бирма-бир букиб) Ҳалимаҳоним, Мукаррамаҳоним, Сораҳоним, Тамараҳоним, Бертаҳоним, Хадичаҳоним, Василахоним, Ҳабибаҳоним, Саидахоним...” Мана, ҳозир улар меҳмонхонани гуллашиб, менинг заъфарон кўнглимга кўклам уфорини пуркаб, яйраб-яшнаб ўтиришипти.

**Ҳабибий.** Минг тасанно сизга, мулла Ғафур! Зулфияхоннинг ўксик кўнглини осмон баравар кўтарадиган иш қилибсиз!

**Юнус Ражабий.** Мулла Ғафур, даврада қимтиниб ўтирган икки аёлни танимадим. “Қаро кўзим”ни йиғлаб эшитишди. Улардан бирини раҳматли Ҳамиднинг онаси, десам, Комила ая барвастароқ эдим...

**Ғафур Ғулом** (қаҳқаҳа отиб). Бу жаннат гулларининг келишини эшитиб, ҳиндистонлик меҳмонларим типирчилаб қолишди. “Машҳур ўзбек шоиру санъаткор аёллари билан бир даврада ўтиришни истаб қолишса бўладими улар! На илож, хонадонимга Абу Райҳон Беруний, Хусрав Деҳлавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари табаррук боболарим руҳини олиб келган меҳмонларга “йўқ”, десам айб бўларди. Ўйлаб-ўйлаб бир ҳийла ишлатдим. Тожикистондан Бадахшон гўзаллари киядиган икки-уч кўйлак олиб келган эдим, бахтга қарши, Муҳаррамхонга торлик қилиб қолувди. Буни қарангки, Гурбахш Синг билан Навтеж Синг деган ота-бола меҳмонларимга кийгизиб кўрган эдим, худонинг қудрати билан худди ўзларига тикилгандек бўлди. Бирам очилиб кетишдики, кўрган одам уларни Мукаррамаҳоним билан Тамараҳонимдан сира

ажрата олмайди Бошларига марғилонча рўмол танғиб, меҳмонхонанинг тўрида савлат тўкиб ўтиришипти. Бу сирдан фақат Зулфия хабардор. У меҳмонларимни ҳинд шоираси Амрита Притамнинг опалари, деб таништирди. Амрита Притамнинг бу опалари “тишлари оғриётгани учун” оғиз очмай, томоша қилиб ўтиришипти ҳозир.

(Кулги.)

**Ҳабибий.** Ана топқирлигу, мана топқирлик! Гуллар ҳам хурсанд, тиканлар ҳам.

**Ғафур Ғулом.** Ҳай-ҳай, Ҳабибий домла, нималар деяпсиз? (Ҳазиллашиб.) Ҳали Ҳиндистондан мамлакатимизга дўстлик элчилари бўлиб келган муҳтарам зотларни тиканга ўхшатасизми?! Камина бу ўтириш тўғрисида тегишли жойга ҳисобот ёзиб беришим керак. Сирасини айтсам, ўтиришга сиз ҳам, Юнус ака ҳам, Маҳмудхон ҳам (қўлини кўкка бигиз қилиб) уларнинг рухсати билан келгансиз..

**Ҳабибий** (кўрқиб кетади). Тавба қилдим, тавба! Агар ҳисобот ёзадиган бўлсангиз, биз, кўқонқишлоқлик оми шоирнинг номини ҳам, бояги сўзимни ҳам асло хат қилманг, мулла Ғафур!

**Ғафур Ғулом** (бошқаларга кўз қисиб) Нима, (яна қўлини кўкка найза қилиб) уларни алдайми? Буюк ҳинд халқининг вакилларини тиканга ўхшатганингизни ўзим айтдим, деб ёзайми? Ўзим балога гирифтор бўлайми?

**Маҳмудхон.** Йўқ, йўқ, мулла Ғафур, сиз ўзбек халқига кераксиз. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сизни эҳтиёт қилиш бизнинг ҳам...

**Ғафур Ғулом** (сўзини бўлиб ва кўзини қисиб). Қандай эҳтиёт қилай ўзимни, Маҳмудхон, сизлар мени аждаҳонинг нақ оғзига рўпара қилиб турган бўлсангиз...

**Ҳабибий.** Ҳай-ҳай, мулла Ғафур, одамни кўрқитманг. “Аждаҳо” деганингиз нимаси? “Тикан” деган сўзим қайда-ю “аждаҳо” қайда! Еган-ичганим татисин, мулла Ғафур! Мен ниҳояти айтмоқчи бўлганимни тушунасиз, деб ўйлаган эдим. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолсин, иним! Шундоқ бўлсин!

**Юнус Ражабий** (ўйин кетаётганини сезиб). Энди, мулла Ғафур, ҳаммамиз ҳам худонинг оқ сут эмган бандасимиз. Ҳабибий домла бу қалтис гапнинг оқибатини ўйламай дабдурустдан айтиб юбордилар. Шунақами, домла?

**Ҳабибий.** Шунақа-шунақа.

**Юнус Ражабий.** Агар ўша гап ёзилаётган бўлса, секин тузатиб қўйишнинг иложи-ни топинг! (Ҳабибийга қараб.) Шунақами, домла?

**Ҳабибий.** Шунақа, шунақа.

**Ғафур Ғулом.** Қанақа “шунақа-шунақа”?

**Юнус Ражабий.** Яъниким, “Гуллар ҳам хурсанд, тиканлар ҳам” деган (урғу билан) машъум иборадаги “тиканлар” сўзини, масалан, “туваклар” деган сўз билан алмаштириб қўйинг. Гул ҳам, гулнинг туваги ҳам хурсанд, деган маъно чиқади. Биз радиода кўпинча шундай қиламиз.

**Ғафур Ғулом** (кўз қисиб). Юнусвой ака, сизни оқил ва доно акам деб ҳурмат қилиб юрсам, сиз ҳам мени хиёнат йўлига бошламоқчимисиз? Ичларингга бирор сиёсий хушёр одам борми ўзи?

**Маҳмудхон**(жиддий). Мен. Мен сиёсий хушёр одамман. (Ғафур Ғуломга қараб.) Ёдингизда бўлса, Чўлпоннинг Ҳамза театридан қандай ҳайдалганини айтиб берган эдингиз. Келинг, биз ҳам мажлис қилиб, Ҳабибий домлани шу сиёсий хатоси учун даврамиздан ўчирайлик. Ҳабибий домла уйларига бориб, дори-пори ичиб, ўзларига келсинлар. Шунда улар ҳам жазоланган, биз ҳам сиёсий хатога дахлдорликдан холи бўламиз.

**Ғафур Ғулом.** Мана, бор экан-ку сиёсий хушёр одам! Баракалла, Маҳмудхон! Сен фақат аптекачи эмас, замоннинг нозиклигини яхши тушунадиган сезгир одам ҳам экансан!

Маҳмудхон мамнун бўлганини яширмайди. Ҳабибий домла қарахт ҳолатда кўзларидан оқа бошлаган ёшни дастурхоннинг учи билан артади.

**Ҳабибий.** Мулла Ғафур, (сукут) уйингизга келмай мен ўлай. Ўзи оёғим тортмай турган эди. Юнусвой: “Бирга борамиз. Кийина қолинг”, деб қўймай олиб келган эдилар. Мана, Юнусвой, биз ҳам девор бўлмаса, кўчани бемалол кўрадиган одамлар тоифасиданмиз.

**Юнус Ражабий.** Хафа бўлманг, домла. Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсага даво топса бўлади. (Ғафур Ғуломга қараб.) Нима дейсиз, мулла Ғафур? Даво топиладими?

**Ғафур Ғулом.** Ҳабибий домланинг ҳолатини кўриб, ўзимнинг ҳам хўрлигим келяпти. Бир иложини қилмасак бўлмас. Туппа-тузук одам кексайган чоғида қамалиб кетса, бизга ҳам касри уради.

**Ҳабибий.** “Қамалиб кетса”? (Жаҳл билан.) Ҳали қамаламанми ҳам?!

**Юнус Ражабий.** Ҳой-ҳой, мулла Ғафур. Ҳабибий домла қамаладиган иш қилмадилар-ку! Кексайган чоғларида у кишини ҳам, бизларни ҳам чўчитаверманг.

**Маҳмудхон.** Тўғри айтасиз, Юнус ака. Кексайган чоғимизда биз ҳам Ҳабибий домлага (ўйлаб) пе... пее..передача элтиб юрмайлик.

**Ҳабибий** (четга). Нафасинг қурсин ...сен аптекачининг!

**Юнус Ражабий** (у ёқ-бу ёқни текшириб бўлгач). Сирасини айтсам, бу гапни фақат ўзимиз эшитдик. Мана, ҳаммаёқни илма-тешик қилиб чиқдим. Бирор ёзиб оладиган усқунани кўрмадим. Бунақа усқуна йўқ! Йўқ!! Бинобарин, ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ. Қани, ким нимани таклиф қилади? Айтинглар!

Ҳамма Ғафур Ғуломга қарайди.

**Ғафур Ғулом.** Агар бирор идорага бориб гулламасанглар, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолади.

**Юнус Ражабий.** Мана бу – мард одамнинг гапи!

**Маҳмудхон.** Мана, бу валломатлик! Мана бу, чин дўстнинг иши! Омон бўл-ей, Ғафурвой!

**Юнус Ражабий.** Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, мулла Ғафур!

**Маҳмудхон.** Мендан ҳам!

**Ҳабибий.** Раҳмат, мулла Ғафур! Умрингиз узоқ, мартабангиз яна ҳам баланд бўлсин!

Ҳамма хурсанд. Ҳабибий нимадир пичирлаб, қўлини фотиҳага жуфтлайди.

**Юнус Ражабий** (Ҳабибийга). Домла, балои азимдан осон қутулганингиз учун яхши бир ўтириш қилиб берасиз энди.

**Ғафур Ғулом.** Агар Ҳабибий домла ўтиришдан қочадиган бўлса, мана мен, аканг қарағай сизларни кутаман.

**Маҳмудхон.** Нега энди сиз? Ҳам Ҳабибий домлани аждаҳо оғзидан олиб қоласиз, ҳам ўзингиз ўтириш қилиб берасизми?

**Ҳабибий.** Қанақа аждаҳо? Мен аждаҳо оғзига тушадиган иш қилибманми?! Гапингизни ўйлаб гапиринг, Ммм... Маҳмудхон!. Нима бало, аптекангиздаги аччиқ до-рилларни ичиб олганмисиз, оғзингиздан нуқул аччиқ гап чиқаяпти?!

**Маҳмудхон.** Аждаҳо оғзига тушай деб турганингизни ҳаммамиз кўрдик-ку, домла. Яхши ҳамки мулла Ғафур иложини топиб, сизни (ўйлаб) ...илоннинг оғзидан олиб қолди. Мабодо сизнинг ўрнингизда бўлганимда, мен жон-жон деб ўтириш қилиб берган бўлардим.

**Юнус Ражабий.** Энди қизишмайлик, биродарлар. Ҳабибий домла ошдан қочадиган одам эмаслар. Ёзган битта ғазалларининг қалам ҳақи бир эмас, икки-уч ошга етади.

**Ғафур Ғулом.** Ундай бўлса, ўтиришга борадиган жўраларнинг, қолаверса дастурхонга тортиладиган ноз-неъматларнинг рўйхатини тузайлик.

**Маҳмудхон.** Янги сўйилган қўй гўштига қилинган ошни емаганимга анча бўлди. Домла, молбозорда қора кўчқорлар сероб бўлиб қолган. Истасангиз, ўғлингиз билан бозорга бирга бориб, бир бўрдоқи кўчқорни ўзим танлаб бераман.

**Юнус Ражабий** Маҳмудхон, бўрдоқи кўй бўлиши шарт эмас. Домлага жабр қилмайлик. Ҳазал қачон ёзилади-ю, қачон унга куй басталанади? Қачон ашула бўлиб эфирга чиқади-ю, қачон қалам ҳақи тегади?

**Ғафур Ғулом.** Нима демоқчисиз, уста? Битта ошга шунча олди-бердимми?

**Юнус Ражабий.** Айтмоқчиманки, инон-ихтиёрни Ҳабибий домланинг ўзларига берайлик. Биз қозонни ёпишга ёпдик. Агар у кишининг ўзлари бошқа қозонда жиз-биз қилиб бераман, десалар, рози бўлмасдан иложимиз қанча!

**Ҳабибий.** Ўтириш бўлса, ўтириш. Битта ўтириш сизлардан айлансин, сиёсий ҳушёр жўралар!

**Юнус Ражабий** (Ҳабибийнинг сўнги сўзини эшитмаганга олиб). Бу бошқа гап! Розимисиз, ...жўралар?

**Маҳмудхон.** Мен икки қўлимни кўтараман.

**Ҳабибий** (четга). Қўлинг курсин кўтарилиб-тушаверадиган!

**Ғафур Ғулом.** Мен ҳам розиман. Мана, Ҳабибий домла, қандай ажойиб, инсон-парвар дўстларингиз бор! Сизни, керак бўлса, ернинг тагидан олиб чиқишади. Бундай дўстлар учун битта ўтириш эмас, ўнта ўтириш қилиб берсангиз ҳам оз!

**Ҳабибий** (киноявий). Ҳа, ажойиб, инсонпарвар дўстлар эканлигингизни кўриб турибман. Битта тиканнинг ичидан битта ўтиришни осонгина суғуриб олдинглар. Сал бўлмаса, битта тикан деб жонимни суғуриб олардингиз-а, инсонпарвар, ажойиб дўстларим!

(Кулги.)

Шу пайт аёл либосидаги икки ҳинду меҳмон хонага кириб келади.

Меҳмонлар (таъзим қилиб). Намасте, намасте!

Дилгир Ҳабибий уларнинг кулгили қиёфаларини кўриб, чехраси очилади.

**Ғафур Ғулом** (меҳмонларга). Азиз меҳмонлар, қалай, жаннатга кириб чиққандек бўлдингларми? Ўзбек гўзалларининг нафис мажлиси сизга манзур бўлдимми? (Юнус Ражабийни кўрсатиб.) Юнусвой акамиз: меҳмонлар Мукаррамахонимдан кўзларини узмай ўтиришипти, дедилар. Шу ростми? Гурбахш дўстим, агар ўғлингиз Мукаррам-хонимгами ё бошқа бир жононгами ошифта бўлиб қолган бўлса, каминаи камтарин совчилик қилишга тайёрман. Фақат бир шарт билан: менга ҳам Наргис хонимними ё бошқа бирор ҳинд гўзалиними олиб берасиз! (Кулишади.)

Гурбахш Синг (ҳинд тилида). Жуда ажойиб анжуман бўлди. Айни пайтда бу анжуманни анжуман эмас, гўзаллар танлови деса ҳам бўлади. Агар ёшроқ бўлганимда, ўғлимдан олдин ўзим шу гўзаллардан бирини менга олиб беринг, деб сизга ёпишиб олган бўлардим.

Нантеж Синг (ҳинд тилида). Олган таассуротларимни дадамнинг олдида айтолмайман. (Ҳазиллашиб.) Мусулмон оламида тўрт хотин олишга ижозат берилади. Шу аёллардан тўрттасини менга олиб бера олмайсизми, Ғафур дўстим? Керак бўлса, Калькутта билан Бомбайни ҳам сотишга тайёрман.

**Ғафур Ғулом.** Самарқанду Бухорони сотмоқчи бўлган Ҳофизга ўхшаб-а?

(Кулги.)

Меҳмонлар (ҳинд тилида). Энди бизга ҳордиқ олишимиз учун ижозат берсангиз.

**Ғафур Ғулом.** Сизларни дўст-ёрларим билан таништиришга улгурмадим. Бу киши (Ҳабибийни кўрсатиб) мавлоно Ҳабибий бўладилар, ўзбекнинг катта шоири (меҳмонлар Ҳабибий билан кучоқ очиб кўришишади). Бу муҳтарам зотнинг ёнларидаги – машҳур ўзбек бастакори ва ҳофизи Юнус Ражабий, мумтоз халқ ашулаларининг беназир ижрочиси (меҳмонлар Юнус Ражабий билан кучоқ очиб кўришишади). Мана бу тарвузга ўхшаган думалоқ киши – менинг болалик дўстим, машҳур аптекачи

Маҳмудхон Ҳушёрхонов (меҳмонлар Маҳмудхон билан қучоқ очиб кўришишади). Булар (созандаларни кўрсатиб) Ўзбекистоннинг машҳур созандалари (меҳмонлар икки кўлларининг учларини кўкракларига яқинлаштириб кўришган бўладилар.) Майли, сизларга ижозат.

Меҳмонлар чиқадилар.

### Тўртинчи кўриниш

Ўша жой. Ўша кишилар.

**Юнус Ражабий** созандалар жўрлигида мумтоз халқ ашулаларидан бирини айтаётган пайтда парда очилади.

**Ғафур Ғулом** (ашула тугагандан сўнг). Яшанг, уста. Шу ашулангизни Ғайратий яхши кўриб, доим сизга жўр бўларди.

**Юнус Ражабий**. Дарвоқе, Ғайратий кўринмайди. Саломатми?

**Ғафур Ғулом**. Бироз бетоб эди. “Тузалиб қолсам, албатта, бораман”, деган. Балки оқшомга қадар келиб қолар.

(Шу пайт Номаълум йигит эшиқдан мўралайди, сўнгра киради.)

Номаълум йигит. Ассалому алайкум, ҳурматли устозлар! (Юнус Ражабийга.) Ашулангизнинг тугагини кутиб турувдим. Аммо мазза қилиб эшитдим, устоз!

**Ғафур Ғулом** (Номаълум кишига). Ким бўласан? Мана, кўриб турибсан: бугун мен бандман. Худо шоир зотига ҳам яқшанбани берган, бошқалар қатори, сен ҳам ҳордиқ ол, деб! Шеър-пер сўраб келган бўлсанг, чакки қилибсан. Эртага кел!

**Номаълум йигит**. Ишим зарил, Ғафур дада. Эртага кеч бўлади.

**Ғафур Ғулом**. Қандай иш экан, яқшанбада битиши лозим бўлган иш?

**Номаълум йигит**. Мени ҳайдашяпти.

**Ғафур Ғулом**. Қаердан ҳайдашяпти?

**Номаълум йигит**. Институтдан.

**Ғафур Ғулом**. Қайси институтдан?

**Номаълум йигит**. Театр-рассомчилик институтидан.

**Ғафур Ғулом**. Менинг бу институтга нима дахлим бор?

**Номаълум йигит**. Институт директорининг кабинетиде сизнинг катта суратингиз осифлиқ турипти.

**Ғафур Ғулом**. Агар директорининг кабинетиде Станиславскийнинг сурати осилиб турган бўлса, ўша театр арбобининг гўрига бориб ялинган бўлармидинг?

**Номаълум йигит**. Директоримизнинг кабинетиде Станиславскийнинг сурати осилиб турмайди. У театрни эмас, поэзияни севади! У сизнинг мухлисингиз!

**Ғафур Ғулом**. Шундай дегин.

**Номаълум йигит**. Шундай.

**Ғафур Ғулом**. Хўш, мендан нимани истайсан? Мен сенга нима билан ёрдам беришим керак?

**Номаълум йигит**. Шу мухлисингизга бир оғиз айтиб қўйсангиз.

**Ғафур Ғулом**. Нима деб?

**Номаълум йигит**. Фалончи менинг ўғлим бўлади, уни ўқишга тиклаб қўй, деб.

**Ғафур Ғулом**. Барча ўғилларим институтни битириб, аллақачон профессор бўлишган. Буни бутун олам билади. Агар директоринг чиндан ҳам мухлисим бўлса, буни ҳам билади.

**Номаълум йигит**. Ёш пайтимда уйингизга келганимда мени “ўғлим”, деган эдингиз. Эсингиздан чиқдими?

**Ғафур Ғулом**. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку. Қачон келгандинг? Ким билан келгандинг?

**Номаълум йигит.** Отам билан ёш пайтимда келган эдим. Ўшанда бошимни силаб: “Ўғлим, ўғлим”, деган эдингиз.

**Ғафур Ғулом.** Отанг ким бўлади?

**Номаълум йигит.** Адҳам Ҳамдам!

**Ғафур Ғулом.** Фарғонанинг афандиси Адҳам Ҳамдамнинг ўғлимисан ҳали!

**Номаълум йигит.** Ҳа, Адҳам Ҳамдамнинг ўғлиман.

**Ғафур Ғулом.** Отанг менинг олдимга ҳуда-беҳудага келавермасди..

**Номаълум йигит.** Тушунмадим.

**Ғафур Ғулом.** Бемаврид келдинг, деяпман, болам.

**Номаълум йигит.** “Ўғлим!” денг, дадажон..

**Ғафур Ғулом.** Отангдан ҳам баттар шилқим кўринасан, Адҳамнинг ўғли!

**Номаълум йигит** Директоримизга кўнғироқ қилсангиз, дадажон! Мана, телефони! (Бир парча қоғозни узатади.)

**Ғафур Ғулом.** Юнусвой ака, Ғайратийни соғиндим, деганмидингиз?

**Юнус Ражабий** Ҳа, келса, яхши бўларди.

**Ғафур Ғулом.** Шу болани юборайлик Ғайратийнинг уйига. Ўликни ҳам тирилтириб келадиган абжирга ўхшайди.

**Юнус Ражабий.** Агар тезроқ келса, унга ҳам Бадахшон қизларининг либосларини кийгизиб, аёллар даврасига киргизиб юборган бўлармидик.

Ғафур Ғулом Юнус Ражабийга “қойил”, дегандек имо қилиб, тоқчадан қоғоз-қалам олади ва хат ёзишга тушади.

**Ғафур Ғулом** (Номаълум йигитга). Бор, сен чиқиб тур! Шоир Ғайратийга хат ёзиб бераман. Олиб борасан. Директоринг Ғайратийнинг жияни бўлади! Айтсанг, кўнғироқ қилади.

(Номаълум йигит чиқади.)

**Ғафур Ғулом** (овоз чиқариб ёзади).

“Ғайрато, ёнингдаги шилқимни барбод айлагил,

Адресим Арпапоя, сен буни ёд айлагил.

**Маҳмудхону** Ҳабибий тўтиқушдек интизор,

Тез келиб, суҳбат аро базмимни обод айлагил.

Юнус Ражабийнинг исм-шарифини шеърга кўшмадим. Бунга сабаб у киши заёмда юз минг сўм ютганлар. Ёмон ниятли одамлар сезмаслиги керак. Ҳозирча Уста Юнус Ражабий - секрет.

Сенга хурмат билан Мирзо Абдул Қодир Ғафур Шоший, собиқ Қоратоший”.

**Юнус Ражабий.** Мулла Ғафур, мен ҳам ошга тушадиганга ўхшаб қолдимми?

**Ғафур Ғулом.** Хотиржам бўлинг. Сизнинг заёмдан 100 минг сўм ютганингиз ҳозирча сир.

(Ғафур Ғулом хатни конвертга солиб, олиб чиқади.)

**Ғафур Ғулом** (овози). Шуни Урицкий деган кўчага бориб, “Ғафур Ғуломнинг дўсти шоир Ғайратийнинг уйи қаерда?” десанг, ҳамма айтиб беради. Кўк дарвоза! Албатта, ўзининг кўлига бер!

(Ғафур Ғулом бир неча сониядан сўнг қайтиб киради.)

**Ғафур Ғулом.** Узоқдан аёлларимизни кўрдим. Ҳовлини айланиб, гулу райҳонларни искаб юришипти. Куз кунлари, айниқса, оқшом тушиши билан одамзод ғаройиб хаёллар оғушида қолади... Қани, кўрайлик-чи, бизнинг аёлларимиз қандай хаёллар қанотида парвоз этишар экан!

**Юнус Ражабий.** Фақат шоир эмас, руҳшуносликдан ҳам хабарим бор, денг.

**Ҳабибий.** Шоир зоти аввало рухшунос бўлади, уста. Киши руҳини билмаган, шу руҳнинг нозик торларини чертолмаган шоир – шоир эмас!

**Ғафур Ғулом.** Афсуски, шоир ўз руҳининг ҳамма ҳаракатини ва ўз қалбининг ҳамма жилваларини қоғозга тушира олмайди. Шеърга шоир қалбидаги ҳаяжон ва бўронларнинг ўн фойизигина тушади, уста.

**Маҳмудхон.** Нега? Масалан, сиздек катта шоир кўрган-билганларингизни бизга юз фойиз қилибгина эмас, қўшиб-чатиб икки юз фойиз қилиб ҳам айтиб берасиз-ку!

**Ғафур Ғулом.** Айтиб бериш бошқа, шеър ёзиш бошқа. Мана, Зулфияхонни олайлик. Ҳамид Олимжоннинг ўлими муносабати билан у қандай руҳий бўронларни бошидан кечирмади! Агар бирор шоир шундай бўронларнинг ҳаммасини қоғозга туширса ё туширишга уринса, жинни бўлиб қолади.

Шу пайт аёллар хонасидан қўшиқ садолари эшитила бошлайди. Бу садолар ёқимли бўлгани учун Ғафур Ғулом эшик ва деразаларни ланг очиб юборади. Ҳалима Носирова ижросида “Танавор”нинг дилбар мавжлари хонага оқиб киради. Ҳамма лол ҳолатда. Айниқса, Ғафур Ғулом.

**Ғафур Ғулом.** “Танавор”!.. Ота-боболарим яратган мусиқий санъат мўъжизаси!..

Секин-аста ашулага Ғафур Ғулом, Юнус Ражабий, Ҳабибий ва Маҳмудхон ҳам қўшиладилар. “Танавор” баланд пардаларда янграб, бутун оламини эгаллагандек бўлади.

*Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,  
Қўриб гул юзингни боғда бандадур,  
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур..*

### Бешинчи кўриниш

Ўша жой... Ғафур Ғуломдан бошқа барча иштирокчилар шу ерда. Уларнинг бирлари чой ичиб, бирлари китоб жавонини титкилаб, бирлари деразадан шоир боғини томоша қилиб турибдилар.

Шу пайт уй олдига келиб тўхтаган машина овози келади. Бир оздан сўнг товушлар эшитилади.

**Ғайратий** (овози). Ғафур, бу хира элчинг, бетоб бўлиб ётганимга қарамай, тўшақдан турғизиб олиб келди. Шоширганидан, пул олмай чиққан экан, таксичи эшикда мўйловини бураб, дарғазаб бўлиб турипти. Бир-икки сўм бериб юбор унга.

**Ғафур Ғулом** (овози). Ма, олиб чиқиб бер. Такси бу пулга ўзингни ҳам Ҳиротгача элтиб қўяди. (Бир оздан сўнг.) Ҳа, яна келдингми? Катталарнинг этагида ўрмалашиб нима қиласан, бола?

**Номаълум йигит** (овози). Дадажон, мен ҳам сизга ўхшаш қайсарман. Бола дадасига ўхшамай, кимга ўхшасин!

**Ғайратий,** Ғафур Ғулом ва уларга эргашиб Номаълум йигит ҳам кириб келишади.

**Ғафур Ғулом.** Ҳой, бола, бу гапингни отанг эшитмасин! Сени ҳам ўтмас пичоқ билан сўяди, мени ҳам зуғумга олади.

**Номаълум йигит.** Отам сўйса, мени шундай деганим учун эмас, ўқишдан ҳайдалганим учун сўяди. Агар менга раҳмингиз келиб, директоримга кўнғироқ қилмасангиз, институтдан ҳайдалган талаба бўлиб уйингизда хизмат қилиб юривераман, ўлгунимча.





**Юнус Ражабий.** Қани, бўлмаса, сиздан эшитайлик....

**Ҳабибий.** Илҳом фариштаси қулоғингизга нималар деганини бизлар ҳам билайлик!

**Ғафур Ғулом** (осмонга қараб).

*Катта паркув болишдек келгуси неъматларнинг*

*Ҳаммамизга сут берган онахон сийнаси бу.*

*Ўзбек шуҳрат қозонган офтоб-маърифатнинг*

*Бугунги хуш оқшомда суви, хазинаси бу...*

(“Тасанно”, “Саломат бўлинг!” деган садолар.)

**Ҳабибий.** Мулла Ғафур, биринчи қор сизнинг уйингизга келган чоғимизда ёғаяпти! Оллоҳ сизни суяр экан, муборак бўлсин!

**Ғафур Ғулом.** Қор ...уйимда ёлғиз зерикиб, йиғламоқдан бери бўлиб ўтирган чоғларимда ҳам ёғиши мумкин эди. Лекин қор сиз, азизлар, келган кунингиз ёғаяпти: Оллоҳ аввало сизларни, қолаверса, қўшни хонадаги аёлларимизни суяр экан.

**Ғайратий.** Қани энди табиатнинг шу гўзал мўъжизасини Собир Абдулла ҳам биз билан бирга кўрганида!.. Дарвоқе, Ғафур, Собиржон кўринмаяпти? Бетобми?

**Ғафур Ғулом.** Бугун кечаси хотини Қўқондан поездда бола-чақасини олиб келади. Собиржон бу дунёдаги энг жантилмен эрлардан эмасми, кир-пир чайиб, хамир қориб, қозонга олов ёқиб, “Хотинжон, қачон келасиз?” деб интизор кўзларидан дув-дув ёш тўкиб ўтирипти.

**Маҳмудхон.** Маза-маза, Собиржоннинг хотинига маза. Собиржон эр эмас, хазина!

**Ғафур Ғулом.** Битта Собиржон эмас, ҳаммангиз ҳам хазинасиз!

**Юнус Ражабий.** Агар Собиржон аёл бўлиб туғилганида, унга ўзим одам қўйган бўлардим! (Кулишади.)

**Ҳабибий.** Мулла Ғафур, ёшроқ чоғимиз бўлганида, бир ғаройиб қорхат ёзиб, Собиржонга юборган бўлармидик!

**Юнус Ражабий.** Нима, қорхат ёзишга ҳам ярамайдиган, “пуф!” деса, янги туғилган мушукнинг боласидек думалаб тушаверадиган чоллар бўлиб қолдикми?!

**Ғафур Ғулом.** Тўғри айтасиз, уста. Қорхатни биз, шоири давронлар, ёзмасак, ҳали тухумдан чиқмаган шоир болалар ёзадими? Ғайрат, қоғоз-қаламни тайёрла! Бирга қорхат ёзамиз.

(Ғайратий ўз уйида юрган кишидек, шкафни очиб, қоғоз, қалам, сиёҳдон ва ручка олади-да, келиб ўтиради.)

**Ғафур Ғулом** (қор ёғишига бир оз маҳлиё бўлиб, сўнгра айта бошлайди; Ғайратий ёзиб боради). “Азиз дўстимиз Собиржон ибни Абдуллога етиб маълум бўлсинким:

*Қўлингизда ярқираб турган бу хат – қорхат, укам,  
Қўлга тушдингиз, иложсиз, белни боғлайсиз маҳкам.*

**Ҳабибий**

*Бисти гавжум йиғилурмиз улфати чор, ўрғилай,  
Ҳарнаки топган-таянган бўлса ночор, ўрғилай.*

**Ғафур Ғулом**

*Ўн қадоқ гўшт, бир қази – Тошкентча “норин” дейдилар,  
Қўлга тушгач, хоҳ ранжи, хоҳи оғрин, дейдилар.*

**Ғайратий**

*Битта хуш хониш дуторчи қизгина бўлса фаранг,  
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.*

**Ғафур Ғулом**

*Мен-ку, ичмайман, ароқхўрнинг ароқдир шеваси,  
Менга басдир бир яшик "Жигулевский" пивоси.*

**Ҳабибий**

*Иссиқ уйда сиз мулозим, биз таралло қилгумиз,  
Мияни қўлга қоқиб бергунча ялло қилгумиз.*

**Ғайратий**

*Воқеан, ёддан чиқай дебдир талабнинг тантиси,  
Яхна гўшт, япроқ қази, закускамизнинг мантиси...*

**Ғафур Ғулом**

*Собиро, тан бер ўзинг ҳам, биз каби меҳмон қани?  
Интизор кўзлар-ла кутган сендайин мезбон қани? – деб Ғафур ал-Ғулом".*

**Юнус Ражабий.** Агар Собиржон сезиб қолиб, хатни қайтариб юборса-чи, унда нима бўлади?

**Ғафур Ғулом.** Ғайрат, ёз: "Қўлга тушсам, жавобгарман", деб. (Ғайратий бу сўзларни ёзиб бўлгач, ўзи қўл қўяди.) Мана, қўл қўйдим... Ҳой. бола, қаердасан?

**Номаълум йигит.** Шу ердан.

**Ғафур Ғулом.** Собир Абдулла деган зўр шоирни эшитганмисан? Унинг пьесалари қўйилмаган театр йўқ бу дунёда! Сенинг директоринг ҳам мендан кўра Собир Абдулланинг гапига кўпроқ қулоқ солади! Мана шу хатни олиб бориб, шахсан унинг қўлига топширасан-да, дарҳол куён бўласан! Тушундингми?

**Номаълум йигит.** Тушундим, дадажон! Собир Абдуллага куённинг расмини кўрсатаман-у, шу заҳоти учиб келаман!

**Ғафур Ғулом.** Оқ йўл сенга, Адҳам Ҳамдамнинг Ғиркўки!

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Олтинчи кўриниш

Дўрмондаги Ёзувчиларнинг ижод боғи. Кенг-мўл хона. Стол-стулларнинг бир қисми жой-жойига қўйилган, қолган қисми эса чеккада бир-бирининг устига тахланганча турибди. Деразадан боғнинг сўлим қишки манзараси кўзга ташланади.

Собир Абдулла телефонда ким биландир сўзлашмоқда.

**Собир Абдулла** (сахна четида юрган кишига қараб). Ғафур Ғуломнинг истаги билан қорхат ошини Дўрмонга кўчирдим. Бола-чақанинг вағир-вуғиридан четда, хилватда кечган гурунг нашъали бўлади, деди. Қолаверса, Шайх билан Миртемир ҳам шу ерда бўлишса керак... Абдулла Қаҳҳорни-ку онаси Дўрмонда туққан – шу ердан силжимади. Балки Шўхрат билан Ҳамид Ғулом ҳам бир-икки тенгдоши билан келиб қолар. Ҳар ҳолда 20-30 кишини қиш куни уйда кутишнинг ўзи бўлмайди.

Четдан овоз. Янгам ҳам келиб қоларлар-а?

**Собир Абдулла.** Янгангни Адҳам Ҳамдамнинг ўғли олиб келади, ош масаллиқлари борми, пишириқлар борми – ҳаммасини кўтариб келишади! Камина уларнинг келишини кутиб турибман.

Четдан овоз. Ҳадемай, меҳмонларингиз кела бошлашади. Масаллиқ ҳали келмагани учун қозонга олов ёқолмай турибман.

**Собир Абдулла.** Янганнинг кечикадиган одати йўқ эди. Адҳам Ҳамдамнинг ўғли-ку юлдузни бенарвон урадиган шоввозлардан. Бир оз кутайлик-чи. Янган нўхотни кеча кечқурун увитиб қўйган. Махора – ярим соатда тайёр бўладиган таом. (Бир оз сукутдан сўнг.) Катта қозонга ўт ёқиб турсанг ҳам бўлади.

(Қўшни хонадан идиш-товоқ кўтариб чиқиб кетаётган кишининг шарпаси.  
Шу пайт телефон жиринглаб қолади.)

**Собир Абдулла** (гўшакни кўтариб). Лаббай! Эшитаман.

**Овоз.** Собиржон, қўй бордимми? Қўлим калта пайтим эди, 200 сўмгина бердим.  
Яна бирор кишидан пул топдимикан?

**Собир Абдулла.** Ким?

**Овоз.** Ким бўларди? Адҳам Ҳамдамнинг ўғли-да!

**Собир Абдулла.** Нега 200 сўм бердингиз? Адҳамнинг ўғли қўй учун ҳам, бозордан олинадиган бошқа нарсалар учун ҳам мендан етарли пул олган-ку!

**Овоз.** И-я! Менга Собиржон акам камхарж эканлар, қўйга пуллари етмай турипти, деди-ку!

**Собир Абдулла.** Маҳмудхон ака, адашмаяпсизми? Адҳамжоннинг ўғли сизга шундай дедими?

**Овоз.** Ҳа, Адҳамжоннинг ўғли! Яна меҳмонлар қиш куни шамоллаб қолмасин, деб минг хил дори-дармонларни насияга олиб кетди!

**Собир Абдулла.** Ҳой, Фафур аканинг аптекачи ҳазилкаш дўсти! Мени кўрқитманг!  
Улар кечикиб турганидан юрагим така-пука бўлиб турипти ўзи. Қаёқдаги гапларни гапиргандан кўра тезроқ етиб келинг!

**Овоз.** Ҳазиллашаётганим йўқ, Собиржон. Менинг бирор марта ҳазиллашганимни кўрганмисиз? Гапим чин! (Гўшақда қисқа гудоклар)

**Собир Абдулла** (ўзича). Бу бола хомлик қилиб пулини олдириб қўйдимикан?  
Тавба! (Уйига кўнгирак қилади.) Алло! Яшнахон, қизим, ойинг уйдаими? Чақир! Саодатхон, жоним, кўзингиздан ўргилай, нега шу пайтгача келмаяпсизлар? Меҳмонлар келадиган пайт яқинлашиб қолди-ку! Ошпаз қозонга ўт ёқмай, сизларнинг масаллиқ олиб келишинларни кутиб ўтирипти!

**Овоз.** Бекор ўтирганим йўқ, адаси! Адҳамжоннинг ўғлини кутябман. Барвақт келаман, деган эди, ҳанузгача дом-дараги йўқ. Мошина-пошина уриб кетмадимикин?  
Бирор фалокат рўй берган бўлса, отасига нима деймиз, деган хавотирдаман!..

**Собир Абдулла.** Нафасингизни иссиқ қилинг, хоним. (Хўрсинади.) Келиши билан йўлга тушинлар!

**Овоз.** Хўп бўлади, адаси.

(Ҳабибий билан Юнус Ражабий кириб келадилар.)

**Ҳабибий** (кўришиб), Ассалому алайкум, мулла Собиржон! Қиш куни уринтириб қўймадикми сизни?

**Юнус Ражабий** (кўришиб). Чарчатиб қўймадикми, Собиржон? Яна ўтиришни Дўрмонга кўчирибсиз. Кўпроқ меҳмонларни айтган кўринасиз?

**Собир Абдулла** (ташвишли бир ҳолатда). Фафур аканинг маслаҳати бу... Ишқилиб уятда қолмай, уста!..

**Юнус Ражабий.** Нега уятда қолар экансиз, Собиржон? Янгамиз билан бирга қанчадан-қанча меҳмонларни кутавериб, тажрибангиз ошиб кетган. Бошқа мамлакатда яшаганингизда борми, каттакон ресторани очиб, миллионер бўлиб кетган бўлардинглар!

**Собир Абдулла.** Миллионер бўлишдан гапирманг. Бир бурда нон билан тирикчилик ўтказган кунларимиз ҳам бўлган. Энди учта-тўртта песамиз қўйилиб, дастурхонда қанд-курс пайдо бўлиб қолган. Шунга ҳам шукроналар айтаемиз, оға! Аммо ҳозир... (Тўхтаб қолади.)

**Ҳабибий.** Нима “ҳозир”?

**Собир Абдулла.** Адҳам Ҳамдамнинг ўғли бозор қилиб, хонимнинг пиширган нарсаларини олиб келиши лозим эди... (Тўхтаб қолади.)

**Ҳабибий.** Нега тўхтаб қолдингиз? Гапиринг. Бирор воқеа рўй бердимми?

**Собир Абдулла.** Келмай турибди...

**Ҳабибий.** Ким?

**Собир Абдулла.** Адҳамжоннинг ўғли! Бунинг устига, Маҳмудхон акадан қўйга деб 200 сўм пул олипти! Меҳмонлар шамоллаб қолишса, асқотади, деб анча-мунча дори ҳам олипти, насияга! Яъни менинг ҳисобимдан!

**Юнус Ражабий.** Вой, муттаҳам-ей!

**Собир Абдулла.** Адҳамжоннинг ўғли ҳар ҳолда ёмон йўлга кирганлардан бўлмаса керак. Мошина-пошина уриб кетган бўлса, шу топда бирор мурдахонада ётибдими, бечора! (Кўзига ёш олади.) Ҳар хил хаёлга бориб, безовта бўлаяпман.

**Юнус Ражабий.** Мошина-пошина урмагандир. Бундан бирор соат аввал уйимга бориб: “Юнусвой амаки, Дўрмонга кетаяпман, машинада олиб кетайми?” деб сўради. “Йўқ, Ҳабибий амакинг билан ўзимиз борамиз”, дедим. “Ундай бўлса, менга бирор 200 сўм бериб турсангиз, Дўрмоннинг йўлида янги сўйилган қўйнинг гўштини, янги тайёрланган қазии-пазиларни олардим”, деди. Хуллас, мендан 200 сўмни ундириб, Дўрмонга аллақачон етиб келган бўлиши керак эди.

**Собир Абдулла.** Ана, холос! Юнусвой ака, шунинг учун ҳам “уятга қолмасам бўлди”, деяпман-да. Шарманда бўладиган бўлдим, оғалар!

**Ҳабибий** (Юнус Ражабийга). Уста, рост гапни айтдингизми? Сизнинг уйингиздан чиқиб, меникига келди, у муттаҳам! Мени ҳам олиб кетмоқчи бўлди. Кейин оғилхонадаги қўйни кўриб қолиб: “Домла, бугун милиса мол бозорга ҳеч кимни йўлатмаётган экан. Шу қўйингизни олиб кетсам, пулини Дўрмонга борганингизда Собиржон амаким берадилар”, деб қўйнинг арқонини ечиб, олиб чиқиб кетди. Ҳали мен бечора қорхатнинг ошига бораман, деб битта қўйга тушган бўлсам-а!..

**Собир Абдулла.** Нималар деяпсиз, домла! Айтган ҳар бир сўзингиз пичоқ бўлиб бағримга санчилаяпти! Яна биз ҳаммамиз бир муттаҳамнинг тузоғига илинган бўлмайдик!

(Телефон жиринглайди.)

**Собир Абдулла** (шошилганча гўшакни кўтариб). Алло, алло, Маҳмудхон ака?

**Маҳмудхон** (овози). Адҳам Ҳамдамнинг ўғли бордими? У муттаҳам Ғафурвойни ҳам шилиб кетибди-ку!

**Собир Абдулла.** Нима, Ғафур акани ҳамми? Нима қилипти?

**Маҳмудхон** (овози). Мана, ўзларига бераман.

**Ғафур Ғулом** (овози). Собиржон, бу Адҳамнинг ўғли деганимиз қип-қизил аферист экан! Маҳмудхонни-ку лақиллатиш қийин эмас, менинг ҳам бурнимдан ип ўтказиб кетипти, бу аблаҳ!...

**Собир Абдулла** (йиғламсираб). Сизга нима қилипти, бу муттаҳам?

**Ғафур Ғулом** (овози). Неварамнинг туғилган кунига бир тоғора сомса келган экан, шуни кўтариб кетипти! Дўрмонга олиб бораман, Ғафур дадам айтдилар, деб!

**Собир Абдулла.** Бу, шарманда бўлганим, Ғафур ака! Сиз бошлиқ йигирма-ўттиз киши келадиган! Аммо дастурхонда шашвор ҳам йўқ. (Йиғламсираб.) Шарманда бўлдим, шарманда!

**Ғафур Ғулом** (овози). Хафа бўлманг, мен ҳозир шаҳар милисасини оёққа турғизаман! Ернинг тагидан бўлса ҳам топаман, у аферистни! (қисқа гудоклар)

(Телефон жиринглайди.)

**Собир Абдулла** (гўшакни кўтариб, хаста овоз билан). Алло!

**Овоз.** Собиржон ака, кечирасиз, ишим чиқиб қолди...

**Собир Абдулла.** Алло, ким бу?

**Овоз.** Мен, Саид Аҳмадман. Ишим чиқиб қолди, деяпман. Мен боролмайман. Адҳам Ҳамдамнинг ўғли олган 200 сўмни сиздан кейин оларман...

**Собир Абдулла.** Нима, нима? Қанақа 200 сўм?

**Овоз.** Адҳам аканинг ўғли, оркестрга деб мен билан Ҳамид Фуломдан 200 сўмдан пул олувди.

**Собир Абдулла.** Қанақа оркестр? Қанақа пул?

**Овоз.** “Қорхат”нинг ўтиришига оркестрни топиб келишни буюрган экансиз. “Тошкент” меҳмонхонасининг оркестрини гаплашиб бердим! Шунинг закалидини Ҳамид Фулом билан мен бердик. Етмаганини ўзингиз берарсиз!

**Собир Абдулла.** Ҳой, Саид Аҳмад, жинни-пинни бўлганингиз йўқми? Қанақа оркестр? Қайси ўтиришимизга оркестр чақирганмиз? Ё мени ўлдириб, тепамда мотам маршини чалдирмоқчимисизлар, бугун? А?! (Додлаб юборади.)

**Овоз.** Собир ака, ёмон эшитилаяпти, кулаётганингиз йўқми?

**Собир Абдулла.** Нега кулар эканман, йиғлаяпман, Саид Аҳмад, йиғлаяпман! Ҳамманг бир бўлиб мени хонавайрон қилаяпсизлар! Хонавайрон ҳам гапми, шарманда қилаяпсизлар, шарманда! (Гўшакни жаҳл билан қўяди.)

Яна телефон жиринглайди. Собир Абдулла йиғлаб, телефондан узоқлашади.

Юнус Ражабий келиб, гўшакни кўтаради.

**Юнус Ражабий.** Алло!

**Овоз.** Собиржон ака?

**Юнус Ражабий.** Мен Юнус акангизман. Нима дейсиз, Мустафо?

**Овоз.** Ғафур акам Дўрмонга бормадиларми? Адҳам Ҳамдамнинг ўғли мени кун бўйи банд қилиб, ҳозиргина қўйиб юборди. Уйга келсам, Ғафур акам кетиб қолган эканлар. Қаердан ахтаришни билмай турибман.

**Юнус Ражабий.** У муттаҳам сизни нега кун бўйи банд қилади?

**Овоз.** “Собиржон амаким айтдилар, у ерга борарканмиз, бу ерга борарканмиз”, деб жон-ҳолимга қўймади.

**Юнус Ражабий.** Ҳозир қаердасиз?

**Овоз.** Ёзувчилар уюшмасида. Ғафур акамни ахтариб шу ерга келган эдим.

**Юнус Ражабий.** Ўша ерда тура турунг. Ғафур бизга қўнғироқ қилиб қолиши мумкин. Шунда айтаман, топишиб оласизлар.

**Овоз.** Мен ҳозир бирорта одамдан бензин пулини топмасам бўлмайди. Адҳам Ҳамдамнинг ўғли: “Дўрмонда бераман”, деб киссамни тозалаб кетган!

**Юнус Ражабий.** Оббо, Адҳамзода-ей, сизни ҳам тунаб кетдим, ярамас?!

**Овоз.** Нима? Бошқаларнинг ҳам киссасини тозалаб кетдимми?

**Юнус Ражабий.** Майли, буёғи билан ишингиз бўлмасин. (Гўшакни қўяди.)

(Эшик очилиб, Ғафур Фулом, Ғайратий, Маҳмудхон ва уч-тўртта санъаткор кириб келади)

**Ғафур Фулом** (ўтирганлар билан кўришиб). Собиржон, майли, йиғлайверманг! Бу аферистнинг адабини яхшилаб бераман. Ғафур Фуломни лақиллатадиган Ёсуманни ушлаб, шундай шарманда қилайки, онадан туғилганига пушаймон қилсин! (Санъаткорларни кўрсатиб.) Мана бу санъаткорлар тўйдан майда-чуйда кўтариб кетишаётган экан. Ҳойнаҳой Собир Абдулланинг дастурхони қуп-қуруқ бўлса керак, деб бошлаб келаяпман. Қани, устол-устулни жой-жойига қўйиб, дастурхонни ёзинглар!

(Ҳозир бўлганлар четроқда устма-уст қўйилган стулларни олиб, стол атрофига қўйиб чиқишади ва дастурхон ёзишади.)

**Ғафур Фулом** (Собир Абдуллага). Уйга қўнғироқ қилиб кўринг-чи, мабодо аферистимиз топилиб, келиним Саодатхон билан бирга келишаётган бўлса...

**Собир Абдулла** (унинг сўзинини бўлиб). Хўп бўлади! (Қўнғироқ қилади.) Алло, Саодатхон, жоним! Адҳамжоннинг ўғлидан дарак-парак бўлмадимми?

**Овоз.** Йўқ. Балоба йўлиққур алдаб кетганга ўхшайди!

**Ғафур Ғулом** (гўшакни унинг кўлидан олиб). Майли, Саодатхон, кўп куйинманг, касалланиб қоласиз. Мен бу аблаҳнинг онасини Учқўрғондан кўрсатиб кўяман! Бу шайтонвачча бизни алдаб-аҳмоқ қилиб кетганига қарамай, биринчи қор шарафига базми Жамшид қиламиз! (Гўшакни кўйиб, қайта номер теради.) Алло, сенмисан, генерал! Топдингларми?

**Овоз.** Ғафур ака, биз ҳаммаёкни илма-тешик қилиб юбордик. Сизнинг уйингизга келган боланинг Адҳам Ҳамдамга ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Фамилияси Ҳамдамов бўлгани учун ўзини Адҳам Ҳамдамнинг ўғлиман, деб юрган. Афсуски, бундан бир соат аввал Тошкент-Москва самолётида учиб кетипти. Аэропортдан Ёзувчилар уюшмасига, сизнинг номингизга хат юборибди, ярамас. Мустафо хатни олиб кетди. Биз Москва шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига мурожаат қилдик. Улар Ҳамдамовни ушлаб, Тошкентга кўлига кишан солиб қайтариб юборадилар, деб умид қиламан.

**Ғафур Ғулом.** Шундай бўлсин, генерал! Жиноят жазоси қолса, жиноятчининг уруғи кўпаяди. (Гўшакни кўяди. Юнус Ражабийга.) Юнусвой ака, шунча машаададан кейин юрак чигилини ёзмасак бўлмайди. Қани, соқийлик рутбасини кўлингизга олинг!

(Меҳмонлар дастурхон атрофига келиб ўтирадилар. Пиёлаларга май қуйила бошлайди. Ғафур Ғулом пиёласини дўстларининг пиёлалари билан чўқиштираётган пайтда эшикдан ҳаллослаганича Мустафо киради.)

**Мустафо.** Ғафур ака! У бадбахт ҳамамизни калака қилиб, Москвага қочиб кетипти! Аэропортдан мана бу хатними, телеграммани бериб юборипти!

**Ғафур Ғулом.** (қоғозни олиб ўқийди). “Ҳурматли дадажон!” (Четга.) Ўғлим бўлмай тўнғиз қопгур! (Эшиттириб.) “Сизнинг олдингизда ҳам, Собиржон амакимнинг олдиларида ҳам, ҳаммангизнинг олдингизда ҳам катта гуноҳқорман. Аммо, на қилайки, чорам йўқ эди. Сиз директоримга кўнғироқ қилмаганингиздан кейин мени институтдан ҳайдашди. Ўзимни қаерга кўйишни билмай қолдим. Трамвайнинг тагига ташламоқчи бўлувдим, аллақадан милиционер пайдо бўлиб қолиб, ушлаб қолди. Маҳмудхон амакимга шунчалар ялдим: ҳалиги доридан топиб беринг, деб. Дўстингиз унамади...” (Маҳмудхонга.) Қанақа дори?

**Маҳмудхон.** Баччағар бир ютум бўлса ҳам заҳар топиб беринг, деб келганди.

(Ғафур Ғулом бир оз ўйланиб қолади.)

**Ғафур Ғулом.** Шу гапни менга айтсанг бўлмасмиди? Ҳаётдан тўйган экан-да, бечора!

**Овозлар.** Хатни эштайлик.

**Ғафур Ғулом.** (ўқишда давом этади). “... Ўша кунларда, бахтимга, Москва гаеталаридан бирида эълон чиқиб қолди. Пойтахт театрларидан бири Хлестаков ролини ижро этиш учун танлов эълон қилган экан. Мен Наби Раҳимовнинг шу ролини яхши кўриб қолиб, Хлестаковнинг барча ўзбекча ва русча монологларини ёдлаб олган эдим. Ҳатто иккинчи курсда домлам курс иши сифатида “Ревизор”ни кўйганида, мен бош ролни ижро этган эдим. Барча ҳужжатларни, ўша ўқув спектаклдан олинган суратларни юборган эдим, танловдан ўтибман шекилли, чақириб қолишди.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, самолёт билетига ҳам, меҳмонхонага ҳам, трамвай-прамвайда юришга ҳам, уч-тўрт кун тирикчилик қилишга ҳам мулла жиринг керак. Хуллас, дадажон, сиз ҳаммангиз ўзбек халқининг Ҳотамтойлари бўлганингиз учун бир эркалик қилгим келди. Насиб қилса, ота-она меҳрини кўрмай, болалар уйида яхши-ми-ёмонми тарбия кўрган мендек нодон, мендек бахтсиз боланинг Наби Раҳимовдек машҳур артист бўлганини кўрасиз.

Сизларнинг бугунги ўтиришингизни ҳам, асабларингизни ҳам бузганим учун мен бахти қарони кечиринглар! Худо хоҳласа, келгуси йили “қорхат”нинг ўтиришини Дўрмонда ўзим қилиб бераман!

Дадажон! Менга омад тиланг! Мабодо Москва театрлари учун характеристика керак бўлиб қолса, албатта, яхши характеристика ёзиб берасиз, деб умид қиламан.

Сизга Жамбул умрини, Алпомиш кучини, ҳазрат Навоийнинг обрўсини тилаб, бир оғиз сўзингизни аяган ўғлингиз Ҳамдам Ҳамдамов". (Хатни стол устига ташлайди.)

**Собир Абдулла.** Ҳамдам Ҳамдамов бўлмай, жувонмарг бўлгур.

**Юнус Ражабий.** Мулла Фафур, ўша илтимосини бажо келтирганингизда бу савдолар бўлмасмиди?

**Ҳабибий.** Шу ўлтиришга келишга ҳам оёғим тортмай турган эди-я.

**Маҳмудхон.** Мендан бир ботмон дори-дармон олиб кетган эди.

**Фафур Ғулом.** Бу бола мен ўйлагандек аферист кўринмайди. Аферист бўлса, қочарди-кетарди, думини тутқазмай...(Бир оз сукутдан сўнг.) Ўша шеърият мухлиси бўлган, менинг мухлисим бўлган директорига бир оғиз айтиб қўйсам, асакам кетармиди?! Бошқа ролларини билмайман-ку, Хлестаков ролини қийворадиган бола экан! Театрга шунақа туғма артистлар ҳам керак-да, Собиржон! (Сукут.) Қани, олайлик! (Ҳамма нима учун қадаҳ кўтараётганини билмай, ҳайрон. Шу пайт Ғайратий хатни олиб, Фафур Ғуломга дейди.)

**Ғайратий.** Хатнинг орқасида ҳам бир-икки сўз ёзилган эканми?

**Фафур Ғулом** (хатни Ғайратийнинг кўлидан тортиб олиб ўқийди). "Дадажон! Ҳабибий домланинг кўйларини олишга олдим-у, мўйсафидга жабр бўлмасин, деб ён кўшнларининг ҳовлисидаги тут дарахтига боғлаб кетдим. Собиржон амаким, Юнус тоғамлар беришган пул ҳисобига Ижод уйининг катта ошхонасига дастурхон безатиб қўйганман. Ўша ерга ўтиб, базми Жамшидга марҳамат қилсанглар! Бундан Саодатхон аямларнинг хабарлари бор. Улар менинг илтимосим билан Дўрмон хангомасини сизлардан яшириб турдилар. Менинг ҳам, уларнинг ҳам бир қошиқ қонимиздан кечинглар. Хўрмат билан ўғлингиз Ҳамдам Ҳамдамов". (Бир оз сукутдан сўнг.) Вой, аферист-е!

(Собир Абдулла кўнгиноқ қилиш учун телефон олдига боради. Шу пайт Саодатхон бир тоғора пишириқ кўтариб киради.)

**Саодатхон.** Ассалому алайкум, азизлар! (Фафур Ғуломга.) Фафур ака! Фақат сиз эмас, биз, қўқонлик аёллар ҳам озгина бўлса-да ҳазил қилишни биламиз. Бир сизларни синаб кўрайлик, дедик-да, Ҳамдамжон билан!

**Ҳабибий.** Ажаб воқеа бўляптими?

**Юнус Ражабий.** Ўнгимми, тушимми, билмай қолдим.

**Маҳмудхон.** Ҳазил ҳам шунақа бесўнақай бўладими, Саодатхон? Бир ботмон дорининг пулига тушдим, деб инфаркт бўлишимга оз қолди.

Саодатхон. Маҳмудхон ака, лоф деса ола қопни олиб қочадиган бўлиб кетибсизми? Мана, дорингиз. (Дастурхон орасидан кичик пакетчани олиб, стол устига қўяди.) Юраги мўртлар ичадиган дорилар экан.

**Ғайратий.** Энди, биродарлар, ўзбек бор жойда ҳазил ҳам бўлади. Нозикми, бесўнақайми, ишқилиб, ҳазилнинг таги зил бўлмаса бўлди.

**Юнус Ражабий.** Ҳамдамжоннинг етим ўсанлигини эшитиб, бир воқеа ёдимга тушди. Уруш йиллари, денг, Янгийўлдаги театрда ишлаб юрган эдик. Бир куни денг, Турғун Алиматов шаҳарга тушиб, скрипка кўтариб чиқди. Шаҳар бозорида ленинградлик бир ўрис киши тирикчилик тақозоси билан музикант отасидан қолган скрипкани сотмоқчи бўлиб турган экан. Турғун, денг, мирқуруқ бўлса ҳам ҳаваси келиб, скрипкани кўлига олиб чалипти. Аввал ўзбекча куйни, кейин эгаси ҳам бир маза қилсин, деб "Катюша"ни. Ҳалиги, денг, ўрис киши урушдан қайтаётган экан. Етим қолган фарзанди Ўзбекистондан паноҳ топганини эшитиб, ахтариб келган экан. Тошкентдаги болалар уйидан топипти. Ўзбек халқи фарзандининг бошини силаб, соғ-омон катта қилаётганини кўриб, азбаройи хурсанд бўлганидан бояги скрипкани Турғунга совға қилипти. "Буни сотиб, бой бўлармидим? Яхши одам кўринасиз, чалишни биларкансиз,



музикант экансиз. Зора отамдан қолган шу табаррук совға билан ўзбек халқи олдидаги қарзимни озгина бўлса ҳам узсам”, дебди.

**Ҳабибий.** Ғаройиб ривоят экан.

**Юнус Ражабий.** Ривоят эмас, нақ бўлган воқеа. Етимнинг бошини силашдан ортиқ савоб йўқ бу дунёда.

**Ғафур Ғулом.** Муҳаммад пайғамбар рўза ҳайити кунлари масжидга кетаётган эканлар, йўлда йиғлаб, кўзлари гирён бўлиб турган бир етим болани кўриб қолиптилар. Муҳаммад пайғамбар етим боланинг қошига келиб: “Сени биров хафа қилдими? Нимага йиғлаяпсан?” деб сўраптилар. Етим бола: “Ҳамма ўртоқларимнинг туялари бор. Улар ҳайит намозига туя миниб боряптилар. Туям йўқлиги учун йиғлаяпман”, деб жавоб берипти. Муҳаммад пайғамбар етимнинг сўзларини эшитиб, бўйинларини ер баравар эгибдилар-да: “Кел, бўтам, елкамга чиқиб ўтир, мен сенинг туянг бўла қолай”, дебдилар. Етим бола Муҳаммад пайғамбарнинг елкаларига чиқиб, туя қилиб юра бошлабди. Етим бола яна армондан чиқиш учун Муҳаммад пайғамбардан туяга ўхшаб “афу”, “афу” деб ўкиришини сўрапти. Муҳаммад пайғамбар бир марта “афу” деб ўкириптилар, бола хурсанд бўлиб, “яна, яна” депти. Муҳаммад пайғамбар иккинчи марта “афу” деб ўкирган эканлар, Худодан нидо келибди: “Бир марта “афу” деб ўкирганингда одамзоднинг учдан бир қисмининг гуноҳидан ўтдим. Иккинчи марта “афу” деб ўкирганингда иккинчи гуноҳкор қисмини ҳам кечирдим. Энди бас қил, зеро, яна бир марта “афу” десанг, ҳамма бандаларимнинг гуноҳидан кечишга мажбур бўламан ва ер юзида дўзахга тушадиган бирор гуноҳкор қолмайди”. (Бир оз сукутдан сўнг.) Мана шунақа, етимнинг бошини силашдан ортиқ савоб йўқ дунёда. Етимнинг бошини силаган киши Парвардигор олдида ҳар қандай гуноҳларидан фориғ бўлади.

**Ҳабибий.** Ғаройиб ривоят экан.

**Ғафур Ғулом.** Балки ривоятдир, балки бўлган воқеадир. Бунинг сира аҳамияти йўқ. Аммо шу нарса ҳақиқатки, етим болаларга меҳр-оқибат кўрсатиш, уларни она-ота меҳрига зор этмаслик – улўғ фазилат. Фақат етим-есирларни эмас, барча болаларни полопон пайтидан бошлаб воға етгунига қадар меҳр-муҳаббат боғида парвариш қилиш – сиз билан бизнинг Парвардигор олдидаги бурчимиздир. Меҳр кўрган авлодгана (шу пайт хона деворлари кенгайиб, Ижод боғининг навбахор кунларидаги гўзал манзараси кўзимизни қамаштириб юборади.) меҳрибон, самимий, бағри кенг, ҳалол ва ақл-фаросатли кишилар бўлиб улғаяди.

**Саодатхон.** Улуғ гапларни айтдингиз, Ғафуржон ака. Бўйингизни эгиб, “афу” демасангиз ҳам мен билан Ҳамдамжонни кечирган бўлсангиз бўлди.

**Ғафур Ғулом.** Албатта, кечирдим. Ҳаммамиз кечирдик.

**Собир Абдулла.** Менинг инфаркт бўлиб, нариги дунёга кетишимга бир баҳя қолди, Саодатхон. Ҳамдамжонни кечирган бўлсам ҳам...

**Саодатхон.** Нима, мени кечира олмайсизми? (Собир Абдулла бошини эгиб, бирор сўз айтмайди.) Ундай бўлса, ундай бўлса... (Аразлаб чиқиб кетади.)

(Ноқулай вазият.)

**Ғафур Ғулом** (вазиятдан чиқиш учун хиргойи қила бошлайди). Энди сендек... (Сукут.) Энди сендек жоно-жонон... (Сукут.) Қайдадир... (Сукутдан сўнг.)

*Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,*

*Кўриб гул юзингни боғда бандадур,*

**Маҳмудхон.** Робинзон Крузо бўлиб кет-е, Ғафур!

**Юнус Ражабий.** Робинзон Крузо эмас, Карузо. Энрике Карузо, буюк итальян хофизи.

**Маҳмудхон.** Робинзон Крузоми, Карузоми – нима фарқи бор?

**Ғафур Ғулом** (эътибор бермай). Энди сендек..

**Собир Абдулла** (ўрнидан туриб, секин ашулага қўшилади), Энди сендек...

Ҳамма ашулага қўшилади. Ашула давомида Саодатхон ҳам кириб келиб, жўровоз бўлади.

Ҳамма:

*Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,  
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,  
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур..*

Парда.

**Ғафур Ғулом.** Дунёда фақат бир нарса қолади. Яхшилиқ! Ҳатто ёмонлик ҳам бора-бора унутилади. Шунинг учун машойихлар: “Отангни ўлдирганга онангни бер!” дейишган. Аҳмад Яссавий ҳам, Лев Толстой ҳам, Маҳатма Ганди ҳам: “Ҳой, инсонлар! Сизларга ёмонлик қилганга ҳам яхшилиқ қилинг! Яхшилиқ қилишда ҳикмат кўп! Белингизга доим яхшилиқ камарини боғлаб юринг!” деб ўтиб кетишган. Нима, биз шу улуғларнинг васиятига амал қилсак, бирор жойимиз камайиб қоладими?!

**Ғайратий.** Гуноҳ қилган одамни жазолаш ҳам тарбия, унга олижаноблик намунасини кўрсатиш ҳам. Дўстим, етимлик нималигини сен ҳам, мен ҳам яхши биламиз. Келинглари, ота-она меҳрини кўрмай, шу кўчага адашиб кириб қолган бир боланинг кўлига кишан солиб, кўчама-кўча сазойи қилмайлик!

**Юнус Ражабий.** Ҳаммамизнинг дилимиздаги гапни айтдинглари, устозлар! Бу, чи-накам инсонларвар шоирларнинг гапи!

**Ҳабибий.** Яхшилиқдан яхшилиқ туғилади, азизлар! Ёмон болани ёмон деган билан унинг тузалиши маҳол. Бу хунук воқеадан ҳамма – ота-оналар ҳам, ёшлар ҳам хулоса чиқариб олсалар айни муддао бўлурди!

**Ғафур Ғулом.** (гўшакни кўтариб). Генерал! Яна мен, Ғафурман!. Москвага кўн-ғироқ қилинг! Қўйиб юбориша қолсин. Биз кечирдик. Эси бўлса, бу яхшилиқни ҳеч қачон унутмайди. Балки бутунлай бошқа одам – яхши одам, ҳалол, меҳнаткаш ва меҳрибон одам бўлиб кетар. (Гўшакни қўйиб.) Шундайми?

Ҳамма. Шундай, шундай,

**Ғафур Ғулом.** Қани, санъаткорлар! Шўхроғидан олинглари!

Санъаткорлардан бири. Нимадан бошлайлик, Ғафур ака?

**Ғафур Ғулом.** “Танавор”дан-да, нимадан бўларди! Бундан ҳам гўзал ашула бор-ми, бу ёруғ дунёда?! Рақси-чи, рақси? Мукаррамхоннинг “Танавор”га хиром айлаганини кўргансизлар-ку!!! “Танавор”, яшавор!

**Ашула**

*Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,  
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,  
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.*

Ашула бошланаётган чоғда даврага Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир кириб келиб, ашулага жўрлик қиладилар. Аста-секин бошланган ашула тобора авжлана бо-ради.

Парда



## Шеърят

## Улгайтирдим мурғак онларни

\* \* \*

Тун ҳам, тонг ҳам сенда яширин,  
Замин сенда, осмон ҳам сенда.  
Қисмат – нишон айлана кунлар,  
Ўқ ҳам сенда, камон ҳам сенда.

Сенда чароғ... Офтобга тутиб  
Улгайтирдим мурғак онларни.  
Мен билмаган гўзал исминг-ла,  
Чорляпти шамол тонгларни.

Сенда манзил... Тушдим йўлингга,  
Ёмғирларга кирдим намчил куз.  
Ҳеч ортимдан юрмас хавотир,  
Ҳеч кўнглимга келмас бирор сўз.

Сенда йиллар... Сукутли бўрон,  
Сенда тупроқ, сенда олов, сув.  
Гоҳо дордан ўтгандек қалқиб,  
Хаёлимдан ўтар бир қўрқув.

Сенда кеча... умидли кундек,  
Йўлларимга дил чиқар пешвоз.  
Бошгинамда сен эмас, йиғлар,  
Ой шаклида тун берган овоз.

\* \* \*

Ҳаммаси...  
Ҳаммаси бошқача бўларди –  
Дилни олиб қолсанг дарахт ёнида.



**Ҳабиб  
АБДУНАЗАР**

1968 йил  
туғилган.

Тошкент Давлат  
университети  
(ҳозирги Миллий уни-  
верситет)нинг жур-  
налистика факуль-  
тетини тамомлаган.  
“Манзара”, “Анжир  
гули”, “Гулларни  
кўмсаган оғоч” каби  
шеърий тўпламлари  
нашр этилган.

Шохларга боғласанг яшил орзуни,  
Чалсанг,  
қўнғироқдек кунлар уйғонса.

Ердан чиқиб қолган тошдек илдизга  
Танғисанг кўнғилнинг чайир ипини.  
Севги чирқилласа – тун – қора илон –  
Ёйиб юборса гар зулмат тўпини.

Нигоҳинг осилиб тушса юракдан,  
Бир ҳовуч нур отсанг кундузга.  
Гурр этиб тўкилса дарахт барглари,  
Поклансанг,  
чўмилсанг заъфарон кўзга.

Ҳаммаси...  
Ҳаммаси бошқача бўларди.

\* \* \*

Икки бармоқ ораси юрак –  
Бу юракнинг ранглари сўлди.  
Икки куннинг ўртасида жим  
Турган дунё йиғлади, кулди.

Икки манзил тутиб қўлогим,  
Сўзларини эшитдим, билдим.  
Икки тошни уриб, чақмогин  
Юмалоқлаб самога илдим.

Ғаройиб кун, ғаройиб кўнғил,  
Икки кеча айламини фигон.  
Икки ёнга қарадим: – Ўзинг!  
Мен йўқману сен бори замон.

Қара қуёш, ой ва булутлар...  
Бунча иссиқ кўринди гардун.  
Мен билмаган икки оламда  
Билганларим айтиб юрар тун.

\* \* \*

Дарё.  
 Мавжланар, тошар...  
 Сузиб ўтар ундан бир томчи ёшинг.  
 (Кўйлагингни юваётир тонг...)

Майин ҳаво.  
 Ҳалқаланар  
 томогингда туриб қолган  
 зангори кунлар –  
 дард билан туғилган кечанинг умри.  
 (Сочларингни силаб уйғонар юрак...)

Қора тупроқ.  
 Усти-бошин қоқиб турар ўрнидан:  
 тош, ҳаво, сув...  
 (Миттигина лойсувоқ уйнинг  
 дарчасидан қарайди гул – руҳ...)

Гулхан ёққан қиз  
 ўлтирар оловга тикилиб...

\* \* \*

Тош кўзида турди шамол,  
 Дил лабида ишқимиз.  
 Орзу эдик, шайдо эдик,  
 Юрак – зангор кўшқимиз.

Ғичирлайди оёқ ости,  
 Сомон эдик, хас эдик.  
 Аста-аста юрди осмон,  
 Оёғида ер – этик.

Билдирмайин кирди тунга,  
 Кундуз шомларга ботиб.  
 Овчимиди тун кўзи-ла  
 Қўйди хаёлни отиб?!

Энди юрак юмишоқ ҳаво,  
 Толиқтирар юрак ҳам.  
 Дилни эса тарк этмади  
 Чехралари очиқ ғам.

## Адабий жараён минтақалари



**Елена  
БЕЛЯКОВА**

*Таржимон, дарматург, адабиётшунос. Вологда Давлат педагогика институтининг хорижсий тиллар факультетини битириб, Санкт-Петербургдаги Герцен номли Россия Давлат педагогика университетининг аспирантурасида ўқиган. Бир қатор бразилиялик ижодкорлар, хусусан, Машаду де Ассиза, Жоржи Амаду, Клариси Лиспектор, Эдилберту Коутиньяоларнинг асарларини таржима қилган. Ўзининг “Қум капитанлари”, “Юлдузлар соати” сингари драмалари нашр этилган.*

## ШАРБАТГА ТЎЛА МЕВА ЁКИ БЕМАЗА ЙЎГУРТ\*

Жоржи Амаду ва Пауло Козльо – бразил адабиётидаги икки даврнинг икки йирик намояндасидир. Бу машҳур бразил адиларининг асарлари дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган. Уларнинг китоблари адади ўнлаб миллиондан ошади. Шундай бўлишига қарамасдан, бу иккала муаллиф ижодига тамоман қарама-қарши муносабат мавжуд. Яъни, Амаду ижоди адабиётдаги байналмилалликнинг, Козльо асарлари эса глобализмнинг тимсоли сифатида кўрсатилади.

Бир қарашда, байналмилаллик ва глобализм бир-бирига яқин тушунча кўринади. Аслида эса, улар мазмун-моҳиятига кўра тамоман тесқаридир. Байналмилаллик миллатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни, халқларнинг ҳамжиҳатлигини тарғиб этиб, маданият, илм-фан, технологиянинг ўзаро алоқадорликда ривожланишини ёқлайдиган мафкурадир. Байналмилаллик бир маданиятнинг бошқа миллат маданияти устидан ҳукмрон бўлиши ёки уни йўқ қилишни аңлатмайди. Аксинча, миллий маданиятлар бир-бирига таъсир кўрсатиб, равнақ топиши, гуллаб-яшнашини билдиради.


Глобализм – бу миллий маданиятларнинг бузилиши, айниши ва мавҳ этилишидир. Чунки, глобализм инсониятга турлича маданиятга эга миллатлари бўлмаган бир турдаги индивидлар оммаси сифатида қарайди. Эмишки, ер шарининг исталган жойида – Нью-Йорк, Рио-де-Жанейро, Париж, Москва ёки Череповецдаги дўконлар пештахтасида ҳам бир хил маҳсулотлар туради, кўчаларда бир хил автомобиллар юради, одамлар бир хил кийим кияди ва, айти, бир хил фильмларни томоша қилишади.

Байналмилаллик инсониятнинг истиқболини ҳар бир миллат маданиятидаги энг яхши жиҳатлардан таркиб топадиган ягона умуминсоний маданиятни яратишда кўради ва глобализмлаштириш халқлар маданиятини бойитмайди, балки уни бир хил шаклга солиб барбод қилади, деб билади. Халқлар маданиятидаги ўзига хос миллий хусусиятларни йўқотиш барча халқлар маданиятидан устун турадиган афзал бир маданиятнинг ўрнатилишига олиб келади, деб ўйлаш хато. Асло, бундай бўлмайди. Бу, умуман, маданиятнинг йўқотилишига олиб келади. Чунки миллий илдизларидан маҳрум маданият худди қирқилган дарахт сингари қуриб битади.

Жоржи Амаду шўро ёзувчиларининг иккинчи съезидаги нутқида байналмилалликнинг адабиётдаги моҳиятини: “Бизнинг китобларимиз – романларимиз ёки шеърларимиз инқилоб ишига хизмат қила олсин. Улар, энг аввало, бразилча бўлиши зарур. Уларнинг байналмилаллиги шунда кўринади”, дея ифодалаган

\* Мақола "Шарқ юлдузи" журнали таҳририяти таклифига кўра таржима этилди.

эди. Амадуниг ижоди бу қарашнинг ёрқин намунасидир. У барча бразил ёзувчилари орасидаги ҳақиқий бразил адиби сифатида бутун дунёга машҳур. Амаду асарларини бутун дунёда севиб ўқишади. Чунки у ўз халқининг қалбини очиб кўрсата олган. Бразилияликларнинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати эса шундаки, улар табиатан оптимист бўлиб, кунларини шоду хуррамлик, қувонч билан ўтказишади. Амадуниг юксак маҳорати туфайли бразилияликларга ана шу ўзига хос фазилат худди “жумбоқ рус қалби” сингари жаҳон адабиётида ўз аксини топди. Жоржи Амадуниг илк романи “Карнаваллар мамлакати”дан тортиб, сўнгги “Пираньясада мўъжиза” асарига-ча бразил халқининг ўзига хос турмуш тарзини гавдалантиради. Адиб асарлари айни жиҳати билан осмонини булут қоплаб, еридан етти ой қор кетмайдиган, баҳор ҳеч қачон келмайдигандек туюлганидан оптимист бўлиш мушкул Россия сингари мамлакатлардаги кишилар маънавиятига ижобий таъсир этади. Амадуниг романлари бундай мураккаб шароитда яшаётган одамлар учун С дармон-дорисига айланиб, уларда ҳаётга интилиш ҳиссини оширади.



Амадуниг қаҳрамонлари рангсиз, туссиз, шунчаки ҳаракатланадиган бир қолипдаги шарпалар эмас. Уларнинг ҳар бири ўз манзил, маконига эга. Ҳар бирининг ўзига хос ташқи қиёфаси, феъл-атвори, ўз ҳаёти ва қисмати бор. Шу боис ҳеч бир киши адиб асарларидаги Дон Флорни Габриэла ёки Тереза Батиста, Капрала Мартинани эса Педро Пула билан адаштирмайди. Улар ўқувчи кўз ўнгида худди ҳаётдаги одамлар сингари намоён бўлади. Дунёдаги миллионлаб кишилар адиб қаҳрамонлари билан биргаликда шодланиб қувонади, изтиробга тушиб йиғлайди. Чунки улар худди ҳаётдаги кишиларга ўхшайди. Амаду уларни жонажон Баияси кўчаларида, теварак-атрофидаги одамлар орасида кўрган, кузатган. Коэльонинг китобларида эса қаҳрамонлар йўқ. Уларда, ҳатто, персонажлар ҳам мавжуд эмас. Унинг китобларида узук чизиклар билан чизилган, миллати ҳам, ёши ҳам, феъл-атвори ҳам ноаён шарпа мавжуд, холос. Бу шарпалар турли замонда, ҳар хил ўлкаларда яшаши айтилса-да, улар шунчалик ўхшашки, бир-бирдан деярли фарқ қилмайди. Муаллиф асарларида китобдан-китобга ўтган бир хил қиёфалар турганга ўхшайди. Улар Пауло Коэльонинг ўзи бўлиб кўринади. Гўё Коэльо карнавалда турли ниқобларни таққан, дейсиз. Коэльо ўйлаб ўтирмасдан ҳаёлига келганини ёзаверади. Бу тўғрида унинг ўзи “Домино қоидалари”да очикдан-очик: “Тўғриси, ўзим яхши биладиган бир киши, яъни, ўзим ҳақимда ёзаман”, деган.

Жоржи Амаду ўша пайтда шўро мамлакатига мафкуравий асосларга кўра “бош бразил адиби” ролини бажарувчи сифатида танланган эди. Аммо шўро ўқувчилари уни илк китоблари босилиб чиқиши билан чин дилдан севиб қолишди. Амаду ижодининг таниқли тадқиқотчиси В.Н.Кутейшиков бу ҳақда эслаб: “Ушанда олис Янги Дунё ўлкаларида сирли ҳаёт кечираётган нотаниш кишиларнинг туғён, эҳтирослари қалбимизга тропика бўрони янглиғ бостириб кирган эди”, дейди.

Пауло Коэльо, ҳатто, бу жиҳатдан ҳам Амедуга тамоман тескари. Унинг рус тилига ўгирилган илк романи “Алкимёгар” 1998 йилда босилиб чиққанида ўқувчилар мутлақо эътибор қилишмади. Ноширлар “Алкимёгар”ни бестселлерга айлантириш учун анча тер тўкишди. Улар Коэльонинг асарларини тарғиб этиш учун Жоржи Амадуниг тушига ҳам кирмаган қудратли PR акцияларидан фойдаланишди. Пауло 2002 йилдан бери Россияга мунтазам келиб туради ва унинг ташрифлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Унинг биринчи келиши жуда дабдабали бўлган: энг оммавий нашрларда ёзувчи билан суҳбатлар чоп қилинган. Биринчи каналда унинг тўғрисида фильм намойиш этилган, Коэльонинг ўзи “Домино қоидалари”га ўхшаш бир неча ток-шоуда иштирок этиб, матбуот анжуманларида китобхонлар билан учрашувларда қатнашган эди. “Оқ булутлар” маданият маркази эса Коэльо китоблари асосида махсус этно театр фестивали тайёрлаган эди. Табиийки, бу тадбирлар ўшандаёқ натижа берган эди. 2008 йил сентябрдан унинг барча китоблари сотилиб кетди. Коэльонинг рус тилидаги бешта асари ўнталик бестселлер қаторидан ўрин эгаллади.

Айни пайтгача Коэльонинг 13 китоби рус тилига таржима қилинган. У шу тариқа Амудан кейин бразилиялик муаллифлар орасида рус тилига таржима қилинишига кўра иккинчи ёзувчига айланди. Аммо Коэльони бразилиялик ёзувчи деб бўлармикан? Унинг тўғрисидаги дастлабки мақолалардан бирида: “Ҳеч қачон Бразилия тўғрисида ёзмайдиган бразилиялик”, дейилган. Чунки унинг китобларида бразилча бирор нарса йўқ. Улар миллийликдан бутунлай маҳрум. Коэльонинг қаҳрамонлари табиатан глобалистдир.



Козьонинг фалсафий мунозаралари бадиий адабиётга асло алоқадор эмас. Чунки унинг китобларида ўқувчи бирга ҳаяжонга тушиши, қайғуриши мумкин жонли қаҳрамонлар образи кўринмайди. Муаллифнинг мушоҳадалари кимларнингдир фикридан олинган иқтибосга ўхшайди. Ёзувчи кўпчиликка аён ҳақиқатларни тасдиқлайди. Козьонинг барча асарларида ҳаётда ҳар бир кишининг ўз йўли бор, аммо ҳамма ҳам истакорзуларига етказадиган бу йўлдан қатъият билан охиригача боролмайди, деган бир фикр ўн марталаб қайта такрорланади. Таъкидлаш жоизки, Пауло Козьо бу борада улуг адибнинг кам сўзга кенг фикрни жойлаб ёзиш керак, деган ўғитига қатъий амал қилиб, бошқа бир ғояни тикиштирмасдан, бошқача қарашни қарама-қарши қўймасдан ягона бир фикрини юздан ошиқроқ саҳифага кенгу мўл қилиб жойлайди.

Козьо ким тўғрисида, нима ҳақида ёзмасин, у панд-насиҳат, ўғитлар жамланмаси бўлиб қолади. Шу боисдан унинг асарлари бир-бирига жуда ўхшайди. Ёзувчининг бир неча китобини ўқигач, улар аслида битта китоб экани аён бўлади.

Пауло ўзининг насиҳатгўйлиги, одоб-ахлоқ ўргатиши, “йўл излаш”га ундаши, бу борадаги билимини намойиш қилиши билан кишини бездириб қўядиган даражада жонга тегади. Мана, у ўзининг “Ўн бир дақиқа” китоби тўғрисида нима дейди: “Ушбу роман секс моҳиятини тушуниш йўли тўғрисида бўлиб, мен уни ўзимнинг шахсий ҳаётимни англаш учун ёздим”. Пауло Козьо Льюиз Керроллнинг китобидаги Герцогиняни эслатади. Алиса менга ақл ўргатаверманг, деганида у: “Жонгинам, мен насиҳат қилишдан бошқасини билмайман”, дейди. Ачинарлиси шундаки, Козьо кимгадир ақл ўргатмайди, у панд-насиҳатларини ёзади. Наҳотки 50 миллион одам (китоблари ададини шунча дейишади) га унинг китоблари ёқса?

Козьо асарларининг тили ниҳоятда жўн бўлиб, унда бадиийликнинг бирор унсури кўринмайди. Амаду асарларидан фарқли ўлароқ, Козьонинг ёзганларида муаллифга хос услуб сезилмайди. Шунинг учун унинг китобларини жуда осонлик билан исталган хорижий тилга ўгириш мумкин. Тўғрироғи, улар аслида айнан шуни ҳисобга олиб яратилади.

Янши бадиий китоб, аслида, ҳаёт дарслигидир. Ҳа, ҳаёт дарслиги, баённомаси эмас. Бундай китоб, аввало, кишининг ҳис-туйғуларига таъсир ўтказиб, унинг қалбини буткул эгаллаб олади. Ундан айрилишнинг иложи бўлмай қолади. Жоржи Амадунинг асарлари шундай: биз уларнинг қаҳрамонларини севиб қоламиз ёки нафратланамиз, улар билан бирга завқланамиз ёки ҳайратга тушамиз, қандай яшаш кераклиги ҳақида ўйга толамиз.

Козьонинг китоблари бундай эмас. Унинг ёзганлари қалбга кириб бориб, кишида хаёл-тасаввур уйғотмайди. Улар ўзига бино қўйган, манман, мижғов одамга ўхшайди. Козьо учун ҳазил, юмор ҳисси тамоман бегона. У ўзига ҳам, ижодига ҳам аллақандай тақабурлик билан қарайди. Сира ўйлаб ўтирмасдан: “Мен ажойиб ёзувчиман...”, деб даъво қилади. Жоржи Амаду эса ҳаммиша ўзи тўғрисида: “Мен Баия штатидан бор-йўғи кичик бир ёзувчиман”, дерди.

Образли ифодалаганда, Амаду ижоди ширага тўла тропик мева бўлса, Козьонинг китоблари сунъий қўшимча ва бўёқлардан бўлак ҳеч нарсаси йўқ таъмсиз йўгуртдир. Козьонинг асарлари ўрта тоифадаги истеъмолчилар дидига мос келади. Уларни интеллектуал даражаси жўн одамлар қизиқиб ўқийди. Асл адабиёт китобхонлар қалбини безовта қилиб, дунёнинг абадий муаммоси – ўзи ва олам тўғрисида мушоҳада қилишга мажбур этади. Козьонинг асарлари эса худди уй ичида кийиладиган бошмоқ сингари мулоийм ва қулай бўлиб, улар биргина ҳис – ўздан тўла мамнунлик ҳиссини туғдиради.

Козьонинг битикларига ўхшаш адабиёт, бир қарашда, мафкурадан холига ўхшайди. Аслида эса, бу хил адабиёт аниқ ва қатъий дунёқараш – глобализм мафкурасини ифодалайди. Жоржи Амадунинг китоблари курашчи ва яратувчини тарбияласа, Козьониники истеъмолчиларни етиштиради. Бу истеъмолчилар учун китоб ҳам йўгурт ёки чангютгич сингари маҳсулотдир.

Жоржи Амаду ёки Пауло Козьо: бу курашда ким ғолиб чиқади? Козьо китобларига қизиқиш пасайиб, Амаду асарларига интилиш ортиб бораётгани инсониятда ҳали имконият борлигини билдиради.

(Мақола “Литературная газета”нинг  
2012 йил 8-14 август (№32-33) сонидан олинди.)  
Рус тилидан Абдулла УЛУҒОВ таржимаси





## Булоқ кўз очди

### Рухим куши сайраб сен шомон ула

Тановор

Гулли кўчаларда ташлайман қадам,  
Гулгун ҳисларимда саволлар тугун.  
Балки у ёнимда турар айти дам,  
Тополармикинман уни шу бугун?

Қайрилиб қарайман қани, қаерда,  
Наҳотки, йўқликка кетганман сингиб?  
Нур бўлиб чиқаман зулмат бағридан,  
Ёнингга кетаман елларни енгиб.

Мана, сенга оппоқ юрагим тутдим,  
Бир бор кўрсатмайсан ўзингни нечун?  
Сени эслайман, деб, ўзни унутдим,  
Ўзимни йўқотдим сени топмоқ – чун.

Сен эса қаерда, кутяпсан нени,  
Қара кўзларимнинг соҳиллари нам.  
Оламга ҳайқириб, чақирсам сени,  
Жавоб берар ҳатто тоғу тошлар ҳам.

Нега сукутдасан – нимага жимсан,  
Тинмай беравердим шу саволларни?  
Нигоҳинг акси бор фалакка қасам,  
Излайвердим сенга элтар йўлларни.

Қаерга бормайин сезиб тураман,  
Ортимдан кузатган нигоҳинг кучин.  
Жонимни бераман, борим бераман,  
Ўша нигоҳингни кўрмоқлик учун.

Исминг айтмай десам, куйди томогим,  
Бўғзим – ҳамма ёғи илма-тешик най.



**Меҳриноз  
АББОСОВА**

1995 йил  
туғилган. 2011 йил  
“Келажак овози”  
Республика кўрик-  
танлови голибаси,  
2012 йил Зулфия номи-  
даги Давлат мукофо-  
ти совриндори бўлган.  
Шоиранинг “Мен  
ёшликман” номли илк  
китоби Ўзбекистон  
Ёзувчилар уюшмаси  
“Ижод” жамоат  
фонди томонидан  
нашр этилган.  
Ҳозирда, НамДУ  
қошидаги иккинчи  
академик лицейда  
таҳсил олмоқда.

*Ҳатто дарахтлар ҳам сенга интилса,  
Мен нега туришим керак индамай?*

*Маширабдай дунёни кезарман далли,  
Сен – тенгсиз маъшуқсан, биз – сўзсиз ушишоқ.  
Одимласам фақат сенинг ёдинг-ла,  
Тикон ҳам янчилди гул каби юмишоқ.*

*Сирқираб қон оқди товонларимдан  
Ва бу қон тупроққа қоришиб кетди.  
Юрагим қуёшга айланди бирдан,  
Кўнглум кўчалари ёришиб кетди.*

*Ҳавонинг шаклини кўра бошладим,  
Шамолнинг рангини илгадим ногоҳ.  
Сирли висолингни топишим ҳаққи,  
Менга бутун борлиқ бўлди хайрихоҳ.*

*Осмонда нигоҳинг, гулда оразинг,  
Тогларда савлатинг, бағринг қирларда.  
Майин саболарда учди нафасинг,  
Сиймонг гавдаланди рангин нурларда.*

*Гунчанинг лабида пичирладинг сен,  
Қушлар сен ўргатган қўшиқни айтди.  
Еллар этагини ҳилпиратиб кенг,  
Хиромон айламиш боғларда дайди.*

*Бани борлиқ сенга қилар ибодат,  
Руҳим қуши сайрар сен томон уча.  
Билдим, мужассамсан, сендан иборат  
Заминдан то олис коинотгача.*

*Энтикдим номингни такрорлаётиб,  
Сени ахтаришни қилмасдан канда.  
Тун қора кўрпасин устига ётиб,  
Ойни ёстиқ қилиб ухлаб ётганда.*

*Аста чайқалади осмон денгизи,  
Юлдузлар кўзимга кетмоқда сачраб.  
Ҳар бир нафасимда нафасинг сезиб,  
Кўзимда кўзингни қололсам асраб.*

*Топдим, сенга бўлган чин ишқим золиб,  
Билдим, билдирмасдан кузатаётган ким.*

*Энди юрагимга жойлашиб олиб,  
Кўзларимдан қараб тур, Тангрим!  
Кўзларимдан қараб тур, Тангрим!*

### Боғда

*Ялангаёқ ҳолда югурар шамол,  
Судраганча узун кўйлақларини.  
Дарахтлар тебраниб қўяр бемажол,  
Шамолнинг ҳукмига ташлаб барини.*

*О, шамол, бақироқ нодонлар каби  
Ўшқирасан, бунча беор қичқирасан?  
Айбим, шундоқ ўтаётиб, тасодифан,  
Этагингни босиб олдим, кечирасан...*

### Ажаб

*Қаёққа кетдийкин шунча йилларим,  
Наҳот, ўрганганим – йўқотиш илми?  
Ишқилиб, унутиб қўймагин, Тангрим,  
Ишқилиб, бахт билан нотаниш қилма.*

*Неларга улгурдим, эполдим нени,  
Таъқиб қилаверар саволлар ҳар дам?  
Ҳузурлар беҳузур қилади мени,  
Ноқулай бўламан қулайликлардан.*

### Наманган

*Ёш шоира Меҳриноз Аббосовани шеърлари орқали танидим. Бу муҳим ҳодиса. Унинг шеърларида туйғулар ғуж. Ботиний идрок ғуж. Кангулдан сер солиб қаралса, ёш шоиранинг битиклари хаёлнинг чизгилари, дарднинг сезимлари, руҳиятнинг ҳисларига менгзайди.*

*Бу учлик бирикиб, қалб тасаввурларига айланади. Қалб тасаввурлари орқали ўзликни ва борлиқни англаш – гўзал синоат.*

*Руҳият синоати.*

*Изтироб синоати.*

*Меҳриноз Аббосова қалбида ана шундай синоатнинг рангин нурлари қайсидир тарзда шоён бўлмоқдаки, мен, бу борада, унинг “руҳ қуши” яъни, сўзига бардавомлик тилайман.*

**Икром ОТАМУРОД**



## Меросимизни ўрганамиз



**Зебо  
ҚОБИЛОВА**

1974 йил туғилган.  
1991-1996 йилларда  
Қўқон Давлат педа-  
гогика институтида  
таҳсил олган. 2007  
йилда “Амирий ва  
унинг адабий фао-  
лияти” мавзусида  
номзодлик диссертаци-  
ясини ҳимоя қилган.  
“Амирий шеърля-  
ти” монографияси,  
“Ҳозирги адабий  
жараён” фанидан  
амалий машғулотлар  
ўтказишида инноваци-  
он технологиялардан  
фойдаланиш” номли  
услубий қўлланмаси  
нашр этилган.

## ИШҚ МУЛКИНИНГ АМИРИ

Ўзбек мумтоз сўз санъати тарихида алоҳида ҳодиса бўлган Қўқон адабий муҳитининг вужудга келиши ҳамда ривож топишида Амир Умархоннинг ҳам хизмати катта бўлган. У Амирий таҳаллуси билан ўзбек ва форс-тожик тилларида бир-дай маҳорат билан қалам тебратган зуллисонайн шоирдир.

Мумтоз адабий анъанада бўлгани каби унинг ижодида ҳам мажозий ва ҳақиқий ишқ бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисига восита сифатида қаралади. Ишқни ҳаётнинг маъноси, ижоднинг илҳомчиси ҳисоблаган шоир кўплаб ғазалларида ўзини “ишқ мулкининг амири”, “мулки дил амири”, “кўнгил тахти амири”, “жунун шаҳри амири”, “иқлими вафо амири” сифатлари билан лутф этади.

Амирий девонидан жой олган лирик турнинг қатор жанр-ларига оид намуналар образ ва образлилик билан зийнатланган. Уларда инсоннинг инсонга, табиатга, жамият ва илоҳиётга муносабати акс этади, шоир уларда асрлар давомида шаклланиб келган анъанавий образ ва бадиий тасвир воситаларига қайсидир жиҳатдан янгича маъно юклайди.

Хусусан, қуйидаги ғазални кўздан кечирганда унинг бошқа ғазаллардан зоҳиран унча катта фарққа эга эмаслигини кўриш мумкин. Аммо, ботинан шоир муқояса усулини қўллаш орқали ёр жамоли, унинг малоҳатини ўта серзавқ, таъсирчан байтлар мазмунига сингдиради:

*Мениким мастлигдин кўзларинг ўлтурди, соғ ўлсун,*

*Кўзум сарчашмаси ул икки оҳуға булоғ ўлсун. (Амирий.*

Девон. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. -№642. -149<sup>а</sup> варақ. Бундан кейин ушбу манабадан ғазал олинганда, шартли равишда Т деб ва қўқонлик адабиёт ихлосманди С.Йўлдошев шахсий кутубхонасидаги девондан ғазал олинганда эса, С деб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.)

Байт марказида маъшуқанинг кўзини васф этиш турибди. Маъшуқанинг кўзи хумор бўлмаганида, ошиқнинг кўзи булоқ бўлмас эди. Натижада, иккинчи мисрадаги “оҳу” ташбеҳи ошиқнинг кўзёш тўкиш ҳолати билан бири-киб, маъшуқа кўзининг гўзал тасвири берилган. Масто на кўзларнинг нигоҳи ошиқни ўлдиргандай бўлди. Барибир, улар соғ бўлсинлар, дейди ошиқ. Икки оҳу эса ёрнинг ўша икки кўзи. Кўзёшини тинимсиз тўкаётган ошиқнинг кўзлари эса ўша икки оҳу сув ичадиган булоқ кабидир. Шоир бу ерда сарчашма сўзини жуда ўринли ишлатган. Чунки у ҳам булоқ

маъносини беради. (“Кўзум сарчашмаси”.)

Иккинчи байтнинг мазмуни эса бундай: “Ширин лабингдан озгина уятчанлик билан кулиб қўйгин. Ўшанда шакарханд қилгандай бўлади. Ундан эса гулғунча бедимоғ бўлади (чунки унинг ўша лаб табассумдаги гўзаллигига рашки келади). Шоир лабни ғунчага ўхшатиш баробарида, ташхис санъати асосида, лабнинг ширинлигидан хижолат бўлиб, ғунчанинг латиф хидидан маҳрум бўлганлигини маҳорат билан тасвирлайди:

*Табассум зоҳир эт, ширин лабингдин инфиол айлаб,  
Шакарханд айласун, гулғунча андин бедимоғ ўлсун. (Т. -149<sup>а</sup>.)*

Лабдан кейин тиш тасвири келади. Бунда ёр тишларининг гўзаллигига урғу бериш билан бирга, гавҳардек тишларнинг гўзаллигидан мутаассир бўлган ошиқнинг ҳолати ҳам кўрсатилади:

*Кўзум то кўрди гавҳардек тишингни лаъли ноб ичра,  
Ажаб эрмас сиришкимдинки, дурри шабчироғ ўлсун. (Т. -149<sup>а</sup>.)*

Байтда тиш қизил лаъл ичидаги гавҳарга ўхшатилади. Уни кўрган кўзёш тўқади. Бу ёшлар шабчироғнинг дури кабидир. Агар “дурри шабчироғ” бирикмаси маъшуқа тишининг нур сочувчилик хусусиятига ишора қилса, навбатдаги байтда тасвир доираси янада кенгайтирилади:

*Сени гавҳар тишингни васфини дарёга арз айлай,  
Садаф они эшитмоқға саропо бир қулоғ ўлсун. (Т. -149<sup>а</sup>.)*

Тишни дур (гавҳар, инжу, марварид)га ўхшатиш – анъанавий ташбех. Лекин садафга жон ато этиш – ташхис санъатидан фойдаланиб, маъшуқа гўзаллигига урғу бериш катта маҳоратни тақозо этади.

Юз ва гулшан – доимий ҳамроҳ образлар. Амирий ғазалида гул ўзининг ёр юзи, чиройи олдидаги нотавонлигидан ёқасини чок-чок этиб, фарёд кўтаради. Байтнинг бадиий қурилишидан шоирнинг ташхис санъатига ниҳоятда эътибор бераётганлигининг яна бир исботини топиш мумкин. Яна ҳам тўғрироғи, бу ғазал тўлалигича ташхис санъати асосига қурилган. Чунки байтнинг иккинчи мисрасида маҳбуба юзидаги холни кўрса, аламдан лоланинг кўксидаги доғи устига доғ қўшилади:

*Юзинг гулшанда очким, гул ёқасин чок-чок этсун,  
Қаро холингни кўрсат, пола доғ устида доғ ўлсун. (Т. -149<sup>а</sup>.)*

Қуйидаги байт ҳам анъанавий тасвирий воситалар замирига қурилган. Ошиқ энди ташбех сифатида ишланувчи ташқи воситалардан ўз жисми майдонида мавжуд маъшуқага алоқадор воситалар тасвирига ўтади. Кўнгулнинг ёр сочига тароғ бўлиши – азалий ташбех. Лекин, бу ўринда, Амирий янада янгича йўл тутаяди, байт мазмунига халқона руҳ беради. Машшота мумтоз адабиётда анчайин кенг қўлланган образ. Машшота – қиз ва келинларнинг сочларини тараб, оро берувчи, безантирувчи пардозчи хотин. Демак, лирик қаҳрамоннинг паришонлиги, шу пардозчи аёл қўлидан-да рашк қилиши, табиий бир вазиятни юзага келтирадими, натижада, ёр сочига кўнгулнинг тароқ бўлиши ҳаётин манзарани ҳосил қилади:

*Паришонҳолмен машшота илги рашкидин ҳар дам,  
Ани сочиға, ё Раб, хаста кўнелумдан тароғ ўлсун. (Т. -149<sup>а</sup>.)*

Кейинги байтда аввалги фикр давом эттирилади. Лирик қаҳрамон маъшуқа холига гирифтор бўлибдими, сочининг шу сайд (овчи – ошиқ) учун тузоқ бўлиши тасвирга янада жонлилик бахш этади:

*Менигдек ким дамодам донаи холингни майл айлар,  
Кўнгул сайдиға, ё Раб, ҳалқаи зулфунг тузоғ ўлсун. (Т. -149<sup>а</sup>.)*  
Мақтаъда бу фикрлар ўз якунини топади. Ёр гулшани теварагида мафтуну маҳлиё

бўлиб учиб юрган кўнгул қушлари бу гулшаннинг ягона, беқиёс гулзорига шайдо. Бу қушлар – амирми, подшоҳми, булбулми, зоғми – аҳамиятли эмас. Муҳими, маъшуқа – тенги йўқ гўзал:

*Бу гулшан қушлари гулзори рухсорингни шайдоси,  
Амиру ё гадодир, хоҳ булбул, хоҳи зоғ ўлсун. (Т. -149<sup>а</sup>.)*

Девонда бу каби тавсифий ғазаллар анчагина. Улар анъанавий характерда бўлса ҳам, шоир маҳоратини белгилловчи аҳамиятга эгалиги жиҳатидан ажралиб туради.

Амирий лирикасини инсон характерининг ўзига хос ифодаси дейиш мумкин. Негаки, шоир маъшуқани куйлайдимиз, унинг жабру ситамларидан эзилган, кўнгул кечинмаларини бадиий талқин этадимиз, маъшуқадан марҳамат кутган, унинг тараҳхум қилишини истаган ошиқнинг ҳолатини кўрсатадимиз, булардан қатъи назар, барчасида кўнгул мулкани таҳлил қилади.

“Ошиқмен – ишқ ўтида бағрим кабобдур” мисраси билан бошланадиган ғазал бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Ғазал матлаъсиданоқ бепарво маъшуқа дардида парвонадек куйган ҳақиқий ошиқ ҳолати аниқ намоён бўлади. Ошиқлик – ишқпарастлик. Ишқпарастлик эса мажнунлик сари етаклайди. Мажнуннинг эса ишқ ўтида бағри кабоб, ёрининг жамолидин бир лаҳза бенасиб бўлиб қолса, ҳоли хароб бўлиши аниқ:

*Ошиқмен – ишқ ўтида бағрим кабобдур,  
Бир лаҳза кўрмасам ани ҳолим харобдур. (С. - 38<sup>б</sup>.)*

Мана шу сабабга кўра, ошиқ ёрдан айрилишни ўзи учун фожиа, деб билади. Фироқнинг ошиқ руҳиятини тарбиялаш, унинг камолотини таъминлашдаги ўрни аллақачон ўз исботини топган. Бинобарин: “Айрилса ёр мендин, ўларман фироқида”, деб нола чеккан ошиқ: “Жоним ғамида ташнау қоним шаробдур”, дея маъшуқани огоҳлантиради. Агарчи маъшуқа ўзидаги “хунрезлик”ни ташламаса, ошиқ руҳи такомилдан нарига ўтиб, йўқлик сари юз тутиши табиий. Мана шу илинж билан ошиқ илтижо қилади. Байтдаги “савоб” сўзи инсон қавмигагина хос.

*Ишқ ўти тушти жонима ҳаргиз илож йўқ,  
Ҳолимға раҳм айласангизлар савобдур. (С. - 39<sup>а</sup>.)*

Мазкур ғазал бошдан-охир ёрга мурожаат руҳида ёзилган. Амирий ҳижрон домига ташланган ошиқ тортаётган азоб-укубатларни, у кечираётган мураккаб туйғу-кечинмаларни, гўзал маъшуқа томон талпиниши ҳамда висолдан умидворлигини қатор бадиий тасвир воситалари орқали жуда таъсирчан ифодалаган. Айниқса, маъшуқа жабр-зулмидан ошиқнинг тонг отгунча уйқусиз – бедор бўлиши, оху нолалар чекиши каби ҳолатлар деярли барча шоирларда учрайди. Бундай ҳолатлар тасвири серқирра: бир томондан, вафода собит ошиқнинг туну кун ёр хаёли билан яшаши, иккинчи томондан, маъшуқанинг бепарво ҳолати. Учинчи томондан эса, инсон руҳиятидаги курашлар, уларнинг кучли ва заиф томонлари намоён бўлади. Шоир буларни тушунарли тасвирлар орқали баён этади:

*Дардимни чорасини қилинг, беқарорман,  
Тонг откунча ишим кечалар печутобдур.*

*Бағрим эзилди, куйди таним, кетди тоқатим,  
Бечора хаста жонима қандоқ азобдур. (С. – 39<sup>а</sup>.)*

Шу сабабли маъшуқа инсофга чақирилади. Рақиблар сўзига кириб, турфа азоблар гирдобига ошиқни улоқтириш маъшуқага хос бўлса-да, барибир, унинг тараҳхум айлаши зарурлигига илтижо бор, умид бор: кунлар келадиким, маъшуқа ҳам ўз хатоларини англаб этади, ошиқ ҳолатини, садоқатини тушуниб, ундан ўз меҳр-муруватини дариг тутмайди:

*Беҳуда эл сўзига кириб, қовлама мени,*

*Бу жонсипор банда эшикингда бобдур. (С. - 39<sup>а</sup>.)*

Кейинги байт ғазалнинг шоҳбайти сифатида кўзга ташланади. Ошиқ чеккан дард-ситамлар, унинг унсиз фарёдлари ҳамда ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги мураккаб муносабатлар моҳиятини бир-икки сўз билан баён этиб бўлмайди. Уни тушуниш учун кенг идрок этиш зарур:

*Оқилга бир ишорат эрур – қисса мухтасар,  
Фаҳм айлаган кишига бу сўз бир китобдур. (С. - 39<sup>а</sup>.)*

Ғазал мақтаъсида шоир бу байтларни “ҳусн дафтаридан интиҳоб” қилингани, яъни, танлангани, тўғрироғи, тақдир этилган маъшуқадан шикоят эканлигига яна бир қарра ишорат қилади. Аммо, бу шикоят ўта меҳрибонлик, ўта одабийлик қатига ўраб берилади ва бутун дард аҳли (ошиқлар, маъшуқалар) кўнгул сирларини очиқ баён эта олади:

*Нечун қошига боғламайин кўнғлуми, Амир,  
Бу байт ҳусн дафтаридин интиҳобдур. (С. – 39<sup>а</sup>.)*

Маъшуқа жамоли таърифи қадимдан ғазал жанрининг асосий хусусияти бўлиб келган. Воқеан, ғазал истилоҳининг ўзи ҳам арабчада аёлни мадҳ этиш, унга ошиқона муносабатда бўлиш маъносини билдиради. Ғазал, дастлаб, ишқий мавзуда ёзилган бўлса ҳам, кейинчалик, унинг тематик доираси кенгая борди. Маъшуқа тимсолида гўзал инсон сиймоси жилоланса-да, ҳар бир ижоткор бу образни турфа рангларида янги сайқал топтиришга интилади.

Жумладан, Амирий ғазалларида маъшуқанинг суратини тасвирлашда муболаға усулидан кенг фойдаланилади. Қуёш – маъшуқанинг жамоли, унинг олдида ошиқ гўё бир заррага айланиб қолади:

*Менки ул рухсори нурафзоя ошиқ бўлмишам,  
Зарра янглиғ бир қуёшсиймоя ошиқ бўлмишам. (С. - 98<sup>а</sup>.)*

Амирий маъшуқа жамолини тасвирлашда янги, халқона ташбеҳларни қўллайдиги, улар маъшуқани реал ҳаётга анчайин яқинлаштиради. Уларда беором қалбнинг бани башаргагина хос талпинишларига, олижаноб руҳнинг бетакрор манзараларига дуч келамиз:

*То қадам қўйдум тариқи фақра ишқ ичра Амир,  
Мулки оламда ўзумдек бир қаландар кўрмадим. (С. – 128<sup>б</sup>.)*

Байтда ботиний (илоҳий) ишқ ҳақида гап бораётганини истилоҳ ва сўзлардан илғаб олиш мумкин. Тасаввуф истилоҳига кўра, фақирлик – биз тушунган маънодаги камбағаллик, бечоралик эмас, балки Оллоҳ олдидаги ғариблик, ожизликдир. Ушбу қарашга кўра, “фақир шундай кишики, у фақат Ҳақ маърифатига етишга муҳтож бўлади, холос”. Фақр эса тариқатнинг тўртинчи мақоми бўлиб, “тарки дунё қилиб, ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир”. Айни пайтда, “шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам”.

Бу ўринда, Амирий мажозий муҳаббатни куйлаганми ё ҳақиқий ишқини деган саволни қўйиш ортиқча. Чунки анъаналар йўлидан борган шоир салафлари каби дунёвий ишқ лаззатларидан сўз айтиш баробарида, кўнгул маърифати, банданинг ягона меҳварга интилишлари, инсоний комиллик ҳақида ҳам сўзламаслиги мумкин эмас эди.

## Шеърят



**ХУМОЮН**  
(Хумоюн Акбаров)

1964 йил туғилган.  
1980-1985 йиллар  
ТошДУ (ҳозирги Мил-  
лий университет)  
нинг ўзбек филология-  
си факультетида,  
1997-1998 йилларда  
Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат ва  
жамият қурилиши  
академиясида таҳсил  
олган.

Ҳозирга қадар шо-  
ирнинг “Унутилган  
гул”, “Юракдаги ран-  
гин камалак”, “Дил-  
хирож”, “Кўнглим  
гули”, “Ёшлик бе-  
кати” каби шеърый  
тўпламлари чоп  
этилган.

## Йўловчи, йўлингни берсин!

### Йўллар

Заминда кенг, равон йўллар бор,  
Сўқмоқ бўлган улар қачондир.  
Катта-кичик,  
нотекис ё тор,  
Сўқмоқ бўлган улар, барибир.

Ҳаётда-чи,  
йўл кўп ниҳоят,  
Хаёл бўлган улар, аввало.  
Ширин орзу бўлган ё ният,  
Ижобати турлича аммо.

Аммо, бир гап бордир –  
ёмон йўл,  
Яхшиларни оралаб ўтган.  
Тўғри эмас,  
гоҳи ўнгу сўл  
Эзгуликни қоралаб ўтган.

Борса гумон,  
...келмас йўллар ҳам,  
Йўл тушмаган тоғу чўллар ҳам,  
Йўл топилмас тошдек диллар ҳам,  
Тилагим шу сени қўлларман,  
Эй, йўловчи, йўлингни берсин!

\* \* \*

Ой қайиғи сузар оҳиста,  
Оппоқ булут тўлқинларида.  
Соҳилини бораркан излаб,  
Сингар тунги осмон қаърига.



*Жимирлаган юлдузлар олис,  
Нурга ташина борлиқ. Сукунат.  
Тун соядай, бир бутун, ёлғиз  
Дайдиб юрар ўйларим фақат.*

\* \* \*

*Ажиб хаёлларни тўзгитар шамол,  
Соя солар дилга булутли осмон.  
Сукунат чўкканда кўнгилда малол,  
Рутубатли ҳаво... Мудрарсан бир он...*

*Ўйготиб юборар момогулдурак,  
Ғафлат пардаларин йиртару шитоб,  
Ёмғирда ювилар губордан юрак,  
Кўнгил равшан тортар,  
жилмаяр офтоб...*

### **Ёмғир симфонияси**

*Ёмғир ёғар бир текис:  
Богларга, кўчаларга,  
Гоҳ созли, гоҳи сассиз,  
Кунга ҳам кечаларга.*

*Сайр этарман бағрида,  
Ҳар кўчада турфа соз.  
Томларда доирада,  
Майсада мунис овоз.*

*Ёмғир ёғар бир текис,  
Равшан тортади ранглар.  
Гоҳ шовқин, гоҳи сассиз,  
Ҳаёт кўйи жаранглар.*

\* \* \*

*Ҳилол ошиб ўтди довондан,  
Тун ярми огди.  
Зухро мужда беради тонгдан  
Тонгларнинг олди.*

*Тун. Ёлғизлик. Ажиб чиройга  
Ошиқдир кўзим.  
Қандай оғир ёлғизлик ойга,  
Ойим – ёлғизим.*

\* \* \*

*Борлиқ ичра муаллақ сабр,  
Шивирламас ҳатто елвизак.  
Дарахтзор жим, осмон негадир  
Рутубатдан беради дарак.*

*Сабр ҳамон қуёшни кутар,  
Нафас олмай осуда борлиқ.  
Офтоб, наҳот, ерни унутар,  
Наҳот, нурин этмайди тортиқ?*

*Неча кунки, юраклар хижил,  
Яна ёмғир забтига олар.  
Ҳаволар ҳам мисли зил-замбил,  
Қиш охирлаб қолган паллалар.*

\* \* \*

*Билмайман, кўнглингда нелар бор сенинг,  
Билмайман, не кечар хаёлларингдан?  
Билганим, рухсоринг ўйларим менинг,  
Билганим, юрагим айрилмас сендан.*

*Билганинг, севишим, муҳаббатимни,  
Билганинг, мен сени била олмасман.  
Билмайсан, битаркан севги хатингни  
Кимга юборасан уни дафъатан?*

### **Бедорлик**

*Ярим тунда бедорлик келди,  
Кутилмаган меҳмон, бемаҳал.  
Ошёним ўйларга тўлди  
Ҳеч ким бермас бизларга халал.*

*Ўйлар, бунча учқурсиз, ахир,  
Қачон сизга етиб оларман?  
Бедорликни олиб қайгадир  
Кетганингиз билмай қоларман...*



## Сонетлар

\* \* \*

Фусункордир бугунги оқшом,  
Юлдузлар ҳам бўлди пайваста.  
Севгимизга улар ҳавас-ла  
Завқларини этдилар инъом.

Улар каби олис эди бахт,  
Тақдиримиз қовушди бу он.  
Кўксимизда ишқ урди жавлон,  
Айлагандик бир умрга аҳд.

Муродига етди муҳаббат,  
Ажиб, сирли эртақлар айтиб,  
Ўшал онлар келмайди қайтиб...

Улгайтирар, албат, садоқат,  
Қутлар бизни шивирлаб гўё,  
Битта дарди ариган дунё...

\* \* \*

Атиргулдай очилгин сен ҳам,  
Азоблаган бол тотли ҳижрон.  
Очилганинг кўриб, маҳбубам,  
Юрагимга бағишласин жон.

Юлдузлар ҳам табрикка тушин,  
Келар йўлинг ёритсин улар.  
О, хаёлим, оҳ, ширин тушсан,  
Сен-ла умрим бахтларга тўлар.

Ҳаяжонга айланиб вужуд,  
Мен-ла кутиб яшайди дунё.  
Умиддан сеп ёр тараддуд,

Согинч эса оқғувчи дарё.  
Дарё тошиб, эй гули раъно,  
Висолингга қилур мубтало.



**Жамолиддин  
МУСЛИМ**

1965 йил туғилган.  
1991 йили Наманган  
Саноат институ-  
тини сув иншо-  
отлари қурилиши  
муҳандиси мута-  
хассислиги бўйича  
тамомлаган. “Кўкка  
ўрлаётган изтироб”,  
“Қалб истеҳкоми”,  
“Муҳаббатли ман-  
зиллар”, “Шаффоф  
булоқлар”, “Тўқилмас  
япроқлар” каби шеъ-  
рий тўпламлари  
нашр этилган.  
Ҳозирда  
Ўзбекистон Ёзувчи-  
лар уюшмаси Наман-  
ган вилоят бўлими  
раҳбари.

\* \* \*

Менга роҳат ой-ла сирдошлик,  
Сукут сақлаб тинглайди мени.  
Менинг қалбим – ойнанг Ватани,  
Догин чизган касби наққошлик.

Тангри азал биз иккимизни  
Ҳамдард этиб яратди абад.  
Тугилсин деб дардли муҳаббат,  
Сочди ҳар ён қувончимизни.

Қувончни биз термадик ҳар дам,  
Шундан босди иккимизни гам.  
Берди бизга осмондай бардош...

Ким бўлолса бизларга ҳамдам,  
Дард чекмоқни қилсин ихтиёр,  
Лек, тўкмасин кўзларидан ёш...

\* \* \*

Дўстим бўлса қуёшдай ёрқин,  
Тунда йўлим ойдаи ёритса.  
Бахишдадир борлигим бутун,  
Ғамин айтиб майли қаритса.

Дўстлик асли илоҳий неъмат,  
Дилдаги меҳр – унинг дояси.  
Дўстлик қасрин қурмоқ-саодат,  
Садоқатдир унинг гояси.

Дўстлик қасрин юракка қурдим,  
Олиб қочди калитни кўплар.  
Ғанимларни пашиадай кўрдим,

Суқшиди-я кўзимга чўплар.  
Қани, энди, дўстим бўлсайди,  
Қасрим менинг нурга тўлсайди.

\* \* \*

Табассум қил, айрилиқ бир бор,  
Ҳайратланиб очилсин гунча.  
Сабо қуйлаб, суюкли дилдор,  
Сочларидан олақол муччи.

*Табассум қил, айрилиқ бир бор,  
Унсин энди хорсиз чечаклар.  
Қалдирғочлар келтириб баҳор  
Айвонимда айтсин эртақлар.*

*Эй, булутлар, келтиринг ёмғир,  
Шивир-шивир ёгсин-ей, бу дам.  
Фош бўлиб ёр кўнглидаги сир,*

*Чисир-чисир ёнсин-ей, бу дам.  
Айрилигим ҳасратга лим-лим,  
Айрилигим мўъжиза, тилсим...*

\* \* \*

*Тушларимга кирса соҳибжамолим,  
Сайр этаман гўё арши аълода.  
Ислоҳ қилмоқ учун шиқсиз аъмолим,  
Қайта тугиламан фоний дунёда.*

*Мендан ортда қолар минг битта Мажнун,  
Ишиқ сўрарман фақат остонасида.  
Илтифотга зорман бўлиб жигархун,  
Раҳм қил, Лайлим, туш баҳонасида.*

*Жоним сенга тутган Ошиқ Ғарибман,  
Васлинг умидида ўтдим саргардон.  
Хаёл билан яшаб, э, воҳ, қарибман.*

*Уйғотиб юборма мени тушимдан,  
Жоним илкидаги хушсурат жонон.  
Фақат ўзингсан-ку мени тушунган...*

**Наманган**

## Ифтихор



**Охунжон  
ҲАКИМОВ**

1935 йилда туғилган. “Илҳом водийси”, “Лирика”, “Тафаккур боқий”, “Муҳаббатни кўзлардан изланг” каби шеърлий тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон халқ шоири. “Эл-юрт ҳурмати” ордени унвонига сазовор бўлган.



**Сайдали  
ОДИЛОВ**

1941 йил туғилган. Ижодкорнинг “Нигоҳлар”, “Хаёл ва ҳаёт”, “Ёлқин”, “Мурасасизлар” каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари нашр этилган.

## ҚИРДАГИ ПАҲЛАВОН

### ФАРҒОНА ФАХРИ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Республикамиздагина эмас, балки, бутун Марказий Осиёда ҳам энг қудратли тармоқ корхоналаридан ҳисобланади. Унинг ишга туширилганига ярим асрдан ошди.

Республикамиз Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов «Фарғонада нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналар мавжуд. Айниқса, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Фарғона азот»... каби саноат корхоналарининг салоҳияти катта эканини таъкидлаш керак» деб айтган эдилар.

Бу юксак баҳо ва эътирофга сазовор бўлгунга қадар заводимиз ташкилий даврни, мураккаб ва масъулиятли тикланиш йўлини, суронли жараёнларни босиб ўтди. Ва ниҳоят, мухтарам Президентимиз иборалари билан айтганда салоҳиятли ва салобатли, Фарғонанинг фахри бўлиб қолган паҳлавон корхонага айланди.

Водий ер ости бойликларига, жумладан нефть захира-ларига бой эканлиги ўн тўққизинчи асрнинг ўрталаридаёқ маълум бўлган. Тарихий манбалардан биламизки, рус геолог-лари юртимизга Қўқон хонлиги даврида ноқ кела бошлаган. 1868 йилда Фёдоров, Хлудов, Захо, Громовлар, 1876 йилда Н.А.Северцев, Н.В.Мушкатов, Г.Д.Романовский, В.А.Обручаев, Д.В.Наливкин, Д.В.Голубятников, А.Д.Архангельскийлардан иборат экспедициялар ўлкамизда қидирув ишларини олиб борган.

Д.П.Петров исмли тадбиркор 1880 йилда Қамишбоши қишлоғида ҳар бири 25 метр чуқурликдан иборат бўлган нефть қудугини қўлда қазитган. Биттасидан ўн пудгина нефть ололган. 1890 йилда Самарқанддан темир йўл тортиб кел-ётган А.Н.Ковалевский Водилдан Чимён орқали келган ара-ва ғилдирагидаги мойни кўриб, ҳақиқий ер ости бойлигига дуч келганидан қувонган. Боқудан мутахассислар чақириб нефть қазиб олишни бошлаб юборган. 1904 йилда 270 метр чуқурликдан суткасига 13 тоннадан нефть ола бошлаган.

«Чимён» акциядорлик жамияти тузган. Ўша йили Фарғона ҳарбий губернаторига мурожаат қилиб Ванновский станцияси ёнида жойлашган Нуробод маҳалласи худудида нефтни қайта ишлаш заводи қуришга рухсат сўраган. Рухсат олингач, қўриқ ва чангалзорлардан иборат жойларда қурилиш ишларини бошлаб юборган.

1906 йилда 2 кубдан иборат қурилма бўлган завод ишга туширилади. Бир йилдан сўнг А.Н.Ковалевский конларни ва заводни ака-ука Нобелларга сотиб юборади. Янги раҳбарлар Ванновский заводини қайта қуришга киришдилар. Табиийки,

йил сайин нефть қазиб олиш кўпайди. Уни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш биринчи даражали вазифага айланиб борди. Саноатни бутун чоралар билан хом ашё манбаларига, ёнилғини истеъмол қилувчи ҳудудларга яқинлаштириш вазифаси Фарғона атрофида нефтни қайта ишлаш заводини бунёд этиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин эди. Унинг тўхтовсиз ишлаши Марказий Осиё ҳудудларини нефть маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжи ўртасидаги узилишларга барҳам берар, маҳсулотларнинг узок жойлардан олиб келинишига ва у билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар ортиб кетмаслигини кафолатларди. Шунинг учун ҳам собиқ иттифоқ ҳукуматининг 1949 йил 14 апрел қарорига мувофиқ, заводимиз қурилиши учун лойиҳа қидирув экспедицияси ташкил этилди. Барча тадқиқ ишлари бажарилгач, ҳукуматнинг 1949 йил 30 ноябр қарори билан лойиҳа топшириғи тасдиқланди.

1950 йилнинг январига келиб завод дирекцияси ташкил этилди. Евгений Абрамович Шапиро директор этиб тайинланди.

Бу жуда катта, мисли кўрилмаган миқёсдаги ишларни, изланишларни, юқорида айтганимиздек, машаққатли меҳнатни талаб қиларди. Бу меҳнатнинг ижрочилари асосан Фарғонамиз аҳли бўлди.

Завод қурилди. Қирғулидаги шаҳарча, Фарғона шаҳрида турар жой, Қувасойда қўшимча заводлар барпо этилди. Асбоб-ускуна базаси яратилди. Иссиқлик электр маркази (ИЭМ) битказилди. Ёрдамчи ва технологик цехлар ташкил топди. 1959 йилнинг 27 январиди йилига 600 минг тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлган АВТ-1 қурилмаси ишга туширилди. Бу кун завод туғилган кун деб ҳисобланди.

Шундан буён орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Ва мана бугун кўз ўнгимизда минг-минглаб кишилар меҳнат қилиб турган беқиёс корхона қад кериб турибди. Ярим аср аввал, 1959 йил нефтдан жами 5-6 хил маҳсулот ажратиб олинган бўлса, ҳозир уларнинг тури 60 дан ошиб кетди.

Орзиқиб кутганимиз – мамлакатимиз мустақиллиги корхонамизга ҳам катта имконият ва янгича парвоз бағишлади.

Энди режаларимизни ўзимиз ўз республикамизда ҳал эта оладиган бўлдик. Муҳтарам Президентимиз Ислам Абдўғаниевич Каримов ўз маърузаларининг бирида «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини модернизация ва реконструкция қилишга 190 миллион доллар миқдориди сармоя киритиб, унинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатишини таъминлашга эришганимиз қандай катта аҳамиятга эга бўлди» деган эдилар.

Биз шуни мамнуният билан айтаемизки, сўнги йилларда корхонада амалга оширилган кенг кўламдаги реконструкция ишлари Президентимизнинг шахсан ташаббуслари ва ғамхўрликлари туфайли рўёбга чиқди ва қисқа йилларда корхона энг замонавий технология ҳамда ускуналар билан қайта жиҳозланди. Янги-янги қурилмалар ишга тушди. 1998-1999 йилда Япониянинг "Тойо Инжиниринг корпорэйшн" компанияси лойиҳаси асосида "Текфен" фирмаси билан ҳамкорликда жуда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Марказий Осиёдаги энг отахон ва энг гигант корхона сифатида мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаши билан бирга, республикамиз нефть саноатини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Бухоро ва Шўртангаз кимё корхоналари ҳам бизнинг заводимиз кўмагида барпо этилди. Уларни бугун заводимизда камол топган мутахассис кадрлар бошқармоқда.

## МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ҚАНОТ

Юртбошимиз И.А.Каримов мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон деб номланган мамлакат келажақда буюк бўлмоғи учун ҳеч кимга, ҳеч нарсага қарам бўлмаслиги кераклиги ҳақида қайғурган ва мамлакат иқтисодий сиёсатини шу мақсадга йўналтирган, шу маънода, нефть мустақиллигига эришишни, ғалла мустақиллигига эришишдек ғоят муҳим ва глобал вазифа сифатида илгари сурган эди.

Келажақда дунёни нефть бошқаради, деган экан бундан икки ярим аср муқаддам америкалик бир иқтисодчи олим. Бундай шароитда четдан валюта ҳисобига ёқилғи келтириш ҳеч кимга, ҳеч қачон осон бўлмаслиги аён гап. Ўзбекистонимизда бу муаммонинг ҳал этиш йўли – республикамизнинг етакчи, гигант корхонаси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини энг янги технология асосида реконструкция қилиш!

Президентимиз бу ишнинг ташаббускори бўлди. Нефть мустақиллигига ўтиш осон кечмаслиги аён эди. Аввало, ташқаридан олиб келинадиган хом ашёдан воз кечиш зарур. Завод асосан Туркменистон ва Сибирь нефтларини қайта ишлаб, маҳсулот чиқарарди. Энди эса асосий манба ўзбек нефти бўлмоғи керак.

1992 йилнинг ўзида республикада 3 миллион 300 минг тонна нефть ва газ конденсати қазиб олинди.

Фарғона водийсининг Чимён, Полвонтош, Хўжаобод, Шимолий, Жанубий Оламушук сингари нефть қазилмалари захиралари ҳам камаймай туриб Қашқадарёнинг Кўқдумалоқ, Наманганнинг Мингбулоқ нефтлари ҳам аниқлана бошланди. Геологик қидирув ишлари янада умидвор тахминларни берарди. Водиймиздан ташқари Бухоро-Хива, Сурхондарё ва Шимолий Устюртда катта захиралар мавжудлигидан дарак бера бошлади. Гап уни қазиб олишда. Бунинг учун эса кучимиз етарди.

Яна бир муаммо, завод ускуналари асосан четдан келтирилган олтингурт миқдори оз бўлган хом ашёга мослаштирилган. Маҳаллий нефть таркибида эса олтингурт миқдори кўп эди. Заводни реконструкция қилишдан мақсад ҳам ускуналарни маҳаллий маҳсулотларни қайта ишлашга мослаштириш эди.

Бу масаланинг бир томони, иккинчидан, кенг қўламдаги қайта қуришни, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, амалга ошириш керак эди. Ахир мамлакат ёнилғисининг асосий қисмини етказиб берувчи корхонани тўхтатиб қўйишни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди-да. Ҳамма чоралар ишга солинди. Агар завод 1994 йилда ўз нефтимизни қайта ишлаб мамлакат ёнилғисининг 40 фоизини етказиб берган бўлса, 1995 йилнинг 9 ойидагина бу кўрсаткич 95 фоизга етди. Шундан буён ишлаб чиқариш суръати пасайтирилмади. Бироқ, олдинда яна бир ғоят жиддий муаммо кўндаланг бўлиб турарди. Таркибида олтингурт миқдори нисбатан ортиқ бўлган маҳаллий нефтдан халқаро андозаларга мос келадиган юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш зарур эди. Ишлаб чиқаришни кенг қўламда реконструкция қилиш программаси тайёрланди. Унда айни бир пайтда маҳсулотлар турини кўпайтириш масаласи ҳам инобатга олинди. Шундай қилиндик, реконструкция қарийб ҳамма цехларда ишлаб чиқаришни бир дақиқага ҳам тўхтатмасдан олиб борилди.

Ҳа, айнан маҳаллий хом ашёдан жаҳон андозасига мос, юқори сифатли, илгаригидан кўпроқ турдаги маҳсулотлар олина бошланди.

Жумладан, 1992 йилда М-88 рақамли мотор мойи;

1993 йилда Б-92 авиация бензини, турли хилдаги моторлар учун мой, нигроллар.

1994-1995 йиллар давомида ўндан зиёд турдаги моторлар учун мой ва бошқа ёнилғилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Булардан ташқари, реактив моторлар учун ҳам бензин етказиб бериш бошланди. 1994 йилнинг ўзида "Мерседес-Бенц" ва "ДЭУ" фирмалари автомобиллари учун "Супер SAE-15W-40" юқори навли мотор мойлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилдики, бу Фарғона маҳсулотининг дунё миқёсида тўла тан олинишидан далолат эди. Ўша йили Ўзбекистоннинг ички бозори учун заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сертификат олиш йўлга қўйилган эди. Негаки, ишлаб чиқариш жорий қилинган ҳар бир маҳсулот тури сифат бўйича Ўзбекистон давлат стандарт кўмитасида рўйхатга олинарди. 1995 йилда рўйхатга олинган маҳсулотлар тури 27 хилга етди.

Бу катта одим эди. Илгари кичик авиация учун ҳам бензин республикамизга четдан келтирилар эди. Республика ҳукуматининг топириғига биноан, қисқа вақт ичида – 30 кун мобайнида завод мутахассислари ушбу танқис ёнилғини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Ўтган асрнинг охиридаёқ ана шу ёнилғига бўлган эҳтиёж тўла қондирилди. Заводда авиация бензини, турбина, мотор, тепловоз мойлари, "Ферсол" ва "Ферлита" деб номланган пластик ёғлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Республикамиз Мустақиллиги тонготаридан бери ўтган қисқа, лекин, баракали ва самарали йиллар ичида нефть саноати бўйича муваффақиятлар салмоғи ортиб борди. Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари сафига замонавий технология асосида ишлайдиган Бухоро ва Шўртангаз заводлари ҳам қўшилди. Кўқдумалоқ нефть кони ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигини таъминлаш ҳақидаги кўрсатмаси бажарилди. Корхонага Россия ва бошқа хорижий давлатлардан хом ашё келтириш тўхтатилди. Зукко мутахассислар



қисқа муддат ичида қайта ишлаш жараёнини ўзимизнинг нефть хом ашёсига мослаштиришга муваффақ бўлдилар.

Завод тўлалигича маҳаллий нефть маҳсулоти ҳисобига ишлай бошлади.

### ҚАҲРАМОННИНГ ТУҒИЛИШИ

2005 йилнинг августида завод ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Ишчи Ботир Темировга Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Мустақил Ўзбекистоннинг заводдаги биринчи қаҳрамони. Ботир Даминович қаҳрамонлик олтин медалини Ислон Абдуғаниевич қўлларидан қабул қилиб оларкан, шундай деди:

– Бу бир менга эмас, бутун заводимизга, унинг жамоасига берилган унвон.

Оддий ишчининг сўзи бу.

Аммо топиб айтилган.

Қаҳрамон завод. Қаҳрамон жамоа! Корхона ҳаётига чуқур назар солган, унинг бошиб ўтган йўли билан танишган киши учун эриш туйилмайди бу сўзлар.

Ботир ҳарбий хизматни Венгрияда ўтади. Техникага ҳаваси тушди. Ҳарбийдан қайтиб Қозоғистондаги техника олийгоҳларидан бирига хужжат топширди. Киришга тиши ўтди-ю, йўналишни танлашда адашган экан, икки-уч ойдаёқ изига қайтди. Ота қишлоғи Қувасой яқинидаги Қўчқорчининг кенг далаларига чиқиб кетди. Тракторчиларга ёрдамлашиб юрди. Тенгдошларининг «бўлолмаган талаба» деган маънодаги учирмаларидан безор бўлиб, ҳамқишлоғи Маъруф Қосимовга эргашиб Қирғулига келди. Маъруф акаси шу нефть заводида ишларди. Ботир ҳам анча чиғириқлардан ўтказилгач, заводга чилангар этиб ишга қабул қилинди. Орзуси рўёбга чиққандай бўлди. Уни Махфиржон Тошпўлатов, Тошпўлат Раҳимовларга шогирд қилиб беришганди. Бу қаттиққўл усталар Ботирни шунақа тоблашдики, гоҳо қочгани жой тополмай қоларди. Лекин энди ортга қайтиб бўлмасди. Мўлжалдаги ҳамма эшикларга бош уриб бўлганди. Чидади. Ил ўтиб унга навбатчи чилангар мақомини беришди. Энди ўзига ишонч пайдо бўлди. Ишдан ажралмаган ҳолда аввал индустриал техникумда ўқиди. Кейин Фаргона политехника институтига кирди. Яна сиртдан. Билим доираси, ишдаги малакаси ортиб борди. Участканинг устаси мақомига эришди. Сўнг 1-технологик цехининг компрессор қурилмалар машинисти, кейин механиги этиб тайинланди. Бунинг ўзига хос тарихи ҳам бор. Айнан шу қурилма Россия ва Чехиядан келган мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳалаштирилган, улар иштирокида қурилган эди. Бу жараёнда Ботир Темиров ҳам қатнашганди. Бу қурилманинг моҳияти шунда эдики, у йилига 600 минг тонна паст октанли бензинни қайта ишлаб, юқори октанли автомобил ёнилғисига айлантириб берарди. Энди у масъул одам, шундай катта қувватли қурилма фаолиятига жавобгар. Механикнинг вазифаси уни беҳато, сурункали ишлашини таъминлаш.

Буни удалади. Кейинчалик японлар компрессорларини, бошқа қатор ускуналарни жиҳозлаш ва уларнинг бенуқсон ишлашини таъминлашда ҳам қатнашди. Булар корхонага жуда катта иқтисодий самаралар берди.

Ботир Темировнинг заводда иш бошлаганига ҳаш-паш дегунча 40 йил бўлибди. Энди ўзи уста. Жуда кўп шогирдлар тарбиялади. Давлатжон Абдуллаев, Дониёр Аҳмедов, Равшан Бахтиёров каби ўнлаб йигитларни ўзини қандай тоблашган бўлса, шундай тоблаб уста қилиб етиштирди.

Унинг икки фарзанди бор. Иккиси ҳам заводда. Ўғли Бахтиёр этан блокада, қизи Мунира 7-цехда ишлайди. Темировлар сулоласининг давомчилари улар.

Бундай сулолалар заводда ўнлаб, юзлаб. Демак, корхонада ишчиларнинг соф, садоқатли армияси меҳнат қилмоқда. Қаҳрамон корхонанинг, қаҳрамон жамоасининг кучи ҳам шундан-да.

### ЁШЛАР ЗАВОД ТАЯНЧИ

Агар эътибор берилса, смена алмашаётган пайтларда корхонага гуррос-гуррос кириб келаётган ёки иш вақтини тугатиб қайтаётган юзлаб одамларнинг аксари ёшлар, навқирон йигитлар, қизлар. Чехраларидан ички мамнуният экс этиб тургандай. Демак, иш куни яхши ўтган. Буни уларнинг чақнаб турган кўзларидан сезиш мумкин.

Республикамиз Президенти ёшлар юртимизнинг эртанги куни, ёрқин келажаги деб тақдорлаб туриши бежиз эмас.

Нефтни қайта ишлаш заводида ҳам эртанги кунимиз эгаларини баркамолликка эришиши йўлида изчил саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Мана, шунга доир мисоллар: корхонада малакали ёш мутахассис кадрлар сафини кенгайтириш мақсадида Фарғона нефть ва газ коллежини тамомлаган юзлаб ёш мутахассислар заводга ўз касблари бўйича ишга қабул қилинмоқдалар. 2008 йили ушбу коллежни тугаллаган ёшларнинг асосий қисми ишга олинди.

Ёшлар орасида заводда ишлаш истагини билдираётганлар жуда кўп. Шу мақсадда завод ҳузурида касаначилик йўлга қўйилди. Касаначиликнинг турли йўналишларида ишлаётган ёшлар сони 400 нафардан ошиб кетди. Улар корхона ишчилари учун махсус кийим-кечак ва пойабзаллар, шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган хилма-хил асбоб-анжомлар тайёрлаб бермоқдалар.

Завод маъмурияти ёш нефтчиларнинг малакасини ошириш, соҳа сир-асрорларини пухта эгаллашлари учун энг муҳим чора-тадбирларни кўрмоқда. Ёш мутахассислар, ишчилар Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар ҳамда республикамиздаги турдош корхоналарга бориб ишлаб, малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Айримлари соҳа бўйича олий ўқув юртларида сиртдан таҳсил олмоқдалар. Бундай талабалар учун шартнома тўловининг 50 фоизи корхона томонидан қопланади.

"Тонг" деб аталган оромгоҳ ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Ҳар йили бу ерда корхона ишчи-хизматчиларининг мингга яқин фарзандлари дам оладилар. Корхона ўз ҳудудига туташ Тошлоқ тумани меҳнат аҳли фарзандларини дам олдириш учун йил сайин миллионлаб сўм маблағ ажратиб туради.

Ёшлик – фаол ҳаёт, спорт турлари билан ошно тутиниш ҳам демакдир. Корхона айна шу масалага ҳам катта эътибор билан қарайди. 2008 йилнинг олти ойи ичида шу соҳага қарийб 40 миллион сўм маблағ ажратилди. Ёш ишчи-хизматчилар саломатлигини сақлаш йўлида ҳам муттасил ғамхўрлик қилиб борилади. Корхона томонидан 15 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланиб, 600 нафардан кўпроқ ёшлар тиббий суғурта қилинди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фарзандларини жисмонан соғлом, бақувват қилиб тарбиялаш кун тартибидан тушмайди-ган масалалардан бири. Бунинг учун ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, уларга қулай маиший шароитлар яратиб бериш керак. Корхона раҳбарияти бу борада ҳам диққатга сазовор ишлар қилмоқда. Масалан, Фарғона шаҳри ҳудудига қурилиши тугалланмаган 48 хонали турар-жой биноси қурилиши завод томонидан ниҳоясига етказилиб, унинг 18 тасига ёш оилалар кўчиб киришди. Шундай қувончли воқеа Олтиариқ туманида ҳам юз берди. Ҳамза шаҳарчасидаги 36 хонадонли уй битказилиб, нефтчилар оилаларига совға қилинди.

Вақт бир жойда тўхтаб турмайди. Демакки, кеча мактаб ёхуд коллеж партасида сабоқ олиш билан машғул бўлган ўғил-қизлар бугун камолот пиллапояларидан юқорилаб боради. Заводга ишга қабул қилиниб, нефтчи деган шарафли номни олган йигит-қизлар бунёдкорлар сафини тўлдириб бораверадилар.

## ИННОВАЦИЯ – ТАРАҚИЁТ УЧУН ЯШИЛ ЙЎЛ

Иновация бугунги кунда ишлаб турган мавжуд жиҳозлар, ускуналарни жаҳондаги энг янги технологиялар, фан ютуқларидан фойдаланиб шу куннинг суръатлари-га босқичма-босқич мослаб, энг яхши самараларга эришиш демакдир. Бу нарса иш жараёнларини осонлаштиришдан ташқари, кўпдан-кўп миқдордаги ёнилғи-мойлаш материаллари, энергияни тежайди, харажатларни камайтиради, катта қулайликлар туғдиради.

Корхонадаги иш жараёнини енгиллаштириш, ортиқча сарф-харажатларга барҳам бериш йўллари қидириляпти. Масалан, айрим қурилиш материалларини заводнинг ўзида барпо этиш йўллари ҳал бўляпти. Авваллари асфалт ётқизиш зарурати туғилса, гоҳ у ташкилотга, гоҳ бу ташкилотга мурожаат қилиш, вақтни беҳуда ўтказишга тўғри келарди. Мана, энди корхонанинг ўзида доимий ҳаракатдаги асфалт заводи қурилиши бошланди. Заводнинг ўзида ускуналарни мослаштириш воситасида карбит ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилдики, бу ҳам бўлса инновация шарофати билан амалга оширилган ишлардир.

Иновацион йўналиш ишлаб чиқаришда кенг қўламлардаги ишларни амалга ошириш йўли эканини сезиш қийин эмас. Хитой билан келишувга кўра, заводдаги нефтешлак (чиқиндилар)ни қайта ишлаш мосламаси келтирилади. У ишга туширилгач, ўша

чиқитлардаги тупроқ-тупроққа, қум-қумга, нефть-нефтга ажратиб олинади. Бу қандай самара беришини бир кўз олдингизга келтириб кўринг.

Одамлар орасида: «Менга озгина битум керак эди, қаердан топсам бўларкин?» деган гапларни эшитиб қоласиз. Бу гарчи майда-чуйдадек кўринса-да, муаммо эди. Энди шу иқир-чиқир «масала»лар ҳам ҳал бўлади. Истаган одам яхшилаб қадоқланган ўнлаб, ҳатто юзлаб килограмм битумларни сотиб олишлари мумкин. Хитойдан келтириладиган бу мослама ушбу имкониятларни туғдиради.

Инновация йўли кам харажат қилиб, янги-янги қувватлар, кичик ва қўшма корхоналарни ишга тушириш, яратувчилик жараёнларини ривожлантириш йўлидир. Шу мақсадда завод раҳбарияти дотациядаги туманларда ҳам кичик корхоналар қуришни режалаштиряпти. Бу – юзлаб иш жойлари яратилади демакдир. Табиийки, буларнинг ҳаммаси маблағ беради.

Завод раҳбариятининг яқин келажакка доир аниқ-тиниқ режалари катта. Буларнинг ҳаммасида корхонанинг эртанги кундаги равнақи акс этиб турибди. Бунга эришиш учун Россия, Польша, Хитой каби давлатлар ҳамда республикамиздаги салмоқли корхоналар билан изчил ҳамкорлик қилинапти. Изланганга толе ёр, деган гап бекорга айтилмаган.

### МАЪНАВИЙ БОЙЛИК– ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Фарғона нефть заводи раҳбарияти мамлакатимиз осмонида истиқлол қуёши порлаган кунларданоқ унут бўлишга оз қолган қадриятларимизни тиклаш йўлида республикамиз раҳбарияти берган йўл-йўриқларни изчиллик билан адо этишга киришди. Дунё ҳавас қилса арзийдиган удумларимиз, расм-русумларимиз, ранг-баранг байрам ва тантаналаримиз, ҳашарларимиз янги кўринишларда кўз олдимизда намоён бўла бошлади.

Шуни ишонч билан айтиш керакки, завод меҳнат аҳли тафаккурида миллий ғоя, миллий мафкура, миллатлараро тотувлик қарор топган. Буни корхона цехлари, қурилмалари ва бошқа объектларда қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётган турли миллат вакилларининг дўсту қадрдонликлари, ҳамкор ва ҳамжиҳатликларидан ҳам яққол кўрса бўлади.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи маданият саройи саҳнасида вақти-вақти билан Алишер Навоий, Машраб, Лутфий, Бобур ғазаллари жаранглаб эшитилади. Корхонанинг ҳамда теварак-атрофдаги қатор маҳаллаларнинг неча юзлаб вакиллари жамланган бу хил кечалар томошабинларда нечоғли завқу шавқ уйғотишини кузатиш мумкин. Шугина эмас, нефтчилар ҳузурига ҳозирги замон шеърини ҳамда насрининг пешқадам вакиллари бўлмиш номдор шоирлар, ёзувчилар, санъат арбоблари, олимлар ҳам ташир буюриб турадилар, шеър ғазаллар қўшиқларга уланиб кетади, шуниси муҳимки, корхона ишчи-хизматчилари орасидаги қалам билан дўст тутинган ёш ижодкорларнинг инжа асарлари ҳам минбардан жаранглаб эшитилади. Яна бир гап. Касаба уюшма қўмитаси республикамиз миқёсида ўтказиладиган йирик байрамлар муносабати билан кўрик-танловлар ўтказиб туради. Шундай танловларнинг бирида 10-цех маҳсулотлар лабораториясининг лаборанти Дилоромхон Нарзуллаева кизи Гулёра билан ғолиб чиқди. Бу ишчи қалбидаги маънавий гўзаллик эмасми?

Савобли ишларни мунтазам қилиб бориш завод раҳбарияти ва касаба уюшмасининг бардавом ишларидан бири. Демокчимизки, маъмурият кам таъминланган хонадонлар фарзандларининг хатна тўйларини ўтказиш, тўй болаларга бош-оёқ сарполар қилишдек савобли ишларга ҳам бош-қош бўлиб туради. Халқимизга хос болажонлик корхонада анъанага айланган.

Бундай тадбирларни амалга оширишда завод қошида жамоатчилик асосида ташкил этилган «Маънавият-тарғибот маркази»нинг тарғибот гуруҳи фаоллари иши диққатга сазовордир.

...Заводдаги кутубхоналар, маънавият-маърифат хоналари доимо гавжум. Уларда янги нашрдан чиққан китоблардан тортиб, ранг-баранг газета ва журналлар ҳам мавжуд. Нефтчилар саройи майдонида бот-бот карнай-сурнай садолари эшитилиб туради. Бу садолар одамларни саройга, қандайдир тантанага чорламоқда демакдир. Балки, нефтчиларни бирор театрнинг янги спектакли ёки таниқли ҳофизларнинг концерти кутаётгандир. Нима бўлгандаям Фарғона нефтчиларини шодиёналар кутаётгани аниқ.

## ЭЪТИРОФ

2008 йилнинг декабрида заводда хорижлик меҳмонлар пайдо бўлиб қолишди. Катта корхона келди-кетдилар бўлиб туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Лекин бу галги меҳмонларнинг зийрак боқишлари, қўлларидаги қўлланма ва чизмалар салмоғи, овқатланиш асносида ҳам оҳиста баҳслари уларни алоҳида тоифадаги мутахассислар эканликларидан далолат бериб турарди.

Тушлик пайтида завод мажлислар залида Германия ва Россиядан келган меҳмонларни кузатишга бағишланган маросим бўлди. Гоҳ немис, гоҳ рус тилида табрик сўзлари айтилди.

Маълум бўлишича, корхонанинг иккита лойиҳаси халқаро сертификатга лойиқ кўрилибди. Оддийроқ ибора билан айтадиган бўлсак, завод жамоаси, муҳандис, техник мутахассисларнинг меҳнатлари маҳсули дунё миқёсида тан олинди. Қувончли ҳол. Энг муҳими, бу биринчиси эмас эди.

2004 йилнинг 22 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳсулотлар сифатига халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда менежментлик тизимини жорий этиш юзасидан махсус қарори қабул қилинган эди. Мамлакатимизнинг қатор корхоналари қатори нефть-газ саноати тармоқларига ҳам шу талаб қўйилган эди. Шу асосда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида махсус дастур ишлаб чиқилди.

Бу дастурни Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидида 2006 йилнинг июл ойига қадар жорий қилиш режалаштирилди. Тошкентдан, Россиядан маслаҳатчилар жалб этилди. 2004 йилнинг декабр ойида завод муҳандис, техник ходимлари халқаро стандарт талаблари моҳиятини ўрганишлари учун махсус ўқитилди. Тезкор ва обдон тайёргарликдан сўнг 2005 йилнинг февралидан сифатга менежментлик тизимини жорий этишга амалий равишда киришилди.

Хукуматимиз ва компания раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши, корхона барча жамоасини қаттиқ саъй-ҳаракати туфайли мақсадга муваффақиятдан олдин эришилди. Завод 2005 йилнинг ноябр ойидаёқ ўз маҳсулотларини сертификатсия бўйича Германиянинг ТЮФ ТЮРИНГЕН ОККРЕДАЦИЯ органининг назоратидан ўтказди ва 2006 йил март ойида 1510074801 рақамли сифат сертификатини тантанали равишда қабул қилиб олди.

Бу нима берди! Маҳсулот сифати кескин яхшиланди. Рекламациялар деярли барҳам топди.

Бу гал эса бир йўла иккита лойиҳа халқаро сертификат талабларига тақдим этилди. Моҳияти эса бир-биридан муҳим:

– Соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга менежмент тизимини жорий этиш.

2008 йилнинг август ойида эса ўша Германиянинг бизга таниш ТЮФ ТЮРИНГЕН идорасининг халқаро аудиторлари томонидан сертификатлаш назоратининг биринчи босқичи ўтказилди. Декабрда эса улар иккинчи босқични ўтказишди. Заводда ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли факторларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш, шу йўл билан одамлар саломатлигини сақлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш юзасидан жуда катта амалий ишлар қилинганини эътироф этишди. Ҳар икки йўналишдаги лойиҳалар халқаро сертификатга тавсия этиладиган бўлди.

Демак, заводнинг яна икки йўналишдаги фаолияти дунёнинг нуфузли идоралари томонидан халқаро миқёсда тан олинди.

Ҳа, заводда мамлакатимиз нефть мустақиллигини барқарор таъминлаш, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун изланиш, тадқиқ, таҳлил ишлари тинимсиз олиб бориляпти. Халқаро андозалар даражасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони ва сифатини кўпайтириш учун курашиляпти.

Демак, қирдаги паҳлавон корхонанинг алпона одимлари давом этади ва ўз тарихини янада ёрқин саҳифалар билан бойитиб боришига шак-шубҳа йўқ.



## Бир дарахт новдалари

### Шилаб олан сўзим

#### Умрим баёни

Қарай-қарай дунёнинг  
Қизигига тўймадим.  
Яхши қўшиқ ёзганлар  
Кўп эмас деб ўйладим.

Одамзодни ардоқлаб,  
Ойга, кунга тенг этдим.  
Бу тенглашлар бошқада  
Топилмайди деб эдим.

Табиатга ҳайрон бўп,  
Табиатга қизиқдим.  
Юлдузларга қарадим  
Гардишидан узукнинг.

Юлдузларнинг тилига  
Тушунмадим, қийналдим.  
Эрта пишган экиндек  
Ёз бошида йиғналдим.

Бу сиримни ўзгандан  
Сир сақладим, яширдим.  
Ҳикмати кўп китобнинг  
Бетларига бош урдим.

Яхши деди: – “Яхши-ку,  
Тезроқ бери кел”, – деди.  
Дуруст кенгаш бермай у:  
“– Ўзинг учун ўл”, – деди.

Арғумоқдек иргишлаб,  
Баланд-баланд қир ошдим.  
Ўзим билан ўйлашиб,  
Ўзга билан синашдим.

Қараб турсам, ўзгандан  
Асло, наф йўқ, фойда йўқ.



#### Улмамбет ХЎЖАНАЗАРОВ

1938 йил туғилган.  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият  
ходим. 1960 йилда  
Қорақалпоғистон  
Давлат педагогика  
институтини  
туғатган.  
“Кўнғил туйғулари”,  
“Йилларим менинг”,  
“Оддий қишлоқ  
ҳангомаси”, “Кўнғил  
қушим” ва бошқа  
кўплаб шеъррий  
тўпламлари,  
“Дилкаш суҳбатлар”  
достони нашр этил-  
ган. Лермонтовнинг  
“Демон”, Мустай  
Каримнинг  
“Турналар  
қайтганда”  
достонларини  
қорақалпоқ тилига  
маҳорат  
билан таржима  
қилган.

*Ўз нафига адашган  
Мендай одам қайда, йўқ?!*

*Бир манзилга келганда,  
Алланега тўқиндим.  
Ўз-ўзимни пир билиб,  
Ўз-ўзимга сизиндим.*

*Тингламадим айтганин  
Бир ўзимдан бошқанинг.  
Шу феъл билан, дўстларим,  
Манман бўла бошладим.*

*...Галма-гал кўп, гавго кўп,  
Қиёлмайман ҳеч бирин.  
Кун, узун кун йўл юриб,  
Ухлалмайман кечқурун...*

*Талпинаман, сўнг, яна  
Учадиган каптардай.  
Кўз ўнгимда бу дунё  
Очиқ ётган дафтардай.*

### **Қулун чопиб боряпти**

*Қулун чопиб боряпти,  
Ҳилтирайди қуйруқ ёл.  
Қулун чопиб боряпти,  
Ҳансираб қолар шамол.*

*Қулун чопиб боряпти,  
Қир-тўқай, дала-тузлик.  
Қулун чопиб боряпти,  
Кенгликка уйқаш тезлик.*

*Оқ йўл бергин, кенг дунё,  
Чопаётган қулунга.  
Чоҳ қазмагин, қурма гов,  
Қоқилмасин йўлинда.*

*Бошин чўзиб осмонга,  
Қулун югурсин озод.  
Эгар, юган, арқонга  
Дуч келмасин умрбод.*

### **Бугун қўшиқ ёзажакман**

*Бугун қўшиқ ёзажакман,  
Ажойиб, хушовоз бўлгай.  
Қувват битиб қанотига,  
Осмонларга парвоз қилгай.*

Бул қўшигим Ҳумо каби  
 Давлатли ва бахтли бўлгай.  
 Озод учар, эмин-эркин,  
 Саодатли, тахтли бўлгай.

Тоғнинг баланд чўққисига  
 Барча бирдай ошиқ бўлгай.  
 Ирмоқ каби чулдур-чулдур,  
 Сўқмоқ каби қўшиқ бўлгай.

Армони кўп одамзоднинг  
 Кўнгли бўлгай, дили бўлгай.  
 Тилсими кўп табиатнинг  
 Сўйлаб турган тили бўлгай.

Жизиллаган жазирада  
 Ёлғиз ўсган терак бўлгай.  
 Чарчаб келган йўловчининг  
 Муҳтожсига керак бўлгай.

Фазогирдек коинотда  
 Юлдузларга сирдош бўлгай.  
 Нозик таъбли, зийрак, оқил,  
 Улугликка тиркаш бўлгай.

Тонг-саҳарни қанотида  
 Олиб учган лочин бўлгай.  
 Мошинлига – аэроплан,  
 Пиёдага – мошин бўлгай.

Олтин қушим, олмос қушим  
 Эл-юртимга қўлдош бўлгай.  
 Мангуликка ошиқ бўлиб,  
 Яхшиликка йўлдош бўлгай.

Ким бўлса ҳам, бул қўшигим  
 Инсон гамин ўйлайверар.  
 Катта билан катта бўлиб,  
 Бола билан ўйнайверар.

Ким бўлса ҳам, бул қўшигим  
 Танҳо менинг ўзим бўлгай.  
 Юртим учун Яратгандан  
 Тилаб олган сўзим бўлгай.

**Қорақалпоқ тилидан  
 Рустам МУСУРМОН таржимаси**

## Матнларни варақлаганда



**Алимардон  
ҲАЙИТОВ**

*1977 йил туғилган.  
Ҳозирги Миллий университетнинг  
ўзбек филологияси  
факультетини  
битирган.  
“Ҳадис ва ўзбек  
шеърляти”  
 (“Арбаъин  
туркумлари  
мисолида”) мавзусидаги  
докторлик  
диссертацияси  
устида изланиш  
олиб бораётти.  
Айни пайтда,  
Ўзбекистон  
Миллий  
телерадио-  
компаниясида  
бош мутахассис  
бўлиб фаолият  
юртмоқда.*

## “АРБАЪИНИ ЖОМИЙ”НИНГ ТАРЖИМОНЛАРИ

Буюк сўз санъаткори Жомийнинг “Чихл ҳадис”, “Тар-жумаи арбаъин ҳадис”, “Арбаъин ҳадис”, “Арбаъини Жомий” каби турли номлар билан юритилган асари ўз даврида нафақат форс-тожик адабиёти ихлосмандлари орасида, балки туркий адабиёт муҳиблари ўртасида ҳам жуда машҳур бўлган. Шу боисдан, бу асар котиблар томонидан жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган. Ҳатто, баъзи кутубхонадан Жомий “Арбаъин”ининг юздан ортиқ қўлёзма нусхаси топилган.

Асар форсча қисқа насрий муқаддима билан бошланган. Жомий ҳам форс адабиётидаги бошқа кўплаб қирқ ҳадис таржимонлари каби дебочани араб тилида ёзиш-ни хоҳламаганлиги манбаларда айтилади. Шундан сўнг, ҳадислар таржимасига ўтилган. “Арбаъини Жомий” турли даврларда кўплаб нусхаларда кўчирилганлиги боис, қўлёзмаларда ҳадисларнинг берилиш тартиби бир-бирдан фарқ қилади. Бу хаттотлар, котиблар ва ҳатто музаҳҳиб (китобларни зарҳал хошиялар билан безовчи)ларнинг фантазиялари сабабидир. Уларнинг асарни кўчириш ишларига эркин ёндашувлари натижасида, ҳадисларнинг берилиш тартиби аслиятдагига нисбатан анча ўзгаришларга учраган.

Мазкур асарнинг туркий тилга биринчи таржимони сифатида Навоий эътироф этилади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Навоий Жомий қирқта ҳадисни танлаб олиб арабчадан форс тилига таржима қилганини ва ҳаммадан олдин қораламасини унга берганини, мутолаа қилиб чиққандан сўнг, бу “Арбаъин”ни туркий тилга таржима қилиш орзуси кўнглига тушганини ёзади. Таржимани бир-икки кун ичида амалга оширганини ҳам дебочада таъкидлайди. “Арбаъини Жомий”да ҳадисларнинг қайси буюк муҳаддисларнинг асарларидан олинганлиги айтилмаган. Навоий “Арбаъин”идаги йигирма уч байтти шеърин муқаддимада Жомийнинг бу ҳадисларни энг саҳиҳ ҳадисларни тўплаган буюк муҳаддислар Имом Бухорий ва Муслим ибн Хажжождан олганини айтиб, жумладан, шундай ёзади: Ўқуғанда Бухори-у Муслим Қирқ сўз борча шубҳадин солим.

Барча шубҳалардан холи қирқ ҳадисни ўзида жамлаган “Арбаъини Жомий”нинг туркий тилга Навоийдан бошқа таржимонлари ҳам бўлганми? Шу пайтга қадар Навоий асарлари тадқиқи билан шуғулланган адабиётшуносларнинг илмий рисола ва китобларида ушбу асар ҳақида ҳам батафсил сўз юритилган бўлса-да, аммо Жомий “Арбаъин”ининг Навоий-



дан бошқа таржимонлари ҳам бўлганлиги ҳақида бир сўз дейилмаган. Аслида, форс-тожик ва туркий адабиёт оламида машҳур бўлган “Арбаъини Жомий”нинг Навоийдан бошқа таржимонлари ҳам бўлишган. Бу борада улуғ мутафаккир бобомиздан кейин озарбайжон адабиётининг йирик намоёндаси Фузулий номини тилга олиш жоиз. Фузулий Навоийдан фарқли ўлароқ, ўз “Арбаъин”ини насрий муқаддима билан бошлаган. Яъни, бу борада, у Жомий йўлини тутган. Шунингдек, Навоий ҳам, Фузулий ҳам вазн ва жанр бобида Жомий услубини сақлашган. Профессор Абдулқодир Қорахон “Жомийнинг “Арбаъин”и ва туркча таржималари” китобида бу асарнинг Навоий ва Фузулийдан бошқа таржимонлари ҳам бўлишганини ёзади. Хусусан, XVI-XVII асрлар усмонли турк адабиётида “Арбаъини Жомий”нинг Рихлатий, Набий ва Муниф каби шоирлар томонидан ҳам таржима қилинганини қайд этади. Бундан ташқари, олим “Арбаъини Жомий”нинг номаълум бир муаллиф томонидан ҳам таржима қилингани ҳақида маълумот беради. Қизиқ томони шундаки, номаълум муаллиф қўлига тушган қирқ ҳадис таржимасининг Жомийга тегишли эканини ҳам ҳатто билмаган. Эҳтимол, шунинг учундир, балки ўзи истамаганлиги боис ёки бошқа номаълум сабабларга кўра, таржимон ўз исмининг сир тутилишини хоҳлаган. Тадқиқотчилар “Арбаъини Жомий”нинг бошқа яна кўплаб таржимонлари ҳам ўз исмларини маълум қилмасликни афзал билишганликларини таъкидлашади.

“Арбаъини Жомий”нинг барча таржимонлари Жомий қўллаган вазн ва назм шаклини қабул қилишган. Яъни, таржима ишини арузнинг “фоилотун мафоилун фоилун” баҳрида, қитъа жанрида амалга оширишган. Фақат Навоий ва Набий “Арбаъин”и шеърӣ муқаддима билан бошланган. Бошқаларда эса Жомийдаги каби муқаддима насрий услубда битилган.

“Арбаъини Жомий” кўпгина қўллама нусхаларда Пайғамбар алайҳиссаломнинг: “Ла: йўминун аҳадукум ҳатта йа ҳиббу ли-аҳиҳи ма: йа ҳиббу ли-нафсиҳ(и)” – “Қайси бирингиз токи ўзига раво кўрмаганни биродарига раво кўрар экан, имонли бўлмағай” ҳадисининг шеърӣ таржимаси билан бошланган. Жомий таржимаси қуйидагича:

*Ҳар каси ро лақаб маъкун мўъмин,  
Гарчи аз саъи жону тан хоҳад.  
То нохоҳад бародари худро  
Ончи аз баҳри хейштан хоҳад.*

Энди, Жомийнинг ушбу таржимаси Навоий, Фузулий, Рихлатий, Набий, Муниф ва номаълум муаллиф томонидан қай тарзда туркий тилга ўғирилганлигига эътибор қаратамиз.

Навоий таржимаси:

*Мўъмин эрмастур улки, иймондин  
Рўзғорида юз сафо кўргай.  
Токи, қардошига раво кўрмас –  
Неким, ўз нафсига раво кўргай.*

Фузулий таржимаси:

*Мўъмин ўлмас киши ҳақиқат ила  
Тутмагунча тариқи тарки ҳаво.  
Ҳар не, ўз нафсига раво кўрса,  
Ёру қардошга кўрмагунча раво.*

Рихлатий таржимаси:

*Мўъмини комил ўлмағай ҳаргиз,  
Севмаган жони каби қардошини.  
Дўст кўринар, лек, душман бўлар  
Соз қилмаса ичи ила тошини.*

Набий таржимаси:

*Деди фаҳри русул, эмастур мўъмин,  
Ул кесганким зирўйи сидқу сафо.  
Ўз нафсиға кўрганни лойиқ  
Кўрмаса то биродариға раво.*

Муниф таржимаси:

*Мўъмин ўлмас ул кимса ҳар на қадар,  
Топса ҳусни амалда умру фано.  
Ҳар не истарса нафсиға, токим,  
Уни ихвонга дағи кўрса сазо.*

Номаълум муаллиф таржимаси:

*Мўъмин ўлмас ул кимса оламда,  
Жисму жонин бахш этар ҳар на қадар.  
То қариндоши мўъминға тиламас  
Ани ким, ўзин нафсиға истар.*

Мазкур таржималар орасида Жомий қитъасига энг яқин келадигани номаълум муаллифники ҳисобланади. Агар бошқаларники билан солиштирилса, Навоий ҳам, Фузулий ҳам, усмонли турк шоирлари ҳам “Арбаъини Жомий”ни анча эркин таржима қилганликлари кўзга ташланади.

Маълумки, Жомий қирқ ҳадис таржимасига қўл урган пайтда, етмиш ёшни қоралаб қолган эди. Баъзи Ғарб тадқиқотчилари “Арбаъини Жомий”ни бадиият нуқтаи назаридан шоирнинг бошқа асарлари билан солиштирганда, у қадар юқори савиядаги асар эмаслигини айтар экан, бунга Жомийнинг кексайиб қолганлигини ҳам сабаб қилиб кўрсатишади. Бизнингча, бунга Жомийнинг кексайиб қолганлигини сабаб қилиб кўрсатилиши кўп ҳам тўғри бўлмаса керак. Аввало, шоирнинг “Арбаъини Жомий”га қўл уришдан кўзлаган мақсади юксак бадиият намунасини яратиш бўлмаган. Жомий ҳадислар одамларга ғояда тушунарли ва ёдлаш осон бўлиши учун бу ишни амалга оширган. Айни ҳаракати билан эса, ўзидан кейинги таржимонларга сабоқ ҳам берган. Яъни, ҳадисларнинг мазмуни қалбга тез ўрнашиб қоладиган даражада таржима содда ва қулай тарзда амалга оширилиши кераклигини ўзи амалда исботлаб кўрсатган. Қолаверса, ҳадислар, аввало, Пайғамбаримизнинг кўрсатмаларидир. Уларни таржима қилаётганда, хаёлот ва илҳом қушларини кўп ҳам эркин қўйиб бўлмайди. Таржимада шеър тилини мураккаблаштириш эса шоирнинг савоб умидини йўққа чиқаради. Айниқса, қирқ ҳадис таржимонлари бу нарсага жуда эътиборли бўлишган. Улар нозик сўз ўйинлари, кўп қатламли бадиий тасвир воситаларини арбаъин туркумидаги асарларда кўп қўллашмаганлар. Лекин, шундай бўлса-да, француз олими Блоше Жомийнинг баъзан ўзи билган ва хоҳлаган тарзда ҳадисларнинг маъно чегараларидан ошганлигини ҳам таъкидлайди. Хусусан, бу “Арбаъини Жомий”да “Утлубул-хайра Ёнда ҳисонил-вужух” – “Яхшиликни очик, хушрўй юзли кишилардан кутинлар” ҳадисининг таржимасида кузатилишини қайд этади.

Айтиш мумкинки, шахси нуроний ва илмий-ирфоний, руҳоний камолотда беназир бўлган Жомийнинг ушбу асари ҳадисларнинг шеърӣй изоҳи ҳам ҳисобланади.

Буларнинг барчаси эса азал-азалдан Шарқ заминида инсонни маънан юксалтирувчи, унга саодат йўлларини кўрсатувчи хайрли амалларга ҳамма вақт катта эътибор қаратилганлигини кўрсатади. Гарчи, бизнинг назаримизда, қирқ ҳадис таржимаси, айниқса, Жомий ва Навоийдек улкан истеъдод ва тафаккур соҳибларига арзимаган ишдек туюлса ҳам, аммо, буюк бобокалонларимиз асло бундай деб ўйламаганлар. Аксинча, буни халққа яна бир шарафли хизмат деб билганлар.

## Ғазал бўстони



## Дилга нақш этдим Ҳасоматини

### Инсон тили

*Инсон тили, аввало, салом учун яралган,  
Рухиятга ҳаловат пайғом учун яралган.*

*Тил ганжи бедахлдир, шоҳу фақир баҳраманд,  
Наинки, хос учун ё авом учун яралган.*

*Дилларни бир-бирига лутф ила бойлагай тил,  
Озор эмас, юракка ором учун яралган.*

*Тил болу тил оғудир, захрини этма шоён,  
Асали ёру дўстга инъом учун яралган.*

*Сўзловчининг сийрати сувратида Хувайдо,  
Тил суврату сийратга маром учун яралган.*

*Ҳикмати бўлмаган тил ҳурматидан жудодир,  
Ҳикмати гуллаган тил икром учун яралган.*


*Сўз зар эса, заргари – тил, дейди, аҳли дониш.  
Демакки, тил тиллоранг калом учун яралган.*

*Пок сўз-ла покла тилни, эрта жавоби бордир,  
Тил иймон, эътиқодга мақом учун яралган.*

*Сўз сўзласанг, Самандар, меъёру мезонни бил,  
Шоир тили шарҳи дил – илҳом учун яралган.*

### Аёл

*Аёл – инсоният тожин безатган дуру гавҳарсан,  
Садоқатдан саодат қасрини этдинг мунавварсан.*



**Самандар  
ВОҲИДОВ**

1942 йил туғилган. Бухоро Давлат педагогика институтини тугатган. “Каф-тимдаги гул”, “Оламдан ранг излаб”, “Кенгликларни қўмсаб”, “Хаёлинг мен билан”, “Гуллаган кунлар”, “Бу бозда баҳра боқийдур”, “Айланадур бу дунё”, “Кўнглимда олам сурати”, “Орзунинг осмони кенг” китобларнинг муаллифи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

*Ҳаё сенда, ибо сенда, малаклар поклиги сенда,  
Меҳрда шамси анварсан, латофатда суманбарсан.*

*Сенинг сабрингга тоғ тимсол, сенинг багрингга боғ тимсол,  
Баайни тоғ муқаррарсан, баайни боғ муаттарсан.*

*Кимки билмагай қадринг, маломат айлагай “мақринг”,  
Сенинг “мақринг” – расо фикринг, ақл мулкида сарварсан.*

*Муҳаббат туйғуси қай кун иноят бўлди Оллоҳдан,  
Бу туйғуга бўлиб ҳомий, вафоинг бирла асрарсан.*

*Самандар сингари юз минг қаламкаш ёзса юз минг йил,  
Сенинг васфингни юз мингдан бирин битса унга аҳсан.*

### Қайтмагай

*Қайтмагай кетган баҳоринг, лолазоринг қайтмагай,  
Ёшлигинг – умрингда фасли безуборинг қайтмагай.*

*Қўл узатсанг етгудек, аммо, уфқлардан йироқ,  
Шўх гўдаклик дамларинг – ойдин наҳоринг қайтмагай.*

*Боги ишқнинг гуллари куз елларига хомталаш,  
На гулинг қайтар у боғдан, наки, хоринг қайтмагай.*

*Сархуш эрдинг бир замон, дийдоримас, хуморидан,  
Йўқ-ку дийдордан умид, ҳатто, хуморинг қайтмагай.*

*Дейдилар: “Қайтар бу дунё”, лоф экан қайтарлиги,  
Базми армон авждаю азму қароринг қайтмагай.*

*Кетди қанча дўст-биродар дилда доғлар қолдириб,  
Етмагайму ё уларга оҳу зоринг, қайтмагай.*

*Эй, Самандар, қайтмаганга кайгуришининг нафи йўқ,  
Борини қадр этки, кетса-ушбу боринг қайтмагай.*

### Мен сўйлаган афсоналар

*Сенга севги қиссасин сўйлар эмиш бегоналар,  
Дарбадар юрган эмиш мен сўйлаган афсоналар.*

*Юзларингда муҳри толе, кўзларингда нақши ишқ –  
Чақнар эрмиш ишқ вафодан урса лоф ҳамхоналар.*

*Хотиранг кўзгусидай синган эмиш, мен бир замон –  
Лабларингга тутганим гулкосалар, паймоналар.*

*Келмагай эрмиш эсингга шеър битиб дил қонидан,  
Кўча бозда изларингни излаган ҳайроналар.*

*Гар фаромуш айлай олсанг бегубор кечмишларинг,  
Сен, демак, бахт шоҳисан, қисматга қил шукроналар.*

*Не ажаб, асли садафнинг қўйнида пайдо бўлиб,  
Сўнг, бировлар бўйнини қучгай экан дурдоналар.*

*Бағрида асраб-авайлаб, ҳусн ато этгай, вале,  
Гулни узгай ўзгалар, бебахрадир гулхоналар.*

*Бевафолардан вафо кутган Самандардан қулиб,  
Ўз сафига лутф ила олмиш қўшиб девоналар.*

### **Васфи ҳуснинг**

*Лабми, бу лаб, гунчами, гул баргими гулгун дудоқ,  
Ойдан андозами ё ойга андоза бу яноқ?*

*Кўз, десам, ҳаққи кетар кўзингни менда, эй санам,  
Кўз, агар, кўз бўлса, эсу ҳушга қўйгайми тузоқ?*

*Мен Эрам богин ривоятда эшитган соддаман,  
Қўлми бу ёки Эрам боғида унган гул бутоқ.*

*Тун десам сочинг қаросин, тун уятдан бўзрар,  
Сочларингга шўнгиса ёғдуланиб қайтгай тароқ.*

*Дил ўтингдан ўт олиб, офтоб узайтар умрини,  
Йўқса, сўнгай эрди у мисли ёғсиз шамчиरोқ.*

*Кўрса рафторинг агар товус таманнодан топар,  
Кўрса гуфторинг агар булбул қилар кўксини чоқ.*

*Васфи ҳуснинг айлайин, десам, қалам чўғ бўлдию  
Ёнди қоғоз, қолипидан кечди воз вазну туроқ.*

*Дилга нақш этдим жамолинг ўзга кўздан ёшуриб,  
Зарни-ер, дурни-садаф тутган каби кўздан йироқ.*

**Бухоро**

## Адабиётшунослик


**Бойназар  
ЙЎЛДОШЕВ**

*1946 йил туғилган. Олимнинг бутун фаолияти Қариш Давлат университети билан боғлиқ. У шу даргоҳда ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан ва ректор лавозимларида ишлаган.*

*“Қашқадарё бадиияти”, “Адабий танқид тарихи”, “Бадиий олам талқинлари” номли китоблари адабиётшунослигимизда катта аҳамиятга эга.*

## “АДАБИЙ ТАНҚИД ФАНИ” ТАМОЙИЛЛАРИ

Президентимиз Ислон Каримов муттасил равишда жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати бўлган маънавиятни юксалтириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг асосий омили эканлигини уқтириб келмоқдалар.

Ҳақиқий ўтмишимизни чуқур билиш, миллий ифтихор туйғуларини ўстириш асосида, ўзлимизни янада теран англаш учун адабий танқидчилик ҳақида баҳс юритиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, адабий танқид жамият ва адабиёт ҳодисаларини ҳаққоний баҳолаш орқали халқнинг маънавий савиясини юксалтириш, эстетик дидини тарбиялаб, комил инсонни шакллантиришдек эзгу ишга катта ёрдам беради.

Миллий истиқлол мафқураси ва ҳозирги кунда кечаётган шиддатли ҳаётини ўзгаришлар жараёни ҳам ўзбек адабий танқидчилиги босиб ўтган тарихий йўлга илмий жиҳатдан ҳаққоний баҳо бериш ва теран ёритишни тақозо этади. Янгиланаётган давр муаммолари адабий танқид олдида муҳим вазифалар, қатор маънавий талабларни қўймоқда. Шунинг учун ҳам миллий ифтихор туйғуларини ўстириш, мустақиллик руҳини чуқур англаш учун жамият тараққиёти ва адабий жараён ҳақида илмий баҳс юритувчи адабий танқид хусусида сўзлаш, унинг босиб ўтган йўли, шўро даврида дуч келган муаммо, тазйиқларни таҳлил этиш ва улардан зарур сабоқлар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, адабий танқиднинг пайдо бўлиши ва ривожланишида, аввало, китобхоннинг ижтимоий эстетик эҳтиёжлари етакчи аҳамиятга эга бўлган. Чунки бирор-бир бадиий асарни ўқиб чиққан саводхон ўқувчида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш, қолаверса, муаллиф билан фикрлашиш истаги пайдо бўлади. Ана шу маънавий эҳтиёж даврлар ўтиши билан адабий танқидчиликнинг юзага келишига, махсус фан сифатида шаклланишига шароит туғдирган. Адабий-танқидий асарларда бадиий асарнинг ютуқ ва камчиликлари, ижодкорнинг бадиий маҳорати ҳақида илмий мулоҳаза юритилибгина қолмасдан, муайян бир жамиятнинг ижтимоий манфаатлари ҳам акс этган бўлади ва, умуман, бу соҳа қадимдан фалсафа, эстетика, этика фанлари билан узвий алоқадорликда ривожланиб келган. Шунинг учун ҳам Эпикур ва Аристотель замонидан бошлаб, адабий танқидчига файласуф, тарихчи – сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, руҳшунос сифатида ҳам қараб келинган.

Хуллас, тарихий-адабий манбалар “адабиётшунослик”, “адабий танқид”, “танқидчи” атамалари, жаҳон адабиёти ва илмий тафаккури тараққиётида кўп йиллик тарихга эга.

Агар ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, йигирманчи асргача бўлган даврларда адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашлар замонавий танқидчиликдан фарқли тарзда мавжуд бўлганини кузатиш мумкин. Ўтмишда адабиётшунослик ва адабий танқид фан сифатида мустақил бир йўналишда бўлмаган. Шундай эса-да, бу соҳа қадим-қадимдан бошлаб шеър шаклида тазкиралардан, адабиётшуносликка оид баъзи бир рисоалардан, тарихий-бадий ёдномалардан ўрин олиб, ривожланиб келган. Айниқса, шеър ва шеърят илмига оид рисоалар ҳамда тазкиралардаги адабий-танқидий тафаккурга оид турли хил фикр ва қарашлар мумтоз адабиёт тараққиётида муҳим ўрин тутган.

Таъкидлаш жоизки, Шарқда Навоийгача ва ундан кейин ҳам адабиётшунослик бобига кўп хайрли ишлар қилиниб, бир талай асарлар ёзилган. Шеърят назарияси ва танқидчилигига оид фикр-мулоҳазалар ўтмишда нафақат тазкираларда, балки Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бобур каби маънавиятимизнинг улуғ намояндалари асарларида ҳам кенг ифода этилганки, бу жиҳатдан уларнинг шеър ва шоирлик масъулияти ҳақидаги қарашлари адабиётшунослик, адабий танқид илмининг ривожига сезиларли таъсир этган. Масалан, Форобий шеър санъати ва унинг вазифасини шундай белгилайди: “Бу санъат – бирор мақсадни амалга ошираётган пайтда, йўлдан чиқиб кетмасликка ёрдам берувчи ва инсон ҳаёлини қоғозда намоен этувчи санъатдир. Шеърнинг олти хили бор. Шундан учтаси яхши ва учтаси ёмондир. Яхшилардан бири шуки, унинг ёрдамида инсон ақлий қувватини мукаммаллаштиради, саодатга олиб борувчи фикри ойдинлашади, яхши ишларга, фазилатли бўлишга илҳомланади, хасислик, ёмон ва қабих ишлардан сақланади. Иккинчи яхши хили кишининг руҳий сезиларини юксалтиради, ҳаддан ташқари эҳтиёткорликдан холи қилади, иззат-нафсни сақлайди, ғазабланишдан, ёмон ишлардан эҳтиёт қилишга ёрдам беради. Учтинчи кишини заифликдан сақлайди, унинг нафсини, ҳирсини тияди, ғамдан халос қилади, ёмонлик олдида ана шу юқорида қайд қилинган ижобий хислатларни намоен этишга ёрдам беради”.

Ўзбекистонда адабий-танқидий қарашлар ва адабиётшунослик илмининг ривожини XIX асрнинг иккинчи ярмидан янгича тамойиллар касб эта бошлади. Таниқли адабиётшунос олим Бахтиёр Назаровнинг таъкидлашича, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек матбуотига, хусусан, “Туркистон вилоятининг газети”га назар ташланса, бугунги тушунчамизга ўхшаш хусусиятларга эга бўлган адабий-танқидий мақолаларга дуч келиш мумкин ва, айнан, ўша даврдан бошлаб том маънодаги малакали танқидчиликка асос солинди.

XX аср шўро танқидчилиги эса адабий жараён ва ёзувчи эркига зўракилик билан таъсир ўтказишга мослашган эди. Бу ҳол хатоларни келтириб чиқарди. Лекин коммунистик мафкуравийлик ва давр сиёсатидан қатъи назар, адабий танқиднинг босиб ўтган оғир йўлида маълум ижодий самаралар, жумладан, бадий маҳорат, ижодий ўзига хосликнинг хусусиятларини очиб берган тадқиқотлар юзага келдики, уларни бугунги кунда ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалан олтмишинчи йиллардан бошлаб, адабий танқидчиликда ёзувчининг ҳаётий воқеаларнинг фалсафий моҳиятини чуқур тушунишига ва истиқболни кўришига ёрдам берадиган долзарб мақолалар юзага келди. Танқидчиликдаги бир қолипчи қарашлар ва сунъийликдан бар қадар воз кечилди. Бадий асарни санъат ҳодисаси тарзида таҳлил қилишга, яъни, кўпроқ бадий-эстетик масалаларга эътибор берилди.

Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Воҳид Зоҳидов, Фулом Каримов, Матёқуб Қўшжонов, Азиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Нуриддин Шукуров, Собир Мирвалиев, Бахтиёр Назаров, Норбой Худойбергенов сингари танқидчилар адабий жараёнда юз бераётган ҳодиса ва ўзгаришларни ўзларининг мақолалари ҳамда илмий ишларида умумлаштирдилар. Уларнинг адабиётимизнинг тарихи, ўша даврдаги адабий жараён ҳақидаги мулоҳазалари натажасида олтмишинчи-етмишинчи йиллар ўзбек адабий

танқидчилигида услубий ранг-баранглик, рисоалар яратиш танқидчининг тарихий-биографик ёндашуви борасида маълум муваффақиятларга эришилди.

Маълумки, ўзбек адабий танқидчилгининг яхлит тарихи XX асрнинг саксонинчи йилларигача ҳам яратилмаган эди. 1987 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт институтининг адабиёт назарияси ва адабий танқид бўлими илмий ходимлари ўзбек адабий танқиди тарихини ёзиб, чоп эттирди. Ўзбек адабий танқидининг туғилиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил этилган мазкур икки томлик миллий адабий танқидчилик ҳақида тўлиқ тасаввур бера олади. Лекин, унда адабий танқиднинг жуда кўп муҳим масалалари хусусида умумий тарзда фикр юритилган. Масалан, олтишинчи-етмишинчи йиллар адабий танқидчилигидаги маҳорат ва услуб ранг-барангликлари ҳамда ўзаро таъсир масалалари, тарихий-биографик ёндашув тарзидаги рисоалар талқини, ёзувчи-танқидчи фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида умумий фикрлар билан чегараланиб қолган. Шунинг учун ҳам мазкур масалалар атрофлича таҳлил этилиб, уларга доир махсус тадқиқотлар яратиш зарурлиги ўз-ўзидан равшандир.

XX аср танқидчилигида ўзбек романи, қиссачилиги, драматургия, поэма ва ҳикоячилиги каби адабий тур ва жанрларнинг таркиб топиши ҳамда тараққиёт босқичларини ҳам кенг таҳлил қилувчи танқидий биографик тадқиқотлар амалга оширилиши ва уларнинг дунёга келишида жаҳон адабий танқидчилигининг бу соҳада қўлга киритган ютуқларининг таъсири сезиларли бўлди.

Адабий танқид ривожига журналлар ва газеталар саҳифаларида бадиий адабиёт ва адабий танқидчиликнинг муҳим масалаларига бағишланган ёзувчи ва танқидчи баҳс-мунозаралари ҳам салмоқли таъсир ўтказди. Бундай тадбирлар адабий танқидчилик ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида аниқлашда муҳим аҳамият касб эта борди. Айни пайтда, танқид назариясига оид илмий-назарий фикрлар ҳам ривожланди. Ўзбек мумтоз ва XX аср бошидаги жадид адабиётининг атоқли намояндалари ижоди янгича талқинларини яратиш борасида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, қолаверса, жадидлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш бобида дастлабки қадамлар ташланди. Бугунги кунда XX аср адабий танқидчилиги қўлга киритган ютуқ ва камчиликлар ҳақида баҳс очиш, уларни илмий тадқиқ этиш ҳозирги давр ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг таянч нуқталарини янада кенгроқ идрок қилиш, мустақиллик шарофати асосида ўзлигимизни англашдаги вазифаларимизни янада чуқурроқ тушунишимизга ёрдам беради.

Айни пайтда, ўзбек адабий танқидчилигида ютуқлар билан бирга, Ғарб танқидчилигидаги шаблон ва схемалар тўғридан-тўғри олиб кирилганлиги, унинг ўзига хос миллийлик қиёфасига маълум даражада путур етишига сабабчи бўлган. Бу ҳолатларнинг туб моҳиятини, эндиликда, жиддий ўрганиш зарурияти ва имконияти этилганлиги ҳам сезилмоқда. Қолаверса, адабий танқидчилик босиб ўтган йўлни бугунги истиқлол ва мустақиллик тафаккури ва мафкуриси нуқтаи назаридан туриб тадқиқ қилиш адабий танқид тарихи ҳақидаги янгича тафаккур йўлини кенгайтиради.

Адабий танқид биринчи навбатда, бадиий асарнинг ютуқ ва камчиликлари, маҳорат сирлари, ҳаёт билан адабиётнинг чамбарчас алоқаси ҳақида фикр юритади. Демак, у, айни замонда, маълум ижтимоий тузум, маълум муҳитда фаолият кўрсатган илғор зиёлиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашларини ҳам ўзида мужассам этади. Адабий танқидда санъат турлари ва эстетиканинг уйғунлигини табиий ҳол деб қарамоқ лозим. Бу уйғунлик адабиёт ва санъатнинг образлилик асосидаги фикрлаш доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади ва адабий танқиднинг баъзида санъат даражасига кўтарилишига ҳам олиб келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, танқидчи файласуф, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос сифатида фаолият кўрсатган бўлса, санъаткор, ёзувчи ёки ҳуқуқшуноздан кўп ҳолларда адабий танқидчи эришган фазилатларга эга бўлиш ҳам талаб этилган. Француз маърифатпарварларининг фаолиятида бундай уйғунлик, муштараклик, айниқса, яққол кўринади. Шунингдек, адабий танқидчи ёки ҳуқуқшуноснинг ёзувчилик фаолияти билан шуғулланиши кўп ҳолларда амалий муваффақиятларга сабаб бўлиши азалдан



маълум. Шу боис, шахснинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш, синфий, сиёсий, иқтисодий тенгсизликларнинг барча кўринишларига барҳам бериш ғоялари ифодаланган бадиий детектив асарлар ва фильмларнинг муаллифлари кўпроқ ҳуқуқшунос-ёзувчилар эканлиги ҳам табиий ҳолдир.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, Қодирий, Ойбек, Айний, Чўлпон, Фитрат каби машҳур ёзувчиларимиз ҳам бадиий асар ёзишга киришишдан олдин, энг аввало, мавзу тақозосига кўра, қаламга олинаётган маълум тарихий даврни чуқур илмий ва ҳуқуқий асосларида ўрганиб чиққанлар. Масалан, Чўлпон ўзининг “Кеча ва кундуз” романини ёзишдан олдин чор Россияси мустамлакаси бўлган тузумдаги оддий меҳнаткашларнинг оғир аҳволи ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ниҳоятда ҳимоясиз эканлигини чуқур ҳис этган ва таҳлил қилган. Ёзувчи асарида чор Россия идора усули ва давлат бошқарувидаги маъмурий тартиб-қоидалар фақат ҳукмрон доира учун хизмат қилиб, маҳаллий халқни қуллик кишанида ушлаб туришга қаратилганлигини санъаткорона акс эттирилган. Романда Акбарали мингбошининг заҳарлаб ўлдирилиши билан боғлиқ саҳна воситасида унинг кичик хотини Зебининг мазкур жиноятда айбланиши ва суд қилиниши жараёни тасвири бу борада аҳамиятлидир. Суд ҳайъати бегуноҳлиги шундоққина кўриниб турган, айбсиз айбдор Зеби устидан ноҳақ ҳукм чиқаради. Ҳакамлар суд ҳукми билан бегуноҳ бир аёлнинг ҳаётига зомин бўлаётганликларини ич-ичидан тан оладилар ҳамда ерли халқнинг қанчалар ҳимоясиз ва ҳуқуқсиз эканлигидан роҳатланиб, кинояли кулиб қўядилар. Кўрамизки, Чўлпон ижодкор сифатида мазкур парчага чуқур ҳаётий мазмун бағишлаган, уни ўша тузумни фош этувчи қуролга айлантира олган.

Умуман, ўзбек ёзувчилари ижтимоий-ҳуқуқий мавзуларда мунтазам қалам тебратиб, жамиятдаги адолатсизликларни фош этганлиги ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев асарларини таҳлил қилар эканмиз, уларни ҳаёт муаммоларидан, хусусан, долзарб ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан холи ҳолда ўрганиб бўлмайди. Уларнинг ижодида замондошларимиз ҳаётининг турли қатламлари жиддий тўқнашувлар, кескин зиддиятлар, қарама-қарши кучлар кураши воситасида ёрқин образларда жонлантирилди. Адолат, ҳақиқат учун фаол курашувчи қаҳрамонлар тақдири кўплаб кишиларга маънавий сабоқ берди, дунёқараш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлди. Хуллас, адабий танқид атрофидаги мунозаралар, илмий баҳслар, бир-бирини тасдиқловчи ёки инкор этувчи турли хил қарашларнинг юз бериши табиий ҳол бўлиб, улар соғлом адабий муҳит шаклланишида асосий тамойил сифатида хизмат қилади.





### **Абдусамад ТҶИЧИЕВ**

*1966 йил туғилган. 1994 йил Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ўзбек насрида жадид образи талқини” мазуси бўйича номзодлик ишини 2001 йилда ҳимоя қилган. Ҳозирда “Ўзбек романларида макон ва замон концепцияси” мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилиши арафасида. Зта методик қўлланма, монография ва 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Айни пайтда, Тошкент Давлат техника университети қошидаги 3-сонли академик лицейда доцент лавозимида хизмат қилмоқда.*

## **ТАРИХИЙ БАДИИЯТДА МАКОН ВА ЗАМОН**

Жаҳон адабиёти тараққиётида тарихий роман алоҳида ўрин тутди. Чунки, тарихий воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний, изчил ҳужжат ва манбалар асосида тасвирлаш ёзувчидан катта маҳорат талаб этади. Шу боис ҳам, тарихчилар билан ижодкорларнинг тарихий факт ва материалларга муносабатлари турлича бўлади. Тўғри, тарихий макон ва замондаги воқеа-ҳодисаларни факт ҳамда материаллар асосида синчиклаб, батафсил ўрганиш борасида тарихчи ҳам бирдай машаққат чекади, кўп меҳнат сарфлайди. Аммо, ижодкор меҳнати тарихчиникига нисбатан оғирроқ ва масъулиятлироқдир. Чунки, агар тарихчини, асосан, муҳим тарихий воқеанинг моҳияти, мазмуни қизиқтирса, ижодкор ҳар бир кичик деталнинг ҳаққонийлиги борасида ҳам кўп ташвиш чекади. Тарихчи кўрганларини, билганларини холис, ҳаққонийлик билан акс эттиради. Ижодкор эса тарихий фактларга таянса ҳам, барибир, асарда янги бир олам яратади, бу олам ижодкор бадиий тафаккури маҳсули бўлиб, унга ўз баҳосини беради.

Ижодкорнинг ўтмишга муносабати ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг тарихий манбаларни ўқиши, ўрганиши, ўтмишнинг макон ва замон манзараларини чуқур ҳис қилиши, англаши, идрок этиши туфайли юзага келади. Тарих ҳақиқати бадиий асарга шундайлигича кириб келмайди. У ёзувчи фантазияси билан тўлдирилади, муайян ғоявий мақсадга бўйсундирилиши баробарида, аввало, кўз ўнгимизда тирик одамдай гавдаланиши керак.

Ёзувчи Одил Ёқубов ҳам тарихий воқеа-ҳодисаларни тирик одамдай гавдалантириб, бадиий макон ва замон концепциясида тасвирлаш, англаш, идрок этиш борасида ўзига хос услубни қўллайди. У “Улуғбек хазинаси” романида XV асрнинг биринчи ярмидаги тарихий макону замондаги воқеаларни бадиий макон ва замонда тасвирлайди. Роман сюжети воқеаларининг макони, асосан, Самарқанд шаҳридир. Роман сюжети Улуғбекнинг шогирди ва энг яқин дўсти Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчини тун замони (вақти)да микромакон (яъни расадхона)даги хатти-ҳаракатларини тасвирлаш билан бошланади. “Вақт тун ярмидан ошган. Расадхона теран сукутда. Одатдагидай, кечаси самовий ҳолатларни кузатиб ўтирган Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи бир пайт вужутида хиёл нохушлик сезиб, ўрнидан турди.

Мавлоно сергакланиб юқори ошённинг дарчадан кичик ўймакор эшигига тикилди, ним қоронғи расадхонада йўғон ва ўктам овоз янгради”. Модомики, бадиий асарда инсон қисмати билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар акс этар экан, ўша воқеа-ҳодисаларни юзага чиқарувчи макон ҳамда замонни ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим. Чунки, инсон борлиқнинг, оламнинг, табиатнинг ақлли мавжудотидир.

У ўзи яшаётган макондаги нарсаларнинг кўламини, ўзаро жойлашиш тартибини ёки узликли ёки узликликсизлигини, замон воқеа-ҳодисаларининг кетма-кетлиги жараёнининг давомийлигини билишга, англашга ёрдам беради. Унинг бундай ниёт-мақсадларини амалга оширишда бадиий асар муҳим аҳамият касб этади. Бадиий асар инсон учун макон ва замонни аниқ ва равшанроқ кўриш борасида кўзгу вазифасини ўтайди. Бу кўзгу ёрдамида инсон онги, тафаккурида реал ҳаёт воқеалигидаги макон ва замон манзарасидаги нарса-ҳодисалар жараёнини образлар орқали ҳаётини моделини яратади.

Қайд этилган роман матнидаги макон, шу жумладан, микромакон тасвирида, табиийки, ёзувчининг етакчи бадиий-ғоявий концепцияси, эстетик идеаллари билан бир қаторда, миллий заминимиз алломаларининг дунёқараши, тафаккури, илм-фан борасидаги ўша замон (вақт)даги хатти-ҳаракатлари акс этади. Тарихий факт ва материаллар, тарихий шахс ва тўқима образларнинг талқини, руҳий кечинмалари романнинг маконий-замоний манзараларида ёрқин намоён бўлади. Тарихий манбалардан бизга маълумки, Улуғбек эъзозловчи, ободонлаштиришни яхши кўрувчи ҳукмдорлардан ҳисобланади. У бобоси Амир Темур ишларини давом эттириб, “Чихл устун” (“Қирқ устун”), “Боғи майдон” каби бир неча боғ барпо этади. Атрофига илм аҳлларини йиғиб, шулар билан бирга мунтазам иш олиб боради. Улуғбек ана шу олимларнинг ёрдами билан Самарқандда Обираҳмат суви ёнидаги тепалиқда 1424 йилда расадхона қуради. Мазкур расадхона уч қаватдан иборат бўлиб, бу хусусда Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида шундай маълумот беради:

“Яна бир олий иморати Пуштаи Кухак доманасида расоддурким, зич битмакнинг олатидур. У ошёнликдур. Улуғбек Мирзо бу расад била зич Кўрагонийни битибдурким, оламда холо бу зич мустаъмалдур. Ўзга зич била кам амал қилурлар.” Романда Марказий Осиё халқларнинг XV асрдаги ижтимоий ҳаёти муайян рамзий маконий-замоний манзараси бадиий образ воситасида тасвирланади. Ҳаётнинг бор мураккабликлари, зиддиятлари ва жумбоқлари бадиий макон ҳамда бадиий замонда акс эттирилади.

Улуғбек расадхонада эртаю кеч кузатишлар олиб бориб, коинот, сайёралар олами сирларини аниқлаб, 1018 юлдузнинг ҳолат ва ҳаракатини ўрганади. Ёзувчи роман сюжети воқеасини, Улуғбекнинг илмий фаолияти муҳим расадхона – макон (жойи)ни, ўша замон (вақт) воқеа-ҳодисалар жараёнини тасвирлашдан бошлайди.

Бадиий макон ва замон поэтиканинг муҳим категорияси ҳисобланиб, воқеаликни нафақат кўламдорлигини, кенглигини таъминлайди, балки уларнинг тарихан аниқлиги, бадиий-эстетик жиҳатдан далилланганлиги, сюжет тармоқларига боғланиш – алоқадорлик дунёсининг кўп қатламлилиги, фикр, туйғулар оқими, ҳаракатлари романни йирик эпик шакл сифатида кўрсатиб, белгилаб туради... “Улуғбек хазинаси” – макон ва замоннинг бадиий эстетик кўламдорлиги, вертикал (тик) ва горизонтал (тўғри) жиҳатидан серқирра ва кенг романдир. Сюжет тизими майдони доирасида ҳаракат қилаётган образларнинг эркин фаолияти, хатти-ҳаракатларини кўрсатишга, уларнинг характер хусусиятларини аниқроқ, батафсилроқ ҳамда психологик жиҳатдан мукамал, тўла ва жонли тасвирлашга имкон яратиб берган.

Рус адабиётшуноси М.Бахтиннинг таъкидлашича, ҳар қандай асардаги бадиий макон ва замон концепциясида дунёнинг рамзий қиёфаси акс этади.

Замон (вақт) бадиий ҳаракатни юзага чиқарувчи ва таъминловчи асосий воситадир. Ҳар макон ва замондаги ҳаракатланувчи инсон ва нарса-предмет мажозий-рамзий характерга эга бўлади. Замоний мантиқ бу вертикал (тик) ҳолатдаги дунё самимий, жозиба ҳар қандай воқеа-ҳодисалар жараёнига бир хил муносабатда бўладиган нарсадир. Шунингдек, заминда вақт (замон) ҳар хил турларга ажратилган, адабий тоза, ҳис қилувчи тушунчадир. Бу бўлиниш (эрта) ва (кеч) каби замон (вақт) тушунчаси орқали дунёни англашга ҳаракат қилинади. Романда бадиий макон ва замон биринчи навбатда, уюштирувчи ва бошланувчи категорияси сифатида муаллифнинг асардаги ўрни, ҳаракати, идрок этиш сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, бадиий макон ва замон манзарасини бадиий асарда тутган ўрни табиий кўлами билан баҳоланади. Учтинчидан, бадиий асардаги қаҳрамон, образларнинг руҳий олами, ички кечинмалари макон ва замон аспектида биргалиқда таҳлил қилинади.

“Улуғбек хазинаси” романида ёзувчи бадиий макон ва замон манзарасида сюжетнинг эпик кўламдорлиги ва вертикаллиги орқали XV аср сиёсий-маданий-маиший ҳаётини тасвирлар экан, Улуғбекнинг таржимаи ҳолига дахлдор воқеа билан эмас, балки роман сюжети “расадхонанинг теран сукунати”дан бошланиши, у яратган илмий мероснинг абадийлиги, уни сақлаб қолиш учун кураш ҳаракатларига асосланади. Романнинг мазмун мундарижаси, ният-мақсади бадиий-фалсафий ғояси қаҳрамон характери, образнинг руҳий олами, сюжет ва композицияси кабиларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида унсур ҳисобланса, уларни ички жиҳатдан боғлаб турадиган восита макон ва замон образидир. Романда бадиий образ ўз вақтида шаклий аҳамиятга эга бўлса-да, ўзининг мазмун-мундарижаси макон ва замон орқали дунёнинг манзараси рамзийликда намоён бўлади.

Романда тарихий шахс образларидан ташқари муаллифнинг бадиий маҳоратини кўрсатувчи мезонлардан бири – бадиий тўқима ва унинг воқеа-ҳодисаларга киритилишидир. “Улуғбек хазинаси” романидаги бадиий макон ва замон ҳаракат қилаётган тарихий шахс образи ҳам, бадиий тўқима ҳам ёзувчи ғояси, мақсад-ниятига хизмат қилади. Романдаги Али Қушчи образи тарихий шахс ҳисобланиб, буюк математик олимдир. У ҳақида тарихий манбаларда кўплаб маълумотларни ўқиш мумкин.

Романнинг марказий қаҳрамони – Улуғбекнинг диёнатли ва истеъдодли шогирди – Али Қушчини сюжет йўналишида ҳаракат қилиши ёзувчи бадиий концепциясини белгилайди. Романдаги сюжет вақти билан бир қаторда муаллиф кўзлаган ғоявий-бадиий ният, асар мавзуси, жанр хусусияти ҳам ўзига хос тарзда ифодаланади. Тарихий романнинг асосий ва муҳим белгиларидан бири шундан иборатки, ёзувчи бадиий макон ва замон манзаралари орқали китобхон кўз ўнгида ўша давр руҳиятини жонлантира олиши керак. Бунинг учун у эътиборни ўша макон ва замон ҳаракат қилган тарихий шахслар тақдирига қаратадими ёки ижтимоий ҳаётдаги суронли қарашлар манзарасини чизадими, ё бўлмаса қаҳрамонлар тилига йўналтирадими, нима бўлганда ҳам бу ҳаракатлар ёзувчининг бош мақсадига – ниятига уйғунлашган бўлиши ва хизмат қилиши лозим. “Улуғбек хазинаси” романида даврнинг суронли қарашлари, Улуғбекнинг султонлик тахтидан кетиш фожиаси, ўз фарзанди – Абдулатиф туфайли дарбадарликка юз тутган ота-шоҳнинг мураккаб руҳий ҳолатлари, унинг илм йўлида қилган ишларини сақлаб қолиб, шогирдлари давом эттириш истагидаги ҳаракатлари тасвирланади. Ёзувчи бадиий макон ва замон орқали реал ўтмиш воқеаларини қуюқлаштиради, зичлаштиради, ихчамлаштиради. Сюжет вақти (замон)да ўтган куну тунлар, соату дақиқа воқеалари тарихий факт ҳамда материаллар асосида тасвирланади. Бу эса, тарихий ҳақиқатни юзага чиқишидаги бадиий макон ва замоннинг вазифасидир.



## НОМА ВА СОҶИЙНОМА

Мумтоз шеърятимизда соқийнома йўналишидаги шеърларнинг ўзига хос намуналари номалар таркибида учрайди. Улар ҳар бир номадан сўнг келтирилган маснавийлар таркибидан ўрин олган. Хоразмий “Муҳаббатнома”сидаги 12 та маснавий шеърнинг 10 тасида 3 байтдан жами 30 байт, Хўжандийнинг “Латофатнома” асарида ҳар бир номанинг сўнгида 1 байтдан жами 18 байт, Саид Аҳмад қаламига мансуб “Таашшукнома”нинг “Сўзнунг хулосаси” қисмларида 3-5 байтдан жами 30 байт соқийнома мазмунини ифодалайди. Уларнинг барчаси соқийга мурожаат билан (“Кел, эй соқий”) бошланади. Чунончи:

*Кел, эй соқий, кетурғил бодаи ноб,*

*Кула ўйнаю ичсунлар бу асҳоб...* (Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. Тошкент. “Фан” нашриёти. 168-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. М.А.)

Соқийнома характеридаги шеър ва байтлар мазмуни номаларда ифодаланаётган воқеа-ҳодиса, фикр-кечинма, ҳис-туйғулар билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли, адабиётшунослиқда бу шеърлар, кўпинча, поэтик хулосаларнинг ифодаси деб, баҳоланади. Аммо улар фақат хулосавий байтлар бўлиб қолмай, тасвирланаётган ҳаётини манзара ва ифодаланаётган фикр-қарашларига кўра, номаларда келтирилган ғазал, китъа ва фардлар каби мустақил шеърлар ҳамдир.

Бу жиҳатдан, айниқса, “Муҳаббатнома” ва “Таашшукнома”даги соқийга мурожаат билан бошланган шеърлар эътиборлидир. Тўғри, бу шеърлар соқийнома жанри талабларига тўла мос келмайди. Аммо улар мавзунинг қўйилиши, ижтимоий-ҳаётини, ахлоқий-дидактик, ишқий-фалсафий, қолаверса, маърифий-ирфоний фикр-туйғуларнинг ифодаланиши, қофияланиш тарзи, образ ва тимсоллари, ўзига хос бадиий воситалари каби бир қатор хусусиятлари билан ҳам соқийномаларни ёдга солади. “Таашшукнома”да соқийнома шеърларга “Сўзнунг хулосаси” деб сарлавҳа қўйилган бўлса, “Муҳаббатнома” муаллифи уларни “Маснавий” деб номлаган. Чунончи, асарнинг қуйидаги “Маснавий”сини олиб кўрайлик. Байтда қўлланилган талмеҳ санъати лирик қаҳрамон – ошиқнинг кайфияти ва мақсадини ҳам аниқ-равшан тушунишга имкон берган:

*Кел, эй соқий, кетурғил жоми Жамни,*

*Киши кўнглудин май ювур ғамни. (108-бет.)*

Жам, яъни, Жамшид – қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. У жомии жаҳоннамо – жаҳонни кўрсатадиган жом



**Мақсуд  
АСАДОВ**

*1979 йил  
туғилган.*

*Бухоро Давлат  
университетини  
тамомлаган.*

*Ўзбекистон Фанлар  
Академиясининг*

*Тил ва адабиёт  
институтининг  
илмий ходим.*

*Ёш олим “Ўзбек  
адабиётининг  
соқийнома жанри  
хусусиятлари”  
ҳақида илмий*

*изланиш  
олиб бормоқда.*

ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Мумтоз шеърятда май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан ойинаи жаҳоннамога тенглаштирилади. Лирик қаҳрамоннинг соқийдан айнан нима учун “жоми Жам” келтиришини сўраётганлиги иккинчи байт мазмунида янада очиқроқ аён бўлади:

*Ким ошти кўкка оҳим ихтироқи,  
Кюрди кўнелуми дилбар фироқи. (114-бет.)*

Яъни, ҳижрон ва айрилиқ азобидан қийналган, кўнглини ёр соғинчи банд этган ошиқ “жоми Жам” ёрдамида ёр жамолини кўриб, висол лаззатидан баҳраманд бўлишни истайди. Байтда май гўзал маъшуқа хаёли, ёр соғинчи, ишқ-муҳаббат каби маъноларни ифода этган. “Таашуқнома”даги соқийнома шеърларда ҳам, асосан, бу оламнинг ўткинчилиги, унинг гўзалликларини бахту қувончи абадий эмаслиги, ўтаётган фурсатларни ортга қайтариш инсон фарзандининг қўлидан келмаслиги, шу боисдан, ҳаммиша некбинликка, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшаш лозимлиги каби фикр-туйғуларга эътибор қаратилган. Чунончи, мана бу парчада ҳам шоир соқийга мурожаат қилиб, ундан ўзини боқийликка етиштирадиган май беришини сўрайди:

*Кел, эй соқий, кетурғил май зи боқи(й),  
Ки, қолмас дунёда ҳеч киши боқи(й). (176-бет.)*

Юқорида таъкидлаганимиздек, соқийнома шеърларнинг мазмуни, кўпинча, нома ва ғазаллардаги фикр-туйғулар билан ҳам узвий боғлиқ. Масалан, “Муҳаббатнома”нинг учинчи номасида шоир маъшуқанинг ақли ҳайратга солувчи гўзаллигини мадҳ этади. Мумтоз адабиётда ишқни майга нисбат бериш анъанага айланган. Май ичувчи маст қилганидек, ишқ ҳам ошиқни сархуш айлайди. Майни қанча кўп ичган сари ўз хатти-ҳаракатини шунча назорат қилолмаганингдек, муҳаббат ҳам қанча кучли бўлса, ошиқ шунча ўзининг нима қилаётганини билмай қолади: бутун фикри-зикри севгилисига қаратилиб, унинг ишқида ўзини ҳам, атрофидаги одамларни ҳам, ҳатто дунёни ҳам унутади. Мана бу маснавийда “гул юзли соқий”дан ўзини “ҳайрат мақоми”га етказишни сўраётган лирик қаҳрамон – ошиқнинг аҳволи ҳам шундай тасвирланган:

*Кел, эй гулчеҳра соқий, май кетурғил,  
Мени ҳайрат мақомига етурғил. (109-бет.)*

Яна бир номада шоир ёр жамолини бир бор кўриш учун ўзининг бору йўғидан кечигша ҳам тайёр бўлган ошиқ ҳолатини тасвирлар экан, хулоса ўрнида келган соқийнома шеърда мана бундай ёзади:

*Кел, эй соқий, кетурғил лолағун май,  
Ким ул қилди кўпни Ҳотами Тай.  
Суроҳи тўлса кўп, оғзин очолинг,  
Бу кун майхонада ярмоқ сочолинг. (110-бет.)*

Мумтоз адабиётда Ҳотами той ўз сахийлиги, қўли очиқлиги билан машҳур. Бу ўринда, шоир майхонада бор пулини май ичиб тугатган – майхўрни Ҳотами тойга ўхшатмоқда. Бундай тасвирларни Хоразмийнинг издошлари ижодида ҳам кўриш мумкин.

Хоразмийнинг лирик қаҳрамони бир ўринда яқин улфатлар, суҳбатдошлар билан май ичиш лозимлигини айтса, яна бир байтда “гул юзли дилбар”га мурожаат қилиб, ундан ҳушдан айирувчи қадаҳ беришини сўрайди:

*Кел, эй ой юзлу дилбар, тут бирор кеш,  
Бирор кеш бирла қилғил бизни мадҳуш. (114-бет.)*

“Таашшукнома”да эса, “бути айёр” – айёр санам ёки гўзал маъшуқа билан бирга майхўрлик кайфияти гўзал бадиий ифодасини топган:

*Кел, эй соқий, кетур жоми бир оз май,  
Ки ғамларни кўнгуллардан қилур тай.  
Ичоли ул бути айёр бирла,  
Қароқлари қароқчи ёр бирла. (174-бет.)*

Таъкидлаш керакки, номаларда ўзига хос майхўрлик кечалари, улардаги урф-одат ва тартиб қоидалар тасвирига ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, “Таашшукнома”да май базмларида май ёки шаробнинг қадаҳларга қандай куйилиши ва май куйувчи – соқийнинг ўзига хос маданияти тўғрисида ҳам ёзилган. Чунончи, лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қиларкан, ундан май тўлатиб қуйилган қадаҳ сўрайди:

*Кел, эй соқий, кетур жоми лаболаб,  
Қўбиз қўбсаб ичайлик кулуб ўйнаб. (168-бет.)*

Номаларда соқийнинг ҳам кўплаб таърифу тавсифлари келтирилган бўлса-да, кўлларини нозик белига қўйиб майхўрга шароб қуяётган соқийнинг ўзига хос таърифи фақат “Таашшукнома”да учрайди:

*Кел, эй соқий, хумор ашкин олиб кел,  
Қўлингни белсаниб енгни солиб кел. (180-бет.)*

“Таашшукнома”нинг саккизинчи номасидан сўнг келтирилган ғазалда гўзаллик шоҳи бўлган маъшуқа таърифу тавсиф этилади. Шунингдек, лирик қаҳрамон унинг “эхсонун карамлар”ини унутганлигидан, “муҳташам салтанат”идан “фақир” ошиғига жой ҳам бермаслигидан шикоят қилади. “Сўзнунг хулосаси” деб номланган соқийнома шеърда ҳам шоир соқийга мурожаат қилиб, “мири мажлис” – мажлис раҳбари, яъни, май келтиришини сўраркан, у кўпгина саховатли бекларни хасис қилганлигини айтиб, бундай ёзади:

*Кел, эй соқий, кетур ул мири мажлис,  
Ки қилди кўп ғани бекларни муфлис. (156-бет.)*

Номаларнинг асосида, соқийнома жанрига хос бўлган висол онларини ғанимат билиш, кўнгулни ҳамиша ёр муҳаббати, унинг фикру хаёли билан боғлаш, бу дунёнинг бетакрор манзараларидан завқланиш, инсон умрининг боқий эмаслиги, шу сабабли, уни шоду хуррамликда, хурсандчиликда ўтказиш каби мазмунлар ётади. Шу боисдан, уларда мумтоз шеърятда ҳаёт қувончининг сабаби бўлган май образи ўзига хос кўтаринки руҳ, жўшқин ҳиссиёт ва кучли эҳтирос билан таърифу тавсиф этилган. Бир ўринда, Хоразмий соқийга мурожаат этаркан, ундан ўзини “назар”дан четга қўймаслигини, ошиқ учун “сайқал” бўлган ишқ майидан беришини сўрайди:

*Кел, эй соқий, назардин солмоғил гал,  
Кетур ул майки бўлғай бизга сайқал. (123-бет.)*

Бу каби ҳайёмона фикр-туйғуларнинг таъсири Саид Аҳмаднинг “Таашшукнома” асарида ҳам сезилади:

*Кел, эй соқий, кетур жоми дилфизуз,  
Ки ишрат чоғидур ҳам фасли Наврўз. (164-бет.)*

Мисраларда шоир ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиш, умрнинг ҳар дамини хуш ўтказиш учун Наврўзни энг яхши фурсат деб кўрсатади.

Хўжандийнинг лирик қаҳрамони эса, уни хурсандчилик ва завқу шавқ билан безаш лозимлигини айтиб, бундай дейди:

*Кел, эй соқий, бу кун мажлис куроли,  
Замоне айш этиб хуш ўлтироли. (140-бет.)*

Юсуф Амирий “Даҳнома” да қўбизнинг завқбахш куйи, найнинг майин садоси, барбатнинг жарангдор навоси ва танбурнинг ўтли ноласи майхўрлик кечасига файз киритганлигини тасвирларкан, айниқса, муғаннийнинг қўшиқлари ва соқийнинг гўзал одоби ҳам майхўрликнинг таъсирини оширганлигини айтиб бундай дейди:

*Муғаннийлар чолиб мажлисда хўшлар,  
Юруб соқий тутуб саркўча қўшлар.*

*Уланди кеча тегру эл йиғини,  
Чиқарди эл чоғирдин аччиғини. (195-бет.)*

Асарда май базми иштирокчиларининг ҳолати, кайфияти, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари: бу даврада соқийнинг ўрни, май таъсирида суҳбатдошларнинг мулоҳазасиз сўзлари, хушчақчақлик ва хурсандчилик туйғулари ҳам жуда ҳаётӣ акс эттирилган:

*Ўпиб соқий аёғин дам-бадам эл,  
Кўнеул очилмоғига боғлабон бел...*

*Тараб ишрат хатидин тортмай бош,  
Кўнеул чини суроҳидин бўлуб фош.*

*Ҳикоятлар улошиб бир-бирига,  
Қулоқ солмай йцравчилар йирига... (196-бет.)*

Шу тариқа, номаларда соқий, майхўрлик, май базми, ундаги урф-одатлар, базм иштирокчилари, шунингдек, май идишлари ҳақида ҳам ўзига хос талқинлар ўрин олган. Бу орқали, ижодкорнинг ишқ-муҳаббат кечинмалари, ижтимоӣ-ҳаётӣ хулосалари, табиат ва инсон тақдири ҳақидаги чуқур ҳаётӣ-фалсафӣ мушоҳадалари ўз ифодасини топган. Бу эса, номаларда келтирилган соқийнома шеърларни мазкур жанрнинг дастлабки кўриниши сифатида баҳолашга тўла имкон беради.



## ИЖОД ЗАВҚИ ВА МАШАҚҚАТЛАРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевдан салмоқли адабий мерос қолди. Айниқса, ўзбек ҳикоячилигига катта ҳисса қўшган адибнинг “Сайланма”лари (дастлабки уч жилди)га жамланган саксон еттита ҳикоялари унинг бутун ижоди, хусусан, кичик жанрдаги самарали фаолияти ҳақида тўлақонли тасаввур бера олади. Аммо, адабиёт ихлосмандларига яхши маълумки, Шукур Холмирзаев фақат ҳикоянавислик билан чекланиб қолгани йўқ, аксинча, у бадиий ижоднинг бошқа жанрларига ҳам мурожаат этган, жумладан, қатор эссе, қисса, роман, драма, табиат ва инсон, адабиёт ва жамиятаро муносабатларга бағишлаб кўплаб мақолалар ёзган фаол муаллифлардан эди.

Шукур Холмирзаев адабий мероси ҳақида гап кетганда, бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ёзувчининг китобхонлар эътиборига ҳавола этилганларидан ташқари турли сабаблар билан нашр юзини кўрмаган ёки бир қисми эълон қилинган, алоҳида китоб шаклида чоп этилмаган асарлари ҳам бор. Гарчанд умр бўйи адабиёт дарди билан яшаб, унинг муаммосини ўз қайғуси деб билган эсада, адиб кўпроқ ёзишни ўйлаган, асарларининг босилиб чиқишига иккинчи даражали масала деб қараган эди. Бу ҳақда ўзи шундай ёзади: “...мени ҳамма вақт фақат ёзиш қизиқтирган, ёзиш жараёнидан завқ олганман. Асар матбуотда чиққач, бир кун-ярим кун хаёлимда бўлган, кейин елкамдан ошириб ташлаганман, давоми қизиқтирмаган”. Натижада ёзувчининг баъзи асарлари алоҳида китоб ҳолида эълон қилинмай, газета-журналлар ва айрим тўпламлар қатида қолиб кетаверади...

Адибнинг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган романи бешта: “Сўнгги бекат” (1974), “Қилкўприк” (1984), “Йўловчи” (1986), “Олабўжи” (1992), “Динозавр” (1996). Булардан учтаси – “Йўловчи” (бир қисми), “Олабўжи” ва “Динозавр” (биринчи китоби) “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида чоп этилган. Аммо бу асарларнинг тақдири ҳам силлиқ кечмаган. Биринчидан, муаллиф ўз ижодига танқидий кўз билан қарагани, ёзаётганларини изланишлар натижаси деб билгани боис, ушбу асарларидан кўнгли тўлмаган. “Шукур Холмирзаев ўзига талабчан ёзувчи, – деб ёзади академик Матёкуб Қўшжонов. – Асар устида узоқ вақт ишлаб, битгач, ўзига ёқмай қолса, “уни бир амаллаб эълон қилиб ола қолай”, деб ўйламайди, ҳатто ундан воз кеча олади ҳам”. Бу фикрни ёзувчининг ўзи ҳам тасдиқлайди. У бир жойда “Йўловчи” романининг журналда эълон қилинган дастлабки ўн олти бобидан воз кечганини айтса, бошқа бир суҳбатда “Қилкўприк” романи ҳам кўнглидагидек чиқмаганини билди-



**Отабек  
САФАРОВ**

*1985 йил  
туғилган.  
2004 йили  
Миллий  
университетининг  
ўзбек филологияси  
факультетига  
кириб,  
бакалавр ва  
магистратура  
босқичларида  
ўқиган. Ҳозирда  
“Шукур  
Холмирзаевнинг  
адабий-танқидий  
қарашлари  
муаммоси”  
бўйича тадқиқот  
олиб бормоқда.*

ради: “Бальзак битта роман ёзишдан олдин бешта романнинг бошига етган. Шундай экан, нега машқ қилиб кўрмаслигимиз керак? Ҳозир 4-5 романим бор. Сўнгиси, “Олабўжи” ўтган йили “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинди... Назаримда, ҳозирча энг яхши романим шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам “Йўловчи”, “Қилкўприк” романларимдан кечдим”. (Таъкидлар бизники – О.С.)

Иккинчидан, муаллифнинг асарлари ёзилганидан сўнг ҳам осонликча чоп этилавермаган, ўз вақтида жуда кучли қудратга эга бўлган адабий назорат (цензура) нинг “таҳрир”идан ўтган (бундай қисматга бошқа ижодкорларнинг асарлари ҳам дуч келган эди). Масалан, салкам етмиш йил мобайнида, қатор-қатор тадқиқотларда, бадиий асар сифатида тақдим этилган битикларда “босмачилик” деб атаб келинган, аслида эса ватандошларимизнинг босқинчиларга қарши кураши ўлароқ юзага келган миллий озодлик ҳаракатига бағишланган “Қилкўприк” романи ҳам мафкурашунослар чиғиридан ўтган. Адибнинг ўзи бу ҳақда шундай эслайди: “Қилкўприк” романида эса, дунё қўлдан кетди, деганман. Бунда 18-йил воқеалари ёзилган, лекин мен 22-йил, деб сакраб ёзганман. Мени концепция қизиқтирган. “Қилкўприқдан ўтдик, жаннатга эмас, дўзахга ўтдик”. Шу охириги жумла чиқмаган. Аслида, охири бундай тугаган эди: “Дўстлик қабристонини тепасида бир неча кишилар пайдо бўлди. “Э, бу бойнинг қизи экан-ку. Бу эшони Судурнинг набираси экан-ку”, деб уларнинг сўнгакларини олиб, Бойсунсойга ташладилар. Итлар ғажиб ташлади”. Мен шу жумла учун бу асарни ёзган эдим”. (Таъкидлар бизники – О.С.) Чиндан ҳам, асарда шўролар орасидан гўё қочган бўлиб лашкари ислом – “босмачилар” орасига борган Қурбон (“эшони Судурнинг набираси”) минг бир таҳликада, ҳар дам сири фош этилишидан хавотирланиб, жонини гаровга қўйганча шўро раҳбарлари берган топшириқни адо этадики, хизматлари эвазига “Бу эшони Судурнинг набираси”, деган айб билан (ҳолбуки, Қурбоннинг устози эшони Судурдан қийнала-қийнала воз кечгани, унинг ўзларига хизмат қилишини истаб, “Шундай одам!.. Биз (шўролар – О.С.) тарафда бўлса!..” деган изтироблари романда маҳорат билан тасвирланган) сўнгаклари тимсолида хотирасининг хорланиши янги тузум – шўролар учун одамнинг заррача қадри бўлмаганининг далили эди. Айтиш керакки, “одамзоднинг иродасини букиш, руҳини синдиришга қаратилган” (Шукур Холмирзаев таъбири) собиқ тузумда одамнинг ўзидан кўра меҳнати устун қўйилгани, “хизматини ўтаган” деб ҳисобланган инсонлардан осонгина воз кечилгани шўроларга умрини тиккан, бу йўлда не-не жонбозликлар кўрсатган, аммо охирида хўрланган Эшнённинг аччиқ қисмати мисолида “Эсиз, Эшнён” (1987–1988) ҳужжатли қиссасида ифодаланган.

Шукур Холмирзаевнинг “Динозавр” романи, гарчанд, адиб бу асарининг кўнглидагидек чиқишига умид қилган эса-да (“Динозавр” романим, илоё, сўнгги асарим бўлмасин, шу менинг суянган тоғим”), тугалланмай қолган. Асар уч қисмдан иборат бўлиши кўзда тутилган, биринчи қисми “Ёшлик” журналида чоп этилган, адиб иккинчи қисмини ҳам тугатиб, учинчи қисмини ёзаётгани ҳақида хабар берган, аммо асарнинг қолган қисми матбуот юзини кўрмаган.

Маълумки, адабиётшунослиқда шоир ва ёзувчиларнинг қўлёмалари, янги асар учун тўплаётган маълумотлари, шунингдек, асарларидаги ишоратлар орқали уларнинг ижодий нияти, режа ва ғоялари ҳақида ҳам сўз юритилади. Масалан, Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарининг сўнггида Султон Ҳусайн тарихи ҳақида дoston ёзиш нияти борлигини баён этади. Шунингдек, улуғ шоирнинг кўп асрлик севги қиссаси – Юсуф ва Зулайхонинг оташин муҳаббати ҳамда ўзининг севгиси ҳақида ҳам ёзмақчи эканлигини билдиради. Улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг навбатдаги ижодий режаларидан бири “Амир Умархоннинг канизи”, “Намоз ўғри”, “Даҳшат” романларини ёзиш бўлганини мутахассислар қайд этишади.

Аслида, ҳар бир ижодкорда бундай ният бўлиши табиий. Шукур Холмирзаев ҳам айрим суҳбат ва мақолаларида келгусидаги режаларини баён этади. Масалан, адиб бир ўринда “Қирқ оғани” деган қирқта ҳикоя ўйлаб” қўйганини, бошқа жойда “Аросат даштидан 73 мактуб” туркумида ҳикоялар яратиш нияти борлигини билдиради. Шунингдек, ёзувчи Омон Мухторнинг эслашича, Шукур Холмирзаев икки мавзуда


– муҳаббат тўғрисида ва шоир Турди Фароғий ҳақида роман ҳам ёзмоқчи бўлган: “...дўстим, оғайним, истеъдодли адиб Шукур Холмирзаев кўпинча суҳбатларимизда ёзаётган асарлари сингари, ўйланган асарлар бобида ҳам гапирар эди. Жумладан, икки роман устида сўзлашганимизни эслайман. Биринчиси, мумтоз адабиётимиз вакилларида Турди – Фитрат таъбири билан айтганда, “ўзбекининг бу қизиқарли шоири” – ҳақида роман. Иккинчиси, муҳаббат ҳақида. Бировга ўхшамаган янги талқинда”. Аммо бу ниятлар кўнгул қатида орзулигича қолиб кетди.

Шукур Холмирзаевни яқиндан таниганлар унинг чўрткесар, бир сўзли, камгап, баъзида қайсар инсон бўлганини эслашади. Қизиғи шундаки, Шукур Холмирзаевнинг табиатидаги бундай сифатлар асарлари тақдирига ҳам таъсир этган. Мана битта мисол: адиб “Хаёл ва ҳаёт” деган янги роман ёзиб, Ёзувчилар уюшмасига олиб боради. Дарвоқе, унғача адабиётшунос олимлар ва адиблардан Иброҳим Ғафуров, Пирмат Шермуҳаммедов, Машраб Бобоев асарни мутолаа қилишиб, муаллифни қутлашади. Ўзига ишонган ва, табиийки, илк мухлисларнинг хайрихоҳликларидан янада руҳланган Шукур Холмирзаев янги романини Ёзувчилар уюшмасига муҳокама учун тақдим этади. Бироқ... “Кенгаш раиси Ҳаким Назир жуда қийналиб кетиб: “Шукур-жон, яхши-яхши. Аммо проблемаси йўқ. Ҳеч бўлмаса, асар марказига битта қишлоқ хўжалигига доир проблема қўшинг”, дейди. Бундай муносабатдан жаҳлланган Шукур Холмирзаев “романни Ёзувчилар боғидаги иморатнинг ортида – улкан чинор остида” куйдиради. Бир қараганда, ёзувчи бамисоли бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйгандай – аламини асаридан олгандай туюлади. Қолаверса, ижодкорлар ҳаётини ўрганган кишиларнинг қайд этишларича, турли сабаблар билан, аксар ҳолларда, ёзганидан кўнгли тўлмаган муаллифнинг ўз қўлёзмасидан воз кечиши ягона ҳодиса эмас. Аммо “Хаёл ва ҳаёт”нинг куйдирилиши – бошқа масала. Бунда ёзувчи ўзини тушунмаганликларидан ўқийди, игна билан қудуқ қазишдай машаққатли меҳнати қадрланмаганидан ҳам кўра, фикри йўққа чиққанидан эзилади. Ижодкор учун ёзиш ўзини англатиш воситаси эканини инобатга оладиган бўлсак, фикри, нияти, ғоя ва мақсади ифодаланган асарининг жўн, юзаки баҳоламини муаллиф учун ғоятда оғриқли экани аёнлашади.

Перулик ёзувчи Марио Варгас Льюса ижод моҳияти, ижодкорнинг адабий ва ҳаётий тутумлари ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: “Ҳақиқий бадиий истеъдод эгаси учун, аввало, Худо берган истеъдодни юзага чиқаришнинг ўзи олий мукофот, бошқа барча нарсалардан кўра ардоқлидир”. Айни мулоҳазаларни ҳеч бир муболағасиз Шукур Холмирзаевга нисбат бериш мумкин. Зотан, у ҳам ёзишдан лаззат олган, ижод машаққатларини ҳузур, дея қабул қилолган ёзувчи эди. Адибнинг асарлари ҳамон мутолаа қилинаётгани эса, ижодкор меҳнатларининг бесамар эмаслигидан далолат беради.



## Ёднома


**Абдусайд  
КЎЧИМОВ**

1951 йил туғилган.  
 “Тонг юлдузи”  
 газетасида,  
 “Шарқ юлдузи”  
 журналида,  
 Ўзбекистон  
 Ёзувчилар  
 уюшмасида,  
 Вазирлар  
 Маҳкамасида ва  
 Ўзбекистон Миллий  
 телерадио  
 компаниясида  
 фаолият олиб борган.  
 Ҳозирда “Хабар”  
 газетасининг  
 муҳаррири.  
 Ижодкорнинг  
 “Умид дарахтлари”,  
 “Баланд тоғлар”,  
 “Муҳаббат боғлари”,  
 “Халқа” номли  
 китоблари нашр  
 этилган.

## КАМТАРЛИКНИНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИСИ

Бадиа

1

Бу – ўтган асрнинг 70-йилларидаги гап:

Институтда (ҳозир Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети) Абдулла Орипов, Омон Матжон ва Маъруф Жалил билан ижодий учрашув ўтказиладиган бўлди. Машварат ташуббускори, “Чашма” деб аталувчи ёш адабиётчи-ижодкорлар тўғараги раҳбари Пирмат Шермухамедов эди.

– Абдуллажон билан Омонжонни ўзим опкеламан, – деди Пирмат ака. – Маъруф Жалилни “землаги”га топширамиз.

Мен Маъруф Жалилни кўрмаган, танимас эдим. Аммо, шеърларини суюб-суюб ўқиганларим ва ўзим яхши кўрадиган шундай талантли шоир билан танишишга кучли иштиёқим борлиги айна ҳақиқат. Чиқмай-чиқмай, ўша йили шоирнинг бир йўла икки китоби – “Мен сизни севардим” ва “Раҳмат, одамлар” нашр этилган бўлиб, бу китоблар қўлма-қўл бўлиб кетган эди талабалар орасида.

Сўраб-суриштириб, сира қийналмай Маъруф Жалил хизмат қилаётган нашриётни топдим. Шоирнинг ўзини кўриш янаям осон бўлди: узун бинонинг иккинчи қаватида чин “землягим”, ёнимиздаги Кенагас қишлоғидан чиққан шоир Эркин Неъматов учраб қолди.

– Излаётган шоирингиз ана, – деди Эркин ака нарироқда, тор айвонда папирос тутатиб турган одамни кўрсатиб. – Деворни суяб турибди, кўряпсизми?

Кўрдим, аниқроғи, зинапоялардан кўтарилган заҳоти кўзим тушган эди бу одамга, бироқ эътибор бермагандим. Нотанишлиги учунмас, аксинча, қандайдир, эътиборга арзимайдиган даражада одми кўринганидан... бўлса керак. Энди, серсолиб қарасам, елкаларини деворга тираб папирос тутатаётган ҳалиги киши ҳақиқатан ҳам суяниб эмас, деворни суяб тургандай кўринар экан.

Маъруф Жалил деган шоир шу одамлигини билганимдан сўнг, кечадан буён кўнглимни безовта қилиб юрган ташвишлар тумандай тарқалди. Қандай қабул қиларкин, “бормайман”, деса, нима қиламан қабилдаги гумонлар ўрнини ёқимли бир ёруғлик эгаллаётгандек туюлди.

Баайни эски танишлар мисоли эмин-эркин ёнига бордим. Салом бердим. Ўзимни таништирдим. У елкасини девордан айириб, қаддини ростлади, озғин қўллари билан қўлимни авайлаб сиққан кўйи, кўйиб юбормай:

– Сизни бир жойда кўргандайман-у... – деб хижолатли жилмайди. Шоирнинг шу лаҳзалардаги камтарин чехрасида

тил билан айтиб бўлмайдиган хушийманчаклик аксланиб турар эдики, унга қараб туриб: “ ғирт ўзимиздан экансиз-ку!” деб, юборишимга оз қолди. Тортиниб-нетиб ўтирмай мақсадга ўтдим.

– Ўҳ-ҳў! Давра жуда бошқача экан-ку! – деб юборди чинакамига ташвишланган оҳангда Маъруф ака. – Абдуллажонлар бўлса... Абдуллажонларнинг даврасида шеър айтиш қийин...

Индамай турсам, Маъруф ака айниб қоладиган.

– Студентлар сизнинг шеърларингизни яхши кўради, – дедим ҳадаҳа. – Кўпини ёд биламиз.

Маъруф Жалил илкис қаради. “Ростданми?” деган сўроқ унсиз жаранглаб кетгандек туюлди қарашларида.

Мен бир дақиқа иккиланмай шоирнинг “Чинорлар” деган шеърини айтиб юбордим:

*Кўз тегмасин деган каби  
Тақиб яшил туморлар.  
Пайшанбанинг ўртасида  
Турар мағрур чинорлар.*

Маъруф Жалилнинг чеҳрасига болаларча беғубор ва мўмин табассум югурди. Бу ювошлик гапираётганида янаям тиниқроқ жилваланар экан.

– Ярамас, ёмон шеърга ўхшамайди-я...

– Бизни Ургутда чинорлар кўп, – дедим суҳбат узилиб қолмасин деган ташвишда этанам чиқиб. – Лекин Пайшанбадаям чинор борлигини билмасаканман.

– Ургутданмисиз? Ургут – чинорнинг кони. Мингчинордаги чинор-мактабни кўриб қойил қолувдик. Мактаб ҳозирам борми?

– Бор-бор... – деб Ургутимизнинг чинорларини ошириб-тошириб мақтадим, аниқроғи мақтандим.

Шу зайл бирпас гаплашиб турдик. Маъруф аканинг гапираётганда жимжимадор сўзлардан қочиб, жайдари иборалардан фойдаланиши, кўпол-кўрс сўзларни қўшмаслиги менга дарров ёқиб қолди. Кўнглида гириди йўқ бу одамнинг камтар ва тортинчоқлигига ҳавасим келди. Хусусан, суҳбатдошига бўлган ҳурмат-эътибори, ёш демай ҳар сўзингни диққат билан, бўлмай, охиригача сабр билан эшитиши ва жозибали табассуми одамда айрича муҳаббат пайдо қиларкан. Сувратидан унча-мунчага таъсирланадиганга ўхшамаса-да, зеҳн солган киши, кўзлари ўткир, қулоқлари зийрак шоирнинг сийратида кучли ҳаяжон, сирли ғулувлар борлигини сезиши мукин эди. Хайр-лашаётганимизда:

– Албатта, бораман, – деб қатъий ваъда берди.

... Ва, айтилган кун, белгиланган вақтда етиб келди.

Ана, уч шоир ўқитувчию талабалар билан лиқ тўла ҳашаматли саройга кириб келяпти. Олдинда Абдулла Орипов – қадди хиёл эгилган, хотиржам, жиддий; ўртада Омон Матжон – ғоз-ғоз юришлар билан теварак-атрофга баланд-баланд назарлар ташлаган, мағрур; орқада Маъруф Жалил – узун бўйини яширишга уринаётган каби елкалари қисилган, қадамларини судраб-судраб, аввалгиларга эргашиб-эргашиб... “Худо юқтирган” шоирлар эди учови ҳам. Бир тоғнинг баланд-баланд чўққилари...

Ҳозиргидек кўз олдимда турибди: кечани домламит Пирмат Шермухамедов бошқариб борди. Абдулла Орипов “Ўзбекистон ватаним маним!” дея эмраниб, тўлиб-тошиб шеър ўқиганда худди бомба портлагандек сарой гулдурос қарсақларга кўмилиб кетди. Каттаю кичик жойидан турволиб қарсақ чалар, “Ўқинг!”, “Яна ўқинг!” деган ҳайқириқлар акс-садо бериб жарангларди.

Абдулла Орипов ҳаяжон ва ҳайрат оғушида ўткир нигоҳларини саройдагиларга тикиб яна ўқиди. Жуссаси ихчам эса-да, овози арслон наъраси каби шиддаткор эдики, уни минбардан тушириш анча қийин кечди – саройдагилар ҳали-бери қўйиб юборгилари келмасди.

Абдулла акага бетўхтов қарсақлар чалинаётганда, Маъруф ака нега: “Абдуллажонларнинг даврасида шеър айтиш қийин”, деб иккиланганини тушундим. Тушунганим сайин ичимда бир безовталиқми, қўрқувми ўсиб-каттариб бораверди. Қолаверса, саройдагилар шунчаки шеърият ишқибозлари эмас, жуда талабчан, адабиётни чуқур тушунадиган кишилар эди. Мен Маъруф аканинг шеърлари ҳамроҳлариникидан паст эмаслигини билардим, фақат шоир акамининг уялгандай ўтириши ташвишлантираётган эди.

Абдулла акадан кейин минбарни эгаллаган Омон Матжон ҳам олқишларга кўмилди. Унинг шеър оҳангига мос равишда учаётган қуш каби кўлларини ҳаволатиб, ҳар сатр эмас, ҳар битта ҳарфга алоҳида-алоҳида урғулар бериб шеър айтишларида поэзиядан узоқ дилларни ҳам ўзига маҳлиё қилиб кўядиган ғойибона сеҳрли қудрат гупуриб турар эди.

Ниҳоят, навбат Маъруф Жалилга етди. У бир-бир босиб минбар томон боряптию, менинг юрагим гупуриб кетяпти. Ана у: икки кўли билан минбарнинг икки “ёқаси”дан маҳкам ушлаган кўйи, худди бир нимани эсдан чиқарган одамдай каловланиб турибди. Саройда шивир-шивир, ғовур-ғувур бошланяпти. Шоир гоҳ пастда, гоҳ юқорида ўтирганларга қараб-қараб, бир муддат шу зайл турди, кейин нимадир дегандек бўлди. Аммо нима деганини ҳеч ким эшитмади.

– Маъруфжон, микрофонга, микрофонга гапиринг! – деб далда берди Пирмат ака.

Маъруф ака бошини энкайтириб, узун бармоқлари билан микрофонга икки-уч марта чертди – унолғидан ўқ отилгандек товушлар учди. Ниҳоят, ҳаяжонини босиб, ўзини кўлга олди шекилли, қаддини ростлаб, бошини тик кўтариб, сўзларни чала-чулпа ютмай, дона-дона қилиб шеър ўқиб юборди:

*Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,  
Айтолмадим юракдаги саволларимни.  
Аммо, топиб юлансин, деб кўйиб юбордим –  
Тоғ бургути каби ўжар хаёлларимни.*

Бояги безовталиқ, шивир-шивирлар пасайди, тинди. Муҳташам саройни қамраб бораётган сув куйгандек сокинлик ичида шоирнинг ўқтам овозидан бошқа сас-садо эшитилмай қолди:

*Ўзим жавоб беролсайдим,  
Бошимни эгиб,  
Шамол каби югурмасдим, кўним билмасдан,  
Шивирламас эдим ҳар бир дарахтга тегиб,  
Ҳатто тоғлар сўзлар эди сукут қилмасдан.*

Худо ҳаққи, яйраб кетдим: “Кўриб кўйинглар, аканг қарағайнинг “земляги”ни кўриб кўйинглар”, – дегандек ёнимдагиларга ғурурли қараб-қараб кўйганларим эсимда. Маъруф Жалил шеър айтаётганида, қайсидир домламининг: “Катта дарёлар сокин оқаётгандек кўринсада, тубида кўз илғамас шиддат гувиллаб ётган бўлади”, деганлари хаёлимдан кечгани ҳам эсимда. Қоп-қора сочлари силлиқ таралган, пешонаси кенг, ўйчан ва ғамлидай кўрингучи нигоҳлари айна чоғда тиниқ ва нурли порлаб турар, майин табассуми ўзига ярашган, зеҳн солиб тикилсанг, ниҳоятда тортинчоқ бу сирли иста-ра содда нигоҳлари билан ҳар кимни ўзига мафтун этадиган даражада иссиқ эди. Катта шоирлик ғурури, улкан юракнинг самимий тўлқинлари акс этарди унинг қиёфасида.

Шеър тугади. Бир жўшқинлик ловиллаб шоирнинг юзларига урилди, кўзлари ўткир-ўткир чақнаб кетди. Сарой эса қарсақлар, олқишларга кўмилиб кетган эди. “Ўқинг!”, “Яна ўқинг!” деган талаблар эшитиларди ҳамма томондан. Маъруф ака томоқ қириб олиб яна ўқий бошлади:

*Ўзбекистон! Менинг дунёда  
Ташвишингиз ўтган оним йўқ.  
Токи борсан сен Осиёда,  
Сендан бошқа қаҳрамоним йўқ.*

Кеча тугади. Шеърсуярлар шоирларни ўраб-қуршаб олдилар, Маъруф акаям бир қанча йигит-қизларга дастхатлар ёзиб берди. Мен шоир акамнинг хурсандлигини кўриб, ўзимда йўқ севинган ҳолда ундан олислашгим келмасди.

## 2

Буниси – анча кейинги гаплар:

Ёз куни эди. Болаларни етаклаб Кўкчага – қайнотамизникига бордик. Қайнотам, шоир Шамси Одил (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин! Отам сингари меҳрибон, қалби дарё инсон эди) ҳам Каттақўрғон тарафлардан бўлгани туфайлими, Маъруф Жалил

билан туғишганлар сингари қалин, қадрдон оға-ини эди. Бу дўстлик умрларининг охиригача узилмади. Улар тез-тез учрашиб туришар, эрталаб бошланган гурунг гоҳида кечгача давом этарди. Шеърлар ўқишар, бир-бирини тинглашар, баҳолашар эдилар. Сухбатлари чоғида Мамарасул Бобоевнинг номи тез-тез тилга олинаши ёдимда қолган. Маъруф ака, бу хонадонда ўзини эркин ҳис қилса ҳам, одатига хилоф равишда ҳадеб гапирмас, кўпроқ эшитиб ўтирарди. У Ёзувчилар уюшмасида кунда-кунаро ўтадиган мажлис-машваратларда ҳам камдан-кам баҳслашар, аммо тинглашга ўч, фақат фикр сўраб қолгудек бўлишгандагина ўз мулоҳазаларини шошилмай, лўнда-лўнда баён қиларди. Айрим кишиларга ўхшаб, керақдир-нокерақдир тортишмас, иккиланган мавзулар бўлса, аралашмасликни афзал кўрарди. Умуман, Маъруф Жалил ҳис-туйғуларини дастурхон қилмайдиган, изтиробларини ҳам, туғёнларини ҳам ичига ютишга ўрганган инсон эди. У гап-гаштакларда юришга қизиқмас, ўқир – ҳайратланарли даражада кўп китоб ўқир эди. Яна бир ҳавасли хислати – ҳеч қачон иғво қилмас, аксинча, ёқтирмайдиган кишиларига ҳам самимийлик билан ёндошарди.

Боши берк кўчага кираверишда кўрдикки, тор кўчадан лапанглаб қайнотамитиз Шамси Одил чиқиб келяптилар:

– Сизлар уйга кираберинглар, мен ғизиллаб бориб Маъруф акангизни айтиб келаман.

Мен таажжубландим: уй кийимда Тошкентнинг у чеккасига бориб келмоқчимми?

– Айтгандай, сизнинг хабарингиз йўқ, ўғлим. Маъруф акангизни шу ерга – орқа кўчага кўчириб опкелдик, – деб изоҳлади ҳайронлигимни сезган Шамси Одил.

– Ундай бўлса, мен айтиб кела қолай, – дедим суюниб. Қувончимнинг яна бир сабаби бор эди. Менинг ўша замондаги ишхонам болалар газети – ҳозирги “Тонг юлдузи” бўлиб, газетда шоир ва ёзувчиларнинг болалиги ҳақида туркум мақолалар бериллаётган эди. Маъруф Жалил ҳақида ёзиш менинг зиммамда бўлиб, шу кунларда уникага бормоқчи бўлиб юрган эдим.

Маъруф аканинг манзилини қайта сўраб, дажжам жўнадим. Шоир акамнинг янги макони икки кўча орқада, бурчакдаги кичкина хонадон экан. Бир тавақали пастак дарвоза қия очиқ эди. Тақиллатиб, товуш бермай кириб боравердим.

Маъруф ака кутилмаган меҳмонни кўрибоқ, (қўлида китоб) ҳаялламай жойидан кўзгалди. Кўришдик. Таширифим сабабини эшитиб:

– Ўтган куниям кунимиз Шамси аканикида ўтувди. Ноқулай эмасмикан?.. – деди хижолатли кулимсираб.

Мен бир нималар деган бўлдим. “Бир пас уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирамитиз”, деган бўлсам керак.

– Нима ўқияпсиз? – деб сўрадим ҳамон қўлида турган китобга ишора қилиб.

– “Сўғдиёна”. Қурмағур, Ёвдат Илёсов катта ёзувчи-да. Лекин, нимагадир, эътибордан четда, – деди (худди ўзлари барчанинг диққат марказида тургандай...) китобни дераза тоқчасига қўяётиб. – Шу, “Сўғдиёна”ни ўзбекчага ағдарсаммикан, деб юрибман. Лекин кучим етадим, йўқми...

Маъруф аканинг Шандор Петефи, Леся Украинка, Евгений Евтушенко, Андрей Дементьев сингари шоирларнинг шеърларидан қилган таржималарига кўзим тушган. Бироқ унда насрий асарлар таржимасига иштиёқ борлигини билмасдим.

– Қўлингиздан келади. Улуғларни таржима қилгансиз, – дедим. Афтидан, ўзимча унга далда бергим келган бўлса керак-да.

– Таржима майда, қийин иш. Ундан кўра ёзган осон, – деди у. Кейин: – Ўзингиз нималар қиляпсиз? – деб сўради.

Шу маҳал кўча эшигидан ўттиз ёшлардаги қорақалпоқафт бир аёл кириб келди.

Узун қизғимтир чит кўйлакли бу аёлнинг бир қўлида тўрхалта, иккинчисида газетага ўралган алланима бор эди.

– Чечангиз, – деб таништирган бўлди Маъруф ака. – Магазинга кетувди, нонга.

“Янги” чечам билан саломлашдик. “Янги” дейишимнинг сабаби, Маъруф ака “эски”си билан анча илгари ажрашганини эшитгандим. “Шоирга хотини кўп азоб берган, охири чидолмай чопонни елкага ташлабдию, уйдан чиқибди-кетибди”, қабилдаги миш-мишлар қулоғимга чалинган. Ҳа, энди ҳаёт-да. Ҳаётда нималар бўлмайди. Ундан кейин бировнинг рўзғори. Билмай туриб ҳар хил валдираш гуноҳ. “Ишқилиб, бу чечамиз билан бахтли яшасинлар”, дедим ичимда.

Илло, ўзидан ҳам кўра кўпроқ бошқаларни асрашни афзал билган, бошқалардаги ҳар бир ижобий фазилатларни ардоқлайдиган, баъзи бировлардек ҳеч қачон ўзини

кўз-кўз қилмайдиган, аксинча, мақтовлардан қочиб юрадиган бундай инсон ҳам ҳамма қатори бахтли яшашга ҳақли-ку, шундай эмасми?

Чечамиз шошилинч дастурхон ёзишга ҳозирланаётган эди, Маъруф ака:

– Хоним, овора бўманг, Шамси ака қақирибдилар. Келин аямиз каттақўрғонча зигир ёғли палов дамлаётган эканлар, – деб шаштидан қайтарди.

– Вой, янами? – деб юборди астойдил ҳайратланган оҳангда чечамиз. – Кечагина борувдик-ку! Мен уйда қола қолай. Одамга ноқулай.

– Шамси акани ҳали яхши билмайсиз, хоним. Бормасак, ёмон хафа бўладилар. Бўла қолинг.

Ҳаял ўтмай чечани олдимизга солиб, уйдан чиқдик. Муюлишда, шундай кўчанинг юзида уч-тўртта болакай копток тепишаётган экан.

– Болалик яхши-да, – деди уларга ҳавас билан қараб-қараб. – Ҳештимани ўйламайсан. Қорин билан ўйиндан бўлак ғаминг йўқ.

Шоир акамнинг бу сўзлари сал бўлмаса унутилаёзган ҳалиги режамни эсга туширди. Аммо, ҳозир мақсадимни очиқ айтсам: “йўқ, бизнинг нимамизни ёзасиз, машхур шоир-ёзувчилар кўп-ку”, дейиши аниқ. Шу боисдан тузуккина шаклланиб қолган журналистлик “маҳоратим”ни ишга солиб, олисроқдан кўнглига қўл узатдим:

– Ўзингиз ҳам майдалигингизда шунақа бўлгансиз-ку.

– Қаёқда. У замонда тўп нима қилсин. Бир тўғрам нон топишни айтинг. Қимматчилик, қаҳатчилик. Уруш, урушдан кейинги даврлар оғир эди. Кунжара еб, қорни шишиб кўчада ўлиб қолганлар қанча. Бизнинг оиладаги аҳвол ҳам жуда аянчли эди. Онам ёшлигимда вафот этган. Отам қамалган. Синглим икковимиз момомизнинг қўлида қолганмиз. Мол боқамиз, ўтин терамиз. Баҳор келаверса, момом суюниб: “Эрта-индин тут пишадди, энди марра бизники, уёғига ўлмаймиз... Тангрим раҳмдил”, дерди. Ҳақиқатдан ҳам баҳор келса, кунимиз туғарди, – дея давом этди енгил нафас олиб. – Момақалди роқ гумбирлар, чақмоқ чақар, биз бўлсак ёмғир тиниши билан дарёга яқин чакалакзорларга чопар, бутазорлардан, ариқ бўйларида кўзиқорин териб келардик. Момомиз қовурган кўзиқорин худди жигар кабоб сингари мазали бўларди. Яна кўкатала деган таом ҳам бўларди. Раҳматлик момомиз бу овқатни сут боғлаган бошоқларни териб, қайнатиб пиширарди...

Шу тахлит суҳбатлашиб кетдик.

Маъруф ака танишганимиздан буён биринчи марта кўнглини сал очиб, болалиги, ёшлиги ўтган қишлоғи, ота-онаси ҳақида гапирди.

– Қишлоғимиз атрофи тоғ билан ўралган. Деразани шундай очсанг, шимол томондан Оқтов, жануб томондан Қоратов кўриниб туради. Оқтов томондан Оқдарё, Қоратов томонда Қорадарё оқади. Икки дарё аслида мустақил дарё эмас, Зарафшон дарёсининг Самарқанд яқинида иккига бўлиниб оқувчи ирмоқлари. Бу ирмоқлар Хатирчида бирлашади. Шу икки дарё оралиғида оролга ўхшаш макон бўлиб, бу жой Миёнкол деб аталади. Мен туғилиб ўсган Пайшанба қишлоғи шу оролчада.

– Миёнкол тўғрисида ўқиганман, – дедим суҳбатга аралашгим келиб. – Ёқут Ҳамавийнинг “Мўъжам ал-булдон” китобида Дабусия қалъаси, Рагин, Искарон, Арбинжон каби бир неча қишлоқ ва шаҳарлар жойлашган сарҳад Миёнкол деб аталади, дейилган. Яна бир тарихий китобда, адашмасам, “Тарихи Хумоюн” асарида бўлса керак, Миёнкол худуди шимолдан Нурота, жанубий тарафдан Қарнаб тоғларига бориб туташади. Маъмурий маркази Кармана, дейилган.

– 8 – 9-асрларда Миёнкол катта вилоят бўлиб, таркибида саккизта ҳокимлик бўлган, – деди “билағон” лигимдан суюниб. – Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Боғчаикалон, Нурота, Гужумсарой, Комимиғ, Янгикўрғон... Миёнкол атамасининг ўзбекча маъноси ҳам икки сув оралиғи. Икки дарё орасидаги қишлоғимизда ҳар пайшанба куни катта бозор бўларди, олис-олислардан карвонлар келарди. Қишлоғимизда ўндан зиёд мачитдан ташқари, битта мадраса ҳам бор эди. Болалар шу ерда ўқиган, қобилиятлилари кейин-кейин Бухоро мадрасаларига борган. Мен бўлсам, – Маъруф ака шу ерда кулиб юборди. – Биласизми, мен 10 ёшимда мактабга борганман. Лекин қизиғи бу эмас. 15-16 ёшлилар билан бир синфда ўқиганман. Синфимизда уруш туфайли ўқишдан қолиб кетган 20 ёшли қизлар ҳам бор эди. Шу синфдош-қизларнинг кўплари 2-синфда эрга тегиб кетди.

Гап орасида отаси Эргаш Жалилов саводхон, ўқимишли одам бўлганини ҳам эслади.

– Отам эскича ўқиш, ёзишни яхши билардилар. Тошкентда иккита ўқишни битирганларини айтардилар. Қамоқдан қутилиб келганларидан кейин жамоат хўжалигида



ҳосилот бўлиб ишлаганлари ёдимда. Қотмадан келган, узун бўйли, жадидача мўйловли киши эдилар. Уйимизда Алишер Навоийнинг кўкиш рангли қалин муқовали девони бор эди. “Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Авазхон”, “Равшанхон”, “Ўзбек халқ эртаклари” китобларини отам ўқиб юрардилар. Менинг биринчи ўқиган китобим Навоийнинг ўша девони, дoston ва эртақлар эди. Отам негадир замонавий шоирлар китобларини хуш кўрмас, “маза-матраси йўқ”, дердилар.

– Шеър ёзишним Навоий бобомиздан ўрганган экансиз-да.

– Бошқа жиддий сабаб ҳам бор... – деб бир нафас индамай кетди. – Энамнинг қиёфасини эслолмайман, боя айтганимдай, жуда кичкиналимизда дунёдан ўтган. Қаҳатчилик авжига чиққан пайтларда синглим Роҳила икковимизга момомиз ҳам эна, ҳам ота бўлган. Синглим Роҳилани жуда яхши кўрардим. Уям ҳаддан ортиқ меҳрибон эди. Битта олмами, туршакми топса ярмини менга асраб кўярди. Синглим озгин, нимжон эди. Очарчилик унинг силласини қуритганди. Еттинчи синфда ўқиб юганимда синглим вафот этди. Уни қабрга қўйиб келгандан кейин хаёлимда бир гап айланаверди. Уйга кириб, сандалга ўтириб ёза бошладим:

*Сен ҳам мени ташлаб кетдингми...  
Кетдингми дунёдан бошингни олиб,  
Йўқчилик кулфатин ичинга солиб,  
Сен ҳам мени ташлаб кетдингми!*

Ёзарканман, томоғимга алам тиқилиб, кўзларимдан дув-дув ёш оқарди. Ёзганларимни момомга ўқиб бергандим, уям ув тортиб йиғлаб юборди. Момом ҳамма кўни-кўшниларига шеърни айтиб чиқибди. Шундан бошлаб гузаримизда “шоир” бўлиб қолдим. Ўша шеър сақланиб қолмаган. Афсус. Фақат бир тўртлиги юрагимда.

Шу воқеадан бир йил ўтиб, 8-синфдалигимда “Орзу” деган шеърим илк марта туман газетида босилиб чиқди. Лекин, мен учун биринчи ёзган шеърим синглим ҳақидагиси ҳисобланади. Шеър нима учун ёзилиши, дарди йўқ одамдан шоир ёки ёзувчи чиқмаслигини ўшанда ғира-шира англаганман.

Суҳбат асносида ёзилажак мақолам учун зарур бўлган қуйидаги маълумотларни ҳам билиб олдим:

Маъруф ака адабиётга қизиқиши ва ҳаваси сабаб, 1958 йили Тошкентга келади. Бирлашган нашриёт босмаҳонасида оддий ҳарф терувчи бўлиб иш бошлайди ва Тошкент Давлат университетининг филология факультети сиртки бўлимига ўқишга киради. Унгача, аскарликда бўлади, илм излаб Московгача пою пиёда боради, Норақ ГЭСида ишчи, бетончи бўлиб ишлайди. Босмаҳона “бўёқларини ҳидлаб обдан тўйгач”, ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасида корректор, адабий ходим, кейинроқ “Муштум”, “Шарқ юлдузи” журнали таҳририятларида муҳаррир бўлиб ишлайди. Ҳозир (ўша пайтда) Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир.

– Шеърлар машқ қилишни эрта бошлаган бўлсам ҳам китобларим жуда кеч чиқди, – деб афсус билан давом этди Маъруф ака. – Биринчи китобим 36 ёшимда чоп қилинди. Бунга айбдор ўзим: дангасалигим, ярамас инжиқлигим ... – деб жуда синиқ, жуда муңгли жилмайди.

Мен унга қараб: “Бундай деманг. Гап китобнинг эрта ёки кеч чиққанида эмас. Садриддин Айний сиздан ҳам кейин бошлаган. Сизнинг қишлоқироқ, дангал, худди Оқтов этакларидан шарқираб тушаётган ирмоқлар эпкин сингари тиниқ, оромбахш туйғуларга йўғрилган шеърларингизни севамиз!”, дегим келди. Аммо, шоир акамнинг ҳозирги ҳолатида бундай “ғамхўрлик” ноўриндек туюлди.

Маъруф ака манзилга етгунча бошқа гапирмади.

Кейин – яна кўп-кўп баҳорлар келиб кетганидан кейин, замона зайлини кўринг, Маъруф Жалил билан бир даргоҳда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида иш-лаб қолдик. Турли муносабатлар билан оз-оз эса-да, кўришиб, суҳбатлашиб турдик.

Маъруф Жалил билан бўлган сўнги суҳбат (минг афсус, у пайтда буни билмаган эканман) таниқли тележурналист ва адабиётшунос, раҳматлик Урол Ўтаевнинг ҳаракати билан бўлган...

– Шоирнинг аҳволи яхшимас, – деди Урол ака. – Тунов кун бирпас кўча айланайлик, десам, юришим қийин, деди. Бориб бир кўрайлик.

Бордик. Кўрдик. Кўнглим аллатовур бўлиб кетди.

Таг-туби билан қимтини-қисиниб яшовчи шоир янаям озган, янаям чўккан, янаям ғариб бир ҳолатда дераза остидаги эски каравотда осмонга қараб ётарди. Ҳаёти

осойишта кечмаган бу худров инсон умрининг охири кунларини ҳам ёлғизликда ўтказаётганидан эзилдик. (Ҳали юқорида айтганим – “янги чеча” миз билан ҳам ҳаёти бўлмаганди)

Сўнги йилларда Маъруф аканинг касалманд бўлиб қолгани, ишхонанинг ишлариниям уйда бажариши, ҳамроҳи, ҳамсуҳбати китоб, овунчоғи қоғоз-қалам ва ёзув-чизув эканини ҳамма биларди. Дўстлари, шогирдлари ҳол-аҳвол сўраб турардилар. Аввалроқ кўрганимизда тузук эди. Иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидамли одам дардмандлигини сездирмасликка, ҳамиша сабр қилиш, кутиш ва ичга ютишга, қийинчиликларни сиртига чиқармай яшашга интиларди. У ўзигагина мансуб бўлган ички интизомда кун ўтказарди – талаб қилиш, текинхўрлик, бақир-чақир, хиёнатлардан узоқ эди. Камтарликни сақлашдаги саботи шу қадар баланд эдики, баъзиларга бу ўз қадрини билмаслик – паст уриш бўлиб кўринарди, ҳатто.

Оғир бетоб бўлган пайтларида ҳам бировга сир бермаган одамнинг бугунги аҳволини кўрган киши ўйланмаслиги мумкин эмасди. Тилимга гап келмайди. Яхшиямки, Ўрол ака бор, қаерда нима дейишни, одамнинг кўнглига қандай тасалли беришни билади.

– Кўрган қизлар “Воҳ!” дейди-ю, ётишини кўринглар бу кишимни! – деб ҳазил-хузул билан беморни оутмоқчи, тушкун ўйлардан чалғитмоқчи бўлди. Аммо, Ўтаевнинг овозида ҳам ҳар доимги гулдураш йўқ эди. – Шу оқшом “Мен сув ичган дарёлар”ни яна бир марта ўқидим, – давом этди Ўтаев. – Оҳ-оҳ... Бундай халқона шеърлар мактаб дарсликларига киритилиши керак. Ёшларимиз ўқисин, завқлансин, она-юртимиз гўзалликларини дилдан ҳис этсин.

*Ўйнаб-ўйнаб хаёлларим қайтиб келади,  
Баъзан куруқ, гоҳ янги гап айтиб келади...*

– Бундай жозибали мисраларни фақат Маъруф Жалил айтиши мумкин. Тўғрими? – деб менга юзланди.

Мен Ўрол аканинг кечинмаларини англаб турардим. У қандай бўлмасин, шоир руҳини тетиклаштиргиси келар, лекин буни уддалаёлмаётганидан баттар хижил бўлаётган эди. Маъруф ака, умрида бировнинг дилини оғритмаган, қалби тоза Маъруф ака эса, бесасгина бизга қараб ётарди. Юзи ва лабларидаги сезилар-сезилмас табассуми орқали ҳаммасини тушуниб-билиб турганини, хузурланаётганини айтиб тургандек эди. Мен шу дақиқаларда, Иброҳим Ғафуровдай танқидчи: “Маъруф Жалилнинг шеърлари иссиқ қорға ўхшайди”, деб ижодига юксак баҳо берганида ҳам мақтовни тортинчоқлик билан қабул қилган, ҳатто, бундан хийла қийналган шоир акамни қанчалар яхши кўришимни янаям теранроқ ҳис этиб турардим. Яна шуниям фаҳмлаб турардимки, ҳаммавақт, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай даврада ўзгармайдиган бу одамга кексалик ва хасталик аста-секинлик билан ўз кучини кўрсатаётганди: унинг силласи қуриган, ҳаракатлари суст, пешонасидаги чуқур ажинлар қуюқлашиб, сийрак сочлари оқарган, фақат юзларида улуғсифат бир вазмин хотиржамлик аксланиб турарди.

Маъруф Жалил шеърларидаги ёрқинлик ҳам, одамларга меҳрибонлик ҳам, ўйчанлик ва оғирлик, собирлик ва оқиллик ҳам аслида шоирнинг табиатида бор. Унинг одамларга ҳамиша яхшиликлари исташи – бу унинг учун яшаш тарзи, ҳаёти, ҳаётнинг айнан ўзи эди. Унинг шеърлари ҳам ана шу софликдан, ватанга, халққа ҳадсиз садоқат ҳиссидан туғилган дурдоналар эди.

Маъруф ака фақирона кун кечирар, адабиётга ҳам катта-катта даъволар қилмай, бетаъма хизмат қиларди. Ёзганда ҳам кучаниб-чиранмай, худди уч оёқли мольбертига оппоқ қоғозни қўйволиб ям-яшил боғлар тасвирини чизаётган мусаввир сингари эмин-эркин ёзарди. Қиёс излаб қийналиб-зўриқмас, сўзлар, тасвирлар, нодир ифодалар табиий равишда, ўз-ўзидан қуйилиб келаверарди:

*Этаги пахтазор, орти боботог,  
Ёнида Зарафшон оқар эркалаб.  
Миёнкол қўйнида оддий бир қишлоқ  
Қуёш уйғотади ҳар кун эрталаб.*

Бўёқлар сатрлардан сатрларга ўтган сайин қуюқлашиб, тиниқлашар, шоир руҳий ҳолатларни кавлаб-кавлаштириб, соғинчли қатламларни топарди. Анвойи гулларнинг муаттар ҳиди-ю, баҳмал майсаларнинг сирли қўшиқларини тинглаш, роҳатланиш мум-

кин эди уларни ўқиган одам. Бир гиря тўлғаниб ётгандай бўларди шеърларининг ҳар сатрида:

*Боғ, дала, қирларга гул-лола сочиб,  
Баҳор одатиға қилганда амал,  
Шу ерни кўргандим кўзимни очиб,  
Шу ер олам эди менга мукаммал.*

Умуман, Маъруф Жалилнинг Ватан шаънини улуғловчи шеърлари бағоят таъсирчан ва сержило:

*Шайдо юрагимни мен қуёш қилиб,  
Ўлкам осмонига кўёлсам илиб.*

Ёки:

*Юрагимда Ватанимнинг севгиси бор,  
Йўқотмасман бу тенги йўқ бисотимни.*

Ёки:

*Шеърма-шеър бораман қалбимни очиб  
Сенга – Ўзбекистон – яшнаган макон.*

Шоир Ватан деганда энг аввало она қишлоғи Пайшанбани тушунади ва шу қишлоқнинг тупроқли кўчаларида чанга кўмилиб қолиб кетган болалигини кўмсаб яшайди. Аскарликда, денгиз қирғоқларида, ўрмонлар орасида юрганида ҳам она қишлоғи, чанг-тупроқли кўчалар ҳидини соғинади.

Ватан – бу ҳамиша роҳат фароғатда ялло қилиб юрадиган фаройиб бир маскан эмас, балки ота-боболар хоки туроби ётган муқаддас ва табарруқ қадамжо эканини уқтиради.

У шеърларида ҳаёт драмалари, фожеаларини шундай адолатли тарзда ифода-лайдики, оқибатда бундай шеърлар ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб туюлади, бедорлик ва уйғоқликка ундайди. Сатрларда эҳтиросларнинг гувлаб, тўлиб-тошиб келаётган шиддатли тўлқини лаҳзада беихтиёр сизни ҳам ўз оқимиға тортиб кўшиб кетади. Адолатсизликка, очкўзликка, маҳдудликка қарши бир исён кўзғайди ичингизда. Она юртга бўлган меҳрингизни оширади. Қисқаси, ватанпарварлик, жонфидолик, мардонаворлик Маъруф Жалилнинг ижодий, ахлоқий, инсоний программасидир, дейилса адолатли бўлади..

Мусаввир кўзларининг ўткирлиги ила тасвирланган “Қишлоғим” дейилмиш юқоридаги шеърни ўқиган ўқирман ҳам беғубор болалигини, бетакрор хотираларнинг рангин лаҳзаларини бошдан кечириш мумкин. Яна бир шеърда эса қишга ўхшамаган қишни ёдга солади:

*Шу ҳам қиш бўлдимиз? Қиш бўлса агар,  
Намойиш қилмасми касби корини?  
Беҳавас кўринар нега бу қадар,  
Ёки йўқотдимиз харидорини?*

Бундай мисралар шунчаки ҳавас учун эмас, илҳом жунбушга келган, ёзмасликнинг иложи бўлмай қолган дамлардагина дунёга келади. Бир қараган кишига тушкун, сархуш қиёфада кўринувчи Маъруф Жалил ҳам “ёзмасликнинг иложи бўлмагандагина ёзадиган”лар тоифасидан эди. У ҳамиша, ҳамма ерда – юрса ҳам, турса ҳам ишлаётган – шеър ёзаётган бўларди. Майда-чуйда, арзимасдай туюлган нарсалардан ҳам ибратли фикрлар топиб, салмоқли хулосалар чиқара оларди. Қанчалар илҳом билан ёзмасин, ўзига ўта талабчан бўлганидан сўзлар устида ишлашдан эринмас, чучмаллик, ўртачалиқдан қочарди, қайта ишлаш, таҳрир қилиш ва кўчиришдан чарчамасди. Шулар сабаб, Маъруф акани кўп ва тез ёзадиганлар қаторига кўшиб бўлмасди.

Ҳамма билан бирдай муносабатда, бир хил муомалада бўла оладиган сабрли, эътиборли ва ўта камтарин кишилар ижодкорлар орасида унча кўп эмас. Раҳматлик Миркарим Осимга ўхшаб кетар эди шундай фазилатлари билан Маъруф ака. Бир-биридан хокисор ва меҳнаткаш бу икки ижодкор том маънода камтарликнинг энг баланд чўққилари эдилар. Маъруф Жалил ҳам Миркарим Осим каби кам гап эса-да, кўнглига маъқул одам билан тез тил топишар, бир пасда суҳбатдошининг эътиборини

қозонар, у билан гурунглашган ҳар қандай одам роҳат қиларди. У суҳбатдошини ҳурмат қилиш баробарида, фикрларини ҳам ўта нозик сезги билан англаб оларди.

Яна бир ўзига хос фазилати бор эди Маъруф аканинг: ҳеч қачон бировни ёмонламамас, жуда бўлмай кетса – беозорлик билан “ярамас” деб қўярди, холос. “Худойим шу бандасига инсоф берсин”, дегани эди бу. Ҳамиша ҳамдардлик чечаклари яшнаб тургучи муносабатларида райҳонлар ҳид таратиб тургандек бўларди гўё – ёлғон, даб-даба, жимжима йўқ эди. Шеърый сатрлар бамисоли қафасдан қутулган қушчалар каби жўшиб отилиб чиқарди унинг қалбидан:

*Уйқумни атайлаб қочирганим йўқ,  
Эҳтиёж сезмадим чақирмоққа ҳам.  
Чунки ёзилмаган тилакларим кўп  
Кўнглим тинчимайди тўйиб ёзмасам.*

Шундай. Тўйиб-тўйиб ёзган, аммо ёзишга тўймай, бетоблигидаям кўнгли тинчимаётган безовта инсонга қараб туриб: “Сиз ўзини ёқиб-ёндириш ҳисобига тун қаърига нур таратаётган шамга ўхшайсиз. Шам мисоли ўзингизни эмас, бошқаларнинг қалбига нур сочишни ўйлайсиз”, дегим келди. Аммо, деёлмадим. Бунинг ўрнига:

– Маъруф ака, ҳали кўп ёзасиз, – дедим, холос.

– Қаёқда, энди ёзиш қийин... – деб ғарибона жилмайди. – Ялқовман, кўп нарсалар ўзимда қолиб кетадиганга ўхшайди. Энди ўзим билан у ёққа опкетаман, шекилли...

– Ундай деманг, ёзасиз, айтмаган биттаям сўзингиз қолмайди. Барисини ёзасиз, – деди Ўрол ака.

Маъруф ака чуқур хўрсинди. Кейин овози титраб:

– Бу дунёда яхшисиниям-ёмониниям кўрдим, – деб кўзларини шифтга қадаганча, худди айтмоқчи бўлган гапларини ўйлаб-пишитиб олаётгандек бир неча дақиқа индамай қолди. Сўнг, жамлаб бўлиди шекилли: – Ярамаслар жуда ярамас бўлади, – деди. Маъруф ака гапираётиб аста-аста кучга кириб бораверди: товуши босиқ, хотиржам ва қатъийлашди. – Қани энди Худойим имкон берса-ю, унақа ярамасларнинг ҳаммасини ўзим билан бирга нариги томонга олиб кетсам... – деб кўзлари билан беозор жилмайди. Кейин каравот қабтолига суяниб, оҳиста гавдасини ростлади. Оёқларини полга текизиб, кўкрагига ёстиқни босиб ўтирди-да: – Мунда кенг, – деб қулочини ёзиб Ўрол акани бағрига чорлади. Ўрол Ўтаев илдам бориб ачомлади. Кейин мен:

– Тушимга Шамси ака кирибди, – деди хафалигиниям, хурсандлигиниям билан бўлмайдиган паришонлик билан. – Олволи остидаги чорпоясиди гурунглашиб ўтирибмиз эмиш. Кўп худров одам эди, қадрига чилғий етмабмиз...

Шу сўзлар унинг ким ва қандай одам эканини айтиб турар, мени эса: “Бизлар-чи? Сизнинг қадрингизга етяпмизми?” деган ҳаққоний савол қийнамоқда эди.

Қаранг, бу камсуқум шоир бир-биридан гўзал қанча-қанча шеърлар, дostonлар ёзди. “Мен сизни севардим”, “Раҳмат, одамлар”, “Сени ўйлаб”, “Нотаниш йўллар”, “Кўшиқ иштиёқи”, “Мен сув ичган дарёлар”, “Паризодим”, “Дарёни излар шамол”, “Бахтимга сен борсан”, “Бунёдқор қалб”, “Орол мадад сўрайди” каби китоблар яратди. “Дарёни излар шамол” тўплами учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги йиллик мукофотига, Орол Ғожеаси ҳақидаги публицистик мақолалар туркуми учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мукофотига сазовор бўлди. Таниқли ва эл суйган шоирга айланди. Бироқ, эркалик, шон-шухрат кўргани йўқ. Даъво ҳам қилмади. Даъво қилиш у ёқда турсин, ҳатто хаёлига келтирган эмас. Адабиётшунослар, танқидчилар кўзидан панада қолганининг сабаби ҳам шундан бўлиши мумкин. Ҳурматли профессор Салоҳиддин Мамажонов бир мақоласида: “Адабий танқидчиликда ёзилмаган адолатсиз бир қоида бор: у кўпинча тўрт-беш машҳур номлар атрофида гир-гир айланаверади-ю, адабиёт ривожига ўз улушини кўшган “номашҳур”ларга қиё боқмайди... Адабий танқидчиларимиз ёнлаб ўлаётган шоирларимиздан бири Маъруф Жалилдир”, дея куюнгани ҳам бекорга эмас.

Қолаверса, Асқад Мухтор таъкидлаганидек: “Шеърни таҳлил қила бошласалар, ғашимга тегади. Баҳорги соф ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?”

Жуллас, адабий-танқидчиликка доир масалалар ўз йўлига, лекин биз – укалари, шо-гирдлари, қадрдонларининг ҳам Маъруф Жалил олдидаги қарзимиз оз эмас. Негадир бепарвомиз, лоқайдмиз, дилимиздагиларни тилимизга чиқармаймиз, эътибор бермай-миз. Бизлар ҳам “машҳурлар” атрофида гирду капалак бўламмиз-у, “номашҳурлар”дан

бир калима ширин сўзимизни қизғанамиз. Одамзотни тиригида эъзозлаш, ардоқлаш муҳимлигини афсуски, кўпинча кеч англаймиз. Ахир, нафақат Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Машраб Бобоев, Тилак Жўра, Сафар Барно, Рауф Толиб, Анвар Эшонов каби ижодкорларнинг адабиётга қўшган ҳиссаси қайси дарёзабон шоирдан кам?

Ўрол ака: “Чарчатиб қўймадикми...” деган маънода менга қия қаради.

Хайр-хўшлашиб, кўчага чиқдик. Ўрол ака тирсагимдан оҳиста ушлаб, паст ва ғамгин товушда Маъруф Жалилнинг бир шеърини ўқиди:

*Ваъда берган бўлса-ю,  
Аммо сенга учрашолмаса,  
Ўзга учун жанг қилиб,  
Ўзи учун қурашолмаса...  
Кимларгадир бахт бериб,  
Ўзи бахтсиз ўтса дунёдан.  
Бадном қилма билмасдан,  
Далилларни олиб ҳаводан.*

– Ўзи ҳақида, – деди ўқиб бўлганидан кейин.

Кейин хаёлларга ботиб индамай кетдик. Шоирнинг эзгин қиёфаси кўз олдимдан кетмасди, ичимдан бир нима узилиб кетаётгандек туюлаверди. Шу суҳбатдан кейин орадан кўп ўтмай бу ёруғ жаҳон билан мангу хайрлашган Маъруф Жалилнинг тобутини ўзи туғилган она қишлоғига олиб кетдилар... Бу воқеа 2004 йилда бўлган эди.

... Ўша – охири учрашувда Маъруф аканинг “ярамаслар” ҳақидаги сўзлари қулоғимга қаттиқ ўрнашиб қолган экан. Қуйидаги шеър шу сўз сабаб бўлиб ёзилди:

#### ЯРАМАСЛАР

*(Маъруф Жалилнинг сўнги сўзи)*

*Ҳаётда бировга бермадим озор,  
Ҳаётда бировнинг йўлини кесмадим.  
Балки шунинг учун қадру эътибор,  
Тополмай яшадим, униб-ўсмадим.  
Бировни қўллашга етмади кучим,  
Дўстлар журъатига қилдим ҳаваслар,  
Аммо изларимдан маломат-пичинг  
Тошини отдилар кўп ярамаслар.  
Доимо тисланиб, айланиб қочдим,  
Улар-чи, соядек чопди изимдан.  
Кимга меҳрим сочдим – кучоғим очдим,  
Жолалар оқизиб кетди кўзимдан.  
Қисматим шул экан,  
Танғрим, нетайин,  
Эзиб-янчолмадим нокас – касларни.  
Энди менга беринг, олиб кетайин  
Дунёдаги барча ярамасларни.*

Одамзот пайдо бўлганидан буён ҳали бирон киши бу ёруғ оламдаги яхши-ёмон одамларни ўзи билан нариги дунёга олиб кетган эмас. Мазкур юмуш Маъруф Жалилнинг ҳам қўлидан келмас эди, албатта. Ёзилмаган қанча-қанча шеър-у дostonларни ўзи билан олиб кетгани эса айна ҳақиқатдир.

Маъруф Жалил қолдирган бойликлар ичида “Камтаринлик” дейилмиш яна бир хазина ҳам борки, бу хазина ҳали кўп дилларни мафтун этади, ҳайратга солади, одоб мактаби вазифасини ўтайди. Фақат бу мактаб сабоқларини ўзлаштириш, талабларига риоя қилиш осонмас. Илло, бундай яшашга ҳар ким ҳам қаноат қилмаслиги, чидаами, сабри-бардоши етмаслиги мумкин...

2012 йил, март.

## Гулқайчи


**Ҳайдар  
МУҲАММАД**

*1936 йил туғилган.  
Тошкент Давлат  
педагогика  
университетида  
таҳсил олган. Кўп  
йиллар  
Ўзбекистон Миллий  
телерадио-  
компаниясида  
фаолият олиб  
борган. Ўзбекистон  
Давлат санъат  
институтининг  
катта ўқитувчиси.  
“Хотинимнинг  
уруғидан ўрғилай”,  
“Сойиб Хўжаев  
ҳангомалари”,  
“Саҳна ортидаги  
ҳангомалар” каби  
ҳажвий китоблар ва  
ўнга яқин шеъррий,  
драматик асарлар  
тўпламлари  
муаллифи.*

# ТАБАССУМ ШОШИЙ

ҳангомаларидан

## ИККИ ҚЎЛИ КЎКСИДА

Бўрини икки оёғи боқади дегандек, Холпарангни икки қўли боқади. У тинмай меҳнат қилса керак, дерсиз. Йўқ, янглишдингиз, унинг икки қўли ҳамиша кўксиди. Масалан, икки қўлида икки жомадон кўтариб келаётган бўлсаю, мабодо хўжайини машинада ўтиб қолса, икки жомадонни “тақ” этиб ерга қўядию, машинанинг қораси ўчгунича икки қўли кўксиди таъзимда эгилиб туради. Нега деганда, машинанинг орқани кўрсатадиган кўзгусида хўжайини уни кузатиб кетиши мумкин-да! Айниқса, мажлисларда жони киради. Хўжайини икки оғиз сўз очса бўлди: икки қўли қаваргунча қарсак чалади. Биринчи бошлаб, охири тугатади. Хўжайини ҳатто радиода гапирса ҳам у ўрнидан туриб қарсак чалиб юборади. Ўтирганлардан битта-яримта: “Сиз радиода гапирганингизда Холпаранг ўрнидан туриб чапак чалди”, деб етказишидан умид қилади. У ёпиқ сайлов усулини ниҳоятда ёмон кўради, чунки унинг овоз бераётганини ҳеч ким кўрмайди-да. Очиқ овоз беришда яйрайди: хўжайин кўрадиган жойга ўтириб олиб, икки қўлиниям баравар кўтаради. Биров нега икки қўлингни кўтарасан деса, мен хўжайинга асирман, деган ҳазил ҳам топиб қўйган. Ва ниҳоят, меҳнатлари зое кетмади. Уни хўжайини яқинда бўлим бошлиғи қилиб кўтарди. Холпаранг ҳозир икки қўли билан меҳнат қиладиганларни машинасининг орқани кўрсатадиган кўзгусидан кузатиб юрибди. Баъзан таъзимкор ёшлар ўсмаётганлигидан нолиб қўяди.

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАРКАН...

Табассум Шоший шоирлик қилиб жуда кўп шеърлар, дostonлар ёзибди, лекин биронта нашриёт китобларини чиқармабди. Шунда Шоший: битта ҳам ўқувчим йўқ. Яхшиси, ҳамма шеърларимни хотинимга ёдлатаман, афсу-

ски, хотиним ҳам бекорга ёдламайди. Хотиним кийим-бошга ишқибоз, битта шеъримни ёдласа рўмол олиб бераман, ўнта шеъримни ёдласа кўйлак олиб бераман, достонимни ёдласа жемпер олиб бераман, шеърини драмамни ёдласа пальто олиб бераман, дея ўзича режа тузибди. Қаранги, хотини дарҳол кўнибди. Ва орадан уч ой ўтар-ўтмас эрининг бутун ижодини ёд олиб, боз устига кийимлари ҳам башанг бўлиб кетибди.

Кунлардан бир куни Табассум Шоший катта нашриётга директор бўлиб қолибди. Энди ўзимнинг китобларимни бемалол чиқараман деб, хурсанд бўлиб, ҳовлиқиб ижодхонасини қараса, қўлёмалари йўқ эмиш. Кейин билса шўх ўғли уйда ҳеч ким йўғида дадасининг шеърларини гулханда ёқворган экан. Буниям йўли топилибди: хотинига яна ҳар бир шеърига кийим олиб бериб хотирасидагини магнитофонга ёздириб олиб, китоб қилиб чиқарибди. Китоби талаш бўлиб, бойиб кетибди. Бойигач, орзу-ҳаваси ҳам кўпайибди-да, китобини чет элларда чиқармоқчи бўпти. Китобни чегарадан ўтказишмабди. Шунда ўтказмас-ўтказмасин, хотинимни чет элга олиб кетаман деб, олиб кетибди. У ерда ҳам хотинига кийим-бош олиб бериб, хотинининг хотирасидан компьютерга кўчиртириб, кўп тилларда таржима қилдирибди.

Қисқаси, бизнинг Табассум Шоший жуфти ҳалоли шарофатидан машҳури жаҳон бўлиб кетибди. Ҳа, бу ҳаётда нималар бўлмайдди дейсиз.

### ТАБАССУМ ШОШИЙ ЎЗИГА ҚАТТИҚЎЛ

Табассум Шоший иккинчи марта уйланибди. Икки-уч кундан кейин хотинини ишхонасига машинада олиб бориб қўйибди. Хотини:

– Вой, сизни овора қилдим, – дебди.

– Ҳечқиси йўқ, сенга хизмат қилганим, ўзимга хизмат қилганим бўлади, – дебди Табассум Шоший хотинини хижолатда қолдирмаслик учун. Шундай қилиб уч-тўрт кун хотинини ишхонасига обориб-опкелиб юрибди-да, кейин бу ишни йиғиштирибди.

– Эржон, машинангизда ишхонамга обориб қўйинг! – дебди эрининг меҳрибонлигига ўрганиб қолган хотини.

– Ўзинг кетавер, ишим бор, – дебди эри.

– Вой, эржон, яқинда ўзингиз айтган эдингиз, “Сенга хизмат қилганим ўзимга хизмат қилганим” деб, энди ўзингизга хизмат қилгингиз келмай қолдим, – дебди ўзининг гапини ўзига ёпиштириб. Табассум Шоший бўш келимабди.

– Мен сенга биринчи учрашган кечамиз айтган эдим: “Ўзимга нисбатан қаттиққўлман” деб. Шунинг учун ўзимга хизмат қилмай қўйдим, – дебди ҳозиржавоблик билан.

### КЕЛИН ҲАЙИТИГА БИТТА ТОҒОРА ҲАМ ЕТАР ЭКАН

Табассум Шошийнинг янги узатган қизининг ҳайитига атиги тўртта тоғора келди. Бу камида қирқ-элликта тоғора кутган қайнонани шарақлатиб қайнатиб юборди.

– Вой-бў, отанг – кимсан Табассум Шоший бўлса ҳам зиқна, ҳиммати йўқ, қуруқ одам экан-ку! Атиги тўрттагина тоғорани ликиллатиб юборибди уялмасдан. Шунақа дарди – касали бор экан, менга айтмайдими, мен “бў” дейман, деп. Мен ўзим тўлдириб ташлардим. Ҳайитга бир кун қолди-я. Мени эл-юрт олдида шарманда қилдиларинг. Ҳей, ўғлим уч талоқ қўймаса ҳам, мен ўзим талоқ қўйдим. Жўна, кучала еган жойингга бориб тириш. Йўқол кўзимдан! – деди у келинига этинг-бе-

тинг демасдан.

– Ойижон, мен сиз билан никоҳдан ўтмаганман шекилли, – деди келин оҳиста пичинг қилиб.

– Тилинг қирқилсин, – деди қайнона баттар қайнаб.

– Қарғаманг, ойижон, мен каттароғини айтишим мумкин, – деди келин менинг совунимга кир ювмабсиз деган оҳангда.

– Каттароғи нима экан? Айт, ичингда сасиб қолмасин!

– Айтайми?

– Айт!

– Айтмай қўяқолай, инфаркт қип қўйишим мумкин.

Бу гап бир канистр бензин сепгандай жанжал алангасини гуриллатиб юборди. Қайнона шартта трубкани олиб, Табассум Шошийга телефон қилди:

– Вой дод! Қутқаринглар, бу офат-касофатдан! Ҳозир қизингизни кўч-кўрони билан олиб кетинг, бўлмаса, ярим соатда ўлигини олиб кетасиз!

– Бўпти, қизимиз керак бўлмаса, олиб кетамиз, оёғингизнинг тагига хор қилиб ташлаб қўйган қизимиз йўқ! Лекин, аввал ҳамма тоғораларни очиб кўрдингизми?

– Йўқ, учтасини очиб кўрдим. Биттасида бўғирсоқ, биттасида қатлама, учинчисида ярмигаям тўлмаган норин, қазисиям йўқ. Тўртинчиси нима бўларди: варақими, бирон бемаза овқатми... Яхшиси, ўзингиз келинг, ўз кўзингиз билан кўриб кетинг!

– Хўп бўлади, ҳозир етиб бораман!

Орадан беш дақиқа ўтмай Табассум Шоший етиб келди. Қиз отаси эшиқдан кириши билан бўйнига осилиб йиғлаб берди.

– Адажон, мени тез бу ялмоғиздан қутқаринг, бўлмаса ўлиб қоламан!

– Қизим, кетишга шошилма, булар ҳаммаси яхши одамлар, қараб тур, бир-пасда яхши одамлар бўлиб қолишади, дебди-да, қудасига: “Қуда, яқинроқ келинг, тўртинчи тоғорадаги нарсаларни ҳам бир кўринг, мана бир пачка кўкидан, мана буниси “Нексия”нинг калити. Бу эса куёвим номига ёзилган техпаспорт. Энди, қизимни олиб кетаверайми?”

Қайнонанинг юзига бирдан табассум югурибди, бир бойлам пулни олиб, бармоғида пулларни пириллатиб кўрди. Техпаспортни кўзига яқин олиб келиб, ўқиб кўрди. Ва пластинканинг ҳақорат томони ағдарилиб, мақтов томони ишлаб кетди. Қайнона:

– Шоший қудамнинг мардлигини билардим. Таги кўрган зотлардан. Келиним ҳам пошшахон келин, дунёда биттагина! Маҳалла оқсоқолидан ҳам ўргилай, келин тоғораларни қисқартиргани яхши бўпти-да. Исрофгарчиликнинг олди олинган-да! Аслида келин ҳайитига атиги битта тоғораям етиб ортади, мана бу ақл!

Табассум Шоший:

– Қизимни олиб кетайми? Ёки тоғораними?

– Вой, ақлли қудам, иккалови ҳам қолаверсин! Ўзингиз бир коса мастава ичиб кетинг!

